**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

# «АГРАР ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ»

**мавзусидаги илмий-амалий конференция
2013 йил 8 ноябрь маърузалари тўплами**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**УДК: 631.15**

Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари. **Тошкент. ЎзБИИТИ, 2014. – 251 б.**

Ушбу тўплам аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда аграр соҳада агротехнологияларни жорий этиш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва имкониятларини аниқлаш, бу борадаги муаммолар ва уларнинг илмий-амалий ечимларини ўзида мужассам этган илмий мақолалардан ташкил топган.

Улар 2013 йил 8 ноябрда бўлиб ўтган "Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги илмий-амалий конференция маърузалари асосида тайёрланган.

Тўпламда аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатлари, соҳада инновацион-тадқиқот ишларини молиялаштириш ва амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкорлигига асосланган агротехнологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда инновацион ғоялар ва замонавий агротехнологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари, наслчилик ишлари ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш, аграр иқтисодиёт инновацион ривожланишини таъминлашда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тараққий этган давлатларда аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва соҳада замонавий агротехнологияларни амалиётга жорий этиш бўйича тажрибаларини ўрганиш каби масалалар қамраб олинган.

Тўплам Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланган ва чоп этишга тавсия қилинган (2013 йил 11 декабрдаги 8-сонли баённома).

Тўпламни нашрга тайёрловчи
таҳрир ҳайъати таркиби:

***Ҳайъат раиси:*** А.Қосимов – и.ф.н., к.и.х.
***Ҳайъат* аъзолари:**
Н.Хушматов – и.ф.д., профессор
Қ.Чориев – и.ф.д., профессор
Ф.Назарова – и.ф.д., профессор
Т.Фармонов – и.ф.д., профессор
Б.Султанов – и.ф.н., доцент
А.Мухторов - и.ф.н., к.и.х
Э.Газиянц – и.ф.н., к.и.х
И.Э.Рафиқов – и.ф.н., к.и.х
И.Холмирзаев – и.ф.н., к.и.х
А.Рахимов – и.ф.н.
А.Юлдашев – и.ф.н.
О.Дилмуродов – и.ф.н.
Н.Асқаров – и.ф.н.
С.Юлдашев – и.ф.н.
Т.Файзуллаева – и.ф.н., доцент
Ш.Абдулазизов – к.и.х.
Ў.Худайбердиев – к.и.х.

**© ЎзБИИТИ, 2014**

**М.Ч. ҚОСИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, мажмуа раҳбарининг ўринбосари, и.ф.н.

## КИРИШ СЎЗИ

**Ассалому алайкум ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Барчамизга маълумки, бугунги кунда республика аграр иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Аграр соҳани модернизациялаш ва диверсификациялаш учун эса, унинг тармоқларида инновацион фаолликни жадаллаштириш, замонавий агротехнологияларни изчиллик билан жорий этиш асосида самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмаларни жорий этишда бир қатор масалалар етарли ҳал этилмаганлиги, жумладан, ушбу муаммонинг назарий жиҳатларини янада аниқлаштириш, бу борадаги меъёрий ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, мазкур жараёнда иштирок этувчи субъектларни рағбатлантириш ва молиялаштириш механизми ишлаб чиқиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларнинг илмий ва амалий ечимларини топиш зарурлиги бугунги анжуман мавзуси нақадар долзарб эканлигидан далолат беради.

Шу боисдан, бозор муносабатлари шароитида аграр иқтисодчи олимлар, амалиётчилар ва мутухассислари олдида қуйидаги йўналишларда муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди:

– қишлоқ хўжалигида аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини оширишнинг назарий ва илмий-амалий муаммолари ва уларни ҳал этиш;

– аграр соҳада инновацион-тадқиқот ишларини молиялаштириш ва амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

– аграр соҳада ресурс тежамкорлигига асосланган агротехнологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда инновацион ғоялар ва замонавий агротехнологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш йўллари;

– аграр тармоқ иқтисодиётининг инновацион ривожланишини таъминлашда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва бошқалар.

Шуларни ҳисобга олиб, аграр иқтисодиёт тармоқларида инновацион ривожланиш жараёнини ва илғор агротехнологияларни жорий этишнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш асосида уни янада ривожлантириш йўналишлари ва имкониятларини муҳокама қилиш, республика аграр тармоғи иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, аграр соҳада агротехнологияларни жорий этиш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараёнларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур илмий-амалий конференциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мазкур конференцияда иштирок этаётган аграр иқтисодиёт соҳаси олимлари, ҳукумат идоралари вакиллари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва халқаро экспертлар асосий эътиборларни аграр иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини оширишнинг юқорида айтиб ўтилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларига қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Анжуман якунида аграр иқтисодиёт тармоқларида инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини оширишнинг ҳар бир йўналишдаги муаммони ҳал этиш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли ҳукумат идоралари ва ташкилотларига тақдим этилади, деган умиддаман.

"Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари"га бағишланган бугунги илмий-амалий конференцияни очиқ деб эълон қилишга рухсат бергайсизлар.

Сўзимнинг якунида конференция ишига муваффиқият, унинг иштирокчиларига эса мустаҳкам соғлиқ тилайман.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

**Н.С.ХУШМАТОВ,**
Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.д., профессор

## Аграр ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини таъминлашда инновацион ғоялар аҳамияти ва агротехнологиялардан фойдаланишдаги иқтисодий масалалар

Маълумки, республикамиз аграр тармоғида олиб борилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигида ернинг ҳақиқий эгасини топиши, ер-сув муносабатларини такомиллаштириб бориб, ер-сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини фермер хўжаликларига узоқ муддатга ижарага беришни қонун билан белгилаб қўйилиши, фермерларнинг мулкдор сифатида қарор топишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда аграр иқтисодий ислоҳотлар йўналишига мос равишда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар йўналишлари ва мазмуни тубдан ўзгариб бормоқда. Республикада аграр илм-фанини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқий асослар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар илмий-тадқиқот дастурларини танлаш, уларни экспертизадан ўтказиш, молиялаштириш ва тугалланган илмий ечимларни амалиётга жорий қилиш бўйича қатор муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олди. Илмий-тадқиқот дастурларини молиялаштиришни танлов орқали амалга ошириш услубияти жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлиги, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг эркин бозор шароитидаги ривожланиши уларнинг бугунги кунда ва келажакда аграр илм-фани ютуқлари, илғор тажрибаларга таяниб фаолият олиб боришига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Аграр тармоқдаги инновация жараёни илм-фан ютуқлари асосида яратилган, сифат жиҳатидан янги маҳсулотларни, иқтисодий механизмлар, аниқ ташкилий, техник ёки технологик ғояларни бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланишгача етказиш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

Республика аграр тармоғида юз бераётган иқтисодий ўсиш асосан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар етиштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига юз бермоқда. Бироқ тармоқда илмий сиғимли аграр технологияга асосланган йўналишлардаги инновацион жараённи ривожлантириш талаб даражасида эмас.

Бунга тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инновациялар самарадорлигини ошириш йўллари, инновацион ҳавф ва хатарларни, инновацион салоҳиятнинг мавжуд шароитларга мослигини баҳолаш, тармоқда инновацион таваккалчиликни бошқариш борасидаги иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий асослар етишмаслиги салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи кўп сонли деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти шароитида аграр инновация бозори шаклланиши ва фаолияти хусусиятлари, йўналишлари тўғрисида аниқ маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш, олинган хулосалардан фойдаланиш борасидаги билимлар етишмаслиги шароитида, илмий ишланмаларни инновацион лойиҳа сифатида амалга оширишга уриниш юз бермоқда. Бу эса инновацион ғояларнинг иқтисодий, техник ва технологик, экологик самарадорлиги пасайишига олиб келади.

Бизнингча, аграр тармоқда инновацион ғоялар бозори энг аввало, мамлакатдаги “инновацион муҳитнинг” шаклланиш даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади.

***Бу нима дегани?***

Бозор шароитида инновацион ғоялар товар ҳисобланади ва у талаб мавжуд бўлган ҳолдагина сотилади. Инновацион ғоя муаллифи нафақат ўз лойиҳасини фойда билан сотишдан, балки ушбу лойиҳа натижасидан кейинчалик ҳам даромад олишдан манфаатдор

бўлади. Демак, инновацион ғоянинг аниқ эгаси (муаллифлик ҳуқуқига эга шахс) бўлиши лозим. Бундай тизим ҳар доим ҳам мавжуд эмас.

Мавжуд қонунларимиз республика доирасида инновацион ғояларни интеллектуал мулк объекти сифатида рўйхатга олиш имконини беради ва улардан фойдаланишда муаллиф ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ҳисобига яхшигина даромад олаётган олим ва мутахассислар анчагина. Лекин, шу билан бирга баъзан мазкур муаллифлик ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунлар мавжуд бўласа-да, уни амалга ошириш механизмлари, ёки инновацион ғоялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари етишмайди ёхуд самарадорликни аниқлаш имкони йўқ. ***Бу масаланинг бир томони.***

Масаланинг бошқа томони шундаки, аграр тармоқдаги инновацион ғояларни сотувчилар асосан турли илмий муассасалар, илмий марказлар, олий таълим муассасалари, алоҳида олимлар, ихтирочилар бўлишса, инновацион ғоя талабгорлари асосан қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқлар ҳисобланишади. Демак, инновацион ғояларга талаб шаклланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи молиявий аҳволига, хўжалик юритувчи субъектлар мулкий ҳуқуқлари кафолатига бориб тақалади.

Маълумки, ривожланган давлатларда хусусий компаниялар замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган, малакали олимлар билан таъминлаган илмий-тадқиқот бўлинмасига эга. Инновация жараёни тижорат билан боғлиқ ҳолда ривож топади. Олинган натижалар рақиблардан сир сақланади ва шу асосда маҳсулот етиштирувчи субъектнинг узоқ муддатли рақобатбардошлиги таъмин этилади. Бу бозорнинг талаби.

Мисол сифатида сабзавот маҳсулотларининг сифатли ва кўп ҳосил берувчи гибрид уруғларини етиштирувчи хорижий фирмаларни келтириш мумкин. Ҳар бир донаси яхшигина пул эвазига сотиб олинадиган бундай уруғлардан республикада ёпиқ майдонларда сабзавот етиштиришда кенг фойдаланилади.

***Бундан қисқача хулоса шундай*** – инновация ғоясини сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги корхонаси мулкий ҳуқуқ кафолатига эга бўлиши керак. Яъни, фермер ўз мулкига ёки ерга ижара муддати давомида тўлиқ эга бўлиш кафолатини олган тақдирда инновациянинг ҳақиқий харидори бўлиши мумкин.

Республикада фермерлар мулкдорлар сифатида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлишмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига аралашувини камайтира бориши билан бевосита боғлиқ ҳолда юз бермоқда.

Фермер тадбиркор сифатида инновацион ғояларнинг ҳақиқий харидорига айланиши учун унинг биринчи навбатда иқтисодий эркинлиги кенгайиб бориши лозим. Бу асосан:

– деҳқоннинг ишлаб чиқариш воситаларига, етиштирилган маҳсулот ва яратилган фойдага тўлиқ эгалик имкониятини кенгайтириб боришга;

– экинлар таркибини белгилаш ва агротехник тадбирларни амалга оширишдаги эркинлик даражасини ортиб боришига;

– маҳсулот сотиш каналини танлаш ва баҳо белгилаш борасидаги эркинлиги;

– рақобат муҳитидаги ресурслар бозоридан эркин маҳсулот сотиб олиш имкониятини яратишга;

– рақобат муҳитидаги хизматлар бозоридан сифати ва баҳоси жиҳатидан мақбул хизмат харид қилиш имкониятини кенгайтиришга;

– рақобат муҳитидаги қайта ишловчиларга маҳсулот сотиш имкониятини яратиш тадбирларини амалга оширишга;

– ўсиб борувчи бозор талабини қондиришга қодир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замонавий техникалар, экинларнинг янги навлари, агротехнологик янгиликларни жорий қилишга асосланиши лозим.

Юқоридаги ҳолатлар бозор муносабатлари ривожланишининг дастлабки пайтларида қишлоқ хўжалигида инновацияни ривожлантиришга ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Республика ҳудудлари қишлоқ хўжалиги соҳаси табиий-иқлим шароити, агроресурслар билан таъминот даражаси, интеллектуал салоҳият ва тажрибалар бўйича бир-биридан фарқланади. Бу эса алоҳида маҳсулотлар билан бозорларда турлича рақобатбардошлик пайдо қилади. Шу боис инновация жараёнини ривожлантиришда ҳудудларни алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда "*давлатнинг бош ислоҳотчи*"лик мавқеидан фойдаланган ҳолда ёндашиш лозим. Бунда:

***биринчи гуруҳга***: ер-сув ресурслари билан яхши таъминланган, қишлоқ хўжалигига қўшимча инвестиция (инновация) киритиш имкониятига эга, етарли миқдордаги бозор, ишлаб чиқариш ва илм-фан инфратузилмалари етарли миқдорда бўлган ҳудудлар;

***иккинчи гуруҳга***: табиий-иқлим шароити билан қишлоқ хўжалиги соҳасида бошқа ҳудудларга нисбатан монопол устунликка эга (масалан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили 15-20 кун эртароқ пишиб етилиши ҳисобига нисбатан кўпроқ даромад, вегетация даври узунлиги туфайли икки марта ҳосил олиш имконига эга) ҳудудлар;

***учинчи гуруҳга***: табиий-иқлим ва ресурслар таъминоти жиҳатидан чекланган имкониятга эга бўлган ҳудудлар киритилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги инновацион ғоялар жозибадорлиги нуқтаи назаридан давлат томонидан ҳудудлар учун мос келувчи ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширишни талаб этади.

Бунда учинчи гурҳга кирган ҳудудларда инновацион ғояларни жорий этишда қишлоқ хўжалиги корхонларининг молиявий аҳволи анча заифлигини ҳисобга олиб, давлатнинг бевосита молиявий кўмаги керак бўлади. Айниқса ресурс **тежовчи технологияларни жорий этишга катта** эътибор қаратиш керак.

Янги ресурс ва энергия тежовчи агротехнологиялар ва техника воситаларини, экинларнинг янги навлари, чорва моллари зотларини жорий қилиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Инновацион жараённи жадаллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – инновацион ғояларни илгари сурувчи, ишлаб чиқарувчи, амалга оширувчи тармокда интеллектуал мулкни ҳимоялаш билан бирга интеллектуал мулк яратувчи шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида инновациялар энг аввало, маҳсулот сифати масаласини ҳал этиши лозим. Сифатга эришиш жараёни эса одатда катта миқдордаги сарф-харажатларни талаб этади. Бунда сарф-харажатлар ишлаб чиқарувчи (фойда кўрувчи) зиммасида бўлади ҳамда бир йил, икки йил, балки ўн йил мобайнида тўлиқ қайтим бериши мумкин. Шунинг учун ҳам инновацион ғоялар ***ҳимояси устида ҳам бош қотириш лозим***.

Маҳсулот сифатига эришиш қимматлиги, узоқ вақт талаб этиши билан бирга, маҳсулот сифатини ошириш учун қилинган харажатлар кутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин. Бунинг учун тегишли билимлар, малакали олимлар, замонавий технологик ускуналар зарур. Бу ҳаммада мавжуд эмас.

Шу боисдан ҳам, ишлаб чиқарувчи вақт ва сарф-харажатларни тежаш учун тайёр технологияларга эга бўлишни хоҳлайди. Шу боисдан, маҳсулот сифатини таъминлаш борасидаги технологиялар ҳимоя қилинади. Шу сабабдан ҳам бундай технологияларга эга бўлиш йўлида қароқчилик қилинади.

Инновацион ғоялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати шаклланиши ва уни таъминлаш жараёни қуйидагилар орқали кечади:

- *ташкилий-иқтисодий базисни ривожлантириш орқали*;
- *табиий-биологик базисни ривожлантириш орқали*;
- *экологик базисни ривожлантириш орқали*;

● *институционал-ҳуқуқий базисни ривожлантириш орқали*.

Мазкур базисларга эътибор берилса, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини таъминлаши ва бундай маҳсулотлар билан ички ва ташқи бозорда муваффақиятли савдо қилиш мумкин бўлади.

***Ташкилий-иқтисодий базис*** тўлалигича инсон ақли-заковати, меҳнати натижаси сифатида қаралади (маданийлашган экинлар серҳосил навлари, чорва моллари зотлари, унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари, замонавий агротехнологиялар, иқтисодий билимлар, малакали мутахассислар, аграр илм-фан, деҳқончилик маданияти кабилар).

***Табиий-биологик базис*** табиат маҳсули бўлиб, ер юзининг турли ҳудудларида бир-биридан кескин фарқ қилади (самарали ҳарорат миқдори, йиллик вегетация даври, сув таъминоти даражаси, ёғин-сочинлар миқдори, тупроқ унумдорлиги ва физик-кимёвий таркиби кабилар).

***Экологик базис*** – бу атроф-муҳит ифлосланиши, тупроқ ва сув ҳавзалари зарарланиши натижасида маҳсулот сифати ўзгариши орқали намоён бўлади (глобал исиш, сув танқислиги, тупроқ унумдорлиги пасайиши, сув ҳавзалари ифлосланиши, турли заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига маҳсулотлар таркибида зарарли бирикмалар пайдо бўлиши, экинлар ва чорва молларидаги генетик мутациялар кабилар).

***Институционал-ҳуқуқий базис*** – фермерлар иқтисодий эркинлиги ва мулкий ҳуқуқлари муҳофазаси, маҳсулотлар сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари, хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, савдо тизими соҳалари ривожланиши даражаси кабилар маҳсулот сифатини таъмин этувчи муҳим йўналишлар ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилганлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар. Бу, маҳсулотнинг бозордаги баҳосини ва ишлаб чиқарувчининг оладиган фойдаси даражасини белгилаб беради.

Аммо, бу ерда эътиборга олиш лозимки, ***табиий-биологик базис*** маҳсулот сифати яратилишида асос ҳисобланади. Масалан, узумнинг таркибидаги шакар миқдорини ҳеч қандай қўшимча технологиялар билан ўзгартириш мумкин эмас. У маҳсулот етиштирилган жойнинг табиий муҳити маҳсулидир.

Айни пайтда масаланинг мураккаблиги шундаки, ушбу ҳақиқатни бозор ҳар доим ҳам тан олавермайди. Бу иқтисодий жиҳатдан фақатгина салоҳият, яъни ҳали фойдаланилмаган имконият ҳисобланади.

Масалан, юртимизда етиштирилган меваларнинг мазаси импорт қилинган мевалар мазасига нисбатан яхши эканлигини ҳаммамиз тан оламиз. Лекин, бозорга бориб, тўй-ҳашамлар дастурхони учун импорт қилинган йирик-йирик, ҳар бир “донаси ярим килолик” ранг-баранг мевалар харид қиламиз.

Дастурхон атрофида ўтириб, ушбу меваларга балки назар ташлаймиз ёки назар ташламаймиз, аммо, ҳеч биримиз улардан татиб кўришни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Чунки, кўпинча ўзимиз тушуниб етмайдиган, ***бизга она табиат инъом қилган ички туйғу, мазкур меваларнинг*** танамиз учун роҳат уйғотувчи мазаси ва фойдалилик даражаси пастлиги тўғрисида бизга аллақачон ҳабар қилган бўлади.

Айнан таъкидланган ушбу туйғуни бозор ҳар доим ҳам ҳисобга олиш имконига эга эмас. Буни “бозор дидининг зиёни” деб аташ мумкин. Хўш, бу борада қандай қонуният кузатилади? Таъкидлаш жоизки:

● миллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларнинг ривожланишида илм-фан, маркетинг тизимидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, “ортиқча функция” сифатида маҳсулотнинг фойдалилик ёки хўракибоплик хусусиятлари пасайишига олиб келмоқда.

Демак, бундан хулоса қиладиган бўлсак, ***табиий-биологик базис*** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати жиҳатидан бозордаги, айниқса, ташқи бозордаги

рақобатбардошлигини таъмин эта олмайди. Шунинг учун ҳам, сифатни таъмин этишда ***иқтисодий базис***дан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатига юқорида тилга олинган омилларнинг таъсир даражасини аниқ рақамлар билан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

**Қишлоқ хўжалиги экинлари сифати шаклланишида омиллар таъсири**
(*ички бозор доирасида*)

| Экинлар тури | Табиий-биологик базис | Ташкилий-иқтисодий базис | Экологик базис | Маҳсулотнинг иқтисодий сифати |
|---|---|---|---|---|
| Ғалла | 80,0 | 20,0 | 0,0 | 100 |
| Сабзавот-полиз | 50,0 | 35,0 | 15,0 | 100 |
| Мевалар | 50,0 | 40,0 | 10,0 | 100 |
| Гўшт ва сут маҳсулотлари | 50,0 | 45,0 | 5,0 | 100 |
| Пахта | 70,0 | 30,0 | 0,0 | 100 |
| Тамаки | 40,0 | 60,0 | 0,0 | 100 |

Жадвал маълумотлари ички бозор доирасидаги ҳолатга берилган эксперт баҳо бўлиб, агарда ташқи бозорга маҳсулот чиқадиган бўлса, ***ташкилий-иқтисодий базис*** ва ***экологик базиснинг*** аҳамияти ортиб боради. Чунки ташқи бозор талаби бўйича сифат назорати ва маркетинг борасидаги талаблар жуда юқори бўлиб, маҳсулотнинг бозор баҳосига катта таъсир кўрсатади.

Маҳсулот сифатини таъминлаш борасидаги тадбирлар асосан:

– ***иқтисодий-ҳуқуқий механизмлар орқали*** (тадбиркорлик фаолияти ҳимоясини, тадбиркорга ўз маҳсулоти билан бозорга эркин чиқишни кафолатлаш ва сифат назорати тизими ҳуқуқий базасини яратиш; қишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатиш, ресурслар билан таъминот, маҳсулотни сақлаш, ташиш, савдо тизимларини ривожлантириш; маҳсулотни сифатли қадоқлаш, унга жозибадор кўриниш бериш кабилар);

– ***агротехнологик ва илмий таъминот механизми орқали*** (селекция ва наслчилик ишларини ривожлантириш, агротехник тадбирларни ўз муддатида, сифатли амалга ошириш; илғор тажрибалардан фойдаланиш; хорижий тажрибаларни умумлаштириш; инновацион ғояларни рағбатлантириш; деҳқонларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш; ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш кабилар);

– ***маъмурий механизмлар орқали*** (маҳсулотларни сертификатлаш, фито-санитар ва ветеринария назорати; халқаро стандартлар талабларини ўзлаштирииш кабилар) орқали амалга оширилиши мумкин.

*Умуман олганда, хулоса ўрнида маҳсулот сифати билан боғлиқ масалада миллий доирасида қуйидаги* ***аксиомалар*** *ўринли бўлади:*

• *қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бозор талаби миқдор жиҳатидан таъминланмаган жойда инновацион ғоялар асосида сифатга эришиш мумкин эмас;*

• *аграр ва технологик билимлар қадрланмайдиган (муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинмайдиган) жойда – инновацион ғоялар асосида сифатга эришиш мумкин эмас;*

• *ишлаб чиқарувчининг моддий манфаати инкор этилган жойда – маҳсулот сифати тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

Юқоридаги учта аксиома бажарилмаган ҳолда инновацон ғояларни жорий этиш, маҳсулот сифатига эришиш мумкин, бунда у ўртача бўлади, ёки вақтинча бўлиб, уни сақлаб қолиш мумкин эмас.

**О.ОЛИМЖОНОВ,**
ЎзҚХИИЧМ, Бош директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, и.ф.д., профессор

## Аграр иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар

Сўнгги йилларда Ўзбекистон аграр фани олимлари ва тармоқ мутахассислари ўртасида мамлакатимиз аграр иқтисодиётини янада эркинлаштириш зарурлиги ҳақида билдирилаётган фикр ва мулоҳазалар тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур масалани тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилмоқда. Шу боис мамлакатимиз аграр иқтисодиётида эркинлаштириш жараёнларини изчиллик билан давом эттириш, бунинг учун эса унинг ўзига хос хусусиятларини ва эркинлаштириш жараёнига таъсир этиши мумкин бўлган омилларни кенг миқёсда ва чуқур тадқиқ этиш зарурлиги кўриниб турибди.

Бевосита мамлакатимиз аграр иқтисодиётини эркинлаштириш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, мазкур масалада унинг ўзига хос айрим хусусиятлари бор. Улар жумласига қуйидаги ҳолатларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон аграр тармоғи собиқ шўролар тузумидан қолган машъум маъмурий-буйруқбозлик ва қатъий режали иқтисодиёт маҳсули эди. Тармоқ фаолиятининг ҳамма жиҳатлари, ҳар бир жараён, ҳатто деҳқоннинг қачон кетмон чопиб, қачон дам олишигача-барчаси қатъий ўрнатилган режа асосида амалга оширилар эди. Деҳқон ёки хўжалик раҳбарининг иқтисодий мустақиллиги ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди;

– Сиёсий мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам аграр тармоқни бирданига эркинлаштириш ҳақида гапиришга ҳали эрта эди. Зеро, бунга на тармоқ раҳбару мутахассислари, на деҳқонлару олимлар тайёр эмас эдилар. Яъни, малакали мутахассис ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, режали тизим муҳитида шаклланган деҳқон, мутахассис ва раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти тамойилларини қийинчилик билан ўзлаштириши, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш тизими ҳали шаклланмаганлиги каби ҳолатлар бунга монелик қилар эди.

Мустақиллик йилларида туб иқтисодий ва аграр ислоҳотлар амалга оширилиб, иқтисодий эркинлик ҳақида муайян тушунча ва амалий тажрибага эга бўлдик. Бу эса иқтисодий эркинлаштириш масаласини кун тартибига қўйишга замин бўлиб хизмат қила олади.

Аксарият иқтисодий адабиёт ва оммабоп нашрларда “эркинлаштириш” сўзи “либерализация” сўзи билан бир хил, айнан бир жараён маъно ва моҳиятини англатувчи атама сифатида талқин қилиб келинмоқда.

Бунда “либерализация” сўзининг асосини “либерализм”, яъни лотин тилидаги “Liberalis”, ўзбек тилидаги “эркин”, “озод” сўзи ташкил этади[1].

Фикримизча, “эркинлаштириш” оддий бир атама эмас, балки ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш, истеъмол ва айирбошлаш соҳаларида эркинлаштириш билан боғлиқ ўта мураккаб ва кенг қамровли тадбирларни амалга оширишни ифодаловчи жараён ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда иқтисодий ислоҳотлар мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда эркинлаштириш жараёнини ўзига хос усул ва қоидалар асосида амалга оширади.

Шу боис, миллий иқтисодиётнинг ҳар бир кўламида, яъни миллий иқтисодиёт, макроиқтисодий, микроиқтисодий, соҳа, тармоқ ва хўжалик субъекти ҳисобланадими, бундан қатъи назар, ушбу кўламларга мос эркинлаштириш кўрсаткичлари мавжуд бўлиб,

---

[1] Хўжаев Н. ва бошқалар. Республика иқтисодиётини эркинлаштиришнинг муҳим масалалари. // “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари”. Халқаро илмий-амалий анжуманнинг маърузалар тўплами. – Т.; ТДИУ, 2000, 25-26 - б.

улар асосида эркинлаштириш жараёнига баҳо берилади, эркинлаштириш ҳолатининг ретроспектив таҳлили асосида мамлакат иқтисодиётидаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар динамикаси аниқланади, эркинлаштириш жараёнини узоқ ва яқин йилларда амалга оширишнинг асосий йўналишлари асослаб берилади.

Миллий иқтисодиёт ва тармоқлар иқтисодиётини эркинлаштириш, эркинлаштириш кўрсаткич ва даражалари борасида илмий ва махсус адабиётларда турлича фикрлар билдирилмоқда.

Даставвал, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, кўрсаткичлари ва даражаси борасидаги айрим қарашлар ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, аксарият олимлар бу жараённи турли мулк шаклининг мавжудлиги ва унда хусусий мулкнинг етакчилиги, иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш, эркин рақобат ва баҳоларнинг эркин шаклланиши учун муҳитнинг мавжудлиги[1] каби омил ва кўрсаткичлар асосида баҳолашни таклиф этишса, бошқалар иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш, чет эл инвестицияларининг кириб келиши ва мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш учун шарт-шароитлар мавжудлиги каби омил ва кўрсаткичлар билан баҳолаш зарурлигини билдиришмоқда[2]. Масалан, Н.Хўжаев иқтисодиётни эркинлаштиришни – “... энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарув вазифаларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат”, деб таърифлайди[3].

Ушбу вариант эркинлаштириш категорияси моҳиятига нисбатан тор маънодаги ёндашув бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар ва эркинлаштиришнинг мақсади – аҳоли иқтисодий-ижтимоий ҳаётини яхшилаш эканлигини ва унга турли жараёнлар таъсир этишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур таърифда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига хос хусусиятлар, унинг амал қилиш кўлами ва миқёсини қамраб олувчи жиҳатлар четда қолиб кетган. Бошқача айтганда, ушбу таърифда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг предмети, объекти ва субъекти ўз аксини етарли даражада топмаган.

Т.Аҳмедов ва бошқалар миллий иқтисодиётни эркинлаштиришда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш бош омил ва мезон бўлиши лозим, деб таъкидлайдилар[4].

Агарда иқтисодиёт нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ***фикримизча, эркинлаштириш жараёни хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолият эркинлигини кенгайтириш, иқтисодий фаолиятга нисбатан чекловларни бекор қилиш ёки қисқартириш жараёни ҳисобланади.***

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлашича, “ ... иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш”[5], ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнингча, аграр иқтисодиёт ва унинг тармоқ ҳамда соҳаларида эркинлаштириш даражасини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мақсадга мувофиқ:

– давлатнинг корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятига аралашув даражаси;

– турли мулк шакли ҳамда турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритиш субъектларининг мавжудлиги;

– хўжалик юритиш субъектларининг етиштирилаётган маҳсулотдаги улуши;

– хўжалик юритиш субъектларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонидаги улуши;

---

[1] Ўша манба, 25 – б.
[2] Ўша манба, 25-26 - б.
[3] Ўша манба, 11 – б.
[4] Ўша жойда, 11- б.
[5] И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХ1 асрга интилмоқда. – Т.:, “Ўзбекистон”, 1999 й.

– турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритиш субъектларида банд бўлганлар сони ва унинг жами банд бўлганларга нисбатан салмоғи;

– хўжалик юритиш субъектларининг экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотлардаги улуши;

– хўжалик юритиш субъектларининг молиявий маблағлардаги, кредит, хом ашё ва бошқа ресурслардаги улуши;

– барча хўжалик юритиш субъектларининг тенг ҳуқуқлигини кафолатловчи ва барқарор ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий замин, ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилганлиги ва кафолатлар мавжудлиги;

– барча хўжалик юритиш субъектларининг хизмат ва таъминот соҳасида танлаш эркинлиги кафолатланганлиги ва рақобат муҳитининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Ўйлаймизки, юқорида баён этилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш аграр тармоқда эркинлаштиришнинг мазмунини тўла англашга ва унинг даражасини аниқроқ ифодалашга хизмат қилади.

**Қ.А. ЧОРИЕВ,**
ЎзБИИТИ, бўлим ва лойиҳа раҳбари, и.ф.д., профессор

## Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг асосий механизм ва йўналишлари

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси шундан гувоҳлик берадики, кишилик жамиятининг барча соҳа ва жабҳаларида, айниқса глобал иқлим ўзгариши таъсирида сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида тобора авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шунингдек уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хўжалик юритиш фаолиятларини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этиб, ушбу жараённи узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда.

Бироқ, тан олиш лозимки, аграр тармоқ ўзининг табиий-иқлим омилларига таъсирчанлиги ва боғлиқлиги сабабли инновацияларни яратиш ва татбиқ этишда бошқа соҳаларга нисбатан бир қатор мураккабликларга эга ва шунинг учун ҳам уни инновацион модернизациялаш асосида ривожлантириш ўзига хос ва мос инновацион йўналишларда чуқур илмий-тадқиқот ва тажриба-кашфиётчилик ишларини (ИТТКИ) мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ фан ва техника-технология янгиликларини яратиш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш жараёнини республикамиз ичидаги тор доирада эмас, балки индустриал тараққий этган хорижий давлатларнинг ушбу йўналишлардаги инновацион фаолият ютуқлари билан уйғун тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Зотан, дунё миқёсида ахборот-технологиялар асри деб тан олинган XXI аср бўсағисиданоқ барча соҳаларда инновациялар яратиш ва уларни татбиқ этиш жараёнларини ривожлантириш ва рағбатлантириш деярли ҳамма мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг асосий ўзагини ташкил этмоқда. Шу боисдан ҳам, инновацион фаолият ва фаолликни, инновациялар яратувчи ва уларни самарали жорий этувчи субъектларни рағбатлантириш механизмларини ягона тизим доирасида тадқиқ этиш, уларни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Зеро, агросаноат мажмуи тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари инновацион фаолиятни шакллантириш ва

рағбатлантиришда алоҳида ёндашишларни тақозо қилади. Чунки, бу соҳаларда ишлаб чиқариш жараёни кўп жиҳатдан табиий-иқлим омиллари (қуёш нури, ҳавонинг намлиги ва иссиқлик даражаси, тупроқ тури ва сифати кабилар)га боғлиқ равишда ривожланиш тенденциясига мойилдир. Айрим йилларда табиий-иқлим шароитларининг ноқулай келиши, маълумки, қишлоқ хўжалиги, айниқса, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш даражасига катта салбий кўрсатади. Шунга кўра ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновацияларни татбиқ қилиш жиддий хавф-хатар ва таваккалчилик таъсирига дуч келади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбар-мутахассисларини, шунингдек молиялаштириш муассасаларини ҳам тармоққа инновациялар жорий этишга маблағ сарфлашларида ишончсизлик ва сусткашликка олиб келади. Бундан ташқари тармоққа татбиқ этиладиган у ёки бу йўналишдаги инновация маҳсулотига қилинадиган харажатлар ва ундан олинадиган натижа (фойда) ўртасидаги фарқ ҳамда инновацияларга талабнинг ноаниқлиги, ижобий натижалар олиш узоқ муддат талаб қилиши, шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда хавф-хатарлар мавжудлиги ҳам қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, айниқса, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ инновацион фаолиятни шакллантиришда, шунингдек, хўжалик юритиш субъектларининг инновациялар жорий этиш тизимида рағбатлантириш механизмларини тармоқнинг ривожланишига таъсир этувчи табиий ва бошқа омилларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тегишли имтиёзлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Амалиётдан маълумки, инновацион фаолиятни рағбатлантириш объектлар нуқтаи назардан икки гуруҳга бўлиниб, биринчисига инновация маҳсулоти ва ечимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ИТТКИ муассасалари кирса, иккинчи гуруҳни эса уларни истеъмол қилувчи субъектлар ташкил қилади.

Ҳар иккала инновацион фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш бевосита ва билвосита гуруҳларга кирувчи механизм ва манбалар ёрдамида амалга оширилади. Жумладан, инновацион фаолиятни молиялаштириш ва рағбатлантиришнинг **бевосита манба ва йўналишлари**, биринчи навбатда, **давлат ва муниципал (вилоят) даражасидаги бюджетлардан** ажратиладиган маблағлар ҳисобланиб, улардан ташқари **хўжаликларнинг ўз маблағлари, банк кредитлари, хусусий инвестициялар, хорижий инвестициялар ва бошқа ҳомий ташкилотлар сармоялар ҳам** шулар жумласига киради. Шунингдек, инновациялар ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан давлат томонидан инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришга чамбарчас боғлиқ қуйидаги тузилманинг асосий мақсадларидан бўлиб:

- биринчидан, инновациялар яратувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни ўзаро моддий манфаатдорлик механизмларига асосан ташкил қилиш ва узвий ривожлантириш;
- иккинчидан, инновация маҳсулот ва ишланмаларини товар мақомига етказиш ва уларни экспорт қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- учинчидан, хўжалик юритиш субъектларига фан ва техника-технология янгиликларини самарали жорий этишлари учун барча шароитларни яратиш;
- тўртинчидан, ривожланган хорижий давлатлар билан инновациялар соҳасидаги алоқаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- бешинчидан, хўжалик юритиш субъектлари раҳбар ва мутахассисларининг инновацион билим ва малакаларини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва ҳ.к.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, фақатгина юқорида қайд этилган йўналишлар ва инновацион фаолиятни тўғридан-тўғри молиялаштириш ушбу жараённи ривожлантириш ва рағбатлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб бера олмайди. Гап шундаки, инновацион фаолиятда иштирок этувчи субъектларни, яъни инновациялар яратувчи ва истеъмол қилувчиларни биргина бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаштириш улар фаолиятида боқимандалик руҳини кучайтиради ва инновацияларга

йўналтирилган инвестициялардан кўпгина ҳолатларда мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилишига олиб келади. Бошқа томондан эса, нафақат ИТТК муассасаларини, балки уларнинг инновация товарларини ишлаб чиқаришга татбиқ этувчи хўжалик субъектларини ҳам инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топишга ундайдиган чора-тадбирларни амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатади. Бундай бир томонлама ёндашиш, шунингдек, хусусий инновацион якка тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишига жиддий тўсиқ бўлишини ҳам эътироф этиш ўринлидир.

Шунга қарамасдан, фикримизча, юқорида қайд этилган ва бошқа салбий ҳолатларни табиий-иқлим омилларига кўпроқ боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги шароити ва тармоқдаги хўжалик субъектлари фаолиятида алоҳида эътиборга олиш талаб қилинади. Чунки, аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалик корхоналари юқори даражадаги таваккалчилик ва олдиндан билиб бўлмайдиган ноаниқ табиий-иқлим шароитида иш юритиб, аксарият ишлаб чиқариш йилларини асосан паст рентабелли ёки зарар билан якунлашади. Натижада, уларнинг ўз маблағлари инновацияларни молиялаштириш учун умуман ёки етарли ҳажмда бўлмайди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инновацион модернизациялаш жараёнларига жиддий салбий кўрсатади. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги тармоқ ва корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи қўллаб-қувватлаш тизими ҳар иккала йўналишда, яъни бевосита ва билвосита манба ва механизмлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни тўғридан-тўғри молиялаштириш билан бир қаторда уни билвосита механизмлар асосида ривожлантириш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар кўрсатишича, давлат томонидан соҳада инновацион фаолиятни билвосита рағбатлантириш тизими:

– инновация маҳсулот ва ишланмаларини патентлаш;

– имтиёзли солиқлар белгилаш;

– тезкор амортизациялаш механизмини қўллаш;

– корхоналарга инновацияларни татбиқ этиш учун бюджетдан тўғридан-тўғри дотациялар ажратиш;

– имтиёзли кредитлаш;

– кредитларнинг фоиз ставкаларини қоплаш учун субсидиялар бериш;

– молиявий лизинг ва суғурталаш тизимида имтиёзлар қўллаш;

– инновация муаллифлари ва истеъмолчиларини моддий рағбатлантириш каби иқтисодий механизмлар орқали амалга оширилади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, агросаноат мажмуи тармоқ ва корхоналари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият ва фаолликни ривожлантиришда юқоридаги рағбатлантириш манба ва механизмларини айри ҳолда қўллаш кутилган ижобий натижаларни тўлиқ таъминлай олмайди. Бунинг асосий сабаблари қуйидаги ҳолатларга бориб тақалади:

➢ тармоқ миқёсида юқори даражада фойда олиш имкониятлари тўлиқ равишда таъминланмаганлигига;

➢ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи юқорилигича қолаётганлигига;

➢ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан қишлоқ хўжалик корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қоплаш масаласи тўлиғича ҳал этилмаётганлига;

➢ айланма воситаларнинг етарли эмаслиги кўпгина ҳолларда тегишли технологик тадбирларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратиб бера олмаётганлигига;

➢ тармоқдаги мавжуд асосий ишлаб чиқариш воситалари, айниқса, техника ва автотранспорт воситалари моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, уларни янгилаш ва инновациялар асосида такомиллаштириш жараёнлари суст кечаётганига[1];

➢ деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш жараёнларини инновациялар асосида технологик такомиллаштириш тадбирлари суст олиб борилаётганига;

➢ хўжалик юритишнинг ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий механизмлари бозор муносабатлари талабларига мос тўлиқ шаклланмаганлигига;

➢ чорвачилик, айниқса қорамолчилик соҳаси кўпроқ майда товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганлиги ва уларда чорва моллари сонининг камлиги механизациялаш тадбирларини амалга ошириш имконини бермайди ва натижада мазкур тармоқда маҳсулотлар таннархи юқори бўлиб, хўжаликларнинг аксарият ҳолларда сурункали зарар билан ишлашига олиб келаётганлигига;

➢ қишлоқ хўжалигида янги сермаҳсул, касаллик ва зараркунандаларга чидамли экинлар навлари ва чорва моллари зотларини ҳудудлар шароитига мос яратиш масаласи асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда;

➢ тармоқ ва хўжалик юритиш субъектлари фаолиятига инновацион маҳсулот ва ишланмаларни татбиқ этиш тизими соҳани модернизациялаш талабларига жавоб бермайди;

➢ қишлоқ хўжалигини инновацион модернизациялаш ва бозор конъюнктурасига мос диверсификациялашда катта тажрибаларга эга индустриал ривожланган давлатлар билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, улардаги малакали олим ва мутахассисларни республикамизга жалб қилиш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаётганига;

➢ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ техника ва агротехнологиялар соҳасида инновациялар билан шуғулланувчи хусусий якка тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилмаганлигига;

➢ қишлоқ хўжалиги тармоғи билан боғлиқ ИТТКИга йўналтирилаётган инвестиция ресурсларининг камлиги ҳам маълум даражада соҳада инновацион модернизациялаш жараёнларини истиқболли ривожлантиришга тўсиқ бўлаётганига;

➢ қишлоқ хўжалик ва агросервис корхоналарининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари билан ҳамкорлик қилиш тизими ва механизмалари замон талаблари даражасида ташкил этилмаганлиги сабабли инновациялардан фойдаланиш жараёнлари суст ривожланаётгани ва ҳ.кларга.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган юқоридаги ва бошқа муаммоларнинг ҳар бирини якка тартибда ҳал этиш яхши самара бермаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам, фикримизча, давлатнинг аграр соҳадаги инновацион сиёсатини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётни бозор муносабатларига мос модернизациялаш стратегиясини, унинг асосий босқич ва йўналишларини қамраб олувчи махсус **Давлат дастури** ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш истиқболдаги асосий вазифалардан бири сифатида тан олиниши ва ҳал этилиши лозим.

Ушбу Дастурнинг асосий таркибий қисмлари сифатида, бизнингча, қуйидагилар белгиланиши мақсадга мувофиқ:

**а)** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир инновациялар яратувчи ИТТК муассасалари ва уларнинг инновацион маҳсулотларини истеъмол қилувчи хўжалик юритиш субъ-

---

[1] Эслатма. АҚШ, Япония ва Европа давлатларида қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўртача эксплуатация муддати 6 йилдан ошмайди. Республикамиз қишлоқ хўжалигида эса “чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди”. (Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролар жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир – Т.: Uzbekiston, 2011. – 360 б.)

ектлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва моддий манфаатдорликка асосланган кооперация ва интеграция шакл ва муносабатларини ташкиллаштириш ва ривожлантириш;

**б)** қишлоқ хўжалигини модернизациялаш самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган экологик тоза сифатли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлар етиштирш ва уларни экспорт қилиш орқали дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш каби устувор вазифаларни ҳал этиш мақсадида республика миқёсида **Инновацион жамғарма** ташкил қилиб, унинг молия манбаларини белгилаш ва кенгайтириш. Ушбу жамғармадан маблағлар фақатгина бевосита инновациялар яратиш, уларнинг муаллифлари ва истеъмолчиларини моддий рағбатлантириш, хўжалик юритиш субъектларининг инновацион фаолияти ва фаоллигини ошириш, инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тизимини ривожлантириш каби чора-тадбирларга йўналтириш лозим;

**в)** ривожланган хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалигида юқори самара бераётган инновация маҳсулот ва ишланмаларини республикамизга олиб кириш, уларни ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитларига мос равишда оқилона татбиқ этиш билан шуғулланувчи субъектларни ўз ичига олувчи **махсус тузилма** ташкил этиш, унинг мақоми ва функцияларини ишлаб чиқиш ҳамда молиялаштириш манбаларини белгилаб бериш;

**г)** қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият ва фаолликни ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи ролини янада кучайтириш. Яъни, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ давлат бошқарув органлари, молия, солиқ, суғурта муассасалари, агросервис ташкилотлари ва бошқа тегишли корхоналар томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг инновацияга бўлган талабларини қондириш, уларни самарали татбиқ этиш ва ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини юқори даромад билан якунлашлари учун тегишли **йўналишларда имтиёзли механизмларни қўллаш** ва ҳ.к.

Мамлакатимизнинг аграр инновацион сиёсатини илмий-техника тараққиёти талабларига мос ривожлантиришда давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциялари қуйидаги йўналашларда олиб борилиши, фикримизча, яхши самара беради. Яъни:

- ➢ илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган йўналиш ва башорат кўрсаткичларини белгилаш;
- ➢ ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тезкор ва кучли туртки берувчи инновацияларни танлаш ва реализация қилиш;
- ➢ агросаноат мажмуи тармоқларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва инвестиция ресурсларини кўпайтириш;
- ➢ инновация истеъмолчиларининг фан ва техника янгиликларини татбиқ этиш имкониятларини кучайтириш учун уларнинг тўлов қобилиятларини таъминловчи иқтисодий-молиявий механизмларни такомиллаштириш ва имтиёзлар тизимини қўллаш;
- ➢ хусусий ва кичик инновацион тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш;
- ➢ давлат даражасида қишлоқ хўжалиги тармоғи ва корхоналарининг инновацион фаолияти ва фаоллигини муттасил ривожлантиришга кенг шароит яратиб берувчи инновацион сиёсатнинг иқтисодий механизмаларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;
- ➢ қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва ушбу жараён иштирокчиларининг моддий манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш;
- ➢ қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва малакали кадрлар билан таъминлаш йўналишларида халқаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва ҳ.к.

Иқтисодий адабиётларда давлатнинг инновацион сиёсатини юқорида қайд этилган ва бошқа функциялар доирасида учта сценарий асосида, яъни: а) **инерцион ривожлантириш;** б) аграр соҳа таркибий тармоқ ва корхоналарининг **ишлаб чиқариш жараёнларини инно-**

**вациялар асосида техник-технологик модернизациялаш** ва в) **мажмуавий инновацион ривожлантириш** чора-тадбирлари орқали ташкил қилиш ва такомиллаштириш тавсия этилади. Бироқ, бозор муносабатлари ва рақобатлари таъсирининг муттасил кучайиш тенденцияси шароитида инерцион ривожлантириш сценарийси соҳани интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш талабларига етарли даражада жавоб бермайди. Зотан, бу сценарий мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш эмас, балки аввалгиларининг ўрнини айнан муайян турдаги ўхшаш воситалар билан қайта тиклашни назарда тутади.

– организация в сельских районах специализированных хозяйств по производству высококачественных семян овощей и бахчевых культур;

– выделение опытных дехканских хозяйств по освоению новых, плодородных и высокоурожайных сортов плодов и овощей, оказание им всесторонней материальной, научной и консультативной поддержки. Реализация данного мероприятия требует разработки специальной программы на уровне сельских районов;

– организация своевременного обеспечения дехканских хозяйств, необходимыми минеральными удобрениями и нефтепродуктами, путем выделения им дополнительных квот для приобретения в сельских специализированных сервисных точках;

– оказание проектной, консультативной и финансовой (кредитование) поддержки ДХ в строительстве теплиц (в том числе типовых застроек жилых домов с теплицами) облегченной конструкции и с использованием альтернативных источников тепла;

– организация доступных форм искусственного осеменения животных путем создания специализированных пунктов (2-3 пункта в каждом сельском районе);

– создание опытных дехканских хозяйств по содержанию высокопродуктивных и породистых видов скота, оказание им всесторонней материальной, научной и консультативной поддержки. Реализация данного мероприятия требует разработки специальной адресной программы на уровне сельских районов с включением в программу ДХ на конкурсной основе;

– в каждом сельском районе необходимо создание нескольких опытных ДХ по переработке сельскохозяйственного сырья (мясомолочной продукции, шерсти, кожи, каракуля, производство сухофруктов и др.), оказание им всесторонней материальной, научной и консультативной поддержки по приобретению и использованию специального оборудования, техники и технологий, широкое распространение их положительных результатов;

– создание на местах многопрофильных хранилищ, оборудованных современными холодильными установками, оказывающих услуги по сохранению продукции, выращенной в дехканских хозяйствах на арендных и иных выгодных условиях;

– принятие в новой редакции закона «О дехканских хозяйствах» с чётким разграничением понятий «личные подсобные хозяйства» и «дехканские хозяйства» и их статуса, легализация субаренды земель фермерских хозяйств дехканскими хозяйствами после уборки зерновых с целью выращивания повторных сельскохозяйственных культур, с учётом водообеспеченности на местах;

– разработка и принятие постановления Правительства о производственно-агротехнологической, зооветеринарной и экономической поддержке дехканских хозяйств.

**С.Ж.САИДЖАНОВ,**
ЎзБИИТИ, лойиҳа раҳбари, и.ф.н.

## Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан республикамизда салмоқли ўринга эга бўлган хўжалик юритиш шаклларидан бири, албатта, фермер хўжаликларидир. Уларни барқарор ривожлантиришдан асосий мақсад иқтисодиётда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тебранишлар ва кескинлашувдан ҳоли бир шаклда иқтисодий ва ижтимоий ўсишни таъминлашдир. Бугунги кунда фермер ер ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг эгаси бўлиб, ўз меҳнати натижасидан бевосита манфаатдордир. Натижада, фермерларнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, уларда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун масъулият ҳисси кучайди.

Фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг кўламли, шунингдек, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Фермерлар сони қисқартирилиб, уларнинг ўртача ер майдони 26 дан 44 гектаргача кенгайди. 2013 йил бошига келиб, фермер хўжаликлари сони аввалгидек 147 мингга яқинни эмас, 66 134 тани, уларга узоқ муддатга (30 йилдан 50 йилгача) ижарага берилган ер майдони 4,95 миллион гектарни ташкил этди. Битта фермер хўжалигига тўғри келадиган экин майдони ўртача 2005 йилдаги 30,0 гектардан 2012 йилда 85,0 гектаргача ошди. Фермер хўжаликларининг 35 896 таси пахтачилик, 5 329 таси чорвачилик, 16 964 таси боғдорчилик ва узумчилик, 3 647 таси сабзавотчилик ва полизчилик билан шуғулланади, 4 298 таси бошқа соҳалар, шу жумладан, баликчилик ва асалчиликка ихтисослашган.

2005-2012 йилларда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши 10,1 фоизли бандга ошди ва 2012 йилда 34,4 фоизни ташкил қилди. Айни пайтда

фермер хўжаликлари пахта хом ашёси (2012 йилда – 99,4%) ва ғалланинг (2012 йилда – 80,7%) асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади (1-чизма).




**1-чизма. Фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**[1]

Бундай юқори натижаларга эришилишининг асосий омиллари қуйидагилар бўлмоқда:

– биринчи галда тармоқдаги ҳақиқий аҳволни ҳисобга олиб, хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

– қишлокда бозор муносабатларининг жорий этилиши ва хусусий мулкчилик шаклининг ривожлантирилиши;

– фермерлик ҳаракатини барқарор ривожлантириш учун ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва замонавий агроинновацион шарт-шароитлар яратилгани;

– деҳқонлар, фермерлар ва механизаторларнинг, қишлоқ хўжалиги бўйича барча мутахассисларнинг касбий маҳорати ва ўз ишига содиқлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги барча ресурслар ва имкониятларнинг тўлиқ сафарбар қилиниши.

Шу нуктаи назардан ҳам, фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишида ушбу чора-тадбирларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита таьсири бўлишига асосланиб, уларни рақобатбардошлигини таъминловчи омиллар доирасига киритиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда фермер хўжаликларида агро технологияларни такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, банк муассасалари фермер хўжаликларини кредит билан таьминлашни уларга иқтисодий молиявий ёрдам беришни ташкил этишлари, фермер хўжаликларини иқтисодий танглик ва курғоқчилик ҳолатларига карши ҳимояловчи суғурта тузилма иқтисодий хавфларни суғурталаш ишларини кучайтиришлари зарур. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари учун уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлларини белгилаб олиш лозим. Фермер хўжаликларни барқарор ривожлантиришга республикамиз ҳукумати томонидан алоҳида эьтибор бериб келинди ва бир қатор муҳим қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Уларни самарали фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий ва меьёрий асослар тўлиғича яратилди, десак муболаға бўлмайди. Лекин шунга қарамай фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келган бир қатор муаммоларни аниқлаш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши дастурлар ишлаб чиқишда ушбу муаммоларни келтириб чиқарган сабабларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу муаммолар жумладан қуйидагилардан иборат:

1. Фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур моддий-техника ресурслари билан доимий равишда таьминлаш керак. Фермер хўжаликларига чорва озуқаси ва бошқа зарурий ресурсларни етказиб бериш муаммосини ва бошқа масалаларни ҳал этувчи мувофиқлаштирувчи тузилма ташкил этиш зарур.

2. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришга таьсир қилувчи айрим ташкилий масалаларни ўзаро кооперация асосида иш юритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунда фермер хўжаликларининг турли хил кооперативларга бирлашиши ихтиёрийлик асосида (хўжалик аьзолари кооперативга бирлашишнинг афзалликларини онгли равишда ҳис қилган ҳолда) амалга оширилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини ошира боришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга тизимли тарзда ёндашиш, барча йўналишдаги тадбирларни ўзаро мутоносиб ҳолда олиб бориш, бу жараёнларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш, яқин истиқболда ички ва ташқи бозордаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини кескин ошириш, пировард натижада ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тизимини янада ривожлантириш қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини кўтариш учун мустаҳкам асос бўлади.

**И.Э.РАФИҚОВ,**
ЎзБИИТИ, лойиҳа раҳбари, и.ф.н., к.и.х.,
**А.Х.МУХТОРОВ,**
ЎзБИИТИ, лойиҳа раҳбари, и.ф.н., к.и.х.,
**Ю.НАВРУЗОВ,**
“Наврўзов Йўлдош Рейтинг” консалтинг корхонаси раҳбари

## Фермер хўжаликларида инновацион фаолликни оширишда ахборот-консалтинг хизмати кўрсатиш тизимини тутган ўрни ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнлари соҳа иқтисодётини юксалтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, фермер ва қишлоқ тадбиркорларининг мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишини ташкил этган ҳолда иқтисодий-молиявий қудратини мустаҳкамлашга олиб келди.

Бир қатор фермер хўжаликлари юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаётган бўлсалар-да, кўпчилик хўжаликлар ҳанузгача ночор молиявий ҳолатда фаолият юритмоқда. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, уларнинг бундай иқтисодий аҳволга тушиб қолишига, бошқа омиллар билан бир қаторда хўжалик раҳбарларининг билими, ўқуви, касбий маҳорати пастлиги, тажрибаси камлиги ҳамда хўжалик фаолиятини бошқариш учун зарур маълумот ва ахборотлар етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бундай хўжаликларда мавжуд ер ва сув, моддий-техник ресурс ҳамда молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланилиши олиб келмоқда. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизматини кенг ривожлантириш фермер хўжаликларида инновацион фаолликни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади

Бугунги кунда, республикамиз аграр соҳасида фаолият кўрсатаётган ахборот-консалтинг марказлари қуйидаги муаммоларни ҳал этишга шароит ва имкон яратмоқда:

– аграр тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларига фан-техника янгиликлари, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бўйича илғор тажриба ва илмий-амалий тавсиялардан фойдаланиш ва амалиётга жорий этишга;

– ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий-молиявий, ташкилий-агротехнологик ҳужжатлар, стандарт ва тартиб-қоидалар борасидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларни даврий ва узлуксиз янгилаб бориш ҳамда улардан аграр тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишига;

– аграр тадбиркорлик субъектлар ва биринчи навбатда фермер хўжаликларига сифатли, арзон ва ишончли ресурслар манбаини излаб топишга ва улардан фойдаланиш/харид қилиш тартиб-қоида ва йўлларини ўзлаштиришга;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновацион лойиҳалар асосида илғор ғоя ва агротехнологияларни жорий этишга ва инфратузилма хизматларидан фойдаланиш йўналишлари, тартиб ва шартларини билиш, ўрганишга;

– хўжалик тармоқларини диверсификациялаш йўналишларини ўрганиш, инновацион жозибадорлигини ошириш ва инвестицияларни жалб этиш тамойилларини ўзлаштиришга;

– зарур бўлган пайтларда турли йўналишдаги (ҳуқуқ, иқтисод, молия, менежмент, маркетинг, экспорт-импорт, стандарт ва божхона, агротехнология, зоотехния, ветеринария, техника ва агротехнология ва бошқа йўналишлар) малакали мутахассислар маслаҳатидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлишга;

– аграр фанни молиялаштириш илмий-тадқиқот институтлари – кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизими – янгиликларни амалиётга жорий этиш каби жараёнларини ягона тизим асосида уйғунлашган ҳолда ташкил этишга ва бошқалар.

Ахборот-консалтинг марказлари ўз устави ва белгилаб олган ваколати бўйича турли йўналишдаги хизматларни амалга ошириши мумкин. Жумладан:

– аграр тадбиркорлик субъектларига турли йўналишларда маслаҳатлар бериш;

– аграр тадбиркорлик субъектлари сўров ва талабномалари бўйича ахборотларни узатиш/етказиш, аналитик ҳисобот, бухгалтерия-молиявий ва иқтисодий ҳисоб-китобларни юритиш, бухгалтерия ҳисоб-ҳисоботларини тайёрлаш, турли йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш, улар асосида хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида эришилган юқори натижаларни, шунингдек, инновацион лойиҳа ва илғор ишланмаларни ОАВларида тарғиб этиш ва оммалаштириш;

– даврий, мавсумий ва доимий тарзларда турли йўналишларда кўрик, кўргазма, танлов, ярмарка ва намойишларни ташкил этиш, илмий-техникавий ахборот хизматлари кўрсатиш;

– қишлоқ хўжалиги мутахассислари, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбар ходим ва мутахассисларини тайёрлаш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилган қисқа, узоқ ва ўрта муддатли ўқув-семинар-тренингларини ташкил этиш, миллий ва халқаро анжуманлар уюштириш;

– марказда шакллантирилган маълумотлар банкини (белгиланган тартиб-қоидага риоя қилган ҳолда) бюллетен, ахборотнома, услубий ва амалий қўлланмаларда чоп этиш, илғор тажриба ва инновацион агротехнологиялар асосида маҳсулот етиштириш/хизмат кўрсатишга бағишланган амалий ва ўқув-услубий фильмлари тайёрлаш ва бошқалар.

Шу боис, қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизмати (АКХ) кўрсатиш тизимининг асосий мақсади фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, барча аграр соҳа тадбиркорларига хўжалик фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва бошқариш ҳамда истиқболини белгилашга оид ташкилий, иқтисодий, молиявий, агротехнологик ва бошқа қарорлар қабул қилишда уларда нисбатан объектив фикр, тасаввур, қараш ва ғояларни шакллантириш ва оқилона ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишларига кўмаклашиш мақсадида ахборотлар мажмуини маълум тартиб, қоида, тизим ва тасниф ҳамда тамойиллар асосида узатишдан иборат.

Бугунги кунда, ушбу мақсадларга эришиш учун ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатувчи марказлар қуйидаги вазифаларни амалга оширмоқдалар:

– хўжаликни самарали бошқариш, маркетинг, молиявий ва инвестицион таҳлилни амалга ошириш, экологик ва тиббий меъёрларни инобатга олган ҳолда барча турдаги ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш борасида консультациялар ташкил этиш;

– фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳамда бошқа барча аграр тадбиркорлик субъектарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларининг турли жиҳатларини қабраб олувчи, айниқса, янги ва инновацион технология ва замонавий хўжалик юритиш усулларига доир объектив ва доимо янгиланиб туриладиган маълумотларни етказиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи (хизмат/иш бажарувчи)ларга инновацион фаолиятни амалга оширишга кўмаклашиши, амалдаги ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, ривожлантириш ва янгисини барпо этиш учун сармоядорлар ва ҳамкорларни излаб топишга кўмаклашиш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қатор йиллар давомидаги хўжалик фаолияти ва истиқболда ривожланиш ҳолатларини таҳлил қилишни рағбатлантириш;

– товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ўртасида хўжалик юритиш ва ташкилий қарорлар қабул қилиш борасидаги илғор тажрибани аниқлаш, умумлаштириш ва тарқатиш, илмий-техникавий ахборот хизматлари кўрсатиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш фермер хўжаликларида зарур ахборотларга бўлган талабни қондириш ва инновацион фаолликни кучайтиради.

**Д.Н.ИЛЬИНА,**
Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, с.н.с.

## Реформирование сельского хозяйства во Вьетнаме: рекомендации для Узбекистана

В начале 1980-х годов Вьетнам был одной из беднейших в мире, страдающих от гиперинфляции, стагнации доходов на душу населения, снижения производства продуктов питания на душу населения и массового голода. К середине 1990-х годов, Правительству страны удалось восстановить макроэкономическую стабильность, рост ВВП ускорился, и Вьетнам стал крупнейшим экспортером риса, кофе и многих других сельскохозяйственных и промышленных товаров. Вьетнам является одним из примеров быстрого экономического и социального развития, что заслуживает внимания и изучения его опыта развития для применения в Узбекистане.

Чем объясняются впечатляющие экономические и социальные достижения Вьетнама? Большая заслуга в этом феномене принадлежит политике Doi Moi («изменение и обновление»), проводимой начиная с 1988 г. Осуществляясь поэтапно, реформы коренным образом изменили структуру прав собственности и создали рыночную среду для фермерской деятельности. Проведение реформ во Вьетнаме способствовало переходу в относительно короткие сроки от высоко централизованного коллективизированного сельского хозяйства к сельскому хозяйству, основанному на принципах свободного рынка, мало чем отличающемуся от сельского хозяйства развитых стран. В период реформирования (1988-2012 гг.) средний прирост продукции сельского хозяйства составлял 3,9% в год, что

позволило обеспечить объём ВП сельского хозяйства в 2012 г. в 2,56 раза больше показателя 1986 г.

Как самую важную реформу можно выделить реформу землепользования. «Освобождение» рынка сельскохозяйственных земель во Вьетнаме было названо одной из самых радикальных земельных реформ в современное время[1]. Первый крупный шаг на пути реформирования был сделан с принятием «Земельного Закона» (1988 г.). На начальном этапе, фермерские хозяйства получили условные права на использование земли в течение 10-15 лет. Следующим шагом Правительства было принятие "Закона о сельскохозяйственном налоге на землепользование», который был введен в действие с января 1994 г. Этот закон определил пять основных прав фермеров, таких как изменение в землепользовании, трансферы, аренда, передача земли по наследству и залог. Также, согласно этому закону, земля была передана в ведение домохозяйств на долгосрочной основе следующим образом: на 20 лет для однолетних культур; на 50 лет при выращивании многолетних культур, и на 70 лет для выращивания многолетних культур по утвержденным Правительством проектам.

Наряду с реформой землевладения, Правительство также проводило обширные рыночные реформы. В 1987-88 гг. был отменен контроль над ценами на сельскохозяйственные товары. С 1989 г. началась либерализация внешней торговли сельскохозяйственной продукцией, что позволило расширить участие частного сектора в этом процессе. В 1990 г. были отменены закупки сельскохозяйственной продукции государством (как правило, по ценам ниже свободного рынка), фермеры смогли начать продавать свою продукцию по рыночным ценам. В рамках этой политики, внутренние рынки постепенно были интегрированы с остальной частью мировой экономики. Так называемые "рыночные барьеры" были сняты. В рамках международной торговли, импорт и экспорт товаров стал свободным. Налоги, взимаемые с импорта сельскохозяйственного сырья и экспорта сельскохозяйственной продукции, были в некоторых случаях сведены к нулю.

Одновременно с проведением рыночных и земельных реформ был обеспечен быстрый рост государственных инвестиций в сельскохозяйственные исследования и разработки (R&D). Эти инвестиции, несомненно, частично внесли свой вклад в потрясающий прогресс в сельском хозяйстве во Вьетнаме[2]. Распространение сельскохозяйственных знаний также играет важную роль в быстрой передаче перспективных технологий производства на поля фермеров. В целях укрепления общенациональной сельскохозяйственной системы передачи знаний, в 61 провинциях и городах были созданы местные центры по передаче знаний. Во многих провинциях, их филиалы дошли до уровней районов, сел и коммун. Ветеринарные и фитосанитарные центры защиты создавались параллельно на уровне районов.

С учетом проанализированного опыта Вьетнама и учитывая условия и возможности Узбекистана, предлагается следующее:

1) Вьетнаму пришлось перейти к полной либерализации внешней торговли сельскохозяйственной продукцией. Сельское хозяйство страны оказалось весьма уязвимым. Продукция не выдерживала конкуренцию со стороны производителей более развитых стран. Фермеры несли большие финансовые потери и находились на грани разорения. Для недопущения подобных последствий в Узбекистане необходимо заблаговременно принять меры по повышению конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции. Прежде всего, по повышению уровня переработки сельскохозяйственной продукции путем разработки и реализации специальных программ: глубокой переработки сельхозпродукции; более полного использования мощностей имеющихся предприятий по переработке,

[1] Ravallion and van de Walle (2009), “Land in Transition: Reform and Poverty in Rural Vietnam”, The World Bank Group.

[2] OECD. Dalila Cervantes-Godoy, Joe Dewbre. «Economic Importance of Agriculture for Sustainable Development and Poverty Reduction: The Case Study of Vietnam». Global Forum on Agriculture, 29-30 November 2010. p. 15

консервированию и упаковке производимой сельскохозяйственной продукции; расширения «линейки», производимой конечной продукции для внутреннего и внешнего рынков.

2) Необходимо принять меры по расширению масштабов научно-практических исследований в аграрном секторе, совершенствованию экономических механизмов и увеличению финансовой поддержки научно-исследовательских процессов и внедрения агроинноваций. Доля средств, направляемых на научные исследования, в средствах государственной поддержки аграрного сектора в настоящее время составляет менее 1%[1]. Так, быстрый рост государственных инвестиций в сельскохозяйственные исследования и разработки (R&D) внес значительный вклад в прогресс в сельском хозяйстве во Вьетнаме. В этой связи, необходима разработка и принятие Государственной программы внедрения современных технологий в регионах. Эффективность научно-технических достижений в сельском хозяйстве необходимо довести как минимум до 40% к 2020г.

3) Изученный опыт Вьетнама показывает, что распространение сельскохозяйственных знаний также играет важную роль в быстрой передаче перспективных технологий производства на поля фермеров и в дальнейшем оказывает влияние на рост производства. Необходимо, чтобы в каждом районе регионов Узбекистана функционировал консультационный центр. Особое внимание надо уделить подготовке специалистов для работы в данных центрах по распространению современных сельскохозяйственных знаний.

Реализация этих мероприятий позволит эффективно задействовать имеющиеся резервы и возможности для роста производства сельскохозяйственной продукции в Узбекистане и на этой базе создать реальную основу для решения проблемы обеспечения растущего населения страны продовольствием.

**Д. РАХМОНОВ,**
СамҚХИ, и.ф.н, доцент

## Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чорвачиликни барқарор ривожлантиришнинг асосий омиллари

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган иккита асосий тармоқдан - деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидан иборат. Бу тармоқлар мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бандликни таъминлаш билан бир каторда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатининг эса қимматли хом ашёларга бўлган талабини қондиришга, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мамлакат аҳолисининг кўпайиши ва уларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ортиб бориши чорвачиликни ривожлантиришни тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини, жумладан, чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилларидан амалиётда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай омилларга поданинг насл сифатини яхшилаш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, молларни суньий уруғлантиришни кескин ошириш, зооветеринария хизматлари кўламини кенгайтириш, молларни сақлаш, озиқлантириш маданиятини тубдан яхшилаш ва турли касалликларнинг олдини олиш кабиларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига кўра, 2012 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) қиймати 96589,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 24370,3 млрд. сўм (25,2%) га

[1] По данным Министерства финансов Республики Узбекистан.

етиб, унинг 41,9 (10215,0 млрд. сўм) фоизи чорвачилик маҳсулотлари улушига тўғри келган. Бу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 7,1 фоизга ошганлиги эса чорвачилик соҳасида бошланган ислоҳотлар босқичма-босқич давом эттирилаётганлигидан, истиқболни кўзлаган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида чорвачилик фермаларининг аксарияти хусусийлаштирилиши натижасида 2013 йил 1 январь ҳолати бўйича мамлакатимизда боқилаётган жами 10141,3 минг бош қорамолнинг 93,8 фоизи, 3935, 0 минг бош сигирнинг 94,5 фоизи, 17128,8 минг бош қўй ва эчкининг 82,7 фоизи ва 47485,8 минг бош парранданинг 64,1 фоизи деҳқон хўжаликларида кўпайтирилмоқда. Юқоридагиларга ҳамоҳанг равишда 2012 йилда Ўзбекистонда етиштирилган жами 1672,9 минг тонна гўштнинг 94,7 фоизи, 7310,9 минг тонна сутнинг 95,9 фоизи ва 3873,7 млн. дона тухумнинг 54,6 фоизи деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келган.

Республикамизда молларнинг насл сифатини яхшилаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу нуқтаи назардан, чет давлатлардан келтирилган наслли қорамолларнинг жами сони 2006-2012 йиллар мобайнида 28174 бошни, улардан туғилган жами бузоқлар сони эса 55519 бошни ташкил этган.

Мамлакатимиз бўйича фаолият кўрсатаётган қорамолчилик наслчилик субьектлари сони 2012 йилда 448 тани ташкил этиб, 2010 йилдигига нисбатан 88 тага кўпайган. Шу йилларда улардаги қорамоллар сони 13449 тага кўпайиб, 107751 бошга етган. Сўнгги йилларда сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда барча вилоятларда 1801,2 минг бош мол сунъий уруғлантирилган ёки 2010 йилдагига нисбатан 501,2 минг бошга кўпайган. Натижада, наслчилик хўжаликларида наслли мол тайёрлаш мамлакатимиз бўйича таҳлил қилинган йилларда 43,5 фоизга ошиб, 7211 бошни ташкил этган.

Бозор иқтисодиёти шароитида, чорвачиликни сервис хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди. 2012 йилда мамлакатимиз бўйича чорва молларига сервис хизматлари кўрсатаётган зооветеринария пунктлари сони 2591 тага, чорва молларига кўрсатилган зооветеринария сервис хизматлари 2205,0 млн. сўмликка кўпайиб, 9117,0 млн. сўмликка етган.

Охирги йилларда чорвачиликнинг паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик сохаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Қилинган саъйи-ҳаракатлар натижасида 2012 йилда мамлакатимизда боқилаётган асалари оилалари сони 290016 тага, асаларичилик билан шуғулланаётган субъектлар сони 7589 тага етиб, 2010 йилга нисбатан мос равишда 101378 тага ва 1688 тага кўпайган. Асал етиштириш эса шу даврда 4888 тоннага етиб, 54,1 фоизга ошган. Шу йиллар давомида овланган балиқлар 17101,1 тоннага кўпайиб, 25885,1 тоннага етган.

Тиббий меъёрлар бўйича бир йилда аҳоли жон бошига 40 кг гўшт, 140 кг сут, 121 дона тухум, 12 кг балиқ ва 1,5 кг асал талаб қилинади 2012 йилда аҳоли жон бошига етиштирилган гўшт 36,7 кг ни, сут 247,5 кг, тухум 131,1 донани, балиқ 0,86 кг ни ва асал 0,165 кг ни ташкил этди. Демак, гўшт, балиқ ва асал етиштиришни кўпайтиришга эътиборни янада кучайтириш зарур.

Чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак базасисиз тасаввур этиш жуда қийин. Охирги йилларда мамлакатимиз бўйича озуқа экинлари майдони ўзгармади, 330,0 минг гектарни ташкил этмоқда. Мол бош сонлари кўпаётганлиги, уларнинг эса ем-хашакка бўлган талаби тўла қондирилмаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, озуқа экинлари майдонини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларида алмашлаб экиш тизимига бедани ҳам киритиш зарур, деган фикрдамиз.

Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бораётганлигини инобатга олиб, келгусида соҳани барқарор

ривожлантириш натижасида аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таьминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- такрорий ва оралиқ экинлар экишни кўпайтириш, озуқа экинлари майдонини ва ҳосилдорлигини кескин ошириш, яйловлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш;
- ем-хашак экинлари уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларни ер майдонлари, уруғлик, минерал ўғит, ЁММ ҳамда техника воситалари билан таьминлаш;
- суньий уруғлантиришнинг афзалликлари тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, чорвадорларни қизиқтириш мақсадида биринчи марта суньий уруғлантириш харажатларини давлат дотацияси ҳисобидан қоплаш;
- селекция, наслчилик ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш, юқори маҳсулдорликка эга молларнинг ”насл ўзаги” ни яратиш, мавжуд наслли молларни сақлаб қолиш;
- аҳолининг молларни сақлаш ва озиқлантириш маданиятини ошириш;
- келгусида мол ва парранда бош сонларини кўпайтириш йўлидан эмас, балки насл сифатини яхшилаб, маҳсулорлигини ошириш йўлидан бориш ва бошқалар.

**Х.Я.САATOBA,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти,
и.ф.н., етакчи илмий ходим
**Д.Ч.МУРОДОВА,**
Тошкент молия институти, “Банк иши” кафедраси ассистенти

## Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги билан бир қаторда соҳани давлат томонидан агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалиги асосан суғориладиган деҳқончиликка асосланганлиги учун ҳам давлатнинг бевосита аралашуви талаб этилади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида асосан, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар ажратиш, маҳсулот етиштириш жараёнлари, сув хўжалиги объектлари фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш, соҳа ишлаб чиқарувчиларининг техника таъминотини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, 2005-2012 йилларда бир гектар экин майдони учун сарф қилинган қўллаб-қувватлаш харажатлари 306,7 минг сўмдан 530,8 минг сўмга кўпайиб, 1,7 баробар ортган бўлса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси ҳам 7,0 фоиздан 7,9 фоизга ўсган.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга сарф қилинаётган ресурслардан самарали фойдаланиш мезони сифатида ҳар бир ажратилган сўмга нисбатан маҳсулот етиштиришнинг ўсиши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бу мақсаддаги ресурслар тақослама нархларда 0,73 сўмгача ошганлиги ҳам ушбу даврда ижобий натижаларга эришилганлигидан далолат беради (1-чизма).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 725-сонли қарорига биноан ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми амалиётга

жорий қилина бошланди. Шу мақсадда 2008 йилда 60 миллиард ва 2009 йилда 120 миллиард сўм ажратилди. Бу жараён кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилди.




**1-чизма. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга сарф қилинаётган ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари** (%да)[1]

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги "Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлок хўжалик маҳсулотлари етиштираётган қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 106-сонли қарорига асосан йўқотилган ҳосилнинг қийматини қоплашни молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби янада такомиллаштирилди. Ҳосилдорлик даражаси паст ерларда пахта етиштирувчи фермерларни молиявий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадида 2008-2012 йилларда уларга 610 миллиард сўм миқдорида кўмак берилди.

Жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг ўзгариб туришини инобатга олган ҳолда, 2011 йилдан бошлаб ички ва ташқи бозор баҳоси бўйича юзага келган тафовутни фермер хўжаликларига тўлаб бериш амалга оширилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 февралдаги "Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги 30-сонли қарори). Дастлаб, фермерларга ички ва ташқи баҳолардаги тафовутнинг 25 фоизи берилган бўлса, 2012 йилдан бошлаб уларнинг ихтиёрига 50 фоизи ўтказилиши белгилаб қўйилди. Фақат 2011 йилда (пахта толаси нархи сезиларли ошган йил) пахта толасининг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушган 1613 миллиард сўмнинг 806,6 миллиард сўми (50 фоизи) Жамғармага, 403,3 миллиард сўми (25 фоизи) "Ўзпахтасаноат" уюшмасига ва 403,3 миллиард сўми (25 фоизи) фермер хўжаликларига, 2012йилда эса 219,2 миллиард сўми (50 фоизи) ва қолган 219,2 миллиард сўми Жамғармага берилди.

Қўлланиладиган тартибга асосан, юзага келган ижобий фарқдан келиб тушадиган маблағ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармасининг махсус ҳисоб рақамида тўпланиб, банк муассассалари орқали пахта тозалаш корхоналарининг махсус ҳисоб рақамларига, пахта тозалаш корхоналари томонидан эса, сотилган пахтасининг умумий қийматига мутаносиб равишда фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Фермер хўжаликлари ҳисобига келиб тушган маблағлар, тўлов топшириқномаси (инкассо талабномаси)га мувофиқ мутаносиб равишда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан ҳамда хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналари томонидан етказиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ПМТИ томонидан ҳисобланган.

берилган моддий-техник ресурслари ва кўрсатилган хизматлар бўйича тегишли хўжаликлар қарздорликларини сўндириш учун йўналтирилади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан ҳамда хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналаридан қарзи бўлмаган фермер хўжаликлари бу маблағдан, ўз ҳоҳишларига кўра, биринчи навбатда моддий-техник ресурслар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизматлари учун олдиндан тўловни амалга ошириш мақсадида фойдаланишларини мумкин.

Қишлоқ хўжалигида долзарб муаммолардан ҳисобланган техника таъминотидаги камчиликларни бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори муҳим омил бўлди. Бу қарорга биноан Молия вазирлиги қошида "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси ташкил қилиниб, фермер хўжаликларига лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилиш йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалиги техника таъминотида бозор тамойилларига мос янги тизим шаклланишига олиб келди. Республикамизда фермер хўжаликлари учун техника воситаларини лизинг асосида харид қилиш механизми жорий этилди. Уларга сотиб олинаётган техника бошланғич нархининг дастлабки 15 фоизини тўлаш, қолган 85 фоизини эса 10 йил давомида қайтариш бўйича имтиёзлар берилди. Шу йўл билан фермерлар 2004-2012 йилларда 14 ярим мингдан ортиқ техника воситалари сотиб олдилар.

Ҳозирги вақтда суғориладиган ерлардан қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувлари кўтарилиши билан боғлиқ. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур муаммони ҳал этиш мақсадига қаратилган 2007 йил 31 октябрдаги "2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида" ги 718-сонли қарорига мувофиқ қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" Давлат дастури доирасида ажратилган 130,0 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2009 йилда 102 та лойиҳа бўйича 702 километр узунликда коллектор-дренаж тармоғи, 136 километр ёпиқ-ётиқ дренаж, 195 та тик қудуқ, 6 та мелиоратив насос станцияси ҳамда 485 та кузатув қудуғи қурилди ва реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 263 та лойиҳа бўйича 12 минг 696 километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди, 1311 километр ёпиқ-ётиқ дренаж ювилди, 1249 та вертикал дренаж, 57 та мелиоратив насос агрегати таъмирланиб, 48 миллиард 142 миллион сўм миқдаридаги (101,8%) маблағ ўзлаштирилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этилди. Сўнгги беш йилда мазкур жамғарма орқали 800 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, ариқ ва зовурларни тозалашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Натижада 3 минг 500 километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи қурилди ва реконструкция қилинди, 67 минг километрдан зиёд мелиоратив тармоқ таъмирланди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2012 йиллар давомида халқаро молиявий институтлар маблағи ҳисобидан 762 миллион АҚШ доллари қийматидаги 27 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ер ости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларининг мелиоратив холати яхшиланишига ва самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

---

[1] Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// "Халқ сўзи", 2008 йил 9 февраль.

Масалан, ўтган йили 2003 йилдагига нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4,9 центнер, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 центнерга ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, авваламбор, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор қаратилди. 2009 йил ҳосилидан бошлаб, пахта хом ашёсини (200 минг тоннага), у етиштириладиган майдонларни (75,8 минг гектарга) қисқартириш ҳамда талаб юқори ва сердаромад озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга киришилди. Бунгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Экин майдонларини оптималлаштириш ва озиқ-овқат экинларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4041сонли фармони асос бўлди. Унга мувофиқ бошоқли дон экинлари майдони 48,8 минг гектарга, сабзавот, картошка экинлари ва ёғли экинлар майдонлари 27 минг гектардан ортиқроққа кенгайтирилди.

Республика Президентининг 2008 йил 28 ноябраги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сонли фармонига мувофиқ, 2009 йилда барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ўртача 5-6 фоизгача ошириш, ҳар бир туманда муқобил иситиш манбаларига эга бўлган, енгил конструкцияли 5-6 тадан иссиқхона қуриш, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида 2 минг гектар экин майдонида хорижий сармояларни жалб этган ҳолда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ишларини амалга ошириш белгиланди. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида қатъий мониторинг ва назорат тизими ўрнатилди Бу эса, қишлоқ хўжалигида барқарор ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик харакатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустахкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этишда кўмаклашиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида “Пахтабанк” акциядорлик тижорат банки негизида “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Бугунги кунда замонавий фермер хўжалиги фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, тижорат ва маркетинг фаолиятини юритиш, пуллик хизматлар кўрсатиш, ҳар хил кўринишдаги тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олиши керак. Бунинг учун эса, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, фермерлик барқарор ривожланишини таъминлаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими янада такомиллаштирилмоғи лозим.

Фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда соҳанинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бир томондан, фермер хўжаликларининг ўзини-ўзи бошқариш бўйича таъсирчан механизмларини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини янада яхшилаш имконини берса, иккинчи томондан уларнинг олган мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш борасидаги масъулиятини оширади.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми самарадорлигини оширишда уларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларини ҳамда моддий рағбатлантирилишини ташкил этиш ва такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Яъни, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланмаслик, маҳсулот етиштиришдаги ортиқча харажатлар ва етиштирилаётган маҳсулот сифатининг пастлиги каби ҳолатлар фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани бу йўналишда кўп иш қилинишини кўрсатади. Албатта, бир-бирига боғлиқ ички ва ташқи омилларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, бунинг учун эса, авваламбор, мамлакат миқёсида шарт-шароитларни яхшилаш, ривожлантириш талаб этилса, бошқа жиҳатдан эса, фермер хўжалигининг ички ишлаб чиқариш фаолиятида хўжалик доирасида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар бевосита хўжаликнинг мавжуд салоҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб шакллантирилмоғи керак. Бу йўналишда ҳали фойдаланилмаётган жуда катта имкониятлар ва муайян номутаносибликлар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш имкониятлари тўлиқ чекланган шароитда фақат мавжуд салоҳиятдан, биринчи навбатда, ер-сув ресурсларидан, иккинчидан эса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш омилидан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш мумкин.

**У.ГУЛЯМОВ,**
ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи
**У.ХАЛИЛОВ,**
ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

## Инновациялар – корхона рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили

Мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожи ва дунё миқёсидаги мавқеи ҳамда рақобатбардошлигини оширишда инновация фаолиятини интенсивлаштириш муҳим роль ўйнайди. Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиздаги корхоналарнинг технологик инновацияларга бўлган талаби юз бераётган иқтисодий ўзгаришларга нисбатан жуда суст.

Инфратузилмалар бозор муносабатлари талабларига мос ривожланмаганлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг янги омилларини шакллантириш ва ўзлаштиришда қобилиятсизлик ва масъулиятсизлик хусусиятлари, шунингдек, инновациялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ қилиш ўртасидаги номутоносиблик инновацион фаолиятнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш заруриятини туғдиради. Инновацион ёндашувлар асосида, мамлакат иқтисодиёти мукаммаллигини таъминлаш мавжуд ташкилий-бошқарув, молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилишини тақозо этади. Замонавий иқтисодий ривожланиш ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини илмий-техника ютуқларига асосланган интеллектуаллаштириш жараёнлари билан характерланади.

Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 80-95 фоизига янги билимларни, технологияларни, янги ускуналарни такомиллаштириш ва кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан эришилмоқда. Янги технологияларни татбиқ қилиш ишлаб чиқариш самарадорлиги, товар ва хизматлар сифатини оширишда асосий омил бўлиб қолди. Иқтисодиёт реал секторлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодий ривожланишни сустлаштирувчи омилларнинг салбий таъсирини камайтириш, инновацион ишлаб чиқаришга маблағларни сарфлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари таъминотчиси ҳолатидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи мавқеига олиб чиқади.

Инновациялар корхонанинг рақобат муҳитидаги устунлигини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳалар асосида уларнинг товар ишлаб чиқариш ва реализация

қилиш соҳаларидаги фаоллигини оширади. Демак, ташқи ва ички бозордаги рақобат курашида инновациялардан фойдаланиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Инновациялар ўрта ва юқори рақобатбардошлик афзалликларини шакллантиради. Мутаносиб равишда корхона рақобатбардошлигини инновацион рағбатлантириш деганда, маҳсулотлар сифатини ошириш, харажатларни қисқартириш, истеъмол товар маҳсулотлари ассортиментини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхонани бошқариш тизимида инновацион рақобатбардошлик афзалликларини яратиш ва амалга ошириш тушунилади.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим йўналишларидан бири узлуксиз инновацион жараёнга ўтиш ҳисобланади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг жадаллиги асосан иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди. Бозордаги шиддатли рақобат кураши шароитида фақатгина илмий-тадқиқот фаолияти учун қулай шароит яратувчи корхоналаргина ғолиб бўлади. Рақобатда устунликни қўлга киритиш ва уни ушлаб қолишга фақатгина инновация орқали эришиши илгари сурилган, бот-бот тасдиқланган қараш бугунги кун корхоналарининг аксиомаси бўлиб қолди. Ҳар қандай илғор корхона шахсий стратегияси бўлишига қарамай, шуни биладики, доимий янгиланиш ва такомиллашиш ишлаб чиқариш даражасини юқори ва самарали қила олади. Инновациялар асосида товар ва технологияларга рақобат афзалликларини бериш, ўз навбатида, корхонага рақиблардан устидан технологик устун бўлиш имконини беради. Аммо корхона учун рақобат устунлигига эга бўлиш асосий мақсад эмас, муҳими, корхона фаолиятининг тўғри йўналиши бўйича стратегияни танлаб, шу йўналишда моҳирлик билан иш олиб бориш ва пировардида рақобат курашида муваффақиятни қўлга киритишдир (1-расм.).




**1-расм. Рақобатда муваффақият қозониш босқич ва омиллари.**

Шундай қилиб, инновацияларнинг рақобатбардошликдаги вазифаси корхоналарга рақобатда технологик устунликка эришиш орқали рақобат курашида ғолиб бўлиш имконини беришдир. Бироқ ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида ивестицион фаолиятни фаоллаштириш, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммоси вужудга келмоқда. Ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилишда аввалambор, уларни иқтисодиётнинг қайси соҳасига йўналганлигини инобатга олиш лозим. Энг катта эътиборни инновацион фаолият юритувчи субъектларга, шунингдек янги технологияларни татбиқ қилиш тизимини ривожлантиришга қаратиш зарур, чунки улар тезроқ ўзларини оқлашади.

Одатда, инновацияларни моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлашади, лекин янгиликлар тиббиёт, таълим ҳамда кўплаб бошқа ноишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият, қайси тармоқдалигидан қатъий назар, изланиш, қайта ишлаш ва такомиллашган янгилик ҳамда техника-технологияларни ўз ичига олган жараёнлар мажмуаси ҳисобланади. Демак, қўшимча даромад олиш ёки ўша ҳажмни сақлаб қолиш учун техника ва технологияларни инновация ишланмалари билан такомиллаштириб бориш лозим.

**К.Д.АСТОНАҚУЛОВ,**
ЎзМЭИ, т.ф.н., к.и.х

### Кичик хўжаликларида ғаллани эрта муддатларда ўриб-йиғиштириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида жуда катта ўзгаришлар қилинди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишда бўлган ер майдонлари фермер ва деҳқон хўжаликларига берилди. Эндиликда, бундай ерлар шахсий ёрдамчи ёки деҳқон ва фермер хўжаликлари тассаруфида бўлиб, уларнинг ҳажми хўжаликлар бўйича турлича. Шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжаликларидан ҳар бирининг ер майдони 0,1 га дан 1,0 га гача бўлса, фермер хўжаликлариники 10 га дан бир неча юз гектаргача.

Сўнгги пайтда жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар туфайли республикамизда ҳам томорқа ва деҳқон хўжаликларида ғалла ва ундан кейин такрорий экинлар етиштиришга бўлган қизиқиш кучайли. Аммо, ҳанузгача ер, иқлим шароити ва кичик хўжаликлар иқтисодини ҳисобга олган ҳолда донли экинларни ўриб-йиғиштириш технологиясини қўллашга унчалик катта аҳамият берилмаяпти.

Ҳозирда кичик хўжаликларда ҳам, ғаллани ўриб ёки янчиб олишда комбайнлардан фойдаланилаяпти. Бу иқтисодий жиҳатдан кўп ҳам мақбул эмас. Чунки, комбайнлар ёрдамида ғалла дони тўлиқ пишгандан сўнггина йиғиштириб олиниши мумкин. Бунда эса, ўрим муддати узайиши билан бирга жазирама ёз иссиғида тупроқдаги намлик ҳам кескин пасайиб кетиши кузатилади ва натижада ерни такрорий экинлар экишга тайёрлаш сифати бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, кичик ўлчамли далаларда катта комбайинларни ишлатиш уларнинг иш унуми ва самараси пасайишига, комбайнлар нархи юқорилиги дон таннархи ошишига, йиғиштиралаётган ғалланинг сомони далага сочиб кетилиши эса уни йиғиштириб олиш қийинлашишига сабаб бўлади.

Кичик хўжаликлар иқтисодий ривожланиши омилларидан бири уларда ресурстежамкор ва тезкор агротехнологияларни қўллаб, битта ер майдонидан йилига 2-3 марта тўлиқ ҳосил олиш ҳисобланади. Бунга, республикамизнинг табиий-иқлим шароити тўлиқ мос келади. Бунинг учун эса, бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа, сули ва ҳ.к.)ни одатдагидан барвақтроқ йиғиштириб олиб, ерларни такрорий экинларга тезроқ бўшатиш керак. Шундагина бошоқли дон экинларидан сўнг уларнинг ўрнига такрорий экинлар - маккажўхори, мош, ловия, картошка, тарвуз ва ҳатто жанубий вилоятларда пахта экиб, бўлиқ иккинчи ҳосил олиш имкониятига эга бўлинади.

Шунга кўра, ЎзМЭИда кичик хўжаликлар учун ғаллани эрта муддатларда йиғиштириш усули ва уни амалга оширадиган кичик ўлчамли ғалла ўргич, ғаллаянчгич, дон тозалаш ва сомон майдалаш машиналари ишлаб чиқилди.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатдики, кичик хўжаликларда юқоридаги техника воситалари ёрдамида ғалла эрта муддатларда йиғиб олинганда сарф-харажатлар донни комбайнда, сомонни эса КИР-1,5 да майдалаб йиғиб олиш усулига нисбатан 273464 сўмга, донни комбайнда, сомонни эса пресслаб йиғиб олиш усулига нисбатан эса 319065 сўмга кам бўлиб, унинг иқтисодий самараси биринчи усулга нисбатан 2392810,0 сўмни, иккинчи усулга нисбатан эса 2791848,7 сўмни ташкил қилади.

**О.Р. ЭРГАШЕВ,**
ТошДАУ, катта илмий ходим-изланувчи
**Б.ХОЛИҚУЛОВ,**
ФВВ ходими

## Саноат корхоналари қайта ишлаш чиқиндиларининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири ҳамда иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тегишли илм-фан даргоҳлари, мутасадди ташкилотлар ва умуман, қишлоқ хўжалиги билан боғланган ҳар бир кишида соҳа бўйича маълум даражада билим, тажриба ва кўникмалар тўпланган. Улар орасида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатадиган чиқиндилар, яъни саноат чиқиндиларидан, хусусан, кон-руда саноати чиқиндиларидан фойдаланиш ва шунга таълуқли тажрибавий билимлар алоҳида аҳамиятга эга. Соҳадаги тажрибавий ишларга мисол қилиб, Г.Рафиқова ва И.Раҳматовлар 1973-1975 йилларда олиб борган илмий изланишларни келтириш мумкин.

Г.Рафиқова ва И.Раҳматовлар 1973 йили СоюзНИХИнинг экспериментал базасида (Оққовоқ) шу институт методикаси бўйича Олмалиқ ва Олтинтопган бойитиш фабрикалари чиқиндиларининг (микроўғитлар тариқасида) таъсири ва кейинги таъсирини ўрганиш бўйича дала тажрибаларини олиб боришган. Бунда, чиқиндиларни 1972 йили кузги шудгор вақтида фосфор ва калий билан бирга, баҳорда эса баҳорги шудгордан аввал тупроққа солиб, унинг таъсирини тажрибадаги "Тошкент-1" навли ғўзада синаб кўришган.

Тажрибалар давомида олинган хулосага кўра, ўсимликларни микроэлементлар билан таъминлаш учун кон-руда чиқиндиларини 500 ва 1000 кг/га дозада ғўзага 2-4 йилда бир марта солиш керак, чунки улар солинганидан кейин иккинчи ва учинчи йили таъсир эта бошлайди. Чиқиндиларни ерга солиш натижасида, ҳар бир гектар майдондан олинадиган соф фойда миқдори анча ортган.

Қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини ошириш ва микроэлементлар билан бойитиш учун қўлланиладиган усуллар орасида ноанъанавий агрорудалардан фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда табиий заҳиралари 2 милиард тоннадан ортиқ ноанъанавий агрорудалар (бентонит, бентонитсимон лойлар, глоуконит қумлари ҳамда вермукулитлар)дан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш мумкин. Ноанъанавий агрорудалар таъсирида тупроқнинг сув-физик ва агрохимик хусусиятлари яхшиланади, ўсимликлар ҳосилдорлиги ортади. Бентонит лойқалари таркибида 0,4-3,0% умумий калий, 0,3-1,0 % фосфор, 0,3-4,7% углерод мавжуд. Глоуконитлар таркибида 1,5-2,0% углерод, 0,28-3,32% фосфор, 1,95-5,4% калий бор. Шунингдек, улар таркибида ўсимлик учун жуда зарур бўлган микроэлементлардан мис, марганец, кобальт, молибден, қўрғошин, бор, темир ва бошқалар мавжуд. Ноанъанавий агрорудалар табиий адсорбентлардан иборат бўлганлиги учун катион ва анион алмашиниши ҳамда сув тутиш қобилияти анча юқори. Бу эса, ўз навбатида, тупроқ таркибидаги намликни узоқ муддат ушлаб туриш имконини беради. Демак, агрорудалар хусусан, бентонит ҳам ўғит, ҳам мелиорантдир.

Ноанъанавий агрорудаларнинг фойдали хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борган бир қатор олимларимиз уларни қўллаш бўйича қуйидаги тавсияларни беришади: ноанъанавий агрорудалар кузги шудгор олдидан қўлланилганда гектарига 3,0-4,5 тонна ўғит сочадиган РУН-0,5 мослама ёрдамида солинади. Улар экиш билан бирга қўлланилганда сеялкага ўрнатилган махсус ўғит сепгичлар ёрдамида экиш чизиғидан 5-7 см четга, 12-15 см чуқурликка гектарига 0,5 тоннадан солинади. Агар агроруда экиш билан бирга солинмаган бўлса, ғўзанинг ўсиш давомида озиқлантиришда гектарига 250-300 кг меъёрда уч марта берилади.

Шундай қилиб, ноанъанавий агрорудалар тупроқнинг макро ва микро элементларга бўлган талабини бирмунча камайтириб, бу элементлар билан тупроқ таркибини бойитади, сув-физик хусусиятларини анча яхшилайди, шу билан бирга кимёвий-минерал ўғитлардан роцианал фойдаланиш имконини яратади.

**М.С. ЮСУПОВА,**
ТашГАУ, с.н.с.-соискатель

## Рост и развитие саженцев яблони на вегетативно-размножаемых подвоях в условиях питомника

В докладе приводятся данные проведенные исследованиям в 2011-2012 годы разных по силе роста вегетативно-размножаемых подвоях яблоии заокулированнме на интенсивных сортах яблони Ренет Симиренко, Старкримсон. Голден Делишес, Боровинка Ташкентская и Корей. Полученные данные позволяют сделать выводы что интенсивные яблони уже в условиях питомника благополучно развивались на карликовом подвое М9, более медленно по сравнению со среднее рослыми подвоями.

**Объекты исследований.** Исследований по разработанной методике проводенных на кафедре плодоводства, овощеводства и виноградарства Ташкентского ГАУ. Полевые опыты закладывались в учхозе аграрного университета. Объектами исследований являлись; 1-ое поле питомника саженцев яблони; 2-ое поле питомника саженцев яблони.

Целью проведения исследований по проекту явилось испытание широкого набора различных типов слаборослых клоновых подвоев яблони с высоким коэффициентом, размножения хорошо совместимых с широким набором интенсивных сортов в условиях питомника яблони.

*Учеты и наблюдения в условиях питомника яблони:*

– физологические наблюдение на 2-ом поле питомника (распускание почек, начало и окончание роста побегов, пожелтение и сбрасывание листьев);

– динамика роста 1-летних саженцев интенсивных сортов яблони (через каждью 10 дня.);

– размеры однолетних саженцев интенсивных сортов яблони (высота и ширина кроны и количество однолетних побегов);

– сила роста однолетних саженцсв яблони (обхват штамбика, общий прирост побегов, площадь ассимиляционной поверхности листьев 1-летних саженцев яблони на слаборослых подвоях).

Методика проведения исследований. В 2011-2012 гг. в исследованиях были проведены следующие учеты и наблюдения:

1. На 1-ом поле питомника были заокулированы 4 интенсивных сорта яблони на подвоях М9, М7, ММ106, ММ102, ММ104, и ММ105, такие сорта как: Ренет Симиренко, Боровинка, Ташкентская, Голден Делишес, Старкримсон. Сорта груши: Кюреи Зимняя Нашваты;

2. На 2-ом поле питомника определялись прирост побегов, динамика роста и размеры однолетиих саженцев этих сортов;

3. Были определены на однолетних саженцах интенсивных сортов яблони на слаборослых подвоях биометричсские и физиологичсские показатели изучаемнх сортов иа 2-ом поле питомника.

Результаты исследований: из 2-го поля питомника отпускаются стандартные чистосортные однолетние саженцы. При наличии хорошо развитой надземной части, кронь и корневой системы саженцы семечковой культуры яблони отпускаются однолетним возрасте поэтому представленые биометрические показатели саженцев на разных по силе роста слаборослых подвоях. Как показывают результаты полученных данных по высоте штамба, толщине штамба и длине основных скелетных веток по сравнению с контрольным подвоем М9 выделялись подвои М7, ММ104 и ММ105 где соответственно они составили (58 – 3,2-57 см; 63-3,1-58 см; и 67-3,0-63 см).

Интенсивность роста окулянтов в течение лета в значительной степени зависит от подвоев. С весны в первое время рост идёт почти одинаково на карликовых и полу карликовых подвоях. Но уже через 20-25 дней начинаются небольшие различия, которые к 35-40 дням становятся довольно ясными. На самом карликовом подвое парадизка М9 привитые сорта растут несколько слабее, чем рослые полукарликовые подвои ММ106, ММ102, ММ104 и ММ105.

Полученные данные показывают, что однолетки всех сортов на подвое ММ105 и ММ104 оказались большей высоты, уже в условиях питомника, чем на карликовом подвое - парадизка М9 Подвои влияют не только на рост однолеток в высоту. От них зависит и способность растений образовывать боковые разветвления. Мощные однолетки образуют больше боковых побегов, чем те же сорта на слаборослых подвоях, подвой оказывает существенное влияние на ветвление однолеток. Почти все сорта на подвоях ММ106 и ММ102 образуют большее количество боковых побегов, чем на парадизке М9. Данные по приросту побегов перспективных сортов яблони во 2-ом поле питомника в зависимости от различных клоповых подвоев яблони показали, что по среднему приросту побегов самыми высокими оказались сорта Боровинка, Ташкентская, Старкримсон и Голден Делишес на подвоях ММ102, ММ104 и ММ105, которые составили от 25,2 до 34,3 см. Анализируя эти результаты можно сделать следующее заключение, так средний, прирост в условиях питомника был самым наименьшим на сортах яблони Ренет Симиренко и Джонаред на карликовом подвое М9 соответственно 14,8 и 22,2 см. Также, следует отметить, что по сорту яблони Старкримсон средний прирост побегов на карликовом подвое М9 был наименьший а несколько выше он был на подвоях ММ104 и ММ105

**Выводы:** таким образом, следует отметить, что средний прирост побегов перспективных сортов яблони в зависимости от разных клоновых подвоев уже в условиях питомника видно, что чем слаборослей подвой, тем слабее прирост побегов яблони, толщина штамбика, и высота однолетних саженцев.

**Д.Ч.МУРОДОВА,**
Тошкент молия институти, “Банк иши” кафедраси ассистенти

## Деҳқон хўжаликларида инновациядан фойдаланиш

Деҳқон хўжалиги қисқа муддат ичида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда деҳқон хўжаликлари ривожланишига катта эътибор қаратилиб,

уларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, деҳқон хўжаликлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш каби қатор муҳим иқтисодий-ижтимоий вазифаларни бажармоқда ва уларнинг ривожланиши аграр тармоқни барқарор ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозир мамлакатимизда 4,7 млн. дан ортиқ деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1,5 млн. дан ортиқ аҳоли 467,7 минг гектар майдонда меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг салмоғи 63,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу тоифадаги хўжаликлар картошка (75,5 фоизи), мева (51,9 фоизи), сабзавот (64,1 фоизи), полиз (46,8 фоизи), узум (43,3 фоизи) ва чорвачилик (92,1 фоизи) маҳсулотлари етиштиришда республикамизда етакчи мавқега эга.

Озиқ-овқат мустақиллигига эришишда гўшт ва сут маҳсулотлари ўзига хос ўринга эга. 2012 йилда етиштирилган гўштнинг 94,7 фоизи (1583,9 минг тонна), тухумнинг 54,6 фоизи (2113,7 миллион дона) ва сутнинг 95,9 фоизи (7008,5 минг тонна), республикамизда мавжуд сигирларнинг 94,5 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган. Аҳоли жон бошига сут етиштириш 246,2 кг ни ташкил этмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, бу борада маҳсудорлик паст бўлиб, йиллик сут соғиб олиш ҳажмида сезиларли ўсиш кўзга ташланмаяпти. Ушбу кўрсаткич республикамиз деҳқон хўжаликларида ўртача 1700 кг ни ташкил қилади, Европа ва АҚШ (8000 кг) ёки Исроилдагига нисбатан (11000 кг) бу ҳажм ниҳоятда паст[1]. Ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири наслдор чорва моллари камайиб кетганлиги ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, деҳқон хўжаликларида маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ, шунингдек, молиявий манбалар етишмаслиги, сотиш тизими яхши ривожланмаганлиги каби қатор муаммолар мавжуд. Бу хўжаликларни барқарор ривожлантириш уларни микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида микромолиялаш хизматларига бўлган талаб тўлиғича қондирилмаётганлиги, деҳқон хўжаликларида микрокредитлардан фойдаланишда гаров таъминоти етарли эмаслиги, кредитни расмийлаштириш жараёнлари мураккаблиги, қишлоқ ҳудудларида банкдан ташқари кредит ташкилотлари фаолияти кенг тарқалмаганлиги каби бир қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда. Шунингдек, микромолиялаш ташкилотлари таклиф этаётган хизматлар деҳқон хўжаликлари талабларига мос эмаслиги, аксарият ҳолларда эса, молиявий ташкилотлар билан ишлашда етарли билим, малака ва ахборотга эга эмаслиги ҳам уларга ушбу хизматлардан фойдаланишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунингдек, деҳқон хўжаликларига инновацион янгиликларни жорий этиш, уларни илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Деҳқон хўжаликлари барқарор ривожланиши учун:

– йил давомида ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш;

– деҳқон хўжаликларига сут маҳсулдориги юқори бўлган наслли молларни сотиб олиш имкониятини яратиш;

– деҳқон хўжаликларини микромолиялашни ривожлантириш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш.

– чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга, жумладан, зотли чорва молларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, бундай лойиҳаларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ;

[1] Лерман Ц. Ўзбекистонда чорвачиликнинг барқарор ривожланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар. Таҳлилий тавсиянома, №1. – Т.:UNDP, 2008. 12 -б.

– деҳқон хўжаликларида ердан йил давомида унумли фойдаланиш учун иссиқхоналар,жумладан, поликарбонатли иссиқхоналар қуриш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, деҳқон хўжаликларида иновациядан кенг фойдаланиш, авваламбор, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан катта тадбирларни амалга оширишни талаб этмайди, балки, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга эришиш имкониятларини кенгайтириш, даромад ва иш билан бандлик даражасини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, инновацияни кенг жорий этиш ва уларни барқарор ривожлантиришга имконият яратади.

**Ш.Ю.АЗИЗОВ,**
ЎзБИИТИ, к.и.х.

## Деҳқон хўжаликларида қўшилган қиймат яратишни иқтисодий рағбатлантириш йўналишлари

Деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадини ошириш ҳамда шаҳардаги даражага яқинлаштириш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини яратади. Кейинги йилларда, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний белгиланди ва шу орқали улар пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта дастурларида иштирок эта бошлашди. Шунга қарамасдан, бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш долзарблигича қолмоқда. Фикримизча, деҳқон хўжаликларида қўшилган қиймат яратишни иқтисодий рағбатлантириш йўналишларини қуйидаги уч йўналишда амалга ошириш зарур:

– деҳқон хўжаликларининг ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

– деҳқон хўжаликларини ресурслар ва техника воситалари билан таъминлаш, уларга маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш бўйича молиявий кўмак кўрсатиш;

– маҳаллий ҳокимият органларининг деҳқон хўжаликлари ривожланишига кўмагини кўчайтириш.

**Дастлабки йўналиш** бўйича амалга оширилиши лозим бўлган биринчи галдаги ишлардан бири, фикримизча, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш орқали кредит ва суғурта кооперативларининг фаолиятини жонлантиришга ҳуқуқий асос яратишдир. Чунки бугунги кунда амалда бўлган “Кооперация тўғрисида”ги ҳамда “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонунлар деҳқон хўжаликларининг кредит ва суғурта кооперативларига бирлашишини тартибга солмайди. Ваҳоланки, ушбу кооперативларни тузиш орқали деҳқон хўжаликларини “арзон” кредит ресурслари билан таъминлаш ҳамда улар етиштирган маҳсулотни турли ноқулай шароитлардан реал суғурталаш мумкин бўлади.

**Иккинчи йўналиш** бўйича кўрсатиладиган кўмак қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

– деҳқон хўжаликлари томонидан ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, уруғлик, ем-хашак ва қорамол сотиб олиш учун олинган кредитлар ставкаларининг бир қисмини қоплаб бериш;

– деҳқон хўжаликларини қўллаб-кувватлашга йўналтирилган жамғармалар орқали уларнинг маҳсулотини сотиб олишни ташкил қилиш;

– ветеринария хизмати кўрсатишга ва зотдор қорамол наслларини кўпайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишни молиялаштириш;

– зотдор қорамол наслларини четдан олиб кириш ва янгилаш бўйича тадбирларни ҳамда деҳқон хўжаликлари ушбу наслларни сотиб олишини имтиёзли кредитлаш;

– деҳқончилик ва чорвачиликда юқори ҳосилдорлик ва маҳсулдорликда эришган деҳқон хўжаликларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу борада трансферт тўловларининг тўғридан-тўғри субсидия шаклидан фойдаланиш мумкин. Субсидиянинг бундай мақсадда йўналтирилиши хўжаликларда боқимандалик кайфиятини кучайтирмайди, балки уларнинг самарали меҳнатини рағбатлантиради ва ҳудуддаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшироқ ташкил этишга имкон яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, **учинчи йўналиш**, яъни маҳаллий ҳокимият органларининг деҳқон хўжаликларининг ривожланишига кўмагини кучайтириш айнан иккинчи йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда намоён бўлиши мумкин. Чунки иккинчи йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини ишга солиш кўп жиҳатдан уларни ҳудудий миқёсда амалга оширувчи органларга боғлиқ. Масалан, ҳудудда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг уларни етиштириш бўйича режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқча қисми учун бюджетдан трансферт ажратилган тақдирда, ушбу трансферт тўловлари маҳаллий ҳокимият органларига келиб тушади. Маҳаллий ҳокимият органлари, ўз навбатида, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳудуддаги айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича режалаштирилган кўрсаткичларни ортиғи билан бажаришга ўзининг самарали фаолияти билан ҳисса қўшган деҳқон хўжаликларини рағбатлантиради.

Деҳқон хўжаликларининг истиқболдаги ривожланиши ва даромадларини оширишнинг икки йўналиши мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Биринчиси, уларнинг ихтиёридаги ер майдонларини кенгайтириш, иккинчиси улар етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш ва сотиш механизмларини такомиллаштиришдир. Биринчи йўл деҳқон хўжаликларини экстенсив ривожлантириш йўли бўлиб, у ортиқча харажатларсиз меъёрий тартибга солиш орқали амалга оширилиши мумкин. Иккинчи йўналиш эса интенсив йўл ҳисобланади ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг комплекс чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири деҳқон хўжаликларининг салоҳиятини ошириш билан боғлиқ. Яъни биринчи йўналишда, деҳқон хўжаликларининг ер майдони ошса, иккинчи йўналишда уларнинг тадбиркорлик борасидаги салоҳияти ошади.

Ер майдони чекланган шароитда иқтисодий тежамкорлик нуқтаи назаридан ушбу йўналишларнинг иккинчиси самарасизроқ бўлишига қарамай, айнан ушбу йўналиш деҳқон хўжаликларининг бугунги кундаги ривожланиш тенденцияларига мос келади. Лекин деҳқон хўжаликларига тадбиркорлик субъекти сифатида қаралганда, уларнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлганлари ривожланиш жараёнида мантиқий жиҳатдан фермер хўжалигига ўсиб ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Бу, ўз навбатида, улар ихтиёридаги ер майдонини ҳам кенгайтиришни тақозо этади. Бу банкрот бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан, фермер хўжаликлари базасида ташкил этилиши мумкин. Айримлари эса деҳқон хўжалиги сифатидаги фаолиятини тугатиб, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ўтиб кетишга мажбур бўлади.

**Биринчи йўналишни** амалга оширишда ҳамда ердан фойдаланиш бўйича муносабатларни шакллантиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

– фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун ер беришда устувор равишда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдо асосида реализация қилинишига эътибор қаратиш;

– ер ажратишда деҳқоннинг аввалги фаолиятини, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича билим ва тажрибаси етарли эканлигини ҳисобга олиш;

– ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг барқарорлигини таъминлаш, унинг бир субъектдан асоссиз равишда бошқа субъектга ўтиш ҳолатларига йўл қўймаслик.

**Иккинчи йўналиш** деҳқон хўжаликлари учун зарур талаб даражасидаги инфратузилмани шакллантириш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат кўмагини тақозо қилади. Биз юқорида таклиф этган ҳудудий ривожлантириш чора-тадбирлар бу борадаги тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда амалий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, деҳқон хўжаликлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини оширишда ўз имкониятларининг юқори чегарасига етганича йўқ. Улардаги мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларда давлат кўмагини кўрсатиш катта аҳамият касб этади. Деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат кўмаги, бу хўжаликлар ихтиёридаги ер майдонларини кенгайтириш орқали уларни экстенсив ривожлантириш ёки интенсив жиҳатдан қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишда кўмаклашиш ва рағбатлантириш орқали ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Ҳар бири ўз устувор жиҳатларига эга бўлган, ушбу йўналишларни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда мамлакат миқёсида деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга дастурий ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

**М.ЛИ,**
ТИИМ, к.э.н.
**А.С.ГОЦУЛЯК,**
ТИИМ, студент

## Пути экономического стимулирования эффективного использования водных ресурсов

В настоящее время процесс перехода к инновационной экономике в Узбекистане ограничивается ослабленными возможностями по содержанию систем и сооружений водохозяйственных организаций.  Государство, исходя из национальных интересов развития водопотребляющих отраслей экономики, формулирует собственную позицию относительно распределения расходов на содержание водохозяйственных и водных объектов. Для придания законного характера принимаемым решениям формируется правовая основа политики государства. В Узбекистане водные объекты объявлены государственной собственностью. Признается нереальной возможность перевода водохозяйственной отрасли в ближайшее время на режим полной самоокупаемости. Учитывая крайне низкий уровень технического состояния водохозяйственных основных фондов, современный уровень цен на оборудование, расходуемые материалы и ресурсы, а также реальную платежеспособность водопользователей, прекращение государственной поддержки отрасли может привести к ее необратимой деградации.

**В свою очередь государственное экономическое стимулирование** рационального водопользования в условиях перехода к инновационной экономике должно основываться на следующие принципы:

1. Комплексность стимулирования, означающая обязательность стимулирования, как операций ресурсосберегающих процессов, так и природоохранных мероприятий (утилизация отходов, строительство очистных сооружений в целях предотвращения загрязнения водных источников).

2. Соблюдение баланса между экономическим стимулированием и экономическими санкциями, т.е. между методами воздействия на водопользователей.

3. Сочетание стимулирования на различных уровнях экономического механизма. Недостаточно только поощрять работников за водоохранную деятельность в рамках предприятия, необходимо побуждать к этой деятельности и предприятие как юридическое лицо.

4. Сочетание экономического стимулирования с другими элементами экономического механизма водопользования: планированием, регулированием, контролем, санкциями. Экономическое стимулирование не отражает заметного влияния на процесс природопользования в отрыве от других элементов деятельности предприятия.

5. Сочетание материального и морального стимулирования предприятий, осуществляющих свою деятельность на основе эффективной природоохранной политики.

В зависимости от происходящих в стране экономических процессов структура экономического механизма может существенно изменяться. Условно можно выделить три типа экономических механизмов природопользования:

– *стимулирующий механизм* с преобладанием рыночных инструментов и созданием благоприятной экономической среды для развития экологически чистых производств;

– *жесткий механизм* с использованием административных и рыночных инструментов, с подавлением посредством жесткой налоговой политики развития экологически опасных отраслей;

– *мягкий механизм* с установлением ограничительных экологических рамок, слабо влияющих на темпы и масштабы экономического развития.

В Узбекистане в настоящее время формируется механизм управления водопользованием, включающий комплекс элементов регулирования.

Из сложившейся ситуации следует, что в краткосрочной перспективе требуют решения проблемы регулирования тарифной политики с учетом таких факторов, как нормы амортизационных отчислений на восстановление изношенных основных фондов, дефицитность водных ресурсов в маловодные периоды, дифференциация размеров тарифов по категориям водопользования, для стимулирования внедрения водосберегающих технологий. Необходимо также конкретизировать предусмотренные в действующем законодательстве нормы введения тарифных и налоговых льгот, которые до настоящего времени не были реализованы.

Кроме того необходимо внедрение дифференцированных тарифов на воду, в зависимости от природно-климатических зон, типа водоподачи (самотечное либо машинное), уровня рентабельности хозяйства. Другой проблемой является отсутствие четкого механизма взаиморасчетов между поставщиками и потребителями воды, исходя из сезонности работ в сельском хозяйстве, а также между отдельными звеньями оросительных систем.

Минимальные меры, которые могут гарантировать определенную финансовую стабильность в региональном контексте, включают:

- усиление административной и гражданско-правовой ответственности водопользователей за нерациональное использование вод;
- определение доли государственного бюджета на покрытие внутренних расходов на содержание водохозяйственных сооружений и систем мониторинга;
- возложение обязанностей на водопользователей по содержанию используемых водохозяйственных сооружений и водных объектов национального значения;
- совершенствование структуры экономики, устранение нерентабельных производств и повышение эффективности экономически выгодных отраслей;
- экономическое стимулирование водосбережения;
- пропаганда идей социально-экономической ценности воды.

**А.МАМАТҚУЛОВ,**
ЎзБИИТИ, и.ф.д., б.и.х.

**Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш**

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш ва давлат буюртмасига нархлар шаклланишини такомиллаштириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибий тузилмасини қайта ўзгартириш ҳамда уларнинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликлари учун бугунги кун талабига жавоб бера оладиган замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш, улар тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш ва барқарор иқтисодий фаолият юритишларининг ташкилий ва иқтисодий асослари яратилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мева- сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос механизмларига асосланган Республика фермерлар Кенгаши ва унинг ҳудудлардаги тузилмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов алоҳида қайд этганидек, “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда...”[1]

Иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш туфайли 2005-2012 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача 5,1 фоизни ташкил этди.Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳаси жадал ривожланиши натижасида2005-2012 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2012 йилда 17,5 фоизгача камайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди. Деҳқончиликда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонлари кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирлар амалга оширилиши эвазига деҳқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2012 йилда 58,1 фоизгача ошишига эришилиб, чорвачилик улуши эса 44,4 фоиздан 41,9 фоизгача камайди.

Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёни самарали амалга оширилиши туфайли тармоқда нодавлат сектор улуши 99,9 фоизгача етиб, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Қишлоқ хўжалиги барқарор, ривожланишини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари, агротехнологик тадбирлар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилганлиги, уруғ ва чорва моллари зотлари яхшиланиши, ҳосилдорлик ҳамда маҳсулдорлик ўсиши каби агротехнологик омиллар билан бир қаторда, рентабелсиз ёки зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш,

---

[1]Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 19 январь, 13-сон.

улар тасарруфидаги ер участкалари ва экин майдонларини оптималлаштириш натижасида ортиқча ишловчилар бошқа соҳаларга ўтиши учун имкон яратмоқда. Бу эса муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ривожланиш омиллари ҳисобланган-агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу йўналишда тармоқда қиймат жиҳатидан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради. Таҳлил этилаётган даврда, юқорида таъкидланганидек, деҳқончилик ва чорвачиликдаги нисбатларнинг ўсимлик парваришлаш фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хом ашёси ва ғалладан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари улуши кескин ўсаётганлиги ҳисобидандир. Жумладан, сабзавот (2005 йилдаги 7,4 фоиздан 2012 йилда 15,0%га), картошка (3,8 фоиздан 9,3 фоизга), полиз маҳсулотлари (1,1 фоиздан 1,9 фоизга), мевалар (4,2 фоиздан 5,3 фоизга) ва узум етиштириш (2,6 фоиздан 5,1 фоизга) жами 19,1 фоиздан 36,6 фоизга ошганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир. Чорвачилик улушининг пасайиши эса, мос равишда бевосита асосий маҳсулотлар ҳисобланган гўшт етиштириш (24 фоиздан 26,6 фоизга) ошганлигига қарамай, сут (13,2 фоиздан 11,4 фоизга) ва тухум (3,0 фоиздан 2,8 фоизга) улуши қисқариши ҳисобига содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз (1-расм.).




Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича қиймат тузилиши,** %да

Албатта, бундай таққослаш бир томондан, маҳсулотларнинг ички бозорда шаклланган нархига, аксарият жиҳатдан уларнинг ҳажми, миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ. Лекин, бугунги кунда шаклланган ушбу таркиб чорвачиликни янада ривожлантириш борасида чорва бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ва мустаҳкам озуқа базасини яратиш каби жараёнларни мужассамлаштирган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб этади.

**У.ГУЛЯМОВ,**
ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи
**У.ХАЛИЛОВ,**
ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

**Агроиқтисодиётда инновация фаолиятининг устувор йўналишлари**

XXI асрнинг биринчи ярмида, инновация динамикасининг хусусияти олимларга ушбу даврни инновация даври деб баҳолаш имконини беради. Жорий аср бошида республикада сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг стратегик курсини танлаш учун биринчи галда жаҳон миқёсидаги ўзаро боғлиқ ижтимоий, технологик ва геоиқтисодий жараёнлар мазмун-моҳиятини англаб етиш, яқин ва узоқ келажакда уларнинг ривожланишини прогноз қилишни билиш лозим. Республика инновацион хўжалигини шакллантириш иқтисодиётнинг барча секторларида, шу жумладан, агроозиқ-овқат мажмуида мувофиқлаштирилган тараққиётни талаб қилади. Агроиқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши республикада миллий мақсадларни амалга оширишга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни кафолатли таъминлашга кўмаклашади.

Жаҳон ривожланишида аграр ишлаб чиқаришнинг ролини аниқлаш учун «қишлоқ хўжалигининг кўп функционаллиги» атамаси киритилган. У қишлоқ хўжалигининг иқтисодий, ижтимоий, экологик, маданий ва сиёсий аҳамиятини ифодалайди (нафақат асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балки ҳудудларни ривожлантириш, соғлом атроф-муҳитни сақлаб туриш, қишлоқ ҳамжамиятларини ижтимоий ривожлантириш ва б.)

Сўнгги ўн йилликлар амалиёти кўрсатишича, ривожланган кўпчилик мамлакатларнинг бутун иқтисодиётига, шунингдек, алоҳида тармоқларига фан ва илмий-техника тараққиёти сезиларли ва ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Маълум даражада инновация соҳасида шаклланганi туфайли аграр соҳанинг технологик даражаси ошиб боради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги шароитда агроиқтисодиёт инновация фаолиятида ушбу жараённи ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарур. Бу, агроиқтисодиётнинг ҳар бир тармоғини ва ҳар бир йўналишини инновация жараёни самарадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқишни тақозо этади. Агроиқтисодиёт тармоқларининг инновация учун қулайлигини батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўсимликшуносликда инновация жараёнлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, тупроқ унумдорлигини ошириш йўли билан ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини ошириш; табиий муҳитнинг бузилиш жараёнларини бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришни экологизациялаш; энергия ресурслари сарфини пасайтириш ва ўсимликшуносликнинг табиат омилларига қарамлилигини камайтириш; суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни тежаш; атроф-муҳитни, экологияни сақлаш ва яхшилашга йўналтирилиши керак. Шу муносабат билан ўсимликшунослик соҳасидаги инновация сиёсати селекция усулларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдор янги навларини яратиш, деҳқончилик ва уруғчиликнинг илмий асосланган тизимларини ўзлаштиришни тақазо этади.

Маълумки, республикада пахтачилик ва буғдой етиштиришга катта эътибор қаратилган. Демак, ўсимликшуносликдаги инновация жараёнлари биринчи навбатда ушбу экинларни етиштиришга йўналтирилиши керак. Бундан ташқари, ушбу ҳар иккала маҳсулот ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидоргирдир.

Юқорида таъкидлаганидек, ўсимликшунослик экинларига бўлган асосий талаб, бу-уларнинг рақобатбардошлигини ва ҳосилдорлигини оширишдир. Шундай экан,ушбу иккита йўналиш бўйича ҳам ишлаб чиқариш ишларини, ҳам илмий изланишларни кучайтириш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар иккала йўналиш бўйича етарли даражада ҳам илмий, моддий-техника базалари, ҳам меҳнат ресурслари мавжуд. Шу билан бирга, охирги ўн

йилликлар мобайнида республика ҳукумати томонидан пахтачиликни ривожлантириш бўйича етарли даражада ишлар олиб борилганига қарамасдан,бу соҳада туб ўзгаришлар кузатилмаяпти. Ҳосилдорлик паст суръатларда ўсмоқда, пахтачиликдаги самарадорлик ҳам пастлигича қолмоқда, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш харажатлари юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотлар дунё бозорида ўз ўрнини топа олмаяпти.

Ғалла етиштиришдаги аҳвол бирмунча яхши, бироқ маҳсулот сифати билан боғлик муаммолар ушбу маҳсулотни ривожланган давлатлар маҳсулотлари билан рақобатлашишига халал беради. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар бир марталик тусга эга бўлиб, бир бутун комплекс муаммоларни қамраб олмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу иккита йўналиш бўйича барча муаммоларни, яъни илмий ишланмалардаги, ишлаб чиқаришдан то истеъмолчигача бўлган жараёнларни қамраган инновация лойиҳаларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, инновация лойиҳаси доирасида айнан шундай комплекс ёндашув ўсимликшуносликнинг ушбу тармоқлари иқтисодиётини юксалтириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлимий шароитлари кўпчилик экинларни ўстириш учун қулай бўлганлиги учун, фақатгина пахта етиштиришга эътибор қаратмасдан, балки бошқа экинларни етиштиришга қаратилган инновация лойиҳалари бўйича ишлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Чорачилик ва унинг маҳсулотларини етиштириш (ишлаб чикариш) барқарор бўлмаган бир вақтда, тармоқ салоҳиятини ошириш учун инновацияларнинг биологик блокидан фойдаланиш, ўзимизнинг ва жаҳон селекцияси ютуқларини ишлатиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан чорвачиликдаги маҳсулдорлик, ем-хашак етиштириладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг интенсификация даражасини оширишга йўналтирилган, ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиш боғлиқ, деган хулоса чиқади.

Биотехнологик системанинг янги йўналишларидан бири, генли ва катакли муҳандислик усулларидан фойдаланиш ҳамда жонворларни кўпайтиришдир. Улар маҳсулдорлик сифати яхшиланган, трансген туридаги янги касалликларга чалинмайдиган, селекция жараёнини тезлаштириш, шунингдек, ксенотрансплантация учун материаллар ва донор етказиб берувчи жониворларни яратиш, уларни клонлаштириш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Чорвачиликдаги инновация жараёнларини ривожлантиришда инновацияларнинг технологик ва илмий-техника гуруҳлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришни индустриализациялаш, уни механизациялаштириш, автоматлаштириш, модернизациялаш, механик жиҳатдан қайта қуроллаштириш, кўп илм-фан талаб қиладиган технологияларни ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан узвий боғлиқ.

Тармоқ самарадорлигини оширишни муҳим йўналиши чорвачилик ва паррандачилик комплексларини ишлаб чиқариш, техник салоҳиятини тиклаш ва такомиллаштириш, янги, замонавий машина ва асбоб-ускуналардан, робот-электорон техникасидан фойдаланишни, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ёрдамида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ресурсларни тежовчи, кўникувчан технологияларни жорий қилишдир. Йирик шохли қорамолларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликларида жамлангани учун, инновация лойиҳалари бўйича тармоқни ривожлантиришни ташкил этиш жараёни алоҳида тарзда ёндашувни ва чуқур ўрганишни талаб этади.

Фикримизча, қорамоллар наслини яхшилаш ва уларни ем-хашак билан етарлича таъминлаш учун инвестор топиш керак. Инвестор, ўз навбатида, сармояни зотли молларни сотиб олиш, боқиш ва сотишга йўналтириши лозим. Бунда инновация лойиҳаси инвесторнинг ички ёки ташқи илмини (чорвачилик ва ветеринария институтларини) қамраши керак. Ушбу занжирда, албатта, ем-хашак ишлаб чиқариш мавжуд бўлиши зарур.

Чорвачилик бўйича инновация лойиҳаси ҳоли минталитети ва табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий бўлиши мумкин. Масалан, Қорақолпоғистонда ем-хашак ишлаб чиқариш учун улкан салоҳиятлар мавжуд. Бундан ташқари, бу ҳудудда туб аҳоли

минталитети кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга қаратилган. Чорвачиликни ривожлантириш учун худди шундай ўхшаш имкониятлар Қашқадарё вилоятида ҳам мавжуд.

Маълумки, республиканинг чўл ва ярим чўл ҳудудларида (Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятлари)да аввалдан қоракўлчилик билан шуғулланиб келинган. Ушбу секторнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради ва тармоқда, яъни қоракўлчиликда махсус инновация лойиҳаси ишлаб чиқилишини шарт қилиб қўяди. Илмий база ва улкан ўтлоқзорлар мавжудлиги инновация лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Табиийки, инновация лойиҳаси асосида чорвачиликни риожлантириш, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини кескин оширишга, чорвачилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини ўстиришга имкон беради. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг чорвачилик тармоғига бўлган диққат-эътиборни қайта кўриб чиқиш керак.

Агросаноат ишлаб чиқаришини механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш соҳасидаги инновация жараёнларини агроиқтисодиётда барқарорлаштириш ва муҳандислик-техника соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари бўйича ривожлантириш, шунингдек, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Бунда, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва маҳсулотларни сақлашда, қишлоқ хўжалигидаги инновация технологиялари базасида, қишлоқ хўжалиги техникалари конструкцияларини такомиллаштиришдан янгиларини яратишга ўтиш кўрсатилиши (белгиланиши) керак. Техниканинг янги авлоди агрегатлар ва асбоб-ускуналарнинг унумдорлигини сезиларли тарзда оширишга, ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлашга, ресурсларни тежашга, экологик хавфсизликни таъминлашга имкон беради.

**Ғ.Э.ЗАХИДОВ,**
ТДИУ, ассистент

## Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш йўллари

Ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич олиб бориш, таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли 2005-2012 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача 5,1 фоизни ташкил этди. Саноат ва хизматлар соҳаси жадал ривожланиши натижасида эса унинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2012 йилда 17,5 фоизгача камайди; ялпи маҳсулот таркиби ҳам ўзгарди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга устуворлик берилиб, бу мақсад учун ажратилаётган экин майдонлари кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига деҳқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2012 йилда 58,1 фоизгача ошишига эришилди. Чорвачилик улуши эса 44,4 фоиздан 41,9 фоизгача камайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этишга устуворлик бериш ва бундай ишлаб чиқариш қувватларини ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши нафақат ишлаб чиқаришнинг янги

ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулот ҳажминигина эмас, балки аввалambор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Аграр ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифа, ички бозорда истеъмолнинг ўсиши ва ташқи бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ҳисобланади. Бу эса, агроозиқ-овқат сектори иқтисодиётнинг барча тармоқлари билан комплекс ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг ишлаб чиқиладиган стратегияси асосида билан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва сифатини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни макроиқтисодий барқарорлик билан ўзаро боғлиқлигига эришилишини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш субьектлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш имконини берувчи қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади:

– бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

– фермер хўжаликларида ходимлар томонидан маҳсулот таннархини камайтириш, унинг рақобатбардошлигини ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини оширишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш;

– ишлаб чиқарилаётган ҳар бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича сарф-харажатлар лимити ва меъёрини қайта кўриб чиқиш;

– сувдан фойдаланувчилар уюшмалари самарали фаолият кўрсатишини таъминлашни ташкил этиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа сувдан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар томонидан молиялаштириш механизмини такомиллаштириш;

– зооветеринария ва сервис хизматларини яхшилаш бўйича яна қўшимча зооветпунктлар ташкил этиш ва кредит маблағлари ҳисобига уларни Дьюар идишлар, совутгич, акушер-гинекологик ва жарроҳлик жиҳозлари ҳамда бошқа асбоб-анжомлар билан таъминлаш;

– сунъий уруғлантиришни кўпайтириш ва чорва молларини касалликларга қарши ўз вақтида эмлаш ҳисобига уларда чиқим салмоғи камайтирилишига эришиш;

– мавсум давомида етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ишларини ташкил қилиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун:

– аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш ва уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддий-техника базаси билан таъминлашнинг ташкилий чораларини ишлаб чиқиш;

– бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган, озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни оптималлаштириш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ер майдонлари мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари

бўйича 2014 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

– барча тоифа хўжаликларда қорамоллар бош сонини кўпайтиришнинг ташкилий чораларини ишлаб чиқиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бир туманида енгил конструкцияли, муқобил иссиқликдан фойдаланиш кўзда тутилган иссиқхоналар қуриш;

– сув танқислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирлари ва сув ресурсларининг тежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш;

– қайта ишлаш корхоналари ва агрофирмалар томонидан сотиб олинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун бўнак маблағлари бериш ва кейин сотиб олинган маҳсулотлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш мақсадида узлуксиз нақд пул бериб бориш механизмини такомиллаштириш ва мунтазам мониторинггини юритиш;

– сабзавот, полиз ва картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларда асосий, ёш боғ-узумзорлар оралиғига эрта ва ўрта муддатларда етиштирилиши бўйича такрорий майдонларга жойлаштириш;

– фермер хўжаликларини мева-сабзавот етиштириш учун уруғлик, кўчатлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш;

– деҳқон хўжаликлари томорқаларида экиладиган экинлар турлари ва майдонларини аниқлаш ҳамда бу хўжаликларнинг уруғликка, кўчатларга, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш тизимини ривожлантириш;

– сабзавот-полиз экинлари ва картошканинг серҳосил, касаллик ҳамда турли шароитларга чидамли бўлган янги навлари ва биринчи дурагайларини яратиш;

– чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларида давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш бўйича пахта ва бошоқли дон экинлари жойлаштирилмаслиги, ҳисобига озуқа майдонлари кўпайиши ҳамда оралиқ ва такрорий экин майдонларини кўпайтирилиши ҳисобига озуқа бирлиги, гўшт ва сут етиштириш миқдорини ошириш;

– ташкил этилган паррандачилик фермер хўжаликлари ва фабрикалари ер майдонларида озуқа экинлари етиштириш имконияти кенгайганлиги ҳисобига парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳажмини кўпайтириш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида, замонавий инновацион агротехнологияларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**О.Г.ДИЛМУРОДОВ**
ЎзБИИТИ, и.ф.н., лойиҳа раҳбари,
**А.АБСАМАТОВ,**
ТерДУ, и.ф.н.

## Пахта хом ашёси етиштиришда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда, шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва инфратузилма субъектлари билан иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлаш, зарур техникалар ёрдамида уларга сифатли тегишли меъёрий кўрсатмалар бериш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ғўза кўп ресурс талаб қилувчи техник экин эканлиги, соҳада ресурстежамкор технологиялар жорий этиш жадаллаштирилишини ҳамда меҳнат сиғими даражасини

пасайтириш имконини берадиган агротехнологик тадбирларни қўллаш йўлга қўйилишини талаб этади. Минерал ўғитлар пахтачиликда энг асосий озиқлантирувчи моддалардан иборат восита бўлиб, уларни тупроқга ернинг табиий унумдорлик даражаси ҳамда кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда солиш тавсия этилади. Республикамизда пахтачилигида ғўза таркиби асосан азотли, фосфорли ва калийли ўғитларлардан ташкил топган кимёвий бирикмалар ҳамда қисман бир қанча микроэлементлар билан бойитилган биологик воситалар ёрдамида озиқлантирилади.

Азотли ўғитларнинг аммиакли селитра, аммоний сульфат, мочевина (карбомид), кальций селитраси, аммиакли сув каби турлари мавжуд. Уларнинг таркибида кимёвий бирикмалар ўзига хос нисбий тарзда тақсимланган. Шунинг учун пахтачиликда уларни ерга тупроқнинг табиий унумдорлик даражаси кимёвий хариталар асосида таҳлил этилиб, сўнгра ўсимлик ривожи учун талаб этиладиган миқдорда солиш тавсия этилган.

Фосфорли ўғитларга оддий суперфосфат, 2-навли Б маркали талқонсимон ва донадорланган оддий аммонийлашган суперфосфатлар, супрефос, нитрокальций фосфат, калийли ўғитлар таркибига – калий хлорид, калий тузи, калий сульфати каби кимёвий бирикмалар киритилади. Ҳозир мураккаб тарзда икки ёки бир неча ўғитлар аралашмасига эга бўлган ўғитлар ишлаб чиқарилаяптики, улар иккиликлар ёки учликларга ажратиладилар. Иккиликлар таркибида иккита озиқ унсури мавжуд бўлса, масалан, азотли–фосфорли, учликлар таркибан уч хил ўғит мажмуи азотли-фосфорли-калийли ўғитлардан тайёрланган кимёвий бирикмалардир. Шуниси диққатга сазоворки, минерал ўғитлар таркибида нафақат қайд этилаётган озиқ унсурлари, балки тупроқ тирик организм сифатида фаолият юритиши ва ўсимликнинг ўсиши учун зарур бўлган бошқа микроэлементлар билан бойитилганлиги ўғитлар ўсимликлар ўсишида ҳаётий зарурлигини кўрсатади.

Пахтачиликда кимёвий бирикмалар, йиллар давомида маълум бир ҳосилдорликка эришишни таъминлаш имкониятини берадиган миқдорда, илмий асосланган равишда ўсимликнинг турли ривожланиш босқичларида бериб келинмоқда. Лекин кейинги йилларда тупроқдаги фойдали бирикмалар ва озиқ моддалар таркиби ўзгариб бораётганлиги, кўпгина ҳудудларимизда тупроқ таркибида фойдали бирикмалар ва озиқ унсурлари нисбати пасайиб кетаётганлиги минерал ўғитлар солиш масаласига кенгроқ ёндашувни ҳамда уларни солиш меъёрларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирда, амалда қўлланилаётган меъёрлар тўпламида кўрсатиб ўтилган минерал ўғитларни пахтачиликда қўллаш ва солиш тартиби бўйича маълумотлар 1997 йилда чоп этилган. Унга кўра, минерал ўғитларни солиш бўйича тавсиялар умумий тарзда республикамиз пахтачилик минтақаларига ажратилмаган ҳолда тақдим этилган. Бизга маълумки, кейинги йилларда республикамизда ер ресурслари мелиоратив ҳолати ва тупроқнинг табиий унумдорлик даражаси пасайиши, тупроқ таркибида ўзгаришлар юз бергани кузатилди. Илгари йирик хўжаликлар фаолият кўрсатган даврда, улардаги махсус лабараториялар томонидан экин майдонларидан намуналар олиниб, махсус текширишлар асосида кимёвий хариталар шакллантирилган. Экинларга майдоннинг ҳолатидан келиб чиқиб, мана шу кимёвий хариталар ёрдамида минерал ўғилар берилган. Лекин, фермер хўжаликлари ер майдонлари нисбатан кичиклиги ва улар молиявий жиҳатдан бақувват эмасликлари бу тадқиқотларни ўтказиш ҳамда амалда қўллаш имкониятини чеклайди. Шунинг учун тупроқ таркиби ва унинг озуқадорлик даражасини фақатгина давлат томонидан молиялаштираётган тадбирлар доирасида амалга ошириш билан чекланишга мажбур бўлинмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда Пахтачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари билан биргаликда, республикамиз тупроқ шароитини ва минтақаларда тупроқнинг жойлашувини ҳисобга олиб, табақалашган минерал ўғитлар солиш бўйича тавсиялар бир тизимга келтирилиб тақдим этилмоқда. Ҳозирда, бир тизимга келтирилган пахтачиликда минерал ўғитлар солиш тартиби бўйича тавсиялар 1997 йилда чоп этилган тавсиялардан бироз фарқланиш хусусиятига эга (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Бир гектар экин майдонида пахта етиштириш учун талаб этиладиган маҳаллий ва минерал ўғитларнинг ўртача миқдори** (соф ҳолда, кг)

(1997 йилда чоп этилган меъёрлар бўйича тавсиялар)

| Ўғит таркиби | 25-30 ц/га | 30-35 ц/га | 35-40 ц/га | 40-50 ц/га | Бир т. ҳосилга сарфланадиган ўғит, кг. |
|---|---|---|---|---|---|
| Азотли | 140 | 160 | 185 | 230 | 33 |
| Фосфорли | 60 | 80 | 90 | 115 | 17 |
| Калийли | 45 | 55 | 65 | 80 | 20 |
| Маҳаллий ўғитлар | - | - | - | - | - |

Манба: Қишлоқ хўжалигида меҳнат ва моддий-техник ресурслар меъёрлари. – Т.: – 1997 й.

Жумладан, илгари ҳолат бўйича бир тонна ҳосил олиш учун 57 кг азот, 23 кг фосфор ва 50 кг калийли ўғитлар бериш тавсия этилган бўлса, 2013 йил ҳолатида бир тизимга келтирилган тавсияларга кўра, бир тонна пахта етиштириш учун типик бўз тупроқли ҳудудларда 33 кг азот, 17 кг фосфор ва 20 кг калийли ўғитлар оч тусли бўз тупроқлар 66 кг азот, 22 кг фосфор ва 60 кг калийли ўғитлар, Чўл зонаси тупроқларида 72 кг азот, 24 кг фосфор ва 65 кг калийли ўғитлар бериш тавсия этилмоқда (2-жадвал).

**2 -жадвал**

**Бир гектар экин майдонида пахта етиштириш учун талаб этиладиган минерал ўғитларнинг ўртача миқдори (соф ҳолда, кг)**

(2013 йилда пахтачилик илмий тадқиқот институти томонидан бир тизимга келтирилган тавсияларга кўра)

| Минтақалар | Ўғит таркиби | Пахта ҳосили, ц/га | | | | Бир т ҳосилга сарфланадиган ўғит, кг | Тузатиш коэффициенти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 25-30 | 30-35 | 35-40 | 40-45 | | |
| Типик бўз тупроқлар | Азотли | 190 | 240 | 285 | 330 | 57 | 0,95 |
| | Фосфорли | 135 | 170 | 200 | 230 | 23 | |
| | Калийли | 95 | 120 | 142 | 165 | 50 | |
| Оч тусли бўз тупроқлар | Азотли | 220 | 275 | 330 | 385 | 66 | 1,1 |
| | Фосфорли | 154 | 192 | 230 | 270 | 22 | |
| | Калийли | 110 | 137 | 165 | 192 | 60 | |
| Чўл зонаси тупроқлари | Азотли | 240 | 300 | 360 | 420 | 72 | 1,2 |
| | Фосфорли | 168 | 210 | 250 | 294 | 24 | |
| | Калийли | 120 | 150 | 180 | 210 | 65 | |

Манба: Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти маълумотлари асосида (2013 й.) тузилган.

Бу меъёрлар тупроқ зонасига мос равишда кутилаётган ҳосилдорлик режалаштирилиши билан ўзгариб боради ва минерал ўғитларни солиш миқдори прогрессивлик хусусиятига эга бўлади. Кейинги йилларда пахтачилик соҳасида олиб борилаган тадқиқотларга асослаган ҳолда ҳудудий хусусиятлар эмас, балки, республика ҳудудларнинг тупроқ хусусияти бўйича бўлинишини ҳисобга олган ҳолда тупроқ гуруҳланиш даражасидан келиб чиқиб тавсия беришга ҳаракат қилинди.

Аниқланган маълумотлар асосида берилаётган ўғитнинг йиллик меъёрини ҳисоблаб чиқиш, уни ўсимликнинг ривожланиш фазаларига қараб тақсимлаб қўллаш ва республикамизда қўлланилаётган барча анъанавий ҳамда ноанъанавий ўғитларнинг хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

**Ч.МУРОДОВ,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, и.ф.д., б.и.х.,
**Д.Р. ШОХИМАРДОНОВ,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, тадқиқотчи

## Балиқчилик тармоғини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг даслабки йилларидан бошлаб аграр соҳада иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, балиқчилик тармоғида ҳам бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада, тармоқда хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлари тубдан ўзгариб, бозор муносабатларига асосланган янги тизим шаклланди.

Балиқчилик тармоғида хусусийлаштириш ва хусусий мулкни ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил қилишда бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, тармоқнинг янада монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, балиқ овлаш, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 август 2003 йилдаги “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350- сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси ва «Қорақалпоқбалиқ» уюшмаси тугатилди.

Тугатилган «Ўзбалиқ» таркибига кирган балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналари тўлиқ хусусийлаштирилиб, асосан хусусий мулкка айлантирилди.

Бугунги кунда балиқчилик тармоғидаги корхоналар тўлиқ хусусийлаштирилиб, улар турли мулкчиликка асосланган, жумладан, ҳиссадорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари шаклида фаолият кўсатмоқда.

Тармоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида, ҳудудлардаги мавжуд барча шарт-шароитлар ҳисобга олинмаслиги ҳамда ҳукумат қарорида белгиланган тадбирлар тўла бажарилмаслиги натижасида, йирик балиқчилик хўжаликлари сунъий ховузлари имкониятларидан 50 фоизга, Андижон ва Сирдарё вилотларида 20-25 фоизга фойдаланиб келинмоқда, холос.

Республикамизда ҳозирги кунда 14100 гектар сунъий ҳовузлар мавжуд бўлиб, 2010 йилда ушбу ҳовузларда 6654 тонна балиқ етиштирилган, холос. Майдон бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, 1 гектарига ўртача 4,7 центнердан тўғри келмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, айрим балиқчилик хўжаликларида ҳовузлар тўлиқ ишлатилмаётганлигини ҳисобига ўртача 8-10 центнер ҳосил олишга эришилаётганлиги аниқланди. Ваҳоланки, ушбу ҳовузларда 1992 йилда 20900 тонна балиқ етиштирилган ёки 1 гектардан ўртача 21центнер ҳосил олишга эришилган.

Сунъий ҳовузларни охирги 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳеч қандай чуқурлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмаганлиги натижасида, лойқага тўлиб қолганлиги сабабли, уларнинг балиқ етиштириш илмий-технологик асосда олиб бориш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам, балиқчиликни модернизация қилиш учун, авваламбор, унинг табиий асоси ҳисобланган ҳовузларни керакли чуқурликда ва экологик жиҳатдан тозаликда сақлаб туришга кенг эътибор қаратилмоғи лозим.

Республикада 1990 йилларда 25 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 10,7 минг тоннани ташкил этмоқда. Балиқчилик корхоналари учун сармояларни жалб қилиш ва уларни самарали ишлатиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ

фойдаланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотиш муаммо туғдирмоқда ва бу, ўз навбатида, балиқ етиштириш ҳажми пасайишига олиб келмоқда.

Балиқчиликда содир бўлган салбий ҳолатлар, аввалambор, «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси тугатилганидан сўнг тармоқ тўлиқ хусусийлаштирилганлиги натижасида моддий-техника ва технологик таъминотдаги узулишлар, балиқ етиштириш учун энг асосий омил ҳисобланган балиқ чавоқлари етиштириш ҳажми кескин қисқариши, балиқчиликда шаклланган иқтисодий муносабатларнинг бозор тамойилларига тўлиқ мос келмаслигида намоён бўлади. Шунингдек, балиқчилик учун лозим бўлган ов қуроллари, техник жихозлар, транспорт ва зарур перепаратлар республикамизда ишлаб чиқарилмаслиги, ишлаб чиқарилаётган омухта емнинг сифати талаб даражада эмаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги ва тармоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида чуқур назарий ва амалий тажрибага эга бўлмаган кишилар мулкка эгалик қилишлари, статистик ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича аниқ маълумотларни ҳисобга олиб бориш, балиқчилик хўжаликлари учун бозорни ўрганиш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, шунингдек, тармоқда балиқ чавоқлари, моддий-техник материаллар таъминоти, қайта ишлаш ва сотиш тизимларида иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошишини тартибга солувчи субъектлар мавжуд эмаслиги ҳамда рақобат муҳити юзага келмаганлиги натижасида, нафақат миқдор жиҳатидан, балки,сифат жиҳатидан ҳам ўсишга эришилмаганлиги билан изоҳланади.

Балиқчилик хўжаликларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичида хўжалик ишлаб чиқариш ва ички муносабатларни бозор тамойилларига мос равишда ташкил этиш йўлга қўйилмаган. Бунда амалий тажриба етишмаслиги, балиқчилик хўжаликларининг молиявий аҳволи барқарор эмаслиги, балиқ чавоқлари, моддий-техник материаллар таъминоти, қайта ишлаш ва сотиш тизимлари тўғри ва тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш балиқчилик хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишларини минтақалар бўйича жойлаштириш ва ривожлантиришни йўлга қўйишни талаб қилади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «... қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги харакатларимизда ҳам бу ҳол ўз устунлигини сақлайди. Негаки, ҳозирги пайтда айни мана шу соҳада ғоят катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятларни ишга солиб, биз аҳолини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминланишини яхшилаш билан бирга, одамларни иш билан банд қилиш, қишлоқ аҳолиси катта қисмининг ёлчиб яшаши имконини топамиз».

Балиқчилик соҳасини ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда янги иш ўринларини очиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришиш имкониятлари мавжуд.

Балиқчилик корхоналари учун сармояларни жалб қилиш ва уларни самарали ишлатиш, ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотиш етарли муаммо туғдирмоқда ва бу, ўз навбатида, балиқ етиштириш ҳажми пасайишига олиб келмокда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Шу кунгача халқ хўжалигининг деярли барча тармоғида тугал бўлмаган ишлаб чиқариш асосий ўринни эгаллаб келди. Унинг технологияси хом ашёни даслабки қайта ишлаш босқичида узилиб, асосан чала маҳсулот ишлаб чиқаришдан нарига ўтмайди. Тайёр, аниқроғи, товар маҳсулот берадиган тармоқлар – энг заиф бўғиндир»; балиқчилик хўжаликларини жойлаштириш ва келажакда ривожланишида «... хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик шерикларимиз билан замонавий, ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига – аввалambор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак».

Балиқ тез бузиладиган маҳсулот бўлиб, уни қайта ишлаш маҳсулот етказиб бериш ва сотишни осонлаштиради, экспорт қилиш имконини бериш билан бир қаторда янги ишчи ўринлари очилишини таъминлайди.

Бу эса, балиқ етиштирувчи хўжаликларни минтақаларнинг мавжуд салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инновация ва янги технологияларни ўзлаштириш, тармоқни кредитлашнинг бозор тамойилларига мос тизимини шакллантириш ва ички ҳамда ташқи инвестицияларни жалб этишни кенг йўлга қўйиш, суғурталаш, солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш, хусусий бизнеснинг ривожланиши учун ҳар томонлама қулай муҳит яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида, балиқчилик тармоғи барқарор ривожланишини таъминлаш учун, авваламбор, минтақаларни балиқ етиштириш имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурати туғилади. Бундай шароитда турли мулкчиликка асосланган балиқчилик хўжаликларини модернизация қилиш асосида балиқ маҳсулотлари етиштиришнинг технологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш талаб этилади.

Бунинг учун, авваламбор, балиқ етиштирувчи хўжаликларни минтақаларнинг мавжуд салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кенг эътибор қаратилмоғи лозим.

Балиқ маҳсулотларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда республикада балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилиши ва унда амалга оширилмоғи зарур бўлган қуйидаги тадбирлар тизими ўз аксини топмоғи керак:

– балиқчилик тармоғида ишлаб чиқариш ва амалга оширилган таркибий ўзгаришлар тенденциясини таҳлил этиш орқали эришилган натижалар, мавжуд муаммо, номутаносибликлар ҳамда салоҳиятни аниқлаш;

– балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналарга бизнес-режалар тузишда, маркетингни (истеъмол бозорини ўрганиш, балиқчилик бўйича минтақавий бозор эҳтиёжларини ва келажакка мўлжалланган мақсадли режалаштириш) йўлга қўйишда, маҳсулот сотишда амалий таклифлар бериш ва шу орқали республика аҳолисининг балиқ маҳсулотларига бўлган талаби тўлароқ қондирилишига амалий ёрдам бериш;

– балиқчиликда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш зарурияти,манбалари, йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг технологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– балиқ маҳсулотлари етиштириш бўйича доимий равишда мониторингни амалга ошириб бориш ва унинг натижаларига оид аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмоғи керак.

Ушбу жараён пировардида балиқчилик тармоғини модернизация қилиш, турли мулкчилик шаклидаги балиқчилик хўжаликлари самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва тармоқни барқарор ривожлантиришга имконият яратади.

**Ш.А.АБДУЛАЗИЗОВ**,
ЎзБИИТИ, бўлим бошлиғи

## Қишлоқ хўжалик ерларини шудгорлашда ёқилғи сарфини режалаштириш

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда, техникалардан фойдаланиш харажатлари асосий харажатлардан бири ҳисобланади. Чунки, қишлоқ хўжалик техникаси харажатлари асосида ёқилғи-мойлаш материаллари билан боғлиқ харажатлар ётади. Ёқилғи-мойлаш материаллари асосий қисмини республикамизга хориждан олиб келиниши улар баҳосининг

назоратини ушлаб туриш ва узлуксиз таъминлашда бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради. Кейинги йилларда техника воситаларининг янги турлари кириб келиши ҳамда пахтачилик тармоғида чигитни экиш усуллари ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш жараёнларида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга бўлган интилиш фермер хўжаликлари томонидан уларнинг ёқилғига бўлган талабини баҳолаш ва таъминлашда бир қатор тушунмовчиликларни пайдо қилмоқда.

Шунинг учун республикамизга кириб келган техникаларнинг ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини қайтадан кўриб чиқиш талаби вужудга келмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда бир қатор агротехник тадбир давомида қишлоқ хўжалик корхоналарига техник хизматлар кўрсатиш ҳамда агротехник тадбирларни амалга оширишда сарф этилаётган ёқилғи-мойлаш материаллари хронометраж кузатуви асосида аниқланди. Бунда. қишлоқ хўжалик техникалари йил давомида бажарилаётган ишлари графиги ишлаб чиқилиб, асосан янги техникалар ёрдамида бажариладиган тадбирларни кузатишга эътибор қаратилди. Бизга маълумки, пахтачиликда қишлоқ хўжалик экинларини экиш билан боғлиқ тадбирлар биринчидан, ерни ҳайдаш билан бошланиб, кейин унинг ҳолатига ва тупроқ шароитига мос ҳолда молалаш, бароналаш, чизеллаш, текислаш каби тадбирларни олиб бориш билан давом эттирилади. Юқоридаги тадбирларнинг айрим турларини минтақалар тупроқ шароити ва экиш мавсуми бошланиши даврида табиий-иқлим шароитидаги инжиқликлар оқибатида ўтказилмаслик ҳолатларига олиб келиш эҳтимоли йўқ эмас. Шундай бўлса-да, асосий ўтказилаётган тадбирлар учун ёқилғи сарфларини аниқлаш ҳамда уларни қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда, янги кириб келган техникалар бўйича барқарор хулоса бериши мумкин бўлган аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Янги кириб келган техникаларнинг бир гектар экин майдони учун қилиши ва бир мотосоат давомида сарфлаши мумкин бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса-да, уларнинг далалар контурлари ҳолатини, уларнинг жойлашув хусусиятларини ҳисобга олган, ерларда агротехник тадбирларни амалга оширишда дуч келиниши мумкин бўлган ўзига хос муаммоларга асосланган хулосалар ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Ерларни шудгорлаш пайтида, сарфланадиган дизель ёқилғиси сарфи меъёрларини аниқлаш юзасидан хронометраж кузатувлари республиканинг икки вилояти миқёсида амалга оширилди. Бунинг учун туманлари биринчи ва иккинчи минтақаларда жойлашган Наманган вилояти ҳамда туманлари учинчи минтақада жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси танлаб олинди. Наманган вилояти миқёсида олиб борилган, ерларни шудгорлашда талаб этиладиган дизель ёқилғиси сарфи "Arion-630 C " Class трактори билан ПН-5-35 омочини таққан ҳолда амалга оширилган ҳайдов тадбирини ўрганиш орқали ташкил этилди. Хронометраж кузатуви ҳайдов чуқурлиги 24 см дан 38 см гача бўлган миқдордаги 4 та қисмга ажратилган ҳолда олиб борилди. Тракторнинг далада бошидан охирига бир бориб келиш узунлиги даражаси эса 150-200 метр, 200-300 метр, 300-400 метр масофадаги ўлчамларда амалга оширилди. Тракторнинг ҳаракати давомида олиб борилган кузатув натижаси кўрсатишича, ҳайдов чуқурлиги ва тупроқдаги солиштирма қаршилик ортиши билан сарфланадиган ёқилғи сарфи ортиши кузатилади. Айланиш масофаси узайиб, яъни бир бориб келишдаги масофа ортиб бориши тракторнинг ёқилғи сарфи камайишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун далаларни режалаштиришда ва контурларга ажратишда уларнинг нисбатан узунроқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Таҳлиллар кўрсатишича, 1 гектар майдонга "Arion-630 C" Class трактори билан ПН-5-35 омочини таққан ҳолда 150 -200 метр узунликдаги далада ҳайдов ишларини амалга оширишда солиштирма қаршилик 0,60-0,65 Мпа бўлган ҳолатдаги ёқилғи сарфи ҳайдов чуқурлигига қараб 24,7 литрдан 33,60 литргача оралиқда бўлса, 300 - 400 метр узунликдаги далада ҳайдов ишларини амалга оширишда солиштирма қаршилик 0,60-0,65 Мпа бўлган ҳолатдаги ёқилғи сарфи ҳайдов чуқурлигига қараб 21,2 литрдан 28,8 литргача оралиқда бўлмоқда. Демак, даланинг узунлиги ва даладаги

тупроқ солиштирма қаршилиги тракторларнинг ёқилғи сарфи ортишида муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Пахтачиликнинг 1 ва 2-минтақаларига мос тушувчи туманлар жойлашган Наманган вилояти миқёсида олиб борилган тадқиқот 3-минтақа ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ҳам амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ шароити мураккаб бўлган худудлардан бўлиб, унда табиий иқлим шароитидаги ўзига хослик, яъни қиш мавсумининг эртароқ келиши ва шўрланиш даражаси юқорилиги каби ҳолатлар ерларни шудгорлашда ўзига хос тарздаги ёндашувни талаб этади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам, тадқиқот худди Наманган вилоятидаги бўлгани каби "Arion - 630 C " Class трактори билан ПН-5-35 омочини таққан ҳолда амалга оширилди. Хронометраж кузатувини амалга ошириш жараёни таҳлили кўрсатишича, 3-минтақада ерларнинг солиштирма қаршилиги бироз юқори. Шуни ҳисобга олган ҳолда энг минимал ва юқори солиштирма қаршилик танлаб олинди. Энг юқори солиштирма қаршилик 0,65-0,70 Мпа бўлган бўлса, энг минимал солиштирма қаршилик 0,55-0,60 Мпа га тенг миқдор сифатида қабул қилинди. Хронометраж кузатуви ҳайдов чуқурлиги 24 см дан 38 см гача бўлган миқдордаги 4 та қисмга ажратилган ҳолда олиб борилди. Тракторнинг далада бошидан охирига бир бориб келиш узунлиги даражаси эса 150-200 метр, 200-300 метр, 300-400 метр масофадаги ўлчамларда амалга оширилди. Таҳлиллар кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида, яъни пахтачиликнинг учинчи минатқасида 1 гектар майдонга "Arion - 630 C " Class трактори билан ПН-5-35 омочини таққан ҳолда 150 - 200 метр узунликдаги далада ҳайдов ишларини амалга оширишда солиштирма қаршилик 0,65-0,70 Мпа бўлган ҳолатдаги ёқилғи ҳайдов чуқурлигига қараб 20,8 литрдан 27,6 литргача сарфласа, 300 -400 метр узунликдаги далада ҳайдов ишларини амалга оширишда солиштирма қаршилик 0,65-0,70 Мпа бўлган ҳолатдаги ёқилғи сарфи ҳайдов чуқурлигига қараб 17,38 литрдан 23,65 литргача оралиқда бўлмоқда. Демак, даланинг узунлиги ва даладаги тупроқ солиштирма қаршилиги таъсири билан Қорақалпоғистон шароитида ёқилғи сарфи ҳайдов ишларида камайиши кузатилган. Бу эса пахтачиликнинг 1 ва 2 минтақалари билан 3-минтақасини солиштирганда улар тупроқ шароитида фарқланишлар мавжудлигини кўрсатади. Тадқиқотчи олимлар таъкидлашича, тупроқ зичлиги ортиши билан агротехник тадбирларни амалга ошираётган техниканинг ҳаракатланиши сустлашиб боради. Шу боис, тракторларнинг ёқилғи сарфини баҳолашда фермер хўжаликлари далаларидаги тупроқ шароитини ҳисобга олиш зарур. Бу, ер ҳайдашдаги сарф-харажатларни камайтиришда муҳим ҳисобланади.

**А.АБСАМАТОВ,**
ТерДУ, и.ф.н.,
**Э.ИМОМОВ,**
ТерДУ, ўқитувчи

## Жанубий худудларда боғдорчиликни жойлаштириш самарадорлиги

Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга эътибор қаратилаётганлиги соҳа ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик экинлари жойлашган майдонлар ва кўп йиллик дарахтзорлар таҳлили кўрсатишича, кейинги йилларда мевали боғлар майдони ўсиб бораётган бўлса-да, улар сезиларли даражада эмас. Охирги йиллар давомидаги мевали боғлар майдонлари таҳлили кўрсатишича, 2005 йилдагига нисбатан, 2012 йилда вилоят бўйича бу кўрсаткич 12625 гектардан 14410 гектарга етган, айрим туманларда боғли майдонлар камайиб

кетаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу туманлар қаторида Сариосиё, Узун, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларини қайд этиш мумкин. (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Сурхондарё вилояти туманлари даражасида мевали боғлар майдонларининг ўзгариш,** га

| Туманлар | Йиллар бўйича | | | | | | | | 2012 й.да 2005 йилдагига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | |
| Ангор | 298 | 312 | 317 | 387 | 400 | 335 | 338 | 348 | 117 |
| Бойсун | 966 | 867 | 880 | 884 | 892 | 886 | 970 | 980 | 101 |
| Денов | 1229 | 1451 | 1392 | 1389 | 1568 | 1611 | 1611 | 1615 | 131 |
| Жарқўрғон | 966 | 663 | 679 | 679 | 664 | 664 | 670 | 685 | 71 |
| Кизирик | 620 | 871 | 903 | 1197 | 879 | 1048 | 944 | 954 | 154 |
| Қумқўрғон | 1070 | 1068 | 1067 | 1028 | 978 | 931 | 843 | 850 | 79 |
| Музробод | 398 | 331 | 320 | 319 | 465 | 824 | 789 | 795 | 200 |
| Олтинсой | 909 | 837 | 838 | 828 | 920 | 940 | 941 | 944 | 104 |
| Сариосиё | 2935 | 2513 | 2513 | 2496 | 2914 | 2920 | 2843 | 2855 | 97 |
| Термиз | 576 | 572 | 585 | 567 | 605 | 602 | 808 | 815 | 141 |
| Узун | 1715 | 1738 | 1742 | 1633 | 1786 | 1620 | 1481 | 1498 | 87 |
| Шеробод | 163 | 1068 | 952 | 952 | 1169 | 1186 | 1213 | 1216 | 746 |
| Шўрчи | 780 | 768 | 768 | 917 | 915 | 851 | 855 | 855 | 110 |
| Вилоят буйича | 12625 | 13059 | 12956 | 13276 | 14155 | 14418 | 14306 | 14410 | 110 |

*Эслатма:* Бандихон тумани маълумотлари билан биргаликда.*

Манба. Сурхондарё Вилояти Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу туманлар вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ер майдонлари унумдорлик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради ҳамда азалдан субтропик мевалари билан бутун республикада ўзига хос ўринга эгалиги, бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар фаолият юритганлиги билан ажралиб турган. Кузатишлардан ва мутахассислар фикрларидан маълум бўлишича, кейинги йилларда ушбу туманларда мевали боғлар майдони камайиб кетишига экологик муҳит бузилиши асосий сабаб бўлиб, бунинг натижасида дарахтлар касалланиб, экинлар майдонлари тўлиқ бузилиб кетишига олиб келмоқда.

Бу, Тожикистон алюминий заводи фаолияти билан боғлиқ. Бу заводдан ажралиб чиқаётган заҳарли чиқиндилар таъсирида ушбу туманларда анор, анжир каби мевали дарахтларнинг касалланиб, бир неча ўн йиллик боғлар яроқсиз ҳолга келди, пахта ва ғалла етиштириш учун иқлим шароити ва самарали ҳарорат миқдори етарли даражада бўлмаса-да, уларни тоғолди хўжаликларида ҳам жойлаштиришга мажбур бўлинмоқда. Истиқболда бу жойлаштириш услуби, иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан ўзини оқлаши гумон. Чунки, тоғолди ҳудудлари рельефи ҳамда жойлашувига кўра ер ости сувлари шаклланишига чуқур таъсир қиладиган ҳамда муҳим рол ўйнайдиган ҳудудлардан ҳисобланади.

Шунинг учун бу ҳудудларда минерал ўғит ва кимёвий препаратларни кўп миқдорда талаб қиладиган экинларни етиштириш шундоқ ҳам мураккаб бўлган экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Экинлар таркибини чуқур мулоҳаза ҳамда иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида жойлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ

бўлади. Бунинг учун фермер хўжаликларининг фаолиятини нисбатан экологик жиҳатдан ҳудуд рельефига ва табиий-иқлим шароитига зарар етказмайдиган самарали экинларни жойлаштиришга эътибор қаратиш муҳим. Мевали боғлар таркибининг 2012 йил таҳлили кўрсатишича, Сурхондарё вилоятида совуқ оқим келиши оқибатида бўлиши мумкин бўлган кучли тебранишлар юз бериши ва ёзнинг иссиқ ойларида мевали боғлар қуёш радиацияси оқибатида зарар кўриши хавфи кам бўлган, шимолий туманлар Денов, Сариосиё, Узун ва Қумқўрғон туманларида субтропик мевалар етиштириш камайиб кетаётганлиги кузатилмоқда.

Субтропик мевалар майдони 2012 йил ҳолатига Денов туманида 3 гектарни, Кумкурғонда 62 гектарни, Сариосиёда 136 гектарни ва Узун туманида 172 гектарни ташкил қилган. Ваҳоланки, Тожикистон алюминий заводи таъсир доираси паст бўлган йилларда ушбу туманлар республиканинг бошқа вилоятларига ва собиқ иттифоқ республикаларига хурмо, анор каби меваларни етказиб берувчи асосий ҳудудлардан бири саналган.

Ҳудудда узум етиштиришда ҳам юқоридагидек ҳолатни кузатиш мумкин, Вилоятнинг Шеробод, Ангор ва Қизириқ туманларида токзорлар майдони ўсганлиги кузатилса, кейинги 7 йил давомида, 2005 йилдан кейинги таҳлиллар кўрсатишича, Денов, Қумқўрғон, Сариосиё, Узун ва Жарқўрғон туманларида токзорлар майдони муттасил равишда камайиб борганлиги намоён бўлади. Мутахассисларнинг ва деҳқонларнинг таъкидлашича, ушбу туманларда узумларнинг касалланиш даражаси ортмоқда.

Токзорларнинг камайиб кетаётгани туфайли, фаолияти узумга боғлиқ саноат тармоқларининг хом ашё билан таъминланиш даражаси пасайиб кетмоқда, бу ҳудуддаги узумни қайта ишлаш корхоналарининг тўлиқ қувват билан ишламаслигига олиб келмоқда. Узум етиштирувчи хўжаликларда ўзига хос яна бир тенденция юзага келмоқдаки, дунёга машҳур бўлган винобоп навларнинг ўрнига винобоп навларга нисбатан бозорда баҳоси юқори бўлган хўраки навлар экилиб, фақатгина бозор учун маҳсулот етиштиришга интилиш ҳисси кучайиб бормоқда. Бу қайта ишлаш корхоналарининг хомашё таъминоти даражаси пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун тармоқда вино маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш талаби анчадан буён долзарблик касб этиб келмоқда. Қайта ишлаш корхоналари томонидан мева ва узум етиштирувчиларни қўллаб қувватлаш механизми йўлга қуйилиши мақсадга мувофиқ. Бу иккала тармоқ субъектларининг ҳам иқтисодий барқарорлашувига ҳам экологик муҳит ёмонлашувининг олдини олишига замин яратади.

**М.Т. БАЙИРОВ,**
ЎзМЭИ, т.ф.н., к.и.х.

## Истиқболга мўлжалланган ресурстежамкор намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш

Деҳқончилик махсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қишлоқ ўз фаолиятида минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий-техник ресурслардан фойдаланадилар. Давлат буюртмаси асосида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнидаги механизация хизматлари ва қўл кучи учун меҳнат ҳақига имтиёзли тарзда йўналтириладиган зарур маблағлар амалдаги намунавий технологик карталар бўйича ишлаб чиқиладиган, маҳаллий шароитларга мос тушувчи ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, ажратилиши кўзда тутилган. Шу сабабли, намунавий технологик карталар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш муддати ва ресурс сарфини режалаштириш имконини яратади. Уларда илмий асосланиб, ҳисоб-китоблар асосида киритилган замонавий

технологиялар ва техника воситаларини қўллаш буйича кўрсатмалар ёрдамида тадбирларни сифатли амалга ошириш мумкин. Бу маҳсулот етиштирувчиларга пул маблағлари ва техника-ашёлар учун харажатларини анча камайтиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида намунавий технологик карталарлар илмий муассасалар ва амалиётчилар билан муҳокамалар асосида ҳар 5 йилда экинларни парваришлаш технологиялари, қўлланиладиган техника воситалар ва хомашё материалларининг миқдор ва сифат ўзгаришларини, аграр илм-фан эришган замонавий ютуқларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилишини кўзда тутади. Ҳозир амалиётда қўлланилаётган, 2011-2015 йилларга мўлжалланган,икки қисмдан иборат “Қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш намунавий технологик карталари”нинг (1-қисми 80, 2-қисми 152 б. Т: ”HILOL MEDIYA” МЧЖ, 2011.) амал қилиш муддати 2015 йилгача. Соҳа жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, истиқболли намунавий технологик карталарни илмий асослаб ишлаб чиқиш зарур. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалик техникларининг янги турлари кириб келиши деҳқончиликда фойдаланилаётган машиналар турлари ва техник имкониятлари ўзгариши, шунингдек, тупроққа ишлов бериш, суғориш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш усуллари такомилашиб бориши технологик жараёнларда бажариладиган иш турлари ва ҳажми, ашёлар ва ЁММ меъёрларининг рационал кўрсаткичларини асослаш кераклигини кўрсатмоқда.

Маълумки, намунавий технологик карталарни тузишда экинлар ҳосилдорлиги, меҳнат ва ашёлар сарфи ҳамда иш унумдорлигини ошириш учун ҳамма жараёнлар бўйича бажариладиган ишлар ҳажми аниқланади. Намунавий технологик карталар агрономия, муҳандислик, иқтисодий ва ташкилий йўналишлар бўйича аниқ тавсиялардан тузилган режавий, илмий-услубий тавсиявий мазмунга эга ҳисобланади. Ерга ишлов бериш, экинларни парваришлаш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш технологияларини танлашда илмий-тадқиқот институтлари томонидан тавсия этилган янги, самарали ишлаб чиқариш технологиялари ва амалиётда қўлланилаётган илғор усуллардан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор хўжалик шароитида экинлар парваришининг иқтисодий тежамкор усулларини танлаш ва асослашга қаратилади.

Истиқболли технологияларни асослаш ва самарадорлигини оширишда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

– ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жалб қилиш;

– кўп харажат талаб қилувчи анъанавий технологияларни қўллашни камайтириш, уларни такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

– ресурсларни тежовчи янги технологияларни кенг жорий қилиш, яъни меҳнат, молиявий, табиий ва бошқа турдаги ресурслар сарфини ортиқча талаб қилмайдиган тежамли технологияларни ишлаб чиқариш;

Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган заҳарли кимёвий воситалар қўллашни қисқартириш ва биологик усуллардан кенг фойдаланиш, шу асосда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва экологик тоза маҳсулот етиштиришга эришиш;

– тупроққа ишлов беришни минималлаштириш, яъни техника воситаси билан даладан бир маротаба ўтишда бир нечта операцияни бажариш ва шу орқали тупроқнинг ортиқча зичланишига йўл қўймаслик ҳамда бошқа турдаги ресурслардан ҳам оқилона фойдаланишга эришиш.

Ишлаб чиқиладиган намунавий технологик карталар қишлоқ хўжалигига татбиқ этилиши билан бир қаторда маҳсулот етиштирувчиларни замонавий технологиялар ва янги техникалардан оқилона фойдаланиш йўналишларини ва кўникмаларини ўргатишга қаратилмоғи лозим. Намунавий технологик карталар, қишлоқ хўжалик минтақасидан қатъи назар, экинларни парваришлаш технологияси ва ҳосилдорлигини режалаштиришга, улар учун муайян хўжалик шароитига мос технологиялари ва машиналар комплексини танлашга

имконият яратиши керак. Истиқболга мўлжалланган намунавий технологик карталар агротадбирларни бажариш сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга, пул маблағлари ва техника-ашёлар харажатларини камайтиришга, республикамиздаги турли минтақалар хўжаликларнинг техник-ашёвий қуролланиш даражасини янги сифат кўрсатгичи даражасига кўтарилишига олиб келади.

Намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида, экинларни парваришлаш агротадбирларини амалга оширишда ресурстежамкор илғор технологияларни қўллаш имконияти кенгаяди, ишлаб чиқариш жараёни замонавий машиналар ва техник воситалар тизими ҳисобига комплекс механизациялаштирилади.

**Н.Қ. НАЙИМОВ,**
ТошДУ, катта илмий ходим-изланувчи

**Мева-сабзавотчилик қуйи мажмуасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ва муҳим хулосалар**

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун улкан шарт-шароитлар яратилди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, мулкка эгалик қилиш каби тадбирларни яхшилашни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилишга, ўз меҳнатининг натижасидан манфаатдор бўлишга, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун жуда катта имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш имконини бериб, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

Республикамизнинг жанубий минтақаси ҳисобланган Сурхондарё вилоятида ҳам аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ва ички истеъмол бозорини вилоятда етиштирилган маҳсулотлар билан тўлиқ таъмин этиш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этишга эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда 2008 йилда 691,9 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2012 йилга келиб, бу миқдор 1 млн. 141 тоннага етди ёки 2008 йилдагига нисбатан, 165га фоизни эришилди. Вилоятда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланишни яхшилаш ҳамда бир йилда маълум ер майдонларидан 2-3 марта ҳосил олишга эришиш имконияти мавжуд. Бунга қўшимча равишда мелиоратив ҳолати ёмон ерларни яхшиланиш, лалмикор районларда илғор суғориш технологияларини жорий этиш орқали маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мумкин. Бунинг натижасида, нафақат вилоят аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишига эришилади, шу билан биргаликда республиканинг турли минтақаларига ҳам маҳсулот етказиб бериш ва экспорт ҳажмлари ортади. Вилоятда 2009 йилда 8,4 млн. АҚШ долларилик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2012 йилда 2009 йилдагига нисбатан 7 баробар 62 млн. АҚШ долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари четга чиқарилди.

Вилоятда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан ҳудуднинг иқлим, ер ва тупроқ шароитларидан самарали фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Вилоят бўйича 2010 йилда бир гектар боғлар майдонларидан ўртача ҳосилдорлик гектар ҳисобига 69 центнерни ташкил этгани бу фикримиз далилидир. Кейинги йилларда табиий-иқлим шароитидаги устунликларни ҳисобга олиб, вилоятдаги эски ва самарасиз фойдаланилаётган боғ ва токзорлар ўрнига янги, интенсив боғлар ташкил этиш ва эскиларини реконструкция қилиш ишларига эътибор

қаратилди. Жумладан, 2011 йилда 215 гектар майдонга интенсив боғлар ташкил этилди. Шундан, 127,5 гектарига Туркия давлатидан ва 88,5 гектарга Сербия давлатидан олиб келинган кўчатлар экилди. 2012 йилда Туркия давлатидан олиб келиниб ўтқазилган кўчатлар қисман ҳосилга кириб, гектаридан 3-4 тонна, жорий йилда эса 10 тонна ҳосил берди (келгусида бу кўрсаткич 50 тоннагача етиши кутилмоқда). Натижада жорий йилда аҳолининг истеъмол даражаси меъёр бўйича таъминланиши, мева таъминоти ортиши кузатилмоқда. Аммо, вилоят бўйича 2012 йилда тиббий асосланган меъёрга кўра, асосан етиштирилиши зарур бўлган 121 минг тоннадан 13,1 минг тонна кам мева етиштирилган.

Прогноз параметрларига кўра, 2013 йилда 1 млн 289,5 минг тонна мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш режалаштирилган, жумладан: 124,1 минг тонна мева, 702,2 минг тонна сабзавот, 155,8 минг тонна полиз маҳсулотлари, 201,3 минг тонна картошка ва 106,1 минг тонна узум етиштириш кўзда тутилган.

Вилоятда мева-сабзавотчилик мажмуасида ислоҳотларни янада жадаллаштириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратиш талаб қилинади:

– республика ҳукумати томонидан белгилаб берилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш, ҳудудий ривожлантириш борасидаги ҳужжатлардан самарали фойдаланиш;

– қишлоқ жойларда ихчам замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар қуриш, кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган хом ашёни, биринчи навбатда,мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар асосида ишни ташкил этиш;

– юқори ҳосилдор экин навларини яратиш, табиий мослаштириш ва парвариш қилишнинг илғор технологиялари ва илм-фан ютуқларини жорий этиш ҳисобига сабзавот ва мевали боғлар ҳосилдорлигини ошириш;

– республикамиз жанубида жойлашган вилоятнинг, йилига уч марта ҳосил олиш имкониятидан фойдаланиш бундан ташқари турли хил цитрус ва иссиқсевар меваларни иқлимга мослаштириш ҳамда жойлаштириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда махсус иссиқхоналарни ташкил этиш;

– мева-сабзавотчилик соҳасида фаолият олиб бораётган селекционерларимизнинг мева-сабзавотчилик қуйи мажмуаси субъектлари билан алоқаларини ривожлантириш ва ҳамкорлигини кенгайтириш;

– мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш усулларини такомиллаштириш, тоғ ва тоғолди ҳудудларида илғор суғориш технологияларини қўллаш орқали лалми ерларни ўзлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг ҳал қилиниши, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ш.А.ОТАМУРОДОВ,**
ТерДУ, катта ўқитувчи

## Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизими самарадорлигини ошириш

Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматни ошириш, самарадорликни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни қадоқлаш ва пировард истеъмолчига сифатли ҳолда етказиб бериш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда республикамиз миқёсида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ривожланиб бориши кузатилмоқда. Аммо, айрим ҳудудларимиз маҳсулотларни қайта ишлашга бўлган эътибор пастлигича қолмоқда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам.

Вилоятда мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳасида қўйидаги асосий муаммолар унинг барқарор равишда ривожланишига салбий таъсир этади:

- мева ва сабзавотларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилмоқда ҳамда улар алоҳида олинган хўжаликлар доирасида кичик миқдорнин ташкил этади, бу эса уларнинг тарқоқлашувига олиб келиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йирик ҳажмда харид қилувчилар билан муносабат ўрнатишига салбий рол ўйнайди;
- вилоятда мева-сабзавотларни қайта ишловчи аксарият корхоналарнинг асбоб-ускуналари хам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирганлиги сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермаяпти;
- мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш жараёнида маркетинг фаолияти йўлга қуйилмаган. Бу эса ички ва айниқса, ташқи талабнинг ҳажми ва таркиби мос келадиган самарали ассортимент сиёсатини амалга ошириш имконини бермайди;
- мавжуд корхоналарда малакали технологлар етишмайди. Натижада уларнинг маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашга оид замонавий технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни орттиришдаги имконият даражаси паст;
- қишлоқ худудларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари фаолиятидаги муаммолар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ривожлантиришга учун салбий таъсир этмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоятда етиштирилган мева-сабзавотларнинг бир қисмигина қайта ишланади ҳамда қайта ишланган ҳолда таклиф этилаётган тайёр маҳсулотнинг ҳам ассортименти турли-туман эмаслиги боис бозорни эгаллашда муаммоларга дуч келинмоқда. Статистик маълумотлар таҳлили кўрсатишича, вилоят буйича 2011 йилда етиштирилган маҳсулотларнинг кичик қисмигина қайта ишланган, улар жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг 1,2 фоизини ташкил этган, 2012 йилда ҳам жами етиштирилган маҳсулотларининг қайта ишланган қисми ортиши кузатилмаган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш қайта ишлаш**

| Маҳсулот турлари | 2011 йилда | | | 2012 йилда | | | Ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Етиштирилди | Қайта ишланди | % | Етиштирилди | Қайта ишланди | % | |
| Сабзавот маҳсулоти | 380693,0 | 250,3 | 0,1 | 632884,0 | 334,0 | 0,1 | 133,4 |
| Мева маҳсулоти | 90542,0 | 402,5 | 0,4 | 108763,0 | 537,0 | 0,5 | 133,4 |
| Узум маҳсулоти | 72529,0 | 2548,0 | 3,5 | 103196,0 | 3397,0 | 3,3 | 133,3 |
| Гўшт маҳсулоти | 84774,0 | 940,4 | 1,8 | 129434,0 | 1278,0 | 1,6 | 135,9 |
| Сут маҳсулоти | 375249,0 | 7412,0 | 2,0 | 624958,0 | 10754,0 | 1,7 | 145,1 |
| **Жами:** | **1003787,0** | **11553,2** | **1,2** | **1599235,0** | **16300,0** | **1,0** | **141,1** |

Манба. Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда, кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳслулотларини қайта ишлаш даражаси ва қайта ишланган маҳсулот ҳажми ошган бўлсада, бу ўсиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши даражаси билан солиштирилганда, жуда ҳам пастлигича қолаётганлигини кўрсатади.

Ушбу турдаги қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг улуши вилоят саноат маҳсулотидаги 2012 йил ҳолатига 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, қайта ишланган узум маҳсулотининг улуши вилоят саноат маҳсулотидаги 5,6 фоизни ташкил этган. Бу вилоятда мева-сабзавотларни ҳамда гушт-сут маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари таркибида узумни қайта ишлаш корхоналари нисбатан кўпроқ ривожланганлигини кўрсатади.

Вилоятда 2012 йилда 3397 тонна узум қайта ишланиб ва 20,2 минг тонна ёки 50500,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Вилоятда қайта ишлаш тизимини ривожлантириш учун :

- соҳада фаолият олиб бораётган фирма ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий муносабатлар тизимига бевосита чиқишига имкон яратиш;
- экспортбоб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорга чиқарилишини таьминлашда бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларнинг янги шакл ва услубларини қўллашни йўлга қўйиш, иқтисодий манфаатдорликка эьтибор қаратиш;
- банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда бу маблағларнинг хорижий валютага конвертация қилиниётганини қисқартириш;
- омборхона ва музлатгичлар тармоғини ривожлантириш ва модернизациялашда лизингдан кенг фойдаланиш:
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантириш, уларга асосий фондларини модернизациялаш учун шарт-шароит яратиб бериш;
- мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари томонидан деҳқон хўжаликлари маҳсулотларини ҳарид этишда барча тўлов усулларини қуллаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, бу соҳада маркетинг фаолиятини жадаллаштириш.

**Г.Р. ХОЛМАТОВА**
2-Тошкент юридик коллежи, ўқитувчи

## Ишлаб чиқаришни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузишнинг моҳияти

Ижтимоий-иқтисодий режалаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда бошқариш учун қўллайдиган муҳим дастакларидан биридир. Давлатнинг бу кўринишдаги бошқарув шакли барча мамлакатларда қўлланилиши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётнинг бозор тамойилларига асосланган тизимига ўтиши маъмурий режалар тузиш ва маъмурий бошқарув тизимидан воз кечишга олиб келиб индекатив мазмунга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш талабини пайдо қилди. Давлат бошқарувида ушбу кўринишдаги дастурларнинг қабул қилиниши улар ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳамоҳанг ривожланишида муҳим ва ажралмас таркибий қисм сифатида шаклланишига сабаб бўлади. Шундай шароитда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тузиш жараёнида бозор механизмига асосланган иқтисодий дастакларни қўллаш ва улардан фойдаланиш давлат бошқарув органларининг асосий мақсади бўлиб қолиши талаб этилади.

Умуман олганда, режалаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларида кутилаётган мақсадларга эришиш учун мавжуд бошланғич маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш асосида, ўз олдига мақсадларнинг илмий ечимини қуйиш ҳамда аниқлаш орқали улар орасидан муқобил вариантларни қиёсий баҳолаш билан энг мақбулини танлаб олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ҳисобланади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий режалаштириш дастурлари ўзида барча ишлаб чиқариш омиллари ҳамда табиий-ашёвий ва молиявий-иқтисодий оқимлар баланси ўртасидаги боғлиқлигини сақлаш орқали мақсад, вазифаларга эришиш учун мавжуд ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни таъминлашни акс эттиради, ҳукуматнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қаратилган муҳим ҳужжати сифатида

хизмат қилади. Шуни назарда тутиш керакки, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва режаларининг мазмуни кўпгина иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда уни қуйи тизимдаги органларга бажариш учун етказиш билангина чекланиб қолмасдан, балки аниқ мақсад ва натижаларга эришиш учун таъсирчан воситаларни ишлаб чиқишга қаратилган, илмий асосланган мақсадлар занжири ҳам ҳисобланади. Улар ўз кўриниш ва мазмунига кўра, директив, индекатив ҳамда стратегик шаклларда тузилади. Директив режалар сўзсиз бажарилиши зарур бўлган буйруқ мазмунидаги режалар ҳисобланиб, маъмурий бошқарув тизимининг усули сифатида кўриниш ҳосил қилса-да, бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар бошқарув тажрибаси кўрсатишича, бу усулдан ҳам зарур ва керакли жараёнларда бозор механизмига хос бўлган дастаклар билан биргаликда фойдаланиш орқали маълум бир ютуқларга эришиш мумкин.

Индикатив режалаштириш эса ҳозирги вақтда амалиётда кўп қўлланилаётган режалаштириш шакли бўлиб, унда мамлакатнинг маълум бир мазмундаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари (индикаторлари) тизимини ишлаб чиқишга асосланган ва унинг умуммиллий устувор йўналишларини аниқлашни, мақсадни белгилашни кўзда тутади. Кўзда тутилаётган барча дастурларнинг ривожланиш босқичлари макро, мезо ва микродаражада қарорларни келишиш билан тўлдирилиб, режани амалга оширишда иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашнинг механизмларини ўз ичига олувчи комплекс чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштиради. Ривожланган мамлакатларда индикатив режалаштириш шаклларининг эволюцияси («конъюнктура» – «таркибий» – «стратегик») узоқ муддатни, тахминан ўн йиллик муддатни эгаллайди.

Индикатив режалаштиришда қишлоқ хўжалик корхоналари учун аҳамиятли бўлган жиҳатлар кўп бўлиб, улардан фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади, жумладан, бу шартномавий равишда давлат буюртмаси асосида маҳсулот етказиб бераётган қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар фаолиятида муҳим ўрин тутиши мумкин. Индекатив режалаштириш тизими шартларига кўра, маҳсулот етиштирувчи давлат буюртмаси асосидаги маҳсулотни харид қилувчи мувофиқлаштирувчи органга (дон маҳсулотлари корхоналари ва пахтани харид килувчи давлат ташкилоти) маҳсулотни сотиш (етказиб бериш) тўғрисидаги таклифларини юборади. Агар улар қабул қилинса, бу, иккала томон учун ҳам тегишли мажбуриятларни юклайди: а) мувофиқлаштирувчи орган ҳажмларни амалга оширишни режалаштиради ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни рағбатлантириш тизимига киритади; б) корхона олинган мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади. Шунга ўхшаш тартиб директив режалаштиришда ҳам юқоридан ва қуйидан белгиланган режаларни уйғунлаштириш шаклида амал қилди, фарқ фақат шундаки, энди режа корхонага мажбурий тартибда етказилмайди, балки у томонидан ихтиёрий равишда қабул қилинади.

Шартномавий режалаштириш корхоналар, бирлашмалар, банклар, ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида ихтиёрий ва ўзаро фойдали асосда қуриладиган тижорат муносабатларини тартибга солади. Шартномавий муносабатлар барқарор ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларни, ўзаро мажбуриятларни, уларни бажариш шартларини шакллантиради ва бозор шароитида режавийликни қўллаб-қувватлашнинг кафолатловчи хўжалик механизмини яратади. Шартномавий режалар етказиб бериш тўғрисидаги келишувлар, шартномалар, иштирок этиш тизими кўринишида ва бошқа шаклларда амалга оширилади. Тегишли иқтисодий ва ҳуқуқий асослар: қонунчилик меъёрлари, мустақил суд тизими ва бошқалар шартномавий режалаштиришни таъминлаш учун хизмат қилади.

**Ш.А.АБДУЛАЗИЗОВ**
ЎзБИИТИ, бўлим бошлиғи
**Э.ХУРРАМОВ,**
ТерДУ, ўқитувчи

## Ер ости сувлари сатҳи юқори ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларини самарали жойлаштириш

Маълумки, ҳозирги пайтда асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик юритиш шакллари фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари ҳисобланади. Фермер хўжаликлари ихтисослашув даражасидан келиб чиқиб, маҳсулот етиштириш билан шуғулланаётган бўлса, деҳқон хўжаликлари ўз эҳтиёжларидан ҳамда қисман бозордаги талабни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот етиштириш билан машғул. Лекин фермер хўжаликлари асосий фаолияти давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштириш ёки ихтисослашув даражасини ўзгартирмасдан туриб, зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш учун ерни узоқ муддатли ижарага олганлиги сабабли, мелиоратив ҳолати паст ерларда ҳам маҳсулот етиштириш мажбуриятини олмоқдалар. Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ёпиқ ва очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш бўйича бир қанча ижобий тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрда “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-725-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарорга кўра, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш назарда тутилган бўлиб, мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратилиши назарда тутилган.

Кейинги йилларда қабул қилинган ушбу давлат дастурлари асосида, ерларнинг табиий унумдорлик даражасини яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, экинлар таркибини танлаш ва алмашлаб экишни ташкил этмаслик оқибатида ерларнинг табиий унумдорлик даражаси пасайиши ҳамда бошқа илгари йўл қўйилган бир қатор хатоликлар натижасида қишлоқ хўжалик ерларининг ҳосилдорлик даражаси пастлигича қолмоқда.

“Ўзгеодезкадастр” Давлат қўмитаси маълумотлари кўрсатишича, Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 241400 гектар майдонда суғориб деҳқончилик қилинмоқда. Шунингдек, вилоятда 39 минг гектардан ортиқроқ лалми майдонлар ҳам бўлиб, баҳор мавсуми ёмғирли келиши ушбу ерларда донли экинларнинг кўплаб турларини етиштириш имкониятини беради. Фермер хўжаликлари томонидан 247,4 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилаётган бўлса, деҳқон хўжаликлари 43,7 минг гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдалар. Фермер хўжаликлари сони вилоят бўйича 2012 йил ҳолатига 4900 дан ортиқроқ бўлса, деҳқон хўжаликларининг сони 403, 9 мингдан ортиқроқни ташкил этмоқда.

Фермер хўжаликлари экин майдонлори таркибида ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, пахта ва ғалла асосий майдонда сақланиб қолаяпти, бу алмашлаб экишга имкон бермаяпти. Вилоят бўйича 2008 йил ҳолатига кўра, суғориладиган ерларнинг 2916 гектари критик нуқта

бўлган 1-2,0 метр чуқурликда жойлашган. Бу қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсир кўрсатмоқда, 2011 йил ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 2499 гектарни ташкил этган бўлса, 2-3,0 метр оралиғидаги ер майдонлари эса, 2008 йил ҳолатига 149324 гектарни, 2011 йил ҳолатига кўра 148457 гектарни ташкил қилган.

Туманлар миқёсида қараладиган бўлса, чўл туманлари ҳисобланган Музрабод, Шеробод, Қизириқ, Ангор туманларида ер ости сизот сувлари сатҳи юқори.

Сурхондаё вилояти бўйича кишлоқ хўжалик экинлари таркиби таҳлили кўрсатишича, 2012 йил ҳолатига 119 минг гектардан ортиқроқ майдонда пахта жами экин майдонининг 40,1 фоизи) ва 116,4 минг гектар майдонда ғалла, (жами экин майдонининг 39,2 фоизи) келинмоқда. Пахта ва ғалла стретегик экин ҳисоблансада, ернинг унумдорлик даражасини оширишга хизмат қилувчи ем-хашак экинлари, жумладан, беда экини майдони бор-йўғи 6,7 минг гектарни ёки жами экин ерлари майдонининг 2,3 фоизини ташкил қилган.

**Сурхондарё вилояти туманлари кесимида ерларнинг шўрланиш даражаси,** 2012 йил ҳолатига

| Туманлар номи | Умумий суғ-ган майдони, га | Қ-қ х-к экин майдони, га | Шўрлан-маган майдон, га | % | Шўрланган май., га | % | Шу жумладан: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Кам шўрлан-ган, га | % | Ўртача шўрлан-ган, га | % | Кучли шўрлан-ган.,га | % |
| Ангор | 19114 | 15206 | 10134 | 53 | 8980 | 47 | 8502 | 44,5 | 452 | 2,36 | 26 | 0,1 |
| Бойсун | 6217 | 3482 | 6002 | 96,5 | 215 | 3,5 | 203 | 3,27 | 12 | | | |
| Денов | 32351 | 23672 | 32150 | 99,4 | 201 | 0,6 | 140 | 0,43 | 51 | 0,16 | 10 | 0,0 |
| Жарқўрган | 27320 | 20347 | 25499 | 93,3 | 1821 | 6,7 | 1761 | 6,45 | 60 | 0,2 | | |
| Кизирик | 43334 | 35314 | 12555 | 29,0 | 30779 | 71 | 17334 | 56,3 | 13301 | 43,2 | 144 | 0,5 |
| Қумқўрғон | 25266 | 17644 | 25266 | 100 | | | | | | | | |
| Музрабод | 38857 | 33663 | 7451 | 19 | 31406 | 81 | 19116 | 49,2 | 12205 | 31,4 | 85 | 0,2 |
| Олтинсой | 19733 | 10440 | 19733 | 100 | | | | | | | | |
| Сариосиё | 14788 | 9614 | 14788 | 100 | | | | | | | | |
| Термиз | 18178 | 13254 | 9707 | 53 | 8471 | 47 | 7631 | 42 | 810 | 4,46 | 30 | 0,2 |
| Узун | 14506 | 10591 | 14506 | 100 | | | | | | | | |
| Шеробод | 41058 | 34308 | 19542 | 48 | 21516 | 52 | 16121 | 39,3 | 4772 | 11,6 | 623 | 1,5 |
| Шўрчи | 20608 | 15272 | 20608 | 100 | | | | | | | | |
| Вилоятда | **321234** | **242809** | **216070** | **67** | **103389** | **32** | **70808** | **22** | **31663** | **9,86** | **918** | **2,6** |

Манба. Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятнинг тупроқ экологик ҳолати ёмон бўлган туманлари Қизириқда пахта-ғалла экинлари майдони жами экин майдониннг 89,3 фоизини, Музрабод туманида 91 фоизини, Шеробод туманида 84, ва Ангор туманида 82,6 фоизини ташкил қилмоқда. Ваҳоланки, ушбу туманларда ерларнинг асосий қисми шўрланган бўлиб, улар ер ости сув сатҳи жуда юқори жайлашганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, таҳлиллар кўрсатишича, кейинги 5 йилда Қизириқ, Музрабод, Шеробод ва Ангор туманларида пахтачиликдан олинаётган ўртача ҳосилдорлик даражаси пасайиши 2008 йилда кузатилмоқда.

Музрабод туманида олинган ўртача пахта ҳосили 26,2 ц/га бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 17,0 ц/гани, 2012 йилга келиб эса 19,7 ц/гани ташкил этган. Экинлар таркибининг йиллар давомида шу тартибда сақланиб қолинаётганлиги экологик муҳит кескин бузилишига

олиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шундай кузатишлар ва тенденция вилоятнинг қолган чўл туманларида ҳам учрайди.

Истиқболда шўрланиш даражаси ва ер ости сувлари сатҳи юқори бўлган ҳудудларда қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

– кўп сув талаб қилмайдиган экинларни жойлаштириш;

– экинларни суғоришда суғориш меъёрларини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш;

– ер ости сувлари сатҳи юқори ерларда асосан юқори самарага эришиш имконини бераётган донли, дуккакли ва ем-хашак экинларини жойлаштиришга эътибор қаратиш;

– илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий этиш;

– ер ости сувлари сатҳи юқори ерларда қишлоқ хўжалик экинларини экишдан олдин текислаш ишларини амалга ошириш, бунда жумладан, лазерли текислаш усулларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қуйиш;

– аста-секинлик билан экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, жумладан томчилатиб суғориш, ер остидан суғориш.

**Т.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
ЎзБИИТИ, и.ф.н., доцент, е.и.х.,
**З.САБУРОВА**
ЎзБИИТИ, кич.и.х.

## Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини таъминлашда кооперациянинг роли

Ҳозирги кунда кўп укладли иқтисодиётда, хўжалик юритишнинг жамоа шакли барпо этилиши ҳамда ривожланиши муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигидаги кооперациянинг замонавий моҳияти меъёрий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида уни такомиллаштириш хусусиятларини холисона белгилаб беради. Бу асосни ривожлантириш икки қоидага асосланади. Биринчидан, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократлаштириш шароитидагина халқаро кооператив альянси принципларига асосланган кооперацияни ривожлантириш мумкин. Кооперативга кириш ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлиги, улар фаолиятини бошқаришнинг демократик принциплари, иқтисодий мустақиллигига умуман жамиятни демократлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш шароитида эришиш мумкин.

Хўжалик юритишнинг маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида кооперацияни ривожлантиришнинг тарихий тажрибаси бундан далолат беради. Шунинг учун кооперацияни тиклаш ва ривожлантириш мамлакатда сиёсий ва иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича умумий вазифаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқ.

Иккинчидан, кооперацияни хўжалик юритиш шакли сифатида кооперация мулки асосида ривожлантириш мумкин. У бошқа мулк шакллари сингари тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши керак. Шу билан бирга уни шакллантиришнинг ўзига хос масалалари қонунчилик орқали тартибга солиниши ҳамда заруратга кўра, у бошқа мулк шаклларига ўзгартирилиши керак.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида, халқаро кооператив альянси принципларига жавоб берувчи кооператив хўжалик юритиш шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асосни дарҳол яратишнинг иложи йўқ. Бу асос, бозор ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш билан ўзаро узвий боғлиқликда шаклланиши керак.

Кооперациянинг умумқабул қилинган вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш принципларига асосланган меъёрий-ҳуқуқий асосини босқичма-босқич ривожлантириш қуйидаги зарурат билан ифодаланган:

– тегишли муҳитни яратиш (хусусий ва кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантирмай, унга эришишнинг иложи йўқ);

– кичик товарли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бирламчи кооператив хўжалик юритиш шаклларининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини англашлари;

– бу тизимни давлат томонидан ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг тегишли механизмлари ва кооперация тизимини яратиш.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг ҳозирги шароитида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари комплексини қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

– биринчиси – қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яратишни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– иккинчиси – қишлоқ хўжалиги кооперацияси корхона ва ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– учинчиси – қишлоқдаги кооператив хўжаликларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– тўртинчиси – қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш бўйича давлат томонидан ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг ҳар бир гуруҳи қишлоқ хўжалиги кооперациясини таъсис этиш, шакллантириш ва ривожлантиришнинг алоҳида томонларини тартибга солишга қаратилган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қишлоқ аҳолиси томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзаро муносабатидаги турли туман шаклларни ривожлантириш имкониятларини яратувчи, уни шакллантиришнинг асосий принциплари ҳамда кооперация моҳиятини амалга оширишни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. Ўзбекистон Республикасида кооперацияни ривожлантириш меъёрий-ҳуқуқий асосининг қиёсий таҳлили қуйидаги тавсияларни бериш имконини беради:

Кооперацияни ривожлантиришнинг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асоси фрагментал кўринишга эга ҳамда мамлакатда яратилаётган кўп укладли иқтисодиётда, шу жумладан, унинг аграр секторида ҳам кооператив хўжалик юритиш шаклларининг аҳамиятини оширишни таъминлаши керак. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулотни қайта ишлаш шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос шароитлари, унинг хусусиятлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит кооперация турлари ва шакллари, унинг субъектлари, уларнинг давлат (солиқ ва божхона) билан ўзаро муносабатлари ҳамда бу хўжалик юритиш шаклларини қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларга эга қонунчиликни амалга оширувчи мустақил ҳуқуқий сегмент ва механизми сифатида ишлаб чиқиш зарурати ифодалайди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш меъёрий-ҳуқуқий асосида кооперациянинг ижтимои-иқтисодий моҳияти ҳисобга олиниши, қишлоқ минтақалари учун унинг ижтимоий таркибий қисмини ривожлантириш имкониятлари учун шароит яратиш керак. Бунда аграр соҳани модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш республика иқтисодиётининг бу секторини Ягона ривожлантириш концепциясига таяниши лозим.

**У.ГУЛЯМОВ,**
ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

**Инновациялар бозорини шакллантириш**

Бозор – товарлар ва хизматлар алмашуви бўйича ўзаро муносабатларнинг талаб, таклиф ва нархга асосланган мураккаб иқтисодий тизим. Инновациялар бозори, иқтисодий муносабатлар тизимининг таркибий қисми сифатида, товарнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, белгиланадиган хусусиятлар билан бир қаторда умумий белгиларга ҳам эга бўлиб, тизим ривожланишининг умумий қонунларига (қиймат, талаб ва таклиф қонунига) бўйсунади.

Илмий-жорий этиш фаолияти соҳасидаги бозор муносабатларининг асосий унсурлари инновациялар бозори, инвестициялар бозори, шунингдек, илмий-техника ахбороти ва жорий этиш хизматлари бозори умумий белгиларда инновация фаолиятини ҳосил қилади.

Агроиқтисодиётда бозор муносабатларининг вужудга келиши даврида илмий-техника ва жорий этиш бизнеси пайдо бўлди ва ривожлана бошлади. Илмий ишланмалар, илғор тажриба, агар талаб мавжуд бўлса, сотилиши мумкин бўлган товарга айланади. Илмий ишланмалар кўпроқ амалий натижаларга йўналтирилади ва тижорат аҳамиятига эга бўлади. Инновация жараёнида камида ишлаб чиқарувчи (мулкдор) ва истеъмолчи (харидор) ёки воситачи (сотувчи) фаолият кўрсата бошлади. Илмий-техника маҳсулоти бозорини шакллантириш жараёни кечмоқда ва у такомиллашиб бораяпти. Илмий-техника фаолиятининг устувор йўналишлари ўзгармоқда. Агар режали-тақсимлаш тизимида устувор йўналиш ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш асосида белгиланса, бозор тизимида асосий эътибор илмий-техника маҳсулоти истеъмолчисининг манфаатларига қаратилади.

Инновациялар бозорининг асосий товари муаллифлик ҳуқуқига амал қилинган ҳолда ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилган илмий-техника натижаси, илмий меҳнат маҳсулот, шунингдек, ҳар қандай ахборот манбаида қайд этилган янги билимлар ёки қарорларни ўзида мужассам этган илмий-техника фаолияти ҳисобланади. Амалга оширилиши мўлжалланган илмий-техник натижа илмий-техника маҳсулоти, яъни сотиш учун бозорга олиб чиқиш мумкин бўлган буюм саналанади. Сотиладиган буюм товар деб номланади. Бошқа ҳар қандай товардан фарқли ўлароқ, илмий-техника маҳсулоти интеллектуал мулк ҳисобланади ва ундан фойдаланиш учун муайян шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг мутлақ ҳуқуқи мустаҳкамланган. Демак, илмий-техника маҳсулоти бозорда сотилиши мумкин, бироқ ишлаб чиқувчида (эгасида) у учун ҳуқуқ сақланиб қолади, бу ҳол бошқа шахсларга ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатисиз ихтиёрий равишда нусха кўчириш (кўпайтириш)га асос бермайди.

Агроиқтисодиёт учун инновациялар бозори илмий жамоалар, тижорат ташкилотларининг ижодий бўлинмалари, алоҳида олимлар, ихтирочилар томонидан шаклланади. Инновация товарининг харидорлари қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермерлар, агроиқтисодиёт учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган бошқа тузилмалардир.

Бозор муносабатларининг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: рақобатнинг мавжудлиги, шерикларни эркин танлаш, ишлаб чиқарувчи ва харидорда икки томонлама қизиқиш, алмашувчи томонларда ўзаро келишув, товарлар ва пул маблағларининг тенг алмашинуви, фаолият кўрсатишнинг иқтисодий механизмига риоя этиш.

Бозорнинг асосий тамойили технологик ва иқтисодий мезонлар бўйича янада тараққий этган, қўшимча самарага эришишни таъминлашга қодир бўлган илмий товарни сотишдан иборат.

Илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга йўналтиришдаги бозор муносабатларининг самарадорлиги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар

тажрибасида синаб кўрилган. Аграр сектор учун инновациялар яратувчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги воситачи ривожланган барча мамлакатларда маслаҳатчилар, жорий этувчи тузилмалар ва улар таркибидаги ёки улар билан ҳамкорлик қилувчи бошқа махсус бозор тузилмалари (инновация маҳсулоти ва интеллектуал ресурслар маълумотлар банклари, биржалар, кимошди савдолари, кўргазмалар) ҳисобланади. Бундай турдаги тузилмалар вазифасига инновацияларнинг истеъмолчигача етиб боришини тезлаштириш, уларнинг жорий этилишига кўмаклашиш киради.

Тармоқ даромадлилигининг пастлиги, давлатнинг инновация фаолиятига маблағ ажратиш имконияти юқори эмаслиги, инвестиция тузилмалари ривожланмаганлиги, миллий тажриба ва инновация ишланмалари бозори модели туфайли ҳозирги шароитда ҳамма тажрибани ҳам кўчириб бўлмаслиги мумкинлигини англаган ҳолда, илмий ва жорий этиш муносабатлари соҳасида бозорнинг мавжуд бўлиши ҳақиқий ҳолат эканлигини ва уни такомиллаштириш йўлларини қидириш зарурлигини тушуниб етмоқлигимиз зарур. Ҳозирги вақтда қуйидагилар инновациялар ва инновация хизматлари бозорининг ҳақиқий унсурлари ҳисобланади:

1. Илмий маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ўзаро манфаати.
2. Илмий-техника маҳсулоти ва уларнинг ишлаб чиқилишини таъминловчи илмий ташкилотлар катта салоҳиятга эга бўлиши.
3. Тугалланган илмий ишланмаларни йиғиш ва уларга ишлов беришни таъминловчи ташкилий тузилмалар.
4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини инновациялар тўғрисида хабардор қилишга ва уларнинг илмий маҳсулотни ўзлаштиришига ёрдам беришга йўналтирилган ихтисослашган тузилмалар.

Аммо, юқорида санаб ўтилган ҳолатлар келажакда бозор муносабатларининг ажралмас таркиби ҳисобланган ягона хусусиятларга эга бўлган замонавий бозорнинг ташкил этилишини таъминлай олмайди. Бозор муносабатларининг мавжуд унсурларига таянган ҳолда инновациялар бозорининг буткул тизимини ташкил этиш, жаҳон тажрибаси ва ўзимизда орттирилган тажрибадан фойдаланган ҳолда унинг етишмаётган қисмларини ва бутун тузилмаларни ташкил этиш ва ўзлаштириш зарур.

Оддий бозор товаридан фарқли равишда, илмий-техника маҳсулоти жорий этиш соҳасининг ҳам мавжуд бўлишини талаб қилади. Бунда жорий этиш функциялари нафақат воситачилик фаолияти, балки илмий ишнинг давоми, илмий ишланмаларнинг муайян шароитларга мослашуви ҳисобланади. Жорий этувчи тузилмалар ҳам ўз штатида илмий ташкилотлардаги каби малакали ходимларга эга бўлиши лозим, бунда ходим ҳам илмий, ҳам амалий фаолият усулларини билиши ва қўллай олиши зарур.

**Р.САТТОРОВ,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, к.и.х.

## Қишлоқ хўжалиги ривожланиши жараёнидаги муаммолар

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида тармоқ ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришларига эришилди, соҳанинг диверсификациялаш, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, шунингдек,бозор тамойилларига мос механизмлари яратилди.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қарор топган қулай тенденцияларга қарамай, фикримизча, соҳа тараққиётига ҳамда ўсишига тўсқинлик қилувчи айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда:

– ғалла (38,7%) ва ғўза (36,0%)га ажратилган майдонлар умумий экин майдонларининг 74,7 фоизини ташкил қилса-да, юқори ҳосилдорликка эришиш учун зарур илмий-асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаган;

– қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, техника ва ҳ.к) нархларининг ўсиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи ошиб кетмоқда;

– ер-сув ресурсларининг сифати, агроиқлимий шароитлар ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олиб, экин майдонлари тузилмасини янада такомиллаштириш зарур;

– айрим суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда;

– ем-хашак экинлари учун умумий майдонлар улуши пастлиги туфайли чорвачиликни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг камлиги ва етишмаслиги кузатилмоқда (8,6%). Оқибатда, чорвачилик маҳсулотини етиштириш ҳажмлари (тармоқнинг ўсиш суръатлари барқарорлигига қарамай) оқилона истеъмол меъёрларига мувофиқ аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас;

– қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмларининг ялпи умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 фоиз атрофида бўлиб, бу ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Шунинг учун ҳам келажакда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни йил давомида сақлаш борасида катта амалий тажрибага эга. Шунга қарамай, кейинги йилларда уларни сақлашда қатор муаммолар вужудга келди. Бу ҳам бўлса, аксарият жиҳатдан, совутиш мосламалари ва омборхоналар етишмаслиги билан боғлиқдир. Бу муаммолар ҳал этилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, барча вилоятларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун, янги совутиш камераларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш вазифалари белгиланди. Шу мақсадда келажакда 120 минг тонна маҳсулот сақлайдиган совуткичлар тизими ташкил этилади, бу эса, қиш-баҳор мавсумларида аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг техника паркини янгилаш, кенгайтириш, унумли ва ресурсларни тежовчи замонавий техникалар билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ 1758-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарорларда 2016 йилга бориб асосий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг 22 тури бўйича янги техникалар улушини 60 дан то 100 фоизгача етказиш вазифаси қўйилган. Ушбу тадбирлар амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигида техника таъминоти сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1937 сонли қарори келажакда узумчиликда амалга оширилиши зарур бўладиган кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олган бўлиб, уни мақсадли дастур сифатида қабул қилиш мумкин. 2013-2015 йилларда жумладан:

– республика ва вилоятлар даражасида узумчилик маҳсулотларини етиштириш ассортиментини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш кўрсаткичлари;

– мавжуд токзорларни кенгайтириш ва янги боғлар ташкил этиш;

– фермер ва бошқа узум етиштирувчиларни узум кўчатлари билан етарли миқдорда таъминлаш;

– узум етиштирувчи хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш объектлари тармоғини кенгайтириш;

– сув камчил бўлган ерларда бошоқли дон экинларини қисқартириш ҳисобига янги токзорлар барпо этиш;

– "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниясининг ривожлантириш ва тараққий эттириш жамғармасининг 80 фоизга яқинини, шунингдек, ушбу холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар соф даромадининг 0,5 фоизга яқинини жалб қилиш асосида янги интенсив боғлар ташкил этиш;

– узумнинг истиқболли ва юқори ҳосилли навлари импорт қилинишини 2016 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилиш (божхона йиғимларидан ташқари);

– тижорат банкларида узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига экиш материаллари ва бошқа махсус техникаларни сотиб олишлари учун махсус кредит линияларини очиш;

– жойларда мавжуд узумзорларни таъмирлаш ва янгиларини яратишни "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси томонидан илмий асосланган хулосаларга мувофиқ амалга ошириш ва ҳ.к.лар.

Шунингдек, узумчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган техника таъминотига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги қабул қилинган "2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1758-сонли қарори муҳим омил бўлмоқда. Қарорда узумчилик ва боғдорчилик учун 2013-2014 йилларда 9 турда 2100 тадан ортиқ янги техникалар ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Узумчиликни ривожлантириш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиши, пировардида 22,6 минг гектарга яқин ерда янги токзорлар яратиш, мавжуд 15,7 минг гектар ерда токзорларни таъмирлаш, хизмат кўрсатувчи 217 та ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш ва виночилик ва узумни қайта ишлашга ихтисослашган 32 та корхонани модернизация қилиш ва янгиларини барпо этиш имконини беради. Бу миқдор кўрсаткичлар ўсишига эришиш баробарида бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта масалани ҳал этиш – аҳолининг узум маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қўшимча даромадлари манбаини вужудга келтириш ва янги иш ўринлари очишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигидаги энг асосий муаммо – ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланиши масаласидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелда имзоланган "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1958-сонли қарорига мувофиқ, мелиорация ва ирригация объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш (25000 гектар майдонда) бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар бажарилиши келажакда қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлашда асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлади.

Республикамизнинг умумжаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич, дадил кириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикасини оқилона белгилангани билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамлакат келажагини белгилаш ва унинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Пировардида, "... қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ўзгаришларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш негизида маҳсулот етиштириш ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлашнинг асосий шакли бўлган фермерлик институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлади. Бу эса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилиш, қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспортини ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш; бозор инфратузилмаси шахобчалари фаолиятини ривожлантириш; янги иш ўринлари очиш ва қишлоқда аҳоли бандлиги ҳолатининг яхшиланишига замин яратади.

**Ж.Ч.МУРОДОВ,**
Тошкент давлат ислом университети, мустақил тадқиқотчи

## Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини статистик ўрганишни такомиллаштириш

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитидаги тез суръатлар билан ўсаётган аҳоли, биринчи навбатда қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Ваҳоланки, ижтимоий тараққиётнинг муҳим йўналиши – аҳоли бандлиги даражасини ошириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам, мунтазам равишда янги иш ўринларини ташкил қилиш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш нафақат яқин истиқболда, балки келажакда ҳам мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолади.

Ушбу жараёнлар статистик баҳолашни, хусусан, иш билан бандлик даражасини баҳолашдаги методологик ёндашувларни ягона асосга келтириш, статистик ўрганиш услубиятини такомиллаштириш, маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этишдаги камчиликлар ҳамда номутаносибликларни бартараф этиш ва шу аасосда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Меҳнат ресурслари таркибида қишлоқ аҳолисининг улушида камайиш тенденцияси содир бўлаётганлиги асосан урбанизация жараёнлари билан боғлиқ. Шунингдек, фаол ва нофаол аҳоли таркибидаги ўзгаришда кескин тафовутлар кузатилмасида нофаол аҳоли улуши фаол аҳоли улушига нисбатан кўпроқ қисқариши қишлоқда бандликни таъминлаш ва уни рағбатлантирувчи тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, мамлакат аграр сиёсати қишлоқ хўжалигида банд аҳоли сонини камайтиришга қаратилган. Ҳозирги кунда, соҳага ишга яроқли аҳолининг 25 фоизи банд, келажакда бу кўрсаткич кескин камайтирилиши керак. Бунга биринчи навбатда, фермерлар ер майдонларининг йириклашиши ва майда фермерларни биргалашиб маҳсулот ишлаб чиқарувчи кооперативларга бирлашиши орқали эришиш мумкин. Қишлоқ жойларда тараққиёт барқарорлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат ва қишлоқдаги бандликни рағбатлантиришда сервис хизмати кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга асосий эътибор қаратиш зарур.

Бу йўналишда «Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш концепцияси»ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу концепцияда иккита асосий масала – биринчидан, йўналтирилган меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш ва иккинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарида ортиқча бўлган меҳнат ресурсларини босқичма-босқич ишдан бўшатиш ва бошқа соҳаларга йўналтиришга оид амалий ечимлар ўз аксини топмоғи лозим.

Бунинг учун эса, фикримизча, меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи маҳаллий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ходимлар малакасини, рақобатбардошлигини ошириш орқали чет элга ишга боришини ташкил этиш ва уларда янги иқтисодий, маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш, ишчи кучи таклифи ҳудудий тақсимланишининг минтақавий иқтисодиёт самарадорлигини оширишдаги ўрнини рағбатлантириш ҳамда, қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг меъёр даражасини аниқлаш, меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалик корхоналаридан босқичма-босқич бўшатиш моделини тузиш ва амалга ошириш керак. Бу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини статистик тадқиқот объекти сифатида, шунингдек, қишлоқда бандликни ҳисобга олиш ва бандлик даражасини аниқлашнинг статистик усуллари ҳамда бу борадаги статистик прогнозлаш масалаларини батафсил ўрганилмаганлиги ва мониторингини кенг йўлга қўйилмаган. Шу сабабли, қишлоқ меҳнат бозорини мунтазам равишда статистик ўрганишни кенг йўлга қўйиш талаб этилади. Ушбу жараёнлар, бевосита, статистик баҳолашни, хусусан, бандлик даражасини баҳолашдаги методологик ёндашувларни ягона асосга келтиришни, статистик ўрганиш услубиятини такомиллаштиришни, маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этишдаги камчиликлар ҳамда номутаносибликларни бартараф этиш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун эса, авваламбор, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида қишлоқ аҳолиси бандлик даражасини оширишни статистик ўрганиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва, ривожланган мамлакатлар МДҲ мамлакатларида қўлланиладиган илғор тажрибалардан фойдаланишнинг мақбул жиҳатлари ўрганилмоғи лозим.

Қишлоқда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигини таъминлаш тенденцияси, бу борадаги муаммо ва номутоносибликлар ҳамда қишлоқ меҳнат бозор шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий-статистик таъминоти ва ахборотлар тизимини ўрганиш бўйича статистик усулларидаги камчиликларни аниқлашда сўровномалар ўтказишни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Бу жараёнда шунингдек, ҳудудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳамда касаначиликни ривожлантириш, инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш орқали ишчи кучидан самарали фойдаланиш ва бандликни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш ва ўрганишнинг мониторинг тизими ҳамда қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик даражасини статистик усуллар ёрдамида прогнозлашни такомиллаштириш услубияти ишлаб чиқилиши муҳим омил ҳисобланади.

Бундан ташқари, қишлоқ меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик ҳолатларини доимий таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш билан шуғулланувчи республика ва ҳудудий бошқарув идоралар методик кўрсатмалар ва ахборотлар билан таъминлаш бўйича масъул ташкилотларнинг статистика ахборотларидан тўғри ва унумли фойдаланишлари ҳамда давлат статистика қўмитаси маҳаллий ташкилотлари билан ўзаро мустаҳкам алоқаларини ривожлантириш зарур. Хусусан, манфаатдор идоралар ҳудудий меҳнат бозоридаги вазифаларни доимий таҳлил қилиш (мониторингги) ва истиқболини белгилашнинг махсус

усулларини ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишлари лозим. Улар асосида Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва унинг ҳудудий идоралари билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини тартибга солиш ва меҳнат бозоридаги кескин вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммоларини ҳал қилишлари мумкин. Аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш мазкур ташкилотларнинг ишини такомиллаштирилишни талаб этади. Ҳозир нодавлат корхоналар ва ташкилотларда ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйича ишончли ахборотлар камлиги сезилмоқда. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли хил шаклларининг ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлиги, иш жойларининг ҳаракати, ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорининг ҳолати, қишлоқ жойларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби масалалар бўйича ҳам статистика тизимини такомиллаштириш лозим. Улар қишлоқ меҳнат бозоридаги ишчи кучи талаби ва унинг таклифи ўртасидаги нисбатни тўғри аниқлаш имконини беради.

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойлари кам яратилиши, меҳнат унумдорлиги пасайиши, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши ҳамда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда ишчи кучига талабни ошириш ва уни таклифини камайтириш бўйича давлат томонидан қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришини, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш орқали қишлоқ аҳолисини, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим: қишлоқ жойларида меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш; чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалиги; сут ва гўштни қайта ишлаш соҳаси; мебель, пойабзал ва тикув цехлари; озиқ-овқат ва қандолатчилик цехлари; маҳаллий хом ашёдан фойдаланилган қурилиш материаллари цехлари; доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш (кичик технология, маҳсулотларни сотиш бўйича); касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини ташкил қилиш; ҳар бир қишлоқ туманида кам таъминланган оилаларни қорамол билан таъминлаш эвазига янги иш ўринлари яратиш жараёнларини давом эттириш.

Фикримизча, юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш яқин келажакда ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш, пировардида эса қишлоқ меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни кескин камайтириш ҳисобига қишлоқ аҳолиси фаравонлиги янада ошишига кенг имкониятлар яратади.

**Б.С.ДЖАЛИЛОВ,**
СамҚХИ, и.ф.н., доцент

## Тамакичиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда бевосита қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги туфайли мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, бунинг учун эса, турли турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тақоза этади.

Тармоқнинг ўзига хос соҳаларидан бири ҳисобланган тамакичиликда ҳам ресурслардан фойдаланишда қатор камчиликлар, муаммолар ва номутаносибликлар мавжудлиги ушбу соҳада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш зарурияти юзага чиқармоқда. Тамаки етиштириш бир-бирини

тўлдирувчи тўртта жараён: кўчат етиштириш даври; ер тайёрлаш ва кўчат ўтқазиш даври; вегетация даври; ҳосилни йиғиш ва унга дастлабки ишлов бериш давридан иборат бўлиб, унда қўл меҳнатидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида етиштирилган тамаки майдони, ялпи ҳосили, ҳосилдорлиги ўзгариши тенденцияси таҳлилларига кўра, ушбу ўсимлик республикада 7,7 минг гектарга яқин майдонда, жумладан, асосан Самарқанд вилояти (Ургут тумани)да 7,6 минг гектарга яқин майдонда етиштирилади (98,7%). Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Андижон, Хоразм ва Фарғона вилоятларида эса, республикамизда мавжуд тамаки майдонларининг 1,3 фоизи жойлашган.

Жами етиштирилган 93,9 тонна тамакининг 92,7 тоннаси (98,7%) Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади. Ўртача ҳосилдорлик 12,2 ц/гани ташкил этмоқда. Таҳлиллар натижаларига кўра бугунги кунда асосан тамакичиликка ихтисослашган Ургут тумани фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини муттасил яхшилаш тармоқни янада кенгайтириш ва модернизациялаш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, соҳага инвесторлар, жумладан тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш имкониятлари мавжуд.

Шунингдек, тамакичилик ва у билан боғлиқ соҳалараро меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, тамакичиликда фермер ва деҳқон хўжаликлари талабидан келиб чиқиб, мазкур тармоқ учун қўшимча имкониятларни вужудга келтирадиган, замон талабларига мос малакали кадрларни тайёрлаш ва фаолият кўрсатаётганларининг кўникма ва билимларини мунтазам равишда ошириб боришга асосий эътибор қаратилиши керак.

Келажакда тамакичиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

– тамакичилик хўжаликларида самарадорликнинг муҳим омили сифатида тамаки ҳосилдорлигини ошириш;

– тамакичиликда қўл меҳнати талаб қиладиган агротадбирларни қисқартириш ва механизациялаш даражасини ошириш;

– замонавий фан, техника ва технология ютуқларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва унга тегишли ҳажмда инвестициялар жалб қилиш;

– ишчи ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириш;

– етиштирилган тамаки маҳсулоти сотиш баҳосининг ўзгариши билан уни тайёр маҳсулотга айлантирилгандан кейинги сотиш баҳоси ўртасидаги мутаносибликни ўрганиш ва унинг сабабларини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари учун тамаки маҳсулотини хом ашё сифатида сотиш етарли даражада даромад келтирмаслиги ва бунинг учун албатта уларни тайёр маҳсулотга айлантирган ҳолда сотиш ҳажмларини кенгайтириш;

– тамаки ҳосилдорлиги ва маҳсулотлар сифати, тамакичиликка ихтисослашган хўжалик юритиш субъктларининг ишлаб чиқариш-иқтисодий самарадорлигини кўп жиҳатдан соғлом, сифатли ва юқори ҳосилдорлик даражасини таъминлаш имконини берадиган кўчатлар етиштириш;

– ишчиларнинг моддий ва маънавий шароитларини тубдан яхшилаш.

**Ч.МУРОДОВ,**
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, б.и.х.,
**Ш.Т.ҲАСАНОВ**
СамҚХИ, и.ф.н., доцент

## Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея Республикаси тажрибасидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритиш субъектлари ҳамда тармоқда улар ўртасидаги ҳуқуқий,ташкилий ва иқтисодий муносабатлар мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақоза этишидан келиб чиққан ҳолда агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналишни амалга ошириш бугунги кунда аграр сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратувчи соҳалар билан ўзаро алоқалари кенг йўлга қўйилмаганлиги рақобатбардош, чуқур қайта ишланган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш каби бошқа соҳалар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда миллий анъаналарни замонавийлаштирган ҳолда давом эттириш, ҳудудларнинг табиий жойлашуви бўйича ўзига хос рақобатбардош ва ички ҳамда ташқи бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашуви( пахта хом ашёси, Қува анори, Олтиариқ труфи, Бахмал ва Жомбой олмаси, Фарғона водийсида етиштириладиган мева-сабзавотлар ва ҳ.к., турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мулкдорларнинг мавжудлиги (фермер ва деҳқон хўжаликлари), қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг маҳсулотларини қайта ишловчи, сотувчи ва турли йўналишда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро интеграцион жараёнлар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи юқори инновацион даражага эга бўлган корхоналарнинг мавжудлиги, тармоқ билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик ва рақобатга тайёрлиги, қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг бозор тамойилларига мос ҳуқуқий-меъёрий асослари шаклланганлиги хизмат кўрсатувчи кенг қамровли инфратузилма ва юқори малакали мутахассислар мавжудлиги ушбу номутаносибликларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Агрокластер қишлоқ хўжалигидаги давлат – илмий-тадқиқот – қайта ишлаш – бизнес каби субъектларнинг бозор тамойилларига мос ўзаро муносабатларини мужассамлаштирган субъектлар ҳисобланади.

Агрокластерлар ўз фаолиятида учта хусусиятга асосланишлари мумкин:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш;

– тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

– турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланганлиги кабилар.

Агрокластернинг маркази стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома асосида ўз атрофига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари), илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш, реклама қилувчи маркетинг хизматини ўз атрофида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин.

Агрокластерни маҳаллий давлат ҳокимият ташкилотлари (туман ҳокимлиги) – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари (туман фермерлар кенгаши ва деҳқонлар) – қайта

ишловчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этиш мумкин.

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан унинг иштирокчиларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш – илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда биргаликда қўллаш орқали бир-бирларига ишончлари юқорилиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этишда Жанубий Кореядаги машҳур Сунчанг Паста ишлаб чиқариш кластери (Sunchang Paste Cluster)нинг тажрибаси муҳим омил бўлиши мумкин. Маълумки, агрокластерлар давлат, фермерлар, олий таълим ва тадқиқот муассалари ҳамда хусусий корхоналари ташаббуси асосида ташкил этилади. Сунчангдаги ушбу маҳаллий ҳокимият томонидан бошқариладаган кластер соя, қалампир, қулпнай, олхўри кабилардан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корея ҳукуматининг қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилаш(қишлоқ аҳолиси, асосан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишни камайтириш), тарихий анъаналар асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилган.

Агрокластерда ишлаб чиқариш 5292та фермер хўжалигида 12331 та киши томонидан 9780 гектар экин майдонида амалга оширилмоқда.

Чунгдо хурмо кластерида (Chungdo Persimmon Cluster) (2009 йилда фермерлар ташаббуси билан ташкил этилган). Маълумот ўрнида айтиш керакки, Корея дунёда етиштирилаётган 12 хил хурмони ишлаб чиқаради. Кластер ҳудудда Кореядаги уруғсиз хурмонинг 65% етиштирилади. Фермерлар томонидан биргаликда бошқариладиган ушбу кластер хурмодан йил давомида янги узилган, ярим қуритилган, қуритилган, ферментация қилинган, хурмо ёғи, хурмо виноси, ранг ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган. Хурмо ҳаракати хурмо етиштиришни – қайта ишлаш – нархини сақлаш – маркетинг ва рекламани ривожлантиришга қаратилган. Ушбу кластер фаолияти орқали агрокластерда “бизнес – университет – илмий тадқиқот – давлат”нинг биргаликдаги ҳаракати ва бунда илмий тадқиқотларга асосий эътибор берилганлигига яна бир бор амин бўлдик. Фермерларнинг ушбу кластерга қўшилиши натижасида оладиган даромадлари кескин ошганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ушбу кластернинг: маҳсулотнинг оддий усулда турли кўринишда ишлаб чиқариш ва бунда илмий тадқиқотларга асосий урғу берилганлиги; инновацион маҳсулотлар (м:соғлик учун фойдали сироп ва бошқалар) ишлаб чиқариш; юқори нархлар орқали фермерларни кластерга жалб этиш, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш; кадрлар тайёрлаш тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, республикада олма етиштиришдаги қулай шароит ҳам ушбу йўналишда агрокластерларни ташкил этиш мумкинлигидан далолат беради. Масалан, Жанубий Кореядаги Мункиеонг Олмани қайта ишлаш кластери (Munkyeong Apple Processing Promotion Group)ни олиб кўрайлик, бизнес корхоналари ҳаракати асосида тузилган ушбу кластер истеъмолчиларга олма билан боғлиқ 100 дан зиёд маҳсулот ва хизматлари таклиф этишади. Аввал ушбу кластер ҳудудда кўмир қазиб олинган, 1994 йилда кўмир қазиб олиш тугатилгач, аҳоли шаҳарга кетишининг олдини олиш учун олма кластерини ва туризмни ташкил этиш учун давлат томонидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Ушбу олма кластери 2004 йилдан 4 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда олган бўлса, 2012 йилга келиб, маҳсулотлар миқдорининг турли-туманлиги, қўшимча хизматлар, агротуризм ва меҳмонхона хизматини таклиф этиш орқали 90 млн АҚШ доллари миқдорида фойда олишга эришган.

Кореяда агрокластерларни ривожлантириш зарурияти асосан қуйидаги омиллар билан белгиланганлигини таъкидлаган ҳолда айтиш керакки, уларни Ўзбекистон шароитида ҳам асосий омиллар тарзида инобатга олиш мумкин. Жумладан:

– қишлоқ хўжалигига давлатнинг амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши ҳамда ислоҳотларни амалга оширишдаги етакчилиги;

– тарихий ва миллий анъаналардан фойдаланиб, уларни сақлаб қолиш, замонавийлааштириш асосида янги йўналишларни шакллантириш;

– ҳудудий ихтисослашув ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва ривожланиши барқарорлигини таъминлаш;

– давлат – университетлар – илмий тадқиқот – фермер – қайта ишлаш – бизнеснинг биргаликда фаолият юритиши ўзаро мутаносиблигини таъминлаш механизми;

– олимлар мавқеи ва илмий-тадқиқотлар натижалари ҳамда уларни қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати даражасидаги мавқеи юқорилиги;

– юқори инновацияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга устуворлик берилиши ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмини шаклланганлиги;

– маркетинг тизими ривожланганлиги;

– инсон капиталига муносабатнинг юқорилиги ва уни қишлоқда ривожлантиришга устуворлик берилиши.

Ушбу омиллардан Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Шунингдек, аниқ йўналишлар бўйича қуйидаги тажрибалардан фойдаланиш мумкин:

– Жанубий Корея Миллий Қишлоқ хўжалиги Кооперативлари Федерация (NongHyup)нинг кўп тармоқли – ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сервис соҳаларини ўзида бирлаштириши. Мамлакатда йилнинг барча фаслларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари бир хилда ушлаб туриш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига имтиёзли кредитлар бериш, озиқ-овқат марказларини ташкил этиш,мунтазам равишда кооператив аъзоларининг бизнесни амалга ошириш жараёнидаги манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тренинглар ўтказилади, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари тавсия этилади, фермерларнинг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширишга қаратилган бизнес фаолияти ва турли таклифларини қўллаб-қувватланади, ҳар хил молиявий ва бошқа хизматлар кўрсатилади, бозор тамойилларига мос каби йўналлишлар механизми Ўзбекистон шароитига мувофиқ келадиган жиҳатларидан Республика фермерлар кенгаши томонидан фойдаланилади, улар шунингдек, Республика ва ҳудудлар даражасида деҳқонларнинг нодавлат ташкилотини шакллантиришда фойдаланиш мумкин;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, уларни қайта ишловчилар ва ушбу соҳадаги агробизнес субъектлари ўртасида мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги маркетинги ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари,қишлоқ жойларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, бошқариш ва маркетинги бўйича тренингларни амалга ошириш;

– Федерация фермер хўжаликларини инновацион технологияларни қўллаш борасида қўллаб-қувватлаш, бу борада уларга амалий ёрдами кўрсатиш, молиявий, ташкилий агрокластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳамда қўллаб-қувватлашда давлат билан ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритмоқда. Республикамизда бу жараёнларни қўллаш, бунинг учун эса, Республика фермерлар кенгаши фаолиятини, Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиши талаб этилади;

– Федерация кўмагида ташкил этилган маҳаллий Корея қишлоқ хўжалиги мақсулотларини сотиш билан шуғулланадиган Ханора Тақсимот Маркази (Hanora distribution center)нинг экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳудудларида тайёрлов

омборлари ташкил этиш, фермерларни озиқ-овқат талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўргатиш, мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фермерлардан аввалдан тузилган шартнома асосида сотиб олиб, уларни сифати, кўриниши, ҳажми бўйича ажратиб, турли оғирликларда қадоқлаб, марказнинг ўзида чакана савдога чиқариб сотиш ҳамда савдо тармоқлари йирик ёки супермаркетларга уларнинг талабларига кўра улгуржи ҳолатда етказиб бериш, ёш авлодга миллий маҳсулотларга нисбатан қизиқишини оширишда тренинг дарсларини уюштириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурлари тажрибаларини қўллаш;

– Ансеонг Қишлоқ хўжалиги логистика маркази (Anseong Agricultural Product Logistic Center)нинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фермер-марказ-дўкон занжирида сотиб олиш ва сотиш, истеъмолчилар учун қулай ҳолатда маҳсулотга айлантириш: ювиш, ярим тайёр маҳсулотларга айлантириш, маҳсулотларни сотиб олиш ва сотишдаги устама харажатларини паст даражада белгилаши каби тажрибаларини қўллаш учун Ўзбекистонда бу каби логистика марказларини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги босқичларида, асосан автомобилга ва темир йўлларга яқин жойда қуриш мумкин;

– Сунчанг Паста ишлаб чиқариш кластери (Sunchang Paste Cluster) маҳаллий ҳокимият томонидан бошқариладаган кластернинг соя, қалампир, қулупнай, олхўри кабилардан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги тажрибасига мувофиқ қишлоқ ҳудудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асосан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишни камайтириш), тарихий анъаналар асосида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноат ва агротуризмни олиб кириш каби ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонда ушбу кластернинг тажрибасидан қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларни қўллаб-қувватлаш; тарихий анъаналар асосида соя, қалампир каби маҳсулотларни ферментация қилишда оилавий корхоналарни ва уйларни аслича сақлаб қолиш ва туризм объектига айлантириш; агротуризм(шаҳар аҳолиси ва болалар учун ўз қўллари билан мева-сабзавотларни узиш ёки уларни қайта ишлаб ва тайёрлашда иштирок этиш), қишлоқда меҳмонхона бизнесини йўлга қўйишда, фестивал ва турли тадбирлар ўтказишда ҳамда фермерлар учун ахборот-маслаҳат ҳамда қишлоқ хўжалиги агрегатларидан ўрталикда фойдаланиш фолиятини ташкил этишда фойдаланиш мумкин;

– Сунчанг қишлоқ хўжалиги технологияси марказининг фермерларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот ишларида ёрдам бериш, деҳқонларни техника билан таъминлаш, бепул ижарага бериш, фермерларни бошқариш, агро ва қайта ишлаш технологияларидан фойдаланишга бепул ўргатиш билан шуғулланади.марказий давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан молиялаштириш, турли ўқитиш семенар-тренинг лойиҳаларни амалга ошириш, ушбу марказнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотни қайта ишлаш ва техникавий ёрдам кўрсатиш каби деҳқон учун имкониятлари чекланган шароитда давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид тажрибаларини Ўзбекистонда нафақат фермер, балки деҳқон хўжаликларида қўллаш мумкин. Агрокластерларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳудудлар ихтисослашуви ва етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигига асосий эътиборни қаратиш каби омиллардан фойдаланиш;

– Гиёнгсангбукдо қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари марказининг Сангжудаги хурмо тажриба станцияси (Gyeongsangbuk-Do AR& ES, Sangju Persimmon Experiment Station)да хурмо устидаги тадқиқотлар уни етиштириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларини тадқиқ этиш, янги хурмо навларини яратиш,янги технология ва усулларни ишлаб чиқиш, янги қайта ишлаш технологияларини жорий этиш каби илмий ишланмаларни тез жорий этиш, соҳадаги мутахасислар алмашиш каби тажрибалардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маълум турини етиштиришга ихтисослашган, масалан, Қува анори, Жомбой олмаси ва Булунғур помидори, Паркент узуми етиштиришга иқтисослашган агрокластерлар ташкил этишда фойдаланиш;

– Мункиеонг Олмани қайта ишлаш кластери (Munkyeong Apple Processing Promotion Group)нинг маҳсулотлар ассортиментини оширишда маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш, фермерлар учун олмани қайта ишлаш тренинг дарсларини ташкил қилиш, агротуризм ва меҳмонхона хизматини таклиф этиш, махсулотлари бренди (масалан, Самарқанд ёки Бахмал олмаси, Қува анори, Олтиариқ узуми) кабилар бўйича тажрибалардан фойдаланиш;

– Кангвон Миллий университетининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий–тадқиқот ишларини амалиёт билан бевосита боғланган ҳолда ташкил этиш ва уларни жорий этиш жараёнларидан Ўзбекистонда олий ўқув юртлари билан бевосита ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатишда фойдаланиш мумкин.

Тегишли жараёнлар Ўзбекистон шароитида ҳам Жанубий Коря Республикасидаги каби давлатнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида ташкил этилгани мақбул.

– Шунинг учун ҳам агрокластерларни барпо этишда тузилма, авваламбор ушбу жараённинг қишлоқ хўжалигида янги институционал тузилма эканлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари давлат томонидан шакллантирилиши лозим. Ушбу йўналишда биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Агрокластерларни ташкил этиш тўғрисида” қарори қабул қилиниши зарур. Бу қарорда агрокластерларни ташкил этиш зарурияти, уларнинг йўналишлари, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари, мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритиш, агрокластерлар учун қўшимча инфратузилма объектлари, шу жумладан, агрокластернинг муҳим қўшимча фаолият турларидан ҳисобланган агротуризм, меҳмонхоналар ташкил этиш, агрокластерлар фаолиятини ўрганиш бўйича мониторинг олиб бориш, тажриба тарзида уларни Самарқанд вилоятининг Булунғур (помидор) ва Жомбой (олма) туманларида ташкил этиш, республика бўйича агрокластерлар ташкил этиш ишчи гуруҳини тузиш ва уларнинг вазифалари ҳамда ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-молиявий тадбирлар ўз аксини топиши керак.

**А.У.МАМАДИЕВ,**
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, тадқиқотчи

## Чорвачилик тармоғини модернизация қилиш омиллари

Мамлакат аграр тармоғида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий эътибор унииг барча соҳалари барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва институционал асослар яратишга қаратилмоқда. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши ва эркин бозор нархлари жорий этилиши, чорвачилик фермалари хусусийлаштирилиши соҳада мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири бўлмиш чорвачиликни жадал ривожлантиришда мазкур соҳага ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги зооветеринария ва зоотехник хизматлари кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш масалалари билан бир қаторда кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ, 2006-2010 йилларда шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ва чорва молларини суньий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта емни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари бемалол олиши имкониятларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳомийлар ва нодавлат хайрия ташкилотлари маблағи ҳисобига кам таъминланган оилаларга сигир тарқатиш самарасида фақат 2007 йилнинг ўзидаёқ, барча турдаги хўжаликларда қорамоллар бош сони 6571,4 минг бошдан 7042,5 мингга, шу жумладан, деҳқон хўжаликларида 6061,3 минг бошдан 6537,0 минг бошга ҳамда фермер хўжаликларида 332,3 минг бошдан 374,7 минг бошга кўпайди.

Ушбу жараёнлар изчил давом эттирилиб, Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорига асосланиб, тўйимли озуқа етказиб бериш ва сотишга ихтисослашган 13 та ҳудудий ва 170 та туман бирлашмалари ҳамда 1448 та ҳудудий шахобчалар ташкил қилинди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига тўйимли озуқаларни узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида 1960 дан ортиқ ем сотиш шахобчалари ташкил қилиниб, улар орқали 2008-2010 йиллар давомида 93 минг тоннадан ортиқ омухта ем, 924,5 минг тоннадан ортиқ шрот ва 686,5 минг тоннадан зиёд шелуха етказиб берилди.

“Чорвачиликни ривожлантириш” дастурининг ижроси доирасида 2008 йил кимошди савдоларида 20300 бош, 2009 йилда эса 24600 бош қорамол сотилди. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун аҳолига 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 миллиард сўмни ташкил этган. Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан 2008 йилга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди..

2009 йилга келиб барча турдаги хўжаликларида йирик шохли қорамоллар бош сони 8893,4 мингни ташкил этиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 фоизга; шундан сигирлар 3685,0 минг бош (5,6%), қўй ва эчкилар 15277,0 минг бош (6,3%) ва паррандалар 35314,0 минг бош ёки 18,2 фоизга кўпайди.

2010 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида 2835 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 4,0 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 2355 бош қорамол бепул етказиб берилди.

Пировардида 2005 - 2012 йилларда барча турдаги хўжаликларда йирик қорамоллар 10141,3 минг бошни ташкил қилди (2005 йилдаги нисбатан 1,5 баробар кўпайган), шу жумладан, сигирлар сони 3935,0 минг бошга етди (ўсиш 1,4 баробарни ташкил қилди), қўй ва эчкилар ҳам 17128,8 минг бошни ташкил этиб, 1,5 баробар ошганлиги ушбу соҳада эришилган муҳим ижобий натижа бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишнинг асосий омилига айланди. Бундай ижобий натижалар замирида чорва бош сонининг асосий қисми жамланган деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг жадал ривожланиши ҳамда уларни мунтазам

равишда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг самарали тизими яратилганлиги мужассам. Бунинг натижаси ўларoқ, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига йирик шохли қорамолларнинг 94,5%, қўй ва эчкиларнинг 82,7 % тўғри келди, фермер хўжаликларида ушбу кўрсаткич мос равишда 5,2% ва 7,4% ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан Республика "Ўзнаслчилик" корхонаси негизида наслли буқа уруғини қадоқлайдиган линия ўрнатилиб, музлатилган наслли буқа уруғини тўлиқ мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги наслли буқалар уруғини қадоқлаш линияси Мараказий Осиёда ягона ҳисобланади.

2007 йилда республикамизда бир доза ҳам наслли буқа уруғи ишлаб чиқарилмаган бўлса, 2010 йилда 1 миллион 437 минг доза наслли буқа уруғини қадоқлаш амалга оширилди. (2007 йилда 64210 доза наслли буқа уруғи четдан олиб келинган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич атиги 26500 дозани ташкил этди). Сўнгги 5 йилда республикамизга четдан жами 18 минг 191 бош зотли қорамол олиб келинган бўлиб, улардан 21 минг 496 бош насл олинди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хориждан зотдор моллар олиб келишдан ташқари асосий эътибор наслчилик ишларини яхшилаш, мамлакатимиз иқлим шароитларига мос қорамол зотларини ўзимизда кўпайтиришга қаратилиши лозим. Республикамиз шароитида олинган наслли авлодлар маҳаллий шароитларга чидамли ва нисбатан маҳсулдор бўлади.

Чорвачиликда чорва моллари сонини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам асосий эътибор қаратилаётир. Натижада, таҳлил этилаётган даврда чорвачиликнинг барча асосий маҳсулотлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига эришилди. Хусусан, гўшт (тирик вазнда) етиштириш 1061,2 минг тоннадан 1672,9 минг тоннага (157,6%), сут – 4554,9 минг тоннадан 7310,9 минг тоннага (160,5%), тухум 1966,7 миллион донадан 3873,7 миллион донага ( 197,0%), шунингдек, жун – 154,7%га, қоракўл тери – 162,2фоизга, пилла – 154,3 фоизга, асал – 2,3 ва балиқ – 12,6 баробар ортди.

Бундай ижобий кўрсаткичлар, авваламбор, азалдан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчи ўринга эга бўлган деҳқон хўжаликларида (2012 йилда гўштнинг 94,7%, сутнинг 95,9%, тухумнинг 54,6 %, жуннинг 86,1%, қоракўл териларининг-66,8% улар томонидан етиштирилган чиқарилган) ҳамда фермер хўжаликларида (пилланинг-97,2% ва тухумнинг 12,0%) ва ширкат хўжаликларида (тухумнинг 33,4%, қоракўл териларнинг 29,1% ва жуннинг 7,1%) тайёрлангани барқарор ўсиш суръатларига эришилганлиги натижасидир. Демак, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл терилари етиштиришда деҳқон хўжаликларининг юқори натижалари асосий манба бўлган бўлса, пиллачиликда фермер хўжаликларининг эришган натижалари ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли қарори доирасида гўштни қайта ишлайдиган 39 та ва сутни қайта ишлайдиган 58 та ҳамда сутни қабул қилувчи 43 та сервис марказлари ташкил этилди.

Бироқ, чорвачилик соҳасининг маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсишига, пировардида эса, барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар – озуқа базаси учун ажратиб берилган экин майдонлари камайиб бориши натижасида ем-хашак етиштириш ҳажми ва сифатининг пастлиги, гўшт етиштиришга ихтисослашган зотдор чорва моллари сонининг камлиги, наслчилик ва зооветеренария хизматидаги камчиликлар, ушбу соҳага ажратилаётган инвестициялар миқдори камлиги ҳамда асосий хўжалик субъектлари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг кенг қамровли ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизми такомиллаштирилмаганлиги каби омиллар билан бир қаторда, соҳада хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятининг талаб даражасига мос келмаётганлиги, энг муҳими, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ бўлган номутоносиблик ҳамда муаммолар сақланиб қолаётганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, чорвачилик соҳасида агрозоотехнологик ва зооветеренария,

назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлган инсон омили, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни ўзида мужассамлаштирган салоҳият мавжуд.

Бу эса, бевосита,чорвачиликда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳада фермерликни янада ривожлантириш, шунингдек, зоотехнологик, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлган бир қатор жуда муҳим муаммолар ва номутоносибликларни, хусусан, чорвачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Бугунги кунда чорвачиликка ихтисослашган 6009 та фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга бириктирилган ер майдонлари ўртача 162,2 гектарни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг йириклашуви ва уларга бириктирилган ер майдонлари ҳажми кенгайиши соҳани барқарор ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг долзарб масалага айланаётганлиги шароитида чорвачилик соҳаси барқарор ривожлантириш учун авваламбор, барқарор ривожлантиришни мавжуд ва шаклланган ички ва ташқи омилларидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида чорвачилик соҳаси мамлакатимизда мавжуд салоҳиятига нисбатан суст ривожланаётганлиги ва фермер бозор конъюктурасига мослашувининг қийинчилик билан кечаётганлиги шароитида соҳани барқарор ривожлантиришга эришиш ва ушбу жараённинг мунтазамлигини таъминлаш зарурияти бевосита чорвачилик соҳаси ишлаб чиқаришининг агрозоотехнологик, ҳуқуқий,ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда илғор зоотехника ва усулларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Бунинг учун эса қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

– чорвачилик соҳаси барқарор ривожланишининг ички ва ташқи омилларидаги мавжуд камчилик ва номутоносибликларни аниқлаш ва уларнинг амалий ечимига оид аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш;

– чорвачилик соҳаси барқарор ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари тизими ва уни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

– чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиш омилларини қиёсий баҳолаш;

– чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини озуқа, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларни молиявий ресурслар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

– чорвачиликни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

– чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни амалга ошириш механизмларини аниқлаш;

– фермер хўжаликларининг хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида иқтисодий фаолияти кўрсаткичларидаги қиёсий мутаносиблик шарт-шароитлари бўйича тизимий таҳлилни ва мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун бошланғич маълумотларни тўплаш ва ҳисоблашни амалга ошириш уларни тартиблаш ҳамда натижаларини баҳолашни тизимли таҳлилда олиб бориш ва унинг натижалари бўйича ҳар бир фермер хўжалиги даражасида амалий тадбирлар ишлаб чиқишни кенг йўлга қўйиш;

– чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган чорва бош сони, пода таркибий тузилиши, тикланиши ва ҳаракатидаги ўзаро уйғунлиги ҳамда гўшт етиштириш миқдори кабилар бўйича самарадорликнинг ўзаро уйғунлигига эришиш учун хўжалик ички муносабатларини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириш омилларининг мавжуд ҳолатдаги муаммолар ва номутаносибликлари

атрофлича ўрганилди, уларни бартараф этиш бўйича чоралар, шунингдек, чорвачиликни барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши лозим.

Ушбу тадбирлар амалга оширилиши натижасида, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш барқарор ривожланиши, чорва моллари сони кенгайтирилган такрор тикланиши билан гўшт етиштириш ҳажмини ошириш, соҳада янги, замонавий технологияларни татбиқ этиш, мавжуд ер, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга эришиш учун муҳим асос яратилади.

**М.А. БЕКМИРЗАЕВ**
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, тадқиқотчи

## Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришда молиявий омиллардан фойдаланиш

Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида, барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши учун етарли даражада мустаҳкам ресурслар базаси, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳамда институционал асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш,... бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”[1].

Авваламбор, мамлакатимиз аграр тармоғининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида хусусий тадбиркорлик субъекти ҳисобланган фермер хўжаликлари устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигидаги асосий субъектларидан ҳисобланган фермер хўжаликлари барқарор ривожланиши учун қулай ишчанлик муҳит яратиш, кенг эркинлик бериш, кредит, ресурс таъминоти, давлат харидлари тизими ва ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоғи лозим. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш тизимининг амалдаги қишлоқ хўжалигини юритиш тизимига нисбатан устунликлари минерал ўғитлар ва кимёвий пестицидлар максимал даражада биологик кураш усулларига алмаштирилиши, интенсив деҳқончилик йўналишларидан максимал даражада фойдаланиш, атроф-муҳитни сақлаш ва сифатини янада ошириш, биологик жараёнлар ва бошқариш чора-тадбирларига мос равишда, қайта тикланмайдиган ва ички хўжалик ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг фаолияти мунтазам равишда давом этишини таъминлаб, аҳоли ва хусусан, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишда намоён бўлади.

Фермер хўжалигининг иқтисодий мазмуни муайян мулкчилик муносабатларини мужассамлаштириш ва амалга ошириш, мулк эгасининг иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқарилишига имкон яратиш, хўжалик аъзолари ўртасидаги манфаатлар муштараклиги ва

---

[1] “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси “Халқ сўзи“ газетаси, 2011йил 22-январь.

ўзаро мувозанатини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги самарадорлигига эришишга интилишнинг ўзаро мувофиқликни таъминлашда намоён бўлишини инобатга оладиган бўлсак, унинг фаолияти барқарорлиги ишлаб чиқариш омилларини қайта тақсимлаш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат натижаларининг юқори даражасига эришишни рағбатлантириш ва иқтисодий манфаатларнинг ўзаро мувозанатини таъминлашга боғлиқ.

Бироқ, бугунги кунда, фермер хўжаликлари барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, мавжуд ер-сув, моддий-техник ва меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишларидаги муаммолар, камчиликлар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу эса, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг кенг қамровли чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақоза этади. Бунинг учун эса, аввалламбор, ички ва ташқи молиявий ресурсларни жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоғи лозим. Жумладан: фермер хўжаликларининг мавжуд ички молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида хўжаликларнинг ички фаолиятида қатъий тежамкорликка асосланган тизим жорий этиш; фермер хўжаликлари ва улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг юқори даражадаги сифатини таъминлаш орқали сарф қилган сарф-харажатлар самарадорлигини ва рақобатбардошлилигини ошириш: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида табиий ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланиш ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаш; қулай инвестицион муҳит яратиш ва фермер хўжаликларига жалб қилинган инвестицияларни ҳажмини кўпайтириш; қишлоқ жойларида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи илмий-ахборот билан таъминлаш тизимларини, иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик шарт-шароитларни таъминлаш бўйича инфратузилмаларни тизимини шакллантириш ва фаолиятини такомиллаштириш; ички ва ташқи молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш; молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг илғор тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш; фермер хўжаликлари барқарор ривожланишининг бошқариш стратегиясини шакллантириш ва уни амалиётга жорий этиш.

**Н.Х. НОРАЛИЕВ,**
ТашГАУ, к.э.н., доцент
**Ш.ХАЙДАРАЛИЕВА,**
ТашГАУ, студентка

## Расчет экономической эффективности в скотоводстве

В рыночных условиях руководителям фермерских хозяйств необходимо принимать наиболее экономически эффективные управленческие решения, которые невозможно разработать без использования разнообразных экономических и финансовых методов и инструментов. Это, в первую очередь актуально для решений, касающихся привлечения в производство кредитных ресурсов, определения их объема и направлений использования таким образом, чтобы не только повысить эффективность производства, но и обеспечить безусловный возврат кредита в срок, гарантировать от каждого кредитного сума, после выплаты процентов и возврата кредита, дополнительную прибыль.

Наиболее просты в применении и достаточно эффективны для этой цели однофакторные экономические модели с включением в них таких инструментов финансового менеджмента как дисконтирование и компаундинг.

При построении однофакторной экономической модели все факторы производства, кроме одного, рассматриваются как постоянные. Например, продуктивность молочного стада можно повысить путем: повышения качества селекционно-племенной работы, улучшения условий содержания скота, повышения качества кормов, формирования оптимальной структуры и питательности рациона за счет увеличения в рационе комбикормов и т.п. При построении данной модели, в качестве переменного, можно рассматривать поочередно любой из перечисленных факторов. В этом случае рассчитывают производственные издержки на 1 голову, распределяя их на условно-постоянные и условно-переменные. К условно-постоянным в данном случае относятся издержки, которые не меняются при изменении уровня интенсивности использования данного производственного фактора, а к условно-переменным те, которые находятся в зависимости от степени интенсивности его использования. Целесообразно строить подобные однофакторные модели с применением ПК, используя табличный процессор EXCEL. Это значительно повышает эффективность применения моделей, так как позволяет осуществлять вариантные расчеты с минимальными затратами времени, вносить в них любые изменения в ценах на ресурсы, продукцию, ставку кредита, другие условия, а также использовать уже созданную модель для других расчетов.

В условиях рынка деньги являются крайне ограниченным ресурсом. Сум, который мы держим в руках сегодня и готовы вложить в производство, далеко не равен суму, который мы получим за произведенную и реализованную продукцию, через несколько месяцев. Поэтому при выработке управленческих решений в сельхозпроизводстве, где производственный цикл относительно длителен, необходимо использовать такие инструменты финансового менеджмента как дисконтирование и компаундинг. Это позволяет определять “приведенные издержки”, т.е. издержки, рассчитанные при приведении стоимости денежных средств, полученных и затраченных в разные периоды времени, к единой дате. Использование такого инструмента финансового менеджмента, как компаундинг позволяет рассчитать “будущую” стоимость денежных средств, которые мы затрачиваем значительно раньше, чем хозяйства получит выручку за реализованную продукцию, т.е. мы *“приводим”* издержки к сопоставимому с выручкой виду, вне зависимости от времени, когда они совершены.

Для вычисления будущей стоимости денежных средств, затраченных сегодня, следует использовать формулу компаундинга (или формулу сложных процентов):

$\mathbf{P_n = P_0*(1 + i)^n}$, где

$\mathbf{P_n}$ – будущая стоимость денежных средств;
$\mathbf{P_0}$ – сегодняшняя стоимость денежных средств;
**i** – процентная ставка за период (кредитная ставка или уровень инфляции);
**n** – количество временных периодов.

Рассчитывать приведенные издержки особенно важно в условиях быстрых темпов инфляции и высоких кредитных ставок. Поэтому даже для молочного скотоводства, когда речь идет о закупке комбикормов для повышения энергетической и белковой ценности рациона, где период окупаемости вложений относительно невелик, в современных условиях следует рекомендовать проводить расчет приведенных издержек при вычислении экономической эффективности дополнительных вложений в повышение уровня интенсивности кормления.

Разработана модель, которую можно использовать при принятии экономически обоснованных управленческих решений в молочном скотоводстве для определения оптимального количества финансовых ресурсов, направляемых на закупку комбикормов.

**Ш.ТУРСУНОВ,**
ТошГАУ, старший преподаватель

## Экспорт в Республике Узбекистан

Как известно, сельскохозяйственное производства, особенно его продовольственный сектор относится к малому бизнесу. Именно в продовольственном секторе задействовано большое количество дехканских хозяйств (более 4 млн. и ими производится более 80 % продовольствия). С учетом этого разработка организационно-экономических основ экспорта продовольствия является крайне актуальным. Так как дехканские хозяйства являются мелкими товаропроизводителями, и товарность продукции низкая, модернизация отрасли в этом сегменте аграрного сектора также связано с определенными трудностями.

Глобальное изменения климата, рост численности населения, сокращение земельно-водных ресурсов, повышение требований населения к ассортименту и качеству продовольствия требуют по новому подходить к вопросу продовольственного обеспечения в целом и продовольственной безопасности страны. Узбекистан относится к числу стран ориентированных на самообеспечение, однако ряд товаров (которые или не производяться или производяться в недостаточном количестве) завозится по импорту, одновременно определённые виды товаров экспортируются.

В республике поэтапно создают условия, стимулирующие увеличение экспорта продукции предприятиями, проходят процессы либерализации деятельности экспортеров. Между тем в этой сфере имеются многочисленные нерешенные проблемы.

Необходимо предусмотреть для всех субъектов осуществляющих коммерческий экспорт единый порядок его реализации. Вне зависимости от масштаба экспорта и самого экспортера правило учета и таможенного оформления экспорта должны быть одинаковы.

**Таблица-1**

**Географическая структура экспорта Узбекистана, млн. долл., 2005 - 2012 годы.**[1]

| | 2005 г. | 2006 г. | 2007 г. | 2008 г. | 2010 г. | 2011 г. | 2012 г. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Страны СНГ** | 1722,6 | 2685,5 | 4273,0 | 4010,8 | 5647,7 | 6720,1 | 7737,8 |
| **Другие зарубежные страны** | 3686,2 | 3704,3 | 4718,5 | 7592,1 | 7375,7 | 8307,1 | 6521,0 |

Источник: данные Госкомстата РУз

Одной из основ внешнеторговой политики республики является разработка и реализация целостной программы, направленной на повышение конкурентоспособности национальной экономики, развитие и расширение экспортного потенциала страны. Цель программы - обеспечение условий для устойчивого роста объемов экспорта и совершенствование его структуры на основе максимального использования и развития имеющегося ресурсного и производственного потенциала.

Экспортные поставки осуществляются в более 80 стран мира. Произошли существенные изменения в структуре экспорта, в частности, уменьшилась доля экспорта сырьевых ресурсов, и одновременно увеличились объемы экспорта готовой продукции, в том числе с глубокой степенью переработки.

[1] Источник: данные Госкомстата РУз

Сегодня развитие любой страны неотделимо от развития мира в целом, строительство современной экономики не может идти успешно «за закрытыми дверями». Такова особенность нынешнего времени. Поощрения различных форм торговли готовой продукцией, благодаря чему происходило развитие экспортной торговли. В результате торговля обработанной продукцией станут основной движущей силой экспорта страны.

**З.А.НОМОЗОВ,**
ТошДАУ, мустақил изланувчи

## Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш технологиялари-фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш омили

Ҳозирги вақтда, устувор вазифалардан ҳисобланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этилди. Сўнгги беш йилда мазкур жамғарма орқали 800 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, ариқ ва зовурларни тозалашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Натижада, 3 минг 500 километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи қурилди ва реконструкция қилинди, 67 минг километрдан ортиқ мелиоратив тармоқ таъмирланди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2012 йиллар давомида халқаро молиявий институтлар маблағи ҳисобидан 762 миллион АҚШ доллари қийматидаги 27 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада, 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ер ости сувларининг қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилди.

Келажакда фермер хўжаликлари фаолиятининг барқарор ривожланишига кафолот бўла оладиган ер-сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, қолаверса, қишлоқ хўжалик ерларининг ҳосилдорлигини ошириш, экологик муҳитни ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратиш, томчилатиб суғориш тизимидан ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Минтақаларда сув ресурслари танқислиги, сезилаётган ҳозирги шароитида томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш энг самарали йўл деб тан олинганини таъкидлаш лозим. Амалиёт тасдиқлашича, томчилатиб суғориш сув хўжалиги иқтисодиётида сув танқислигининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Ушбу технологиядан фойдаланиш, ҳаражатларни, меҳнатни сезиларли даражада камайтиради, хосилни оширади, ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтиради ва сув таъминотида мелиоратив суғориш харажатларини камайтиради. Ўзбекистонда 2013-2017 йиллар мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида қабул қилинган Давлат дастурида келажакда бундай ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва тизимини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш вазифаси қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2013-2017 йиллар мобайнида жумладан 3852 км. коллекторларни қайта таъмирлаш ва қуриш, 35 та мелиоратив насос станцияси, 1257 та дренаж қуриш режалаштирилган ва 830 дан ортиқ мелиоратив техникаларни лизингга сотиб олиш режалаштирилган. Томчилатиб суғориш тизимини боғдорчиликда, полиз маҳсулотлари, мева-сабзовот етиштиришда 25000 га. майдонда қўллаш, қишлоқ хўжалигида сувни тежаш бўйича янги услублар ишлаб чиқилган. Сувни тежайдиган бу технологияни қишлоқ хўжалигида тадбиқ этишни рағбатлантриш мақсадида уни қўлловчилар 5 йилгача ягона ер солиғ тўловидан озод этилган. Энг муҳими, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва кам сув ҳаражати ҳисобига фермер ҳўжаликларининг иқтисодий

шароитлари яхшиланиши учун муҳим манба яратилди. Чунончи, фермерларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда сувдан тежамли фойдаланиш усулларини жорий этишда қатор имтиёзлар яратилган. Фермер хўжаликлари имтиёзли кредитларни Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш Фонди кредит тармоғи орқали олишлари мумкин. Тартиб бўйича, кредит бир минг минимал иш ҳақи даражасидан кўп бўлмаган суммада уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Банк тартибига кўра, 10 иш куни мобайнида кредит бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қилиниши керак. Кредит маблағларидан фойдаланиш мақсадида алоҳида ҳисоб-рақами очилади, ушбу рақам орқали кредит олувчи қишлоқ хўжалиги моллари харид қилиб олса, тўловни тўлов топшириқномаси орқали амалга ошириши мумкин. Шунингдек, фермер хўжаликларининг томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган ер участкалари аниқланган ва уларнинг таркибига сезиларни даражадаги нотекис ерлар, эрозияга учраган ерлар, ҳудудлар, боғ ерлари ва бошқа ерлар киритилган.

Қишлоқ хўжалигида энг асосийси суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ҳуқуқий – норматив базани такомиллаштириш керак бўлади. Масалан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Фонди ҳисобидан томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа технологияларни тадбиқ этиш ҳолати бўйича янги лойиҳа ишлаб чиқилади. Мутахассислар (экспертлар) ҳокимият қарор қабул қилиши учун томчилатиб суғориш тизимини ва суғориш сувини тежайдиган бошқа технологияларни амалга тадбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш борасида лойиҳа тайёрлашади.

Шунингдек, республикада 2013 йил 1 майдан бошлаб мева - сабзовот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари ва ер эгалари ўртасида ерларни ижарага бериш, одатга кўра инвестиция мажбуриятларини, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва сувни тежайдиган бошқа технологияларни жорий этиш йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: томчилатиб суғориш технологияси юқори кўрсатгичга эга бўлган ҳудудни аниқлаш; туман ва фермер хўжаликлари кесимида тадбиқ этиш жадвалини ишлаб чиқиш; фермер хўжалиги ерларида мутахассислар ёрдамида ушбу технологияни ўзида қўллаб кўрмоқ истагида бўлган фермерлар учун топографик ишларини бажариш; ер эгаларини технологиялардан хабардор қилиш учун ўқув-семинарлар ташкил этиш, ўқув қўлланмалар тарқатиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш; жойларда телевидение ва радио кўрсатувларини ташкил этиш ва илмий-услубий мақолалар чоп этиш; пленка остида суғоришни йўлга қўйиш.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлаш имконини кенгайтиради.

**С. Ю.ЮСУПОВ,**
ЎзҚЧЭИТИ, қ.х.ф.д., профессор
**Б.С.МАМАТОВ,**
ЎзҚЧЭИТИ, катта илмий ходим
**А.Ж.БОЛТАЕВ,**
ЎзҚЧЭИТИ, катта илмий ходим
**У.Н.ҲАКИМОВ,**
ЎзҚЧЭИТИ, катта илмий ходим
**Х.Қ.НАРЗУЛЛАЕВ,**
ЎзҚЧЭИТИ, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

## Ҳар хил катта-кичикликдаги совлиқларда қимматли қоракўл тери гулларининг намоён бўлиши

Маълумки, қоракўл тери гуллари қўзининг ҳомила даврида шаклланади. Қўзининг ота-онаси ирсияти ва ташқи муҳит таъсири остида улар турли шаклларга эга бўлади.

М.Ф.Иванов ва В.М.Юдин (С.Юсупов ва бошқалар) классификациясига мувофиқ қоракўл тери гуллари қуйидаги асосий шаклларга эга: қаламигул (яримдоира, қовурғасимон ва ясси), донагул, ёлгул, ҳалқагул, пармагул ва нўхатгул. Юқорида қайд этилган гуллардан энг қимматлиси қаламигул ҳисобланади ва у барча селекционерлар томонидан мақсадга мувофиқ гул типи, деб тан олинади.

Қаламигул – барча қўй зотлари орасида фақат қоракўл қўйларида учрайдиган жуннинг жингалакланиш шакли. Классификацияда қайд этилган қолган гул шакллари ўзгарувчан ҳолда турли дағал ва яримдағал жунли қўй зотларининг қўзиларида ҳам учрайди.

Қоракўл қўйларининг асосий зот хусусияти уларнинг қўзиларида қаламигуллар бўлишидадир. Одатда, энг қимматли қоракўл терилар узун, кенглиги ўрта, зич қаламигулларнинг яримдоира, қовурғасимон ва ясси шакллари билан характерланиб, терида аниқ ва гул типига хос бўлган расм ҳосил қилиб, яхши ипаксимонлик ва ялтироқлик даражасига эга. Ҳудди шу хусусиятлар бонитёрлар томонидан қўзиларни элита ёки I синфга ажратишда белгиланади ва улар зот таркибидаги барча ранг ва рангбарангликдаги ҳайвонлар учун мақсадга мувофиқ селекция типи ҳисобланади.

Охирги йилларда, турли экологик ҳудудлардаги ҳар хил рангдаги қўйларда қоракўл тери гулларининг қимматли шаклларини авлодларида намоён бўлиши устида Н.Алимбаев, Е.Бойбеков, С.Р.Бозоров, А.Газиев ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган[1]. Уларнинг аниқлашича гул типларининг намоён бўлиши кўп ҳолларда ирсий омилларга боғлиқ. Совлиқлар катта-кичиклигининг қўзилари гул типларига таъсири тўғрисида бизга маълум бўлган адабиётлардан маълумот топмадик. Шунинг учун олдимизга турли экологик ҳудудларда урчитилаётган турли рангдаги совлиқлар катта-кичиклигининг қўзилар гул типларига таъсир этишини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик (1-жадвал).

[1] Юсупов С.Ю. ва бошқалар. Селекция и племенные ресурсы в каракульском овцеводстве. – Т.; – "Муҳаррир" – 2010., С. 202.; Алимбаев Н. Селекционные показатели серых каракульских овец голубой расцветки Кумкентской популяции. "Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари". Республика илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд ш., 27-28 август 2012 й.; Бойбеков Е. Индексная селекция при племенной работе каракульских овец. "Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари". Республика илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд ш. 27-28 август 2012 й.; Базаров С. и др. Бухарский породный тип каракульских овец окраски сур.//Ж. Агро-илм А-А. – 2012, № 2; Газиев А. Селекция босқичларига боғлиқ ҳолда қоракўл қўйларини ирсиятининг мустаҳкамлик даражаси. "Чўл яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари". – Республика илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд ш. – 27-28 август 2012 й.

**1-жадвал**

**Ҳар хил катта-кичикликдаги совлиқлардан олинган қўзиларнинг гул типлари**

| Хўжалик | Совлиқ-ларнинг катта-кичиклиги | Олинган қўзилар ранги | Ўрганилган қўзилар сони (n) | Гул типи M±m, % | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ярим доира | ясси | қовурға-симон | ўсиқгул |
| Нурота | майда | сур | 58 | 69,0±6,0 | 17,3±4,9 | 10,3±3,9 | 3,4±2,3 |
| | ўрта | сур | 61 | 68,8±5,9 | 19,6±5,0 | 6,5±3,1 | 5,1±2,8 |
| | катта | сур | 60 | 63,3±6,2 | 11,6±4,1 | 15,0±4,6 | 10,1±3,8 |
| Сарибел | майда | сур | 63 | 49,2±6,2 | 31,7±5,8 | 12,7±14,1 | 6,4±3,0 |
| | ўрта | сур | 78 | 47,4±5,6 | 33,3±5,3 | 14,1±3,9 | 5,2±2,5 |
| | катта | сур | 57 | 36,8±6,3 | 38,6±6,4 | 15,8±4,8 | 8,8±3,7 |
| Боғдон | майда | қора | 42 | 47,6±7,7 | 16,7±5,7 | 14,2±5,3 | 21,5±6,3 |
| | ўрта | қора | 48 | 58,3±7,1 | 12,5±4,7 | 14,5±5,0 | 14,7±5,1 |
| | катта | қора | 44 | 65,9±7,1 | 4,5±3,1 | 6,8±3,7 | 22,8±6,3 |
| Аяқ-кудуқ | майда | қора | 37 | 64,8±7,8 | 13,5±15,6 | 18,9±6,4 | 2,7±2,6 |
| | | кўк | 27 | 62,9±9,2 | 14,8±6,8 | 18,5±7,5 | 3,7±3,6 |
| | ўрта | қора | 36 | 66,6±7,9 | 11,1±5,2 | 13,4±5,7 | 8,3±4,6 |
| | | кўк | 31 | 67,7±8,4 | 12,9±6,0 | 9,7±5,3 | 9,7±5,3 |
| | катта | қора | 38 | 65,8±7,7 | 7,9±4,4 | 10,5±4,9 | 15,8±5,9 |
| | | кўк | 24 | 66,6±9,6 | 8,3±5,6 | 8,3±5,6 | 16,6±7,5 |

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, совлиқлар тирик вазни билан улар авлодининг гул типлари орасида тўғридан-тўғри ижобий боғлиқлик мавжуд эмас, аммо шу билан бирга, аниқланишича, қочирим даврида тирик вазни паст бўлган совлиқлар авлодида қовурғасимон типли қўзилар салмоғининг кўпайиши кузатилган. Катта ўлчамли совлиқлар авлодида ясси ва усиқгулли шаклдаги қаламигуллар кўп миқдорда учраган. Юқорида қайд этилган қонуният қора рангли қўйлардагига нисбатан кўк ва сур рангли қўйларда ёрқинроқ намоён бўлган. Демак, қўзиларда гул типларининг намоён бўлиши кўп жиҳатдан ота-онасининг генотипига боғлиқ. Шундай қилиб, биз томондан олинган маълумотлар қора, кўк ва сур рангли қўйлар билан селекция ишларини олиб бориш жараёнида, авлод катта-кичиклиги билан уларда керакли гул типларининг намоён бўлиши ўртасида яхши мужассамликга эришиш мумкин, деган хулосага келиш имконини беради.

Бунинг учун эса, ота-она жуфтликлари генотипларининг керакли мувофиқлигига эришиш, шу билан бир вақтда керакли катта-кичикликдаги ҳайвонларни танлаш селекциясини олиб бориш ҳамда уларни озиқлантириш ва сақлашнинг оптимал шароитларини яратиш керак. Бу эса етиштирилаётган қоракўл тери сифатини яхшилаш, ҳажмини кенгайтириш, сотиш баҳосини кўтариш ва тармоқ иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Б.Ю.ЮНУСОВ,**
“Паркент биотекс” МЧЖ, ЎзЧИТИ, қ.ф.н., к.и.х.
**Б.М.ИМИНЖАНОВ,**
ТашДТУ, т.ф.н., доцент,
**А.А.НУРМАТОВ,**
ЎзЧИТИ, директор, қ-х.ф.н., к.и.х.

## Чорва молларини озиқлантиришда инновацион усулларни жорий этишнинг айрим амалий жиҳатлари

Чорвачилик тармоқлари жадал ривожланишини таъминлаш имконини берадиган муҳим омиллардан бири чорва молларининг тури, зоти ва ишлаб чиқариш йўналишига мос келадиган озиқлантириш усулларини танлаш ҳисобланади.

Озиқлантиришда инновацион усулларни жорий этиш эса, чорва моллари вақтида етилишини, маҳсулдорлиги ошишини, улардан узоқ вақт давомида фойдаланиши ва энг муҳими, соғлом ва бақувват насл олиниши таъминлайди.

Бу чорвачиликнинг бошқа тармоқлари каби, йилқичилик соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қорабайир зотли отлар Ўзбекистонда яратилган қадимий от зоти ҳисобланиб, ҳозирги кунда республикамиздаги отларнинг 90 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Улар маҳаллий шароитга яхши мослашган спортда фойдаланиш мумкин бўлган, яхши маҳсулдорлик хусусиятига эга, қишлоқ хўжалиги ишларида ишлатиладиган универсал зот ҳисобланади. Лекин, бу зот кеч етилади. Бунинг сабабларидан бири тойлар, онасидан кузда ажратилади, натижада, улар қиш давридан баҳоргача ўсишдан тўхтайди, айримлари ҳатто вазн ҳам йўқотади. Бу вақтда тойлар онасининг сути орқали оладиган ҳар хил минералларни ололмайди, кўплари касалликка чалинади. Организмига кераkли макро-микроэлементлар ва витаминларнинг етишмаслиги, уларнинг алмашинуви жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда, тойлар жинсий органлари ривожланиши ҳам орқада қолади.

Шу боис, йилқичиликда қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ва ривожланишига биологик фаол қўшимчалар таъсирини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги “Қорабайир” йилқичилик хўжалигида қиш даврида тойлар яйловдан отхоналарга олиб келинганда ўтказилади[1].

Тадқиқотлар учун 18 ойлик тойлар танланиб, (n=24), учта гуруҳга, яъни назорат гуруҳи (n=8), I тажриба гуруҳи (n=8) ва II тажриба гуруҳига (n=8) ажратилади. Назорат гуруҳидаги тойларни асосий рацион, I тажриба гуруҳидаги тойларни асосий рацион +300 г биологик фаол қўшимча, II тажриба гуруҳидагиларни асосий рацион +400 г биологик фаол қўшимча билан боқиш йўлга қўйилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тойларининг тирик вазни назорат гуруҳида қиш даврида 6 ой мобайнида 44,7 кг га, I тажриба гуруҳида 59,9 кг га, II тажриба гуруҳида 71,8 кг га ўсди. Тирик вазнининг ўсиши 6 ой мобайнида назорат гуруҳидаги тойларни нисбатан I тажриба гуруҳидаги тойларни 34 фоизга, II тажриба гуруҳидаги тойларда 60,6 фоизга юқори бўлди. Ҳар учала гуруҳда ҳам тирик вазн ўсиши қиш даврининг иккинчи ярмидагича биринчи ярмига нисбатан жадалроқ кечди. Тажриба даврида тойлар вазни ўзгаришининг график кўриниши қуйидаги расмда келтирилган. Шуни таъкидлаш лозимки, 18 ойлик тойларнинг тирик вазнидаги фарқлар аввалги қишки мавсумда уларга 6 ойга тўлганларида ўтказилган синовларда берилган биологик фаол қўшимчалар таъсири

1. Жабборов Ш.Ш., Юнусов Б.Ю., Нурматов А.А. “Қорабайир зотли тойларнинг ўсиш ва ривожланишига маҳаллий хомашёлардан тайёрланган биологик фаол қўшимчаларнинг таъсири”. Т,:. Ж//”Зооветеринария” – 2013, №7, -31 б.

натижасидир. Айниқса, назорат гуруҳидаги тойлар билан тажриба гуруҳлардаги тойлар тирик вазни ўртасидаги фарқ ўтган қишки мавсумда берилган қўшимчалар уларнинг ўсишини жадаллаштирганлигини тасдиқлайди.




**Расм. Тойларнинг вазн ўзгаришлари:** 1. Назорат гуруҳидаги тойлар учун; 2 тажриба гуруҳи тойлари учун; 3. тажриба гуруҳидаги тойлари учун.

Тойлар рационини витаминли ва минералли биологик фаол қўшимчалар билан бойитиш улар организмида кечаётган моддалар алмашинувини жадаллаштирди, қишки мавсумдан соғлом ва бақувват чиқиши ҳамда қўшимча вазнга эга бўлишини таъминлади. Тажрибаларимизда фойдаланилган биологик фаол қўшимчалар узумни қайта ишлаш корхоналари сиқма чиқиндилари ва маҳалий микрова макроэлементларга бой минераллардан “Паркент биотекс” МЧЖ билан ҳамкорликда олинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлган чиқиндилар қимматли иккиламчи биологик ресурсдир. Агарда узум сиқма чиқиндилари таркибида 150 дан ортиқ биологик фаол модда борлиги[1] ва ҳар йили фақат “Ўзумсаноат” ҲК корхоналарида бундай чиқиндидан 10 минг тоннадан ортиқ ҳосил бўлишини[2] инобатга олсак, изланишларимизнинг амалий аҳамияти қанчалик долзарблилиги кўринади.

Олинган биологик фаол қўшимчанинг таннархи ишлаб чиқариш кўлами тажриба-саноат партияси миқдорида яьни бир тонна бўлгани учун қимматроққа 1600 сўм/кг сотувдаги нархи 2500 сўмга етганда ҳам маҳаллий ва чет элдан келтирилган бошқа биологик фаол қўшимчаларга нисбатан бир неча марта арзонроқ тушади. Шунга қарамасдан, чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликлардаги қорамол ва тойлар рационига ушбу қўшимчани киритиш турли муаммолар келтириб чиқараяти. Фикримизча, бу борадаги муаммонинг ечими бирор бир йирик чорвачилик хўжалиги билан инновацион лойиҳа доирасида амалиётга тадбиқ этишни ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Лойиҳа доирасида моддий харажатларнинг бир қисми давлат томонидан молиялаштирилиши хўжалик раҳбарларининг инновацион технологияларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари ортишига олиб келади.

---

[1] Юнусов Б.Ю. "Обоснование комплексной схемы переработки вторичных продуктов, образующихся в производстве вина и соков". Межд. конференция интеграция образования науки и технологии. – Т.: 2007 с. 74-76.

[2] Рахмонов С. Узум етиштириш ҳажми кўпаяди. “Халқ сўзи”, 2013 й. 12-октябр.

**А. ЮЛДАШЕВ,**
ЎзБИИТИ, лойиҳа раҳбари, и.ф.н., к.и.х.

## Глобал иқлим ўзгаришининг мамлакат қишлоқ хўжалигига таъсири ва уни камайтириш йўллари

Иқлим ўзгаришлари дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бу жараённинг оқибатларини ўрганиш борасида кенг кўламли илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги пайтларда инсон омилининг кучайиши, хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар йилдан-йилга ортиб бориши, йирик ўрмонлар кесиб йўқотилиши, чўл ва ярим чўл ҳудудлар экин майдонлари сифатида ўзлаштирилиши, йирик сув омборларини қуриш ҳамда фан ва техниканинг ривожланиши каби омиллар бу жараён янада тезлашишига сабаб бўлмоқда.

Иқлим ўзгаришини келтириб чиқарувчи омилларни *икки турга бўлиш мумкин*, яъни, ***табиий омиллар ва инсон томонидан содир этилаётган омиллар***.

**Табиий омиллар жумласига** қуёшдаги нурланиш даражаси, вулқонлар ва зилзилалар, океан сатҳидаги ҳаво ҳарорати оқимларининг ўзгарувчанлиги, азон қатламининг емирилиши, карбонат ангидрид (СО2) газининг ортиши каби омиллар, **инсон томонидан содир этилаётган омилларга эса**, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, фан ва техниканинг ривожланиши, чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши, ер шарида экологик ҳолатнинг бузилиши, йирик сув омборлари ташкил этилиши, атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар йилдан-йилга ортиб бориши, иссиқхона газлари чиқиши оқибатида экология бузилиши, йирик ўрмонлар кесилиши, ёқиб юборилиши ва ерларининг ўзлаштирилиши ва бошқалар киради.

Иқлимни глобал ўзгариши йилдан-йилга тобора кўпроқ сезилиши ҳудудлар доирасида ўзига хос таъсир кучига, ҳам ижобий, ҳам салбий, хусусиятга эга бўлиши мумкин. Иқлим ўзгаришлари республикамиз аграр тармоғига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатаётганлиги кузатилмоқда.

Кутиладиган таъсирлар аграр тармоқнинг географик жойлашиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркибига ҳамда олиб бориладиган агротехник тадбирларнинг ўтказилиши муддатларига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Бундай ўзгаришлар, республикамизда кузатилаётган, сув танқислиги ва ҳаво ҳароратининг кескин ошиши кетиши ҳамда баҳор мавсуми кечикиб келиши оқибатида йиллик ёғин миқдорининг ортиб кетиши кабиларида намоён бўлмоқда.

Мутахассислар фикрига қараганда иқлимни ўзгариши Ўзбекистонда қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

– ҳаво ҳароратининг юқори даражада кўтарилиши ҳарорат пасайишига нисбатан кўпроқ такрорланиши;

– ёз фаслида иссиқ кунлар сони кўпайиши натижасида экинлар вегетация даврларининг узайиб бориши;

– ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиши ҳисобига иқлим қуруқ келиб, ёз ойларида қуруқ кунлар сонининг кўпайиши;

– турли хил хавфли гидрогеологик ҳодисалар кўпайиши ва тез-тез такрорланиб туриши;

– ёғингарчилик муддатлари ўзгариши оқибатида ўсимликларнинг экиш муддатларининг узайиб кетиши;

– сув ресурслар танқислашиб, қурғоқчилик йиллари тез-тез такрорланиши, ёз мавсумида сувга бўлган талаб ошиб, қишлоқ хўжалиги экинлари учун хавф-хатар ортиб бориши ва бошқаларда.

Шунинг учун аграр соҳа иқтисодиётини иқлим ўзгаришидан кутилаётган оқибатларга мослаштириш (адаптация) бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ялпи ички махсулотда 17,6 фоиз улушни ташкил этиши ва унда аҳолининг 34 фоиздан ортиғини бандлигини эътиборга олсак, соҳа қишлоқда яшовчилар учун муҳим даромад манбаи эканлигини янада яққол англаймиз. Охирги йилларда Ўзбекистонда иқлим ғоятда ўзгарувчан бўлиб қолганлиги, ўртача ҳарорат ортиши, ўта иссик кунларнинг кўпайиши оқибатида курғоқчилик бўлиши, баҳор ва куз ёғингарчиликларининг давомийлигининг узайиши ҳамда баҳорда аёзли кунларнинг тез-тез содир бўлиши ва ҳ.к.лар.. билан тавсифланади.

Иқлим ўзгаришини ўрганиш билан шуғулланаётган олимларнинг башоратларига кўра, келгусида Ўзбекистонда бу борадаги ўзгариши қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– ўртача йиллик харорат 2050 йилга бориб, 1,9 – 2,4 даражага вилоятлар бўйича фарқли равишда ортиши, (бунда энг иссиқ вақт қиш ва баҳор ойларига тўғри келади);

– 2050 йилга бориб, ўртача йиллик ёғин миқдор 15-18 фоизга етиши ва ёғинлар асосан ёз фаслига тўғри келиши;

– сувга бўлган талаб ортиши натижасида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидан кафолатли сув олишнинг қисқариши натижасида Орол денгизи ҳавзасида аста-секинлик билан сув танқислиги ортиб бориши;

– сув танқислигининг 2005-2010 йилдаги 2 км. кубдан 2050 йилда 11-13 км. кубга ортиши;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқлим ўзгаришига таъсири нисбатан юқорилиги, яъни ҳарорат кескин кўтарилиши экинлар чангланмай қолишига олиб келиши, қишлоқ хўжалиги шундай ҳам сув танқислигини бошдан кечираётган бир шароитда, унга бўлган қарамлиги янада кучайиши;

– ҳарорат ва ёғингарчилик режими ўзгариши оқибатида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари ва чорва ҳайвонлари касалликларининг янги турлари кекскин кўпайишига мойиллик юқорилиги;

– айниқса, шимолий ҳудудларда вегетация даврининг узайиши натижасида янги экинларни экиш ва экинлар таркибини ўзгартириш имконияти юзага келиши.

Вазиятнинг бу тариқа ёмонлашиши эса, мамлакат озиқ-овқат таъминотида муаммолар кескинлашувига, бу унга боғлиқ тармоқлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари иқлим ўзгариши таъсирида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларга мамлакат ҳали тайёр эмаслиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор етиштириш ва умуман, қишлоқ хўжалигининг келгусидаги ривожланиши учун жиддий хавф туғдиради. Лекин, мавжуд имкониятлардан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни фаол амалга ошириш, мослашиш йўли билан иқлим ўзгариши оқибатларидан келадиган хавфларни минимумга келтириш каби чоралар соҳанинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини сақланиб қолишига кўмак бериши мумкин. Фермер хўжаликлари миқёсида ноoқилона тарзда алмашлаб экиш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун асосан химиявий ўғитларни ҳаддан ташқари кўп ишлатилиш билан бир қаторда агротехник тадбирларни нотўғри олиб борилиши ерларни янада мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ экологик муаммоларни иқлимга мослашииш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бу эса, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун иқлим ўзгаришига мослашииш бўйича дастурини атроф муҳитни ҳимоя қилиш чоралари билан биргаликда амалга ошириш нақадар муҳимлигидан далоат беради

**У.Н.НОСИРОВ,**
ТошДАУ, қ.-х.ф.д., профессор

## Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда маҳсулотлар таннархини камайтириш омиллари

Маҳсулотлар таннархи асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. У турли омилларга боғлиқ бўлиб, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ҳисобланади: маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ ишчи-ходимларга сарфланган иш ҳақи; сарфланадиган барча турдаги озуқалар миқдори ва нархи; бошқа турли харажатлар.

Чорвачилик фермаларида 1 центнер сут етиштириш таннархида қуйидаги харажатлар мақбул таркиб ҳисобланади: иш ҳақи – 30-32 фоиз; озуқаларга сарфланган харажатлар – 44-46 фоиз; турли тўғри харажатлар – 14-15 фоиз; кўзда тутилмаган қўшимча харажатлар – 10-12 фоиз.

Бозор иқтисодиёти шаклланиши даврида чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасайтиришга эришиш энг муҳим ва долзарб вазифалар. Бозорларда ва савдо шохобчаларида сут ва гўшт маҳсулотларининг чакана нархларини пасайтириш аҳолининг бу маҳсулотларни кўпроқ харид қилишига имкон беради ва унинг бу мақсаддаги харажатлари камайтиришига олиб келади. Ҳозирда турли дағал, ширали ва айниқса концентрат озуқалар бозор баҳоси кескин ошиши натижасида 1 кг сутнинг чакана (харид) нархи 1200–1500 сўмга, 1 кг гўштнинг нархи эса 12– 17 минг сўмгача кўтарилади.

Барча ҳудудларда гўшт ва сут маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳисобига уларни арзонлаштиришга қаратилган ички захираларни ишга солиш даркор.

**Иш ҳақи харажатларини камайтириш.** Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш учун тўланадиган иш ҳақи миқдорини камайтириш асосан меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ. Уни ошириш: фермада сақланаётган сигирларнинг зоти ва бош сони, улардан соғиб олинадиган сут миқдори, молларни сақлаш усуллари, бажариладиган қўл меҳнатини механизациялаштириш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

**Сут маҳсулдорлигининг таннархга таъсири.** Соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш натижасида сарфланадиган меҳнат харажатларини камайтириш мумкин. Агарда сут соғиб олиш жараёни автоматлаштирилса асосий ишчи ва соғимчиларга бириктирилган сигирлар бош сонини кўпайтириш имконияти яратилади. Натижада, етиштирилаётган 1 ц сут маҳсулоти ҳисобига меҳнат ва маблағ сарфи ўртача 20–22 фоизгача камаяди. Соғин сигирларда сут маҳсулдорлигини ошириш маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқаларни камайтиради. Жумладан, сигирлардан бир йилда ўртача 1700 кг сут олиш учун сутнинг 1 килограммига 1,62 озиқа бирлиги сарфланса, соғим 3500 кг оширилганда озиқа бирлиги 1,04 (35,8 фоизга) камаяди.

**Сигирларни сақлаш усули ва соғиш жараёнига механизациялаш даражасининг таъсири.** Сигирларни сақлаш усули ферма ишчиларининг меҳнат унумдорлиги даражасига турлича таъсир кўрсатади. Фермаларда молларни боғлаб боққандан кўра, боғламасдан эркин яйратиб сақлашда ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлади. Соғин сигирларни соғиш залларида унумдор соғиш аппаратлари ёрдамида соғиш натижасида 1 центнер сутнинг меҳнат харажати 2–2,5 бараварга, таннархи эса 10–15 фоизгача камаяди.

**Озуқалар харажатларини камайтириш.** Бозор муносабатлари шароитида кўпчилик чорвачилик фермер хўжаликларида сигирларни озиқлантиришда 1 ц сутнинг таннархи таркибида озуқалар харажати 70 фоизни ташкил қилади. Натижада 1 кг сутнинг таннархи 850–900 сўмга тўғри келмоқда. Озуқалар нархи кескин қимматлашганлигига биринчидан, концентрат озуқалар-омухта ем, епак ва шротнинг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан савдо шохобчалари томонидан сотиш нархи 2,0–2,5 бараварга оширилганлиги, иккинчидан-хўжаликларда етиштирилаётган озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги (57 ц/га озуқа бирлигида ва

озуқа сифати пастлиги, унинг таннархини кўтаришига сабаб бўлмоқда. Маҳсулотлар таннархини ва бозорда сотиш нархини кескин пасайтириш учун аввало, концентрат озуқа сарфи меъёрини маълум миқдорда камайтириш ва сифатини оширишга эришиш зарур. Тажрибаларга кўра, хўжаликларда озуқабоп экинлар майдонини шартли маҳсулдор моллар ҳисобига камида 0,75–0,90 гектар, озуқа етиштириш ҳосилдорлигини эса 120–130 центнер озиқа бирлигига етказиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, 1 центнер маҳсулотнинг етиштириш таннархини камайтириш, таннарх таркибида озуқалар харажати салмоғини 40–45 фоизгача камайтириш имкониятини яратади.

**Турли тўғри ва қўшимча харажатларни камайтириш.** Меҳнат ва озуқа харажатларини камайтириш билан бир вақтда уларни пасайтиришга эришиш мақсадга мувофиқ. Бу харажатлар маҳсулотлар таннархи таркибида 24–26 фоизгача бўлиши мумкин.

**Тўғри харажатлар** 1 центнер сутнинг таннархида 50 фоиздан юқорини ташкил этади. Бу харажатларни камайтириш учун аввало, харажатлар сарфини доимий равишда ҳисобга олиш ва соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш асосида ижобий натижаларга эришиш мумкин.

**Амортизация ажратмаларини ажратиш харажатлари.** Амортизация ажратмалари асосан чорвачилик бинолари ва иншоотлари, техника воситалари ва шунга ўхшаш, бир неча йил чорвачиликда фойдаланадиган асосий воситаларга ажратилади. Таннарх таркибида амортизация ажратмасини камайтириш учун чорвачилик биноларини арзон ва енгил қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда қулай ва ихчам қуришга эътибор қаратиш зарур. Бунда республикамиз ҳудудларининг табиий- иқлим шароитларини ҳисобга олиш ҳам талаб этилади. Чорвачиликда бино ва иншоотлар, механизмларнинг баланс нархлари қанчалик кам бўлса, бу объектлардан ҳар йили ажратиладиган амортизация ажратмалари миқдори шунча камаяди.

**Умумий ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари** чорвачилик маҳсулотлари таннархида 9–13 фоизни ташкил қилади. Бу харажатларни камайтириш учун чорвачилик фермаси бўйича бошқарув тизими, меҳнат тақсимотини тўғри ташкил этиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришиш, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш талаб этилади.

**Соф фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.** Чорвачилик фермасида ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва маҳсулот сотишдан олинган даромадларнинг нисбати асосида соф фойда аниқланади. Масалан, сутчилик фермасида 100 бош сигирдан 3250 центнер сут соғиб олиниб, уни етиштириш учун 227,5 млн.сўм сарфланган ёки 1 ц сутнинг таннархи ўртача 70 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Бир центнер сутни бозорда сотиш нархи ўртача 100 минг сўмни ташкил этса хўжалик сутни сотишдан 325,0 млн. сўм даромад қилган.

Сутни сотишдан олинган жами пул тушумидан ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни чегириб ташланиб соф фойда чиқарилади (325,0 млн. сўм-227,5 млн.сўм = 97,5 млн сўм соф фойда).

Чорвачилик фермаси фаолиятининг якуний иқтисодий ҳолатини ўрганиш учун рентабеллик даражаси аниқланади. Рентабеллик даражаси олинган соф фойда миқдорини таннархга бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Юқоридаги ҳолатда хўжаликда сут етиштириш ва сотишнинг рентабеллик даражаси 42,9 фоизни (30 минг сўм соф фойда: 70 минг сўм таннарх × 100) ташкил қилмоқда.

**И.А. ХОЛМИРЗАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, и.ф.н., к.и.х.

## Қишлоқ хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришни такомиллаштириш масалалари

Замонавий иқтисодиётда инновация мамлакат, ҳудудлар, тармоқлар ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва самарали фаолият юритиши асосини ташкил этади ҳамда бозор шароитида фаолият юритишда катта имкониятларни қўлга киритишга имкон яратувчи, жамият ва ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишига туртки берувчи асосий куч ҳисобланади.

Иқтисодий фанда инновацион фаолиятнинг иккита тур модели алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Ғоялари туғилишидан то уларни амалга ошириш ва коммерциялаштиришнинг барча босқичларини ривожланиши аста-секинлик билан ўтувчи анъанавий модель;

2. Инновацион ғоялар инновацион жараённинг барча босқичларига киришиб кетувчи (генерациялашувчи) интерактив модель.

Бунда интерактив моделнинг еттита тури кўрсатиб ўтилган:

– инновацион фаоллиги бўлмаган ёки заиф бўлган аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида “машғулотли” ишлаб чиқаришни яратиш;

– ўз билимига асосланган юқори инновацион фаоллик, илмий-техника салоҳияти ва илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) соҳасини рағбатлантириш ва ички бозорда юқори унумли технологияларни ривожлантириш (АҚШ, Канада, Япония);

– ўз билимига асосланган ва ташқи бозорга йўналтирилган юқори инновацион фаолликни ошириш (Корея Республикаси, Таиланд ва бошқ.)

– ўз билимига асосланган, ички бозорга йўналтирилган ва жамият томонидан рағбатлантириладиган инновацион фаолиятни рағбатлантириш (АҚШ, Хитой);

– ўз билимига асосланган, ташқи бозорга йўналтирилган ҳамда жамият томонидан рағбатлантириладиган инновацион фаолиятни амалга ошириш (Финляндия, Швеция, Тайвань);

– билимларнинг ташқи манбасидан фойдаланишга асосланган, ички бозорга йўналтирилган ва жамият томонидан рағбатлантириладиган инновацион фаолиятни жорий этиш (Буюк Британия, Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр);

– билимларнинг ташқи манбасидан фойдаланишга асосланган, ташқи молиялаштириш асосида ташқи бозорга йўналтирилган ва жамият томонидан рағбатлантириладиган инновацион фаолиятни жорий этиш (Африка, Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари)[1].

Инновация меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришда, техник-технологик соҳадаги янгиликларда миллий ҳамда хорижий илғор тажрибалар ҳисобланиб, унга илм-фан ва илмий-техника тараққиётининг ютуқларини амалиётга жорий этилиши ҳисобига эришилади.

Бугунги бозор муносабатлари шароити ва қонуниятлари қишлоқ хўжалигида инновациялардан кенг фойдаланиш заруриятини кучайтирмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, сифатини ошириш экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат харажатларини камайтириш ва илғор, энергия тежовчи,

---

[1] Разин А. Ф. «Организация инновационного производства продукции АПК на промышленной основе». Авт. дисс. на соискание уч. степени д.э.н. – Москва, 2011. 22-б.

янги технологиялар жорий этилишига ва замонавий илмий техника базаси яратилишига боғлиқ.

Бизнингча, аграр соҳада инновацион фаолият бутун бир инновация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ бўлиб. Агроинновацион сиёсатнинг стратегик мақсади илмий ғоя ва ишланмалар рақобатбардош бозор маҳсулотларига ўзгаришини, ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, шунингдек, худудий илмий - инновацион салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни таъминловчи қулай муҳит яратиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва унда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган агроинновацион сиёсатнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари тиббий истеъмол меъёрларига мос бўлишига;

– ҳудудлараро ва экспорт аҳамиятига эга бўлган истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига;

– қўшилган қиймат улуши юқори бўлган самарали маҳсулот ишлаб чиқарилишига;

– майда, ўрта ва йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бир-бирини тўлдирувчи мақбул нисбатда бўлишига;

– экотизимга антропоген таъсирни камайтириш орқали ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширилишига эришишдан.

Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалигида агроинновация тизимининг таркиби ва унинг элементлари ҳолатини баҳолаш қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал.**

**Қишлоқ хўжалигида инновация тизими таркиби ва ривожланишининг ҳолати**

| Инновация тизимининг таркибий бўлимлари | Инновация тизими таркибий бўлимларининг асосий элементлари | Ривожланишининг ҳозирги ҳолати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Қишлоқ хўжалигида инновация тизимининг шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини назарий-услубий асослаш | Соҳани ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини назарий ва услубий жиҳатдан асослаш | Етарли эмас |
| | Қишлоқ хўжалигида инновацияни жорий этиш ва ривожлантиришга оид илмий-ўқитиш ва инновация сиёсатининг устувор йўналишлари | Етарли эмас |
| Инновация тизимини институционал-ташкилий тузилмаси | Аграр соҳани инновацион ривожлантиришни худудий мувофиқлаштириш маркази | Мавжуд эмас |
| | Аграр университетлар мажмуаси, агротехнопарк, илмий-молиявий-агросаноат гуруҳлари, бизнес-инкубаторлар | Амалий жиҳатдан етарли эмас |
| | Турли жамғармалар филиаллари тармоғи | Етарли эмас |
| Инновацион фаолият таҳлилини иқтисодий ва статистик ахборотлар билан таъминлаш, қарор қабул қилиш ва моделлаштириш механизми | “Аграр соҳанинг илмий-инновацион салоҳияти мониторинги” тизими | Амалий жиҳатдан мавжуд эмас |
| | Таҳлил учун амалий дастурлар тўплами, илмий инновацион фаолиятни моделлаштириш ва истиқболини белгилаш | Етарли эмас |
| Иновацион ишланмаларни молиялаштириш механизмлари ва усуллари тизими | Қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ўз маблағлари ва ресурслари ҳисобига | Етарли эмас |
| | Илмий инновацион ишланмаларга тендер ва грант шаклида олинган бюджет ва нобюджет фондлари маблағлари | Етарли эмас |
| | Инновацион дастурларни молиялаштириш учун интелектуал мулкни баҳолашни таъминлаш | Мавжуд эмас |
| | Жамғармалар ресурслари | Етарли эмас |

| 1 | 2 | 3 |
|---|---|---|
| Инновацион фаолиятни рағбатлантириш (мотивация) тизими | Инновацион ишланмаларнинг ишлаб чиқувчилари ва истемолчиларини рағбатлантириш | Етарли эмас |
| | Илмий-техник ишланмаларнинг фаол муаллифларини якка тартибда рағбатлантириш | Етарли эмас |
| Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасида муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизими, интелектуал мулк ҳуқуқининг ҳимояси | Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни амалга ошириш тўғрисида | Етарли эмас |
| | Аграр соҳада илмий ишланмалар ва тадқиқотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида | Етарли эмас |

Манба. Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

Агроинновацион сиёсатга қўйилган стратегик мақсадга ва ундаги вазифаларни ҳал этишга инновация субъектлари “илмий тадқиқот, илмий-таълим (ўқитиш), ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, маркетинг ва молиявий маблағлар” салоҳиятини ягона **агроинновацион интеграциялашувга** (инновацион лойиҳаларга) бирлаштириш ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш орқали эришиш мумкин. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий муассасалар, алоҳида олимлар ўз илмий ғоялар, ечимлари, техника ва технологиялари билан иштирок этишлари керак.

Агроинновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган молиявий маблағлар давлат бюджети маблағлари, банклар кредитлари, хорижий грантлар ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан фойдаланаётган қайта ишлаш корхоналари маблағлари ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилардан ажратилаётган маблағлар ҳисобланади. Ушбу субъектлар томонидан молиялаштириш икки йўналишда амалга оширилиши керак:

– биринчидан, илмий тадқоқот ишларини амалга ошириш жараёнини молиялаштириш;

– иккинчидан, илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш жараёнини маблағ билан таъминлаш.

Шунингдек, молиялаштириш капитал маблағлар ажратиш ва айланма маблағлар ажратиш орқали амалга оширилиши лозим. Бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар илмий ечимлар, моддий ва молиявий ресурсларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотига айлантириб бериш билан шуғуллананишади.

Маҳсулотни қайта ишловчи субъектлар эса етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш билан шуғулланишади. Улар фаолиятини ҳам инновацион лойиҳалар орқали ривожлантиришга жалб этиш зарур. Хизмат кўрсатиш корхоналари маҳсулот етиштирувчиларга сифатли ҳамда арзон хизмат кўрсатиш билан шуғулланишлари лозим. Маркетинг фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг вазифаси маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларини арзон ва сифатли ресурслар билан таъминлаш ҳамда маҳсулотни сотишдан иборат бўлиши лозим.

Субъектларнинг ягона инновацион лойиҳа асосида фаолият юритиши натижасида инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Ушбу маҳсулот маркетинг субъектлари орқали сотилади ва маблағ субъектлар ўртасида якуний инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи субъектларнинг бир тизимда ишлаши инновацион ривожланишни таъминлайди ҳамда қишлоқ хўжалигини юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Б.МЕНГЛИКУЛОВ,**
ТошДАУ, и.ф.н., доцент
**Х.ХЎЖАНАПАСОВ,**
ТошДАУ, магистр
**Н.АСЛОНОВ,**
ТошДАУ, магистр

## Чорвачилик фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлили

Бугунги кунда барча корхоналарда молиявий натижаларнинг шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1999 йил 5 февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади. Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш таркибига қуйидагилар киритилади:

– маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
– асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
– молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
– умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа;
– фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан натижа;
– солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
– йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркибда туркумланишини халқаро ҳисоб андазаларига нисбатан берилган дейиш мумкин.

Бўстонлиқ туманидаги “Рамазон” фермер хўжалиги молиявий натижалари шаклланиши таҳлили (1-жадвал) кўрсатишига, бу натижалар таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этмоқда. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йиллардаги нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилди. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган молиявий натижа соф тушумдан шу маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланди.

**1-жадвал**

**«Рамазон» фермер хўжалиги молиявий натижалари таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили** (минг сўмда)

| **Кўрсаткичлар** | **Йиллар** | | **Ўзгариши (+, -)** |
|---|---|---|---|
| | **2011** | **2012** | |
| 1.Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум | 389132 | 697149 | +308017 |
| 2.Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи | 191290 | 239675 | 48385 |
| 3. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда | 197842 | 457474 | 259632 |
| 4. Давр харажатлари | 121525 | 107359 | -14166 |
| 5. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси | 76317 | 350115 | 273798 |
| 6.Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси | 76317 | 350115 | 273798 |
| 7. Фавқулодда зарарлар | 4272 | - | -4272 |
| 8. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) | 72045 | 350115 | 278070 |
| 9.Даромад(фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар | - | - | - |
| 10. Ҳисобот давридаги соф фойда | 72045 | 350115 | 278070 |

Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади:

– маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа;

– асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа;

– бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

– корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар;

– корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари, ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлат солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Хўжаликнинг 2012 йилдаги молиявий натижаларидан кўриниб турибдики, ўтган йилдагига нисбатан соф фойда кўрсаткичини янада кўпайтириш мақсадида, хўжалик раҳбарияти биринчи навбатда соф фойда ўзгаришига таъсир этувчи маҳсулот таннархи кўпайишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ўрганиб, уларни пасайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик раҳбарияти маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдани миқдорини ошириш мақсадида маҳсулот сотишдан соф тушум миқдорини кўпайтириш ва маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича зарур чораларни кўриши керак.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти натижасида кам харажатлар қилган ҳолда юқори фойда олишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Соф фойдани таҳлил қилишда унингўтган йиллардагига, шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришини ўрганиш лозим (2-жадвал).

**2-жадвал**

**“Рамазон” фермер хўжалигида соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили (минг сўмда)**

| Кўрсаткичлар | 2011 й. | 2012 й. | Фарқи,(+,-) |
|---|---|---|---|
| 1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда | 197842 | 457474 | 259632 |
| 2. Давр харажатлари | 121525 | 107359 | -14166 |
| 3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар | - | - | - |
| 4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар | - | - | - |
| 5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар | - | - | - |
| 6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар | - | - | - |
| Жорий йилнинг соф фойдаси | 72045 | 350115 | 278070 |

Соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– маҳсулот, иш ва хизматларнинг сотиш ҳажми ўзгариши;

– маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;

– маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;

– давр харажатларининг ўзгариши;

– молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;

– фавқулодда фойда ва зарарлар ўзгариши;

– фойдадан олинадиган солиқлар, солиқли тўловларнинг ўзгариши ва бошқалар.

Соф фойда ўзгаришига ҳар бир омилнинг таъсири мутлоқ қийматларда ифодаланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятлар мавжудлиги ўрганилади.

Ҳисобот даврида Таҳлил қилинаётган "Рамазон" фермер хўжалигининг соф фойдаси ҳажми ўтган йилдаги нисбатан 278070 минг сўмга ортган. Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткич таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Фермер хўжалигида 2012 йилда ҳам, 2011 йилда ҳам давр харажатлари ялпи фойдага нисбатан катта суммани ташкил этган. Демак, хўжалик раҳбарияти давр харажатларини кескин қисқартириш чораларини кўриши керак, деб ҳисоблаймиз.

Рентабелликда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Жумладан, сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг таҳлили унинг ҳисобот давридаги ҳақиқий кўрсаткичини режадаги ёки ўтган йиллардаги даражасига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Сўнгра ушбу ўзгариш қайси омиллар ҳисобига содир бўлганлиги аниқланади ва ҳар бирининг таъсир доираси таҳлил қилиниб, баҳо берилади.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш орқали аниқланади. Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги ўзгаришига икки омил таъсир қилади.

– маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;

– сотилган маҳсулотлар бўйича олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни «Рамазон» фермер хўжалиги маълумотлари асосида сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг таҳлили мисолида кўришимиз мумкин (3-жадвал).

**3-жадвал**

**«Рамазон» фермер хўжалигида рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили**

| № | Кўрсаткичлар | 2001 й. | 2002 й. | Фарқи, (+,-) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм | 389132 | 697149 | +308017 |
| 2 | Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм | 191290 | 239675 | +48385 |
| 3 | Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм | 197842 | 457474 | +259632 |
| 4 | Соф фойда, минг сўм | 72045 | 350115 | +278070 |
| 5 | Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм | 101675,5 | 131836 | +30160,5 |
| 6 | Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм | 501171 | 814029 | +312858 |
| 7 | Корхонанинг жами мулки, минг сўм | 692522 | 1061239 | +368717 |
| 8 | Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм | 646412 | 1002908 | +356496 |
| 9 | Маҳсулот сотиш рентабеллиги, % | 50,8 | 65,6 | 14,8 |
| 10 | Асосий воситалар рентабеллиги, % | 70,8 | 265,5 | 194,7 |
| 11 | Оборот маблағлари рентабеллиги, % | 14,4 | 43,0 | 28,6 |
| 12 | Ўз маблағлари рентабеллиги, % | 11,1 | 34,9 | 23,8 |
| 13 | Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, % | 37,7 | 146,1 | 108,4 |
| 14 | Мол-мулк рентабеллиги, % | 10,4 | 33,0 | 22,6 |

«Рамазон» фермер хўжалигида 2012 йилда 2011 йилдаги нисбатан маҳсулот сотиш ва асосий воситаларнинг рентабеллик кўрсаткичлари бўйича кўпайиш ҳамда бошқа рентабеллик турлари бўйича камайиш кузатилган. Маълумотлардан кўринадики, 2012 йилда маҳсулотларни сотишдан соф тушум миқдори 308017 минг сўмга ортган, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам 48385 минг сўмга кўпайган. Соф фойда миқдори 2012 йилда 2011 йилгига нисбатан 278070 минг сўмга ошган.

Шундай қилиб, рентабелликни оширишнинг асосий омили фойда суммасини кескин кўпайтириш ҳисобланади. Фойдани кескин кўпайтириш учун сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш йўлларини излаб топиш зарур.

**А.А.ЯДГАРОВ,**
ЎзДЖТИ, и.ф.н., доцент

**Замонавий технологиялар асосида саноат тармоқларининг ривожланиш тенденцияси ва унинг иқтисодиётга таъсири**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим ва стратегик соҳаларидан бири бўлган саноат тармоқлари жадал ривожланиши миллий иқтисодиёти барқарор ривожланишига, пировард натижада эса иқтисодиёт тармоқлари узлуксиз фаолият юритишига мустаҳкам замин яратади.

Республикамизда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бўлган саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, тармоқда эришилаётган муваффақиятлар негизида изчиллик билан олиб борилаётганислоҳотлар турибди. Эндиликда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқлари бўлган саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт ва унинг етакчи саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади. Пировардида мамлакат корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, аҳолининг иш ўринлари билан бандлик ва турмуш даражалари кескин ошиб мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

Олиб борилаётган саъйи ҳаракатлар натижасида, мамлакат иқтисодиётида ўсиш кўзда тутилмоқда. Чунончи, 2013 йилнинг дастлабки 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига кўра, мамлакатда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари - 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари - 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари-6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмлари - 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари-12,4 фоизга ўсди[1].

Республикамиз саноат тармоқлари ривожи миллий иқтисодиёт учун катта аҳамият касб этиб аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини, иқтисодиёт тармоқларининг изчил ҳаракатини таъминлашда асосий ўрин тутади. Шу боис саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадида жорий йилда республикамизга хорижий инвестицияларни йўналтириш орқали 2,2 мингта янги ишлаб чиқариш обеъктлари фойдаланишга топширилди ва бунинг натижасида аҳолининг иш билан бандлиги янада фаоллашди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ҳисоблаб чиқилган экспорт ўрнини босиш самараси 4 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 39,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашда 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Давлат дастури муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Давлат дастурининг асосий мақсади республика саноат тармоқларини барқарор, изчил ва мутаносиб равишда ривожлантириш, уларнинг асосийларини диверсификация

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлиси. “Халқ сўзи”, 2013 йил 23 октябрь.

қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари қуйидагилардир:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман, саноатни ривожлантиришда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;
- мамлакатимиз саноат маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман, иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлик даражасини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифлар барқарорлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;
- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўпайтирилишини, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;
- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлик турмуш даражалари, даромадлари янада ошиб боришини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;
- саноат маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни уларнинг ишлаб чиқаришига тизимли тарзда татбиқ этиш.

Республикадаги йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказишни ташкил этиш, корхоналарга муввафақиятли синаб кўрилган, замонавий ва жаҳон даражасидаги технологияларни жадал жорий этиш орқали мамлакатимиз саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги “Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 72-сонли қарори, унинг бажарилиши ва бунда олинган натижаларга асосан 2012 йил 19 апрелда “Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 115-сонли қарори қабул қилинди. Шундан келиб чиқиб 2011 йилда вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган 418 та йирик саноат корхонасида технологик асбоб-ускуналарнинг техник аудитини ўтказиш натижасида 161,4 мингта асбоб-ускуна текшириб чиқилди, улардан 30 фоизи янгилашни ёки 2012-2014 йилларда ва кейинги йилларда фойдаланишдан чиқаришни талаб этилиши аниқланди.

Ҳозирда фойдаланилаётган асбоб-ускуналари таркибида янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналари улуши юқори бўлган вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналарда бу улуш қуйидагича: «Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ – 81,0%; «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси – 79,1%; «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ – 76,0%; «Ўзавтойўл» ДАК – 72,9%; «Ўзбеккўмир» ОАЖ – 66,6%; «Ўзбекэнерго» ДАК – 51,0%; «Технолог» ОАЖ – 46,8%.

Саноат тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий фондларини янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш, шунингдек, талаб этиладиган асбоб-ускуналар асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич жумладан, «Ўзбекэнерго» ДАКда – 38,9%, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда–9,6%, «Ўзбекнефтгаз» МХК – 8,6%, «Ўздонмаҳсулот» АК – 7,4% ва «Ўзкимёсаноат» ДАК – 6,1%ни ташкил этмоқда.

Ушбу тадбирни амалга оширишдан асосий мақсад корхоналарда замонавий ва жаҳон даражасида муваффақиятли синаб кўрилган технологияларни жадал жорий этиш орқали ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишни давом эттириш ва республиканинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, саноат тармоқларининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини оширишда, уларга инвестиция маблағларини жалб қилган ҳолда ривожланишини таъминлаш, хорижий инвесторларнинг қизиқишини ошириш, ички ресурслардан самарали фойдаланиш ва тежамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, мамлакат ҳудудларидаги барча имкониятларни эътиборга олган эркин иқтисодий индустриал ҳудудларни ташкил этиш масалаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, янгидан ташкил этилаётган ва экспортга маҳсулот чиқараётган саноат тармоқларига солиқ ва бож тўловларидан имтиёзлар бериш тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**А.С.РАХИМОВ,**
ЎзБИИТИ, илмий котиб, и.ф.н.
**А.МАМАТҚУЛОВ,**
ЎзБИИТИ, и.ф.д., к.и.х.

## Аграр тармоқда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг долзарб масалалари

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳукуматимиз томонидан бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 сонли фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури" муҳим дастур бўлди. Мелиоратив тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш хамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган ушбу давлат дастурига кўра тегишли даврда:

– магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш;

– мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларини таъмирлаш-тиклаш;

– сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткич 201,5 млрд. сўмга етди. 2008-2012 йиллар оралиғида бу мақсадларга ажратилган маблағлар 751,4 млрд. сўмни ташкил этди.

**жадвал**

**Республика бўйича 2008-2012 йилларда мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар,** млрд.сўмда

| **Тадбирлар номи** | **Жами** | **Шу жумладан:** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2008 й.** | **2009 й.** | **2010 й.** | **2011 й.** | **2012 й.** |
| Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига | 310,3 | 22,4 | 57,3 | 63,8 | 81,6 | 85,2 |
| Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига | 313,5 | 38,6 | 48,1 | 59,2 | 77,0 | 90,6 |
| Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга | 127,6 | 29,3 | 25,4 | 27,2 | 20,0 | 25,7 |
| Жами | 751,4 | 90,3 | 130,8 | 150,2 | 178,6 | 201,5 |

Манба. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2012 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация обектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтаришга эътибор кучайтирилди. Ҳозирги кунда, суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати 541,65 млн. АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2012 йилда қиймати 79,94 млн. АҚШ доллари тенг бўлган маблағлар ўзлаштирилди. Бу лойиҳалар асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда.

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2012 йиллар оралиғида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2 109 минг гектардан 2 192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 118 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш жараёнига илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Мутахассислар фикрича, замонавий агротехнологиялардан бири бўлган томчилатиб суғориш пахта экини майдонларида қўлланилиши орқали сув сарфини 30-40 фоизгача, меҳнат сарфини 50-60 фоизгача камайтириш ва ҳосилдорликни 90-150 фоизгача ошириш мумкин.

Шу кунгача 5495,8 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 1208,7 гектар ерга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, 1662,7 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизимлари жорий этилди. 2013 - 2017 йиллар оралиғида 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бунинг учун давлат ҳисобидан имтиёзли кредит беришни йўлга қўйиш, тизим жорий этилган майдонларни 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

– майдонларнинг ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, мелиоратив ҳолати;

– хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланмоқда;

– ерлар унумдорлиги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларнинг даромадлари ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ерлар фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналишидаги чора-тадбирлар ижроси изчиллигини таъминлаб, барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст майдонлар салмоғини камайтириш мақсадга мувофиқ.

Тармоқда шунингдек сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, дренаж тармоқларини қуриш ва эскиларини таъмирлаш, янги инновацион технологияларни жалб қилиш лозим.

**Х.А.БАХРЕТДИНОВА,**
ТИМИ, профессор
**Ж.Х.РАШИДОВ,**
ТИМИ, и.ф.н., доцент

## Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

Республикамизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан бормоқда. Мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар тупроқ унумдорлигини ошириб бориш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб боришга, сувдан самарали фойдаланишга йўналтирилган. Чунки, бизда қишлоқ хўжалиги асосан суғорма деҳқончиликка асосланганганлиги боис, унинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932 №2-сонли фармонини бажариш юзасидан мамалакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, «2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури» доирасида Республикамиз бўйича 3144,2 километр очиқ ва 417,2 километр узунликдаги ёпиқ-ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 143 та мелиоратив насос агрегати, 797 та вертикал дренаж ҳамда 1417 та кузатув қудуғини реконструкция қилинди ва қуришди. Бунинг учун 307,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 62785,2 километр очиқ 4420,3 километр узунликдаги ёпиқ-ётиқ коллектор дренаж тармоқлари, 5407 та вертикал

дренаж қудуғи, 194 та мелиоратив насос агрегати, 5426 та қувурли ўтиш жойлари, 6922 дона кузатув қудуғи таъмирланди ва тикланди. Бу тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатлар 127,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби саъи ҳаракатлар ижобий самара бермоқда. Бинобарин, республикамиз бўйича кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдони 108,8 минг гектарга, ер ости сизот сувларининг сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 127,4 минг гектарга камайгани айнан, шу йўналишдаги тадбирлар ижросини ижобий натижаларидир.

Кузатишлар шундан далолат берадики, амалга оширилган тадбирлар ҳудудида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 2-2,5 центнерга, ғалланики эса 2,3 центнергача ошган.

Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш унумдорлигини ошириш ишлари изчил давом эттирилиб, бу мақсад учун ажратилаётган маблағлар салмоғи йил сайин ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унинг унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз» деган фикрлари ҳам исботлаб турибди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган 2012-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар мажмуага кўра тегишли даврларда республикамиз бўйича 2805,5 километр узунликдаги очиқ зовур 410 километр ёпиқ горизонтал зовур 565 та вертикал зовур-қудуқ 42 та мелиоратив насос станцияси, 1966 та кузатув тармоғи реконструкция қилинади ва қурилади. Тадбирларни амалга ошириш натижасида 255 минг гектар майдондан зовур сувлари олиб чиқилади ва 305 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Ушбу тадбирларни молиялаш учун жамғарма департаменти ҳисобидан 333 миллиард 883 миллион сўм маблағ сарфлаши режалаштирилган.

Истиқболда, шунингдек мелиоратив объектларни тиклаш ва таъмирлашга 355 миллиард 757 миллион сўм маблағ ажратиш мўлжалланган. Ушбу молиявий маблағлар ҳисобига кўра, республика бўйича 55943,7 км очиқ зовур, 3346 км горзонтал зовур, 5389 та вертикал-дренаж қудуқ, 125 та мелиоратив насос станциясини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилади, натижада 1 миллион 132 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, тупроқ унумдорлиги ошади.

Мелиоратив ва сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган эксплуатацион ва пудратчи сув хўжалиги қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида лизинг асосида республикамиз бўйича 823 дона техника ва механизм етказиб бериш режалаштирилган. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун жамғарма департаменти ҳамда тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 118 миллиард 869 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, иқтисодий-молиявий инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган ҳозирги шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сифатини янада ошириш, сарфланаётган молиявий маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш лозим. Шу муносабат билан истиқболда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилаётган лойиҳаларга малакали мутахассисларни жалб этиш ва уларни меҳнат натижаларига қараб моддий рағбатлантириш тизимини шакллантириш лозим.

2. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида хорижий давлатлардан лизинг асосида сотиб олинган мелиоратив техникалар ёрдамида мелиоратив объектларни тиклаш ва таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилмоқда. Техникалар қуввати вақт бирлигида бажариладиган иш ҳажми, ёқилғи сарфи ва бошқа кўрсаткичлар билан бир-биридан фарқ қилади. Шу боис у ёки бу техника бажарадиган иш тури бўйича меъёрларни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун ушбу техникалар тури ва

маркаларига мос равишда бажариладиган иш турлари бўйича хронометраж ўтказиш ва унинг натижаларига асосланган ҳолда бир соатда ҳамда бир сменада бажарилган иш меъёрларини ишлаб чиқиш лозим. Бу нафақат техникалардан самарали фойдаланиш, балки ёқилғи ва бошқа ресурсларни тежашни оқилона ташкил этиш имконини ҳам беради.

3. Мелиоратив тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ иш турлари ва ҳажми кўпаймоқда. Бунга мос равишда ушбу жараёнга жалб қилинадиган техникалар сони ҳам, замонавий техникаларни моҳирона бошқара оладиган мутахассисларга талаб ҳам ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда республикамиз ҳудудларида мутахассисларни тайёрлаш курсларини ташкил этиш керак.

4. Сув хўжалиги қурилиши ишларига экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар ва бошқа мелиоратив техникалар жалб қилинади. Мазкур техникалар ёрдамида хар хил таъмирлаш, тиклаш (реконструкция қилиш) ҳамда қурилиш ишлари амалга оширилади. Ҳозирги пайтда қўлланилаётган иш меъёрлари ва баҳолар тизими давр талабига тўла жавоб бермайди. Шу боис ҳар бир иш тури бўйича бажарилган иш бирлигининг баҳосини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, ушбу техникаларга сервис хизмати кўрсатувчи ҳудудий инженеринг компанияларини ташкил этиш ва улар фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган меъёрий хужжатларни (ташкил этиш тартиби, намунавий ташкилий тузилмаси, низоми ва бошқалар) ишлаб чиқиш зарур.

5. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган молиявий маблағлар самарадорлиги олинган қўшимча ҳосил билан чекланиб қолмаслиги лозим. Аниқроғи, сарфланган сармояларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ёки аниқлашда қўшимча маҳсулот қиймати ва унинг таннархи, олинадиган фойда ҳамда сармояларни қоплаш муддати каби кўрсаткичлардан фойдаланиш, мелиорацияга йўналтирилаётган сармояларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича методик қўлланма ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

6. Мелиоратив объектларнинг жойлашиши ва техник ҳолати тўғрисида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда оператив бошқарувни янги сифат даражасига кўтариш мақсадида ахборотлар электрон базасини яратиш лозим.

7. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбиларини амалга ошириш мониторинггини олиб бориш, лойиҳа даражасида бажариладиган ҳар бир тадбирнинг муддати ва сифатини назорат қилиш, камчиликлар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур.

**У.Н.РАИМЖАНОВА,**
ТашГАУ, ассистент
**З.МУХТОРОВА,**
ТИВ, ЛВ, студентка

## Инновации в универсуме образования

Мир сегодня объединен заботой о воспитании гражданина всей планеты. Интенсивно развивается международное образовательное пространство. Поэтому мировое сообщество стремится к созданию глобальной стратегии образования человека независимо от места его проживания и образовательного уровня. В наше время прогнозируют тенденции развития мирового образовательного пространства, выделяют типы регионов по признаку взаимодействия образовательных систем и их реагирования на интеграционные процессы. Все страны объединяет понимание, что современное образование должно стать международным. Т.е. университетское образование приобретает черты поликультурного

образования. Оно развивает способность оценивать явления с позиции другого человека, разных культур, иной социально-экономической формации. При этом в университете не только сохраняется дух свободы научного творчества, но и содержательно обогащаются все учебные курсы. В мире проявляется стремление к интеграции разных типов высших учебных заведений (под эгидой классического университета) в научно-образовательные мегаполисы континентального, межрегионального и государственного значения. В разных странах наблюдается объединение университетов с промышленными комплексами. Так формируется база для научных изысканий и подготовки уникальных специалистов для современных фирм и предприятий.

И. Каримов изложил сущность инноваций в образовании следующим образам: «Мы без спешки и отступления от основных целей должны последовательно осуществлять Национальную программу. Только тогда она будет служить подъему общей культуры, тому, чтобы наши дети нашли свое достойное место в обществе».

В связи с этим, говоря словами Президента Каримова И.А., среди решающих важных вопросов нашей жизни, которые рассматриваются и обсуждаются, есть законопроекты по кардинальному преобразованию образовательно-воспитательной системы, что даст возможность поднять ее на уровень требований нового времени, приблизить прекрасное будущее гармонично развитого поколения.

Понятие «*инновация*» в переводе с латинского языка означает «обновление, новшество или изменение». Это понятие впервые появилось в исследованиях XIX века и означало введение некоторых элементов одной культуры в другую. В начале XX века возникла новая область знания, *инноватика* – наука о нововведениях, в рамках которой стали изучаться закономерности технических нововведений в сфере материального производства. Педагогические инновационные процессы стали предметом специального изучения на Западе примерно с 50-х годов и в последнее двадцатилетие внашей стране.

В Узбекистане интерес к модернизации был заложен Амиром Темуром, который сделал первые существенные практические шаги - в экономике, развитии науки и просвещения. Узбекистан – одна из немногих развивающихся стран, население которой обладает практически абсолютной грамотностью. Высокий уровень образования населения – одно из высших достижений страны. По оценкам ООН уровень грамотности взрослого населения, совокупный показатель числа поступивших в учебные заведения всех уровней, в Узбекистане выше средних значений этого показателя не только для стран со средним уровнем развития человеческого потенциала, но и для высокоразвитых стран.

В республике последовательно осуществляются реформы всех звеньев системы образования. Основными задачами Национальной программы по подготовке кадров и Закона Республики Узбекистан «Об образовании» являются повышение качества всех ступеней образования и переход к обязательному бесплатному двенадцатилетнему образованию.

Основными источниками финансирования указанной программы, наряду с бюджетными средствами, определены собственные средства предприятий и организаций, спонсоров др. Для аккумулирования средств и их целевого использования создан специальный внебюджетный фонд школьного образования.

Относительно инновации в образовании важным является вопрос совершенствовании системы образования на основе глубоких комплексных исследований и научно-практических разработок: ставит вопрос о поиске особых способов работы не столько для образования, сколько - с самим образованием: его институтами, процессами и участниками.

Своёобразной формой формой инновационной деятельности в образовании является проектирование, которое нельзя свести ни к обновлению (восстановлению полноценного старого), ни к нововведениям (внедрению некоторого новшества). Отсюда ещё один важный тезис: культурной формой инновационных процессов в универсуме образования является *проектирование, а тем самым — его развитие*.

В настоящее время можно вполне определённо говорить о нескольких типах проектирования.

Прежде всего, это *психолого-педагогическое проектирование* развивающих образовательных процессов в рамках определённого возрастного интервала, создающих условия становления человека подлинным субъектом собственной жизни и деятельности: в частности, *обучения* - как освоения общих способов деятельности; *формирования* — как освоения совершенных форм культуры; *воспитания* — как освоение норм общежития в разных видах общности людей.

Далее — это *социально-педагогическое проектирование* образовательных институтов и развивающих образовательных сред, адекватных определённым видам образовательных процессов. И, наконец, собственно *педагогическое проектирование* — как построение развивающей образовательной практики, образовательных программ и технологий, способов и средств педагогической деятельности. Именно здесь возникает особая задача проектно-исследовательской деятельности по обеспечению перехода от традиционного образования (традиционной школы, традиционных систем управления, традиционного обучения и воспитания) к образованию инновационному, реализующему общий принцип развития человека.

Иными словами, проектирование системы развивающего и развивающегося образования возможно, если одновременно осуществляются: психологическое *исследование возрастно-нормативных моделей* развития личности, педагогическое *конструирование* образовательных программ и технологий реализации этих моделей, *со-организация* всех участников образовательного процесса, *проектирование* условий достижения новых целей образования и средств решения задач развития. Что же такое сегодня «инновационное образование»? - Это такое образование, которое способно к саморазвитию и которое создаёт условия для полноценного развития всех своих участников; отсюда главный тезис; **инновационное образование — это развивающее и развивающееся образование.**

Этот новый образ образования — развивающего, инновационного — требует совершенствования нащих представлений о нём. Главное, что образование не есть социальный тренинг и окультуривание «сырой», натуральной природы человека, не есть её усовершенствование для целей социально-производственного потребления и использования на благо государства. **Образование — это путь и форма становления целостного человека**. Сущность и цель нового образования — это действительное развитие общих, родовых способностей человека, освоение им универсальных способов деятельности и мышления.

**А.З.ТАБАЕВ,**
ТИМИ, катта ўқитувчи

## Сув истеъмолчилари уюшмалари молиявий фаолиятини бошқаришда бюджетлаштиришнинг аҳамияти ва истиқболлари

Марказий Осиёда сув ресурслари танқислиги шароитида бу ресурсларини бошқариш ва етказиб бериш жараёнидаги институтционал қуйи бўғин бўлган Сув истеъмочилари уюшмалари (СИУ)нинг ўрни ниҳоятда юқори.

Мамлакатимизда сув ресурслари танқислигини юмшатиш, уларни рационал бошқаришга сарфланаётган катта миқдордаги молиявий мабалағлар самара аввало СИУларидаги молиявий муаммолар ҳал этилиши билан узвий боғлиқ. Чунки, улар қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бир бўлаги сифатида қаралади. Лекин, СИУлари фаолияти ривожланишининг нисбатан сустлиги

ҳамда белгиланган вазифаларини тўлақонли бажаралмаётганлиги уларнинг кадрлар ва молиявий маблағлар билан таъминланиш муаммоларига бориб тақалади. Бугунги кунда республикамизда 1501 та СИУлари мавжуд бўлиб, уларумумий майдони 3,86 млн. гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан, фермер хўжаликларига сув хўжалиги хизматларини кўрсатиб келмоқдалар. Улар томонидан 2012 йилда сув истеъмолчиларига режалаштирилган 45,8 млрд. сўмлик ўрнига 38,4 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди. Шундан 26,5 млрд. сўм ёки кўрсатилган хизмат ҳақининг 69 фоизи тўлаб берилди. Бунга асосий сабаб шартномавий муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги ёки нотўғри режалаштирилилганидир.

Сув истеъмолчилари ҳар ишлаб чиқариш йили якунида келгуси молия йили давомида қилинадиган харажатлар ва уларнинг молиялаштириш манбалари, яъни ирригация хизмати бадаллари СИУлари бюджетида қатъий белгилаб қўйилади. Бюджет ушбу ушмалар миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, жами даромад қийматини аниқлаш ва тақсимлаш натижасида ўз тасарруфида қоладиган пул фондининг шаклланиши ва ундан окилона фойдаланишни билдиради. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида “бюджетлаштириш” атамаси иқтисодий адабиётларда ва ишлаб чиқариш фаолиятида кенг қўланилмайди, чунки корхоналарда режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш фақатгина тузилган бизнес режалаштириш ёки режалаштириш билан чекланган.

Ривожланган давлатлар бошқарув ҳисобида режалаштириш жараёнини таърифлаш учун “бюджетлаштириш” атамасидан кенг фойданилади. Бюджетлаштириш корхонанинг маълум муддатга мўлжалланган молиявий-ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ҳисобланади. Унинг афзал томони корхонанинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини маълум муддатга режалаштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ёки кўрсатилган хизматларга бўлган талабни ўрганиш, олинадиган даромад ҳажмини аниқлаш ва кўриладиган фойда миқдорини белгилашдан иборат.

Бюджетлаштириш корхонанинг асосий мақсадини амалга ошириш чора-тадбирларини режалаштириш, унинг алоҳида бўлимлари ўртасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ходимларининг ички тартиб қоидаларга риоя қилишини таъмин-лашга, бўлим раҳбарларига ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига кўмаклашиш ва белгиланган режаларнинг бажарилиш даражасини баҳолашларида асос ҳисобланади.

Режалар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

– режалаштирилган даврда ишлаб чиқариладиган ёки кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва миқдори;

– ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда қатнашадиган ходимлар, фойданиладиган асбоб ускуналар, товар-моддий заҳиралар;

– ишлаб чиқиладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматнинг сотиш баҳосини белгилаш ва олинадиган пул даромадини аниқлаш.

Режалаштиришни амалга ошириш жараёни бизнес режалаштиришнинг узлуксизлиги ва қўйилган мақсадга эришиш йўлларининг энг мақбулини танлаш учун кўп вариантлилик усулидан фойдаланиш ва корхона ходимларини режалаштиришга жалб этишни таъминлаш жараёнидан иборат. Корхоналарда бюджетлаштириш жараёни бош бюджетни тузишдан бошланади, уни тузиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

– биринчи босқич бюджетни ишлаб чиқиш. Бунда муомманинг кўп тартибга қўйилиши ва дастлабки ахборотларни тўплаш, иқтисодий таҳлил, ҳисоб-китоб ва улар натижаларини умумлаштириш ва лойиҳалашни баҳолаш;

– иккинчи босқич бюджетни тасдиқлаш;

– учинчи босқич бюджетни бошқариш;

– тўртинчи босқичда эса бюджетни назорат қилиш.

Бош бюджет корхонанинг раҳбари учун муҳим бўлиб, унда асосан қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш, олинган натижаларни режа билан таққослаб тегишли фармойишлар бериш учун фойдаланилади.

Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги сметалар тузилади:

– моддий харажатлар сметаси;

– ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари сметаси;

– асосий фаолиятдаги устама харажатлари сметаси;

– маъмурий бошқарув харажатлар сметаси.

Корхонанинг бош бюджети операцион бюджет, инвестиция бюджети ва молиявий бюджетлардан ташкил топади. Операцион бюджет таркибига ишлаб чиқариш бюджети, товар-моддий захиралар ва асосий воситаларни сотиб олиш бюджети, захиралар бюджети ва давр харажатлари бюджети киради. Инвестиция бюджети корхонанинг бюджет капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси ҳисобланади. Корхона бош бюджетининг муҳим таркибий кисми молиявий бюджет ҳисобланади. Унинг ёрдамида олинган пул даромадлари, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи, даромаддан тўланадиган солиқ ва тўловлар, ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган харажатларни қоплаш ва кўриладиган фойда ёки зарар тўғрисида тўлиқ маълумот олинади.

Амалиётда “қуйидан юқорига” ёки “юқоридан қуйига” режалаштириш усуллари қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг “қуйидан юқорига” усули кўпроқ қўлланилмоқда, чунки бунда корхоналар ўз имкониятлари даражасида унинг бўлимларида амалга оширилиши назарда тутилган хизматлар ҳисобга олинади. “Юкоридан қуйига” усули асосида белгиланган режалар бутун корхона бўйича ишлаб чиқилади ва улар бўлимлар учун тезкор режалаштиришга асос бўлади.

СИУнинг йиллик бюджетини тузиш учун биринчидан, штат жадвали бўйича ажратилган иш ҳақи умумий қийматини, иккинчидан, бажариладиган иш ҳажмлари учун сарфланадиган харажатлар умумий қийматини аниқлаш зарур. Мазкур уюшмаларнинг йиллик бюджети тўрт қисмдан иборат бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Йиллик иш ҳақи фонди. Йиллик иш ҳақи фондини аниқлаш учун штат жадвалига киритиладиган ходимлар сони, тариф бўйича уларнинг разрядларига ойлик маошлар белгиланади. Уюшма умумий йиғилиши қарори билан ёлланма ходимларнинг иш ҳақига қўшимча 40 фоиз миқдорида моддий рағбатлантириш фонди. Бундан ташқари ёлланма ходимларга ҳар йили бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам тариқасида фонд ташкил этилиши мумкин.

2. Ижтимоий суғурта ажратмаси. Барча юридик шахсларга, мулк шаклидан қатъий назар, ижтимоий суғурта учун 25 фоиз миқдорида тўлов белгиланган.

3. Ишлаб чиқариш харажатлари қиймати. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар: арик–зовурларни тозалаш, иншоотлар ва техникаларни таъмирлаш, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, алоқа хизмати, пудратчи ташкилотларнинг бажарган ишлари, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва бажарилган бошқа ишлар учун сарфланган харажатлар мажмуи ривожланиш бадали қийматини белгилайди. Ривожланиш бадали учун йиғимлар ҳар бир аъзонинг суғориладиган экин майдонига қараб белгиланади. Йиллик ривожланиш бадали миқдори ушбу ажратма асосида белгиланиши лозим.

4. Маъмурий-хўжалик харажатлари. Телефон, идора учун электр энергияси, газ, сув, канцелярия харажатлар ва бошқа харажатлар маъмурий-хўжалик сарф-харажатлари ҳисобига киритилади.

Лекин, бюджетлаштириш жараёнида харажатлар бозор қийматида ва ўзгарувчан нархларда ҳисобга олинмаслиги ҳамда уларнинг ҳисоб ва ҳисобот йили давомида ўзгариб бориши эътиборга олинмаганлиги уюшмалар молиявий муаммоларининг асосийларидан ҳисобланади.

Шунингдек, бюджетнинг даромадлар қисми аниқлаштирилмаганлиги ва улар табақалаштирилмаганлиги ҳамда рағбатлантириш ва истиқболлилигининг эътиборга олинмаслиги яққол кўзга ташланади.

Одатда режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бўлиб, қўйилган мақсадга кўра эса, оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади. Тезкор режалаштириш тизими кун, ҳафта, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади. Улар жумласига ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий техника таъминоти режаси кабилар киради.

Тактик режалаштириш 3-5 йил муддатни қамроб олиб, СИУнинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Бу турдаги режалаштиришда ушбу уюшмалар мақсадининг ресурслар билан боғлик жиҳатлари таҳлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

Стратегик режалаштиришда СИУларини 5-10 йиллик муддат ичида ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу концепция уларнинг барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, тўлов қобилиятини яхшилашни таъминлайди. Стратегик режалар тузишда янги технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни ўрганиш ва жалб қилиш йўллари ҳисобга олинади. Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса унинг тактикасини амалга оширишга ёрдам беради. Демак, узоқ муддатга мўлжалланган устувор режалаштириш-нинг, яъни бюджетлаштиришнинг амалга оширилиши Сув истеъмолчилари уюшмалари молиявий муаммоларини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

**А.Р.БАХРИДДИНОВ,**
ЎзБИИТИ, к.и.х.

## Пиллачилик тармоғини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам ислоҳотларнинг натижаси, ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар тўғри ташкил этилиши билан чамбарчас боғлик. Хусусан, бу борада амалда бўлган ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг, у қандай субъект бўлишидан қатьии назар, фермер ёки деҳқон хўжалиги бўладими, қайта ишлаш ёки хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари бўладими, маҳсулот ишлаб чиқаришда ва уни сотишда бошқа хўжалик юритиш субъектлари билан ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқли эканлиги, эркинлиги, иқтисодий муносабатларнинг ихтиёрийлиги ва ўзаро манфаатли асосда йўлга қўйилиши лозимлиги, бозор субъектлари моддий манфаатларини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республикамиз қишлоқ хўжалигининг аҳамиятли тармоқларидан бири пиллачиликни бозор иқтисоди талаблари асосида ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, пилла хом ашёсини етиштириш, дастлабки қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида юзага келган маммоларни бартараф этиш, бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган саҳа бўйича алоҳида қонун қабул қилинмаган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирган қонунларда пиллачилик тармоғи фаолиятига ҳам тегишли бўлган ҳолатлар кўзда тутилган. Шунингдек, пиллачиликни ривожлантириш бўйича Республика Президентининг махсус фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳам тармоқ корхоналари фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тармоқни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва тармоқ корхоналарига ташқи ва ички инвестицияларни жалб этиш, ипакчилик корхоналари маҳсулотларининг экспорт имкониятларини кенгайтириш, республика ҳудудларида янги тутзорлар барпо қилиш масалалари кенг кўламда амалга оширилиши пиллачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини шакллантириш имкониятини яратди.

Мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий хужжатлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, пиллачилик тармоғини бошқариш, унинг моддий техника таъминотига масъул бўлган ташкилотлар, бевосита пилла етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш корхоналари доирасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида пиллачилик тармоғи ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Хусусан, республика бўйича 2006 йилда 20230 тонна хом пилла етиштирилган бўлса, 2008 йилда 23450 тоннани, 2009 йилда 23972, 2012 йилда эса бу миқдор 25011,7 минг тоннани ташкил этиб, 2006 йилдагига нисбатан 4781,7 тонна кўп ёки 23,6 фоиздан ортиқ пилла хом ашёси тайёрланди.

Лекин, пилла етиштириш миқдори 2000-2010 йилларда барқарор равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2011-2012 йилларда камайиши кузатилган. Пилла етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан бир қути ипак қуртидан оланаётган пилла ҳосилдорлиги кўрсаткичи кейинги йилларда қисман ўсганлиги эгалигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Лекин бундай ҳолат республиканинг барча вилоят ва туманларида ҳам кузатилмайди.

Бундан ташқари республика бўйича бир қути ҳисобига пилланинг ўртача ҳосилдорлиги 2010 йилда 55,3 кг, 2011 йилда 56,3 ва 2012 йилда 56,4 кг ни ташкил этиб, бу борадаги кўрсаткичи 2010 йилдагига нисбатан 1,1 килограмга, 2011 йилдагига нисбатан эса 0,1 килограмга ўсган, аммо, 2012 йилда 2010 йилдагига нисбатан пилла ҳосилдорлиги Қорақалпоғистон Республикасида 5,1 килограмга, Сурхондарё вилоятида 0,6 килограмга, Бухоро ва Жиззах вилоятларида 0,1 килограмга ва Хоразм вилоятида 6,3 килограммга камайиб кетган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тармоқ фаолиятини тартибга солишда нафақат юқорида қайд этилган ҳужжатлар балки пиллачилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан эьтиборда тутилган ҳолда ишлаб чиқилган техник меъёрларга ҳам таянди. Хусусан, пиллачиликда асосан тирик ва қуритилган пиллаларга давлат стандартлари ўрнатилган бўлиб, улар пилланинг фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ва асосий техник талаблар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан қабул қилинган "Тут ипак қуртининг тирик ва қуруқ пиллалари учун республика стандартлари тўплами" асосий меъёрий хужжатдир.

Қайд этилган меъёрий ҳужжатлар таҳлили ва соҳадаги тегишли мутахассислар билан бўлган мулоқат жараёнида шу нарса аёнлашдики амалдаги бўлган стандартлар асосан 1995-1999 йилларда қабул қилинган бўлиб деярли эскириб қолган. Жаҳон пилла бозоридаги бугунги кундаги талаблар, пиллачилик маҳсулотлари сифатига талаблар, пиллачилик озуқа базасини шакллантиришдаги ўзгаришларни, пиллани қайта ишлаш технилогиялари, техник ускуналар такомиллашиб боришини ҳисобга олган ҳолда стандартлар талаблари ҳам ўзгариб бориши лозим. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнлари жадал бераётганлиги муносабати билан пиллачилик тармоғида ҳам тўлиқ халқаро стандартларга ўтиш масаласига жиддий эътибор қаратилиши зарур.

Фикримизча ушбу масала, яъни пилла хом ашёси ва қуруқ пиллаларнинг барча турларига ўрнатилган стандарт ва техник шартлар халқаро нормалар талаблари асосида қайтадан кўриб чиқилмаганлиги ҳам маълум маънода фермер ва деҳқон хўжаликлари

томонидан етиштирилаётган пилла хом ашёси, ярим тайёр, тайёр ипак махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари сифатининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

Республика пиллачилик тармоғи корхоналари фаолиятининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, пилла етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш тизими корхоналари ўртасида узвий (кооперацион) алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун қонуний асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Маълумки, аграр соҳада кооперация муносабатлари қишлоқ хўжалиги тармоқлариаро ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан янада самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, бу суъбектлар ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатиш орқали уларнинг моддий манфаатдорликларини таъминлаш учун замин яратилади.

Республикамизда кооперация муносабатлари жараёнлари қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларда самарали кечмоқда. Кооперация муносабатларини жорий этиш учун барча имконият ва қулай шароит мавжудлигига қарамай, пиллачилик тармоғида ушбу жараённи ривожлантириш эътибордан четда қолмоқда. Фикримизча бунга асосий сабаблардан бири тармоқда кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари етишмаслиги ҳисобланади.

Чунки, бугунги кунда амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида пиллачилик тармоғида кооперция мунсабатларини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш имконияти мавжуд эмас. Бизнингча қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, унинг пиллачилик тармоғида кооперация муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун аввкаломбор ҳуқуқий базасни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида” ги қонуни қабул қилиниб, бунда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан, пиллачиликнинг ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли моддалар ва бандлар киритилиши лозим.

Пиллачилик тармоғи бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, пиллани дастлабки қайта ишловчи ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимига кирувчи “Туман пилла” МЧЖ лари хусусийлаштирилган бўлиб, акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тутчилик ва пиллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва “Туман пилла” МЧЖ лари ўртасида кооперация муносабатларини ташкил этиш назарий жиҳатдан мумкин бўлсада, бундай жараённи амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари етарли эмас.

Шунингдек, пилла қуритиш корхоналарининг акциядорлик жамиятлари кўринишида қайта ташкил этилганлиги, пилла хом ашёсини етиштириш эса фермер хўжаликлари ва “Ўзпахтасаноат” корхоналари қошидаги пилла етиштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчалари томонидан амалга оширилаётганлиги ушбу масалага ўзига хос тарзда ёндашишни талаб этади.

Амалга оширилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига таянган ҳолда пиллачиликнинг ҳуқуқий ҳамда меъёрий асосларини ривожлантириш ва бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари қуйида акс эттирилган (1-расм).

Хулосамиз шундан иборатки, пиллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш, пилла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, тармоқдаги мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун юқорида қайд этилган қонун ва қонуности ҳужжатлари доимий равишда такомиллаштириб борилиши лозим.

| Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардаги камчилик ва муаммолар | Муаммоларни ҳал этиш йўллари |
|---|---|
| 1). Амалдаги қонунларда пиллачилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳолатлар аксини топмаганлиги | Ҳозирда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига тегишли бўлган қонун ҳужжатларига ўзига хос бўлган тармоқларни хусусан пиллачиликни ривожлантиришни кўзда тутадиган ўзгартиришлар киритиш. (мисол учун, пиллачилик ва тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини тшкил этиш, унинг ўлчамлари, озуқа базасини шакллантириш масалалари) |
| 2). Пиллачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришда, тармоқда турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритиш усулларини жорий этишнинг ҳуқуқий базаси ночорлиги | Пиллачилик тармоғида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизими уйғунлигини таъминлаш учун дастлабки ҳолатда фермер хўжпликлари ва “Туман пилла” МЧЖлари ўртасида кооперация муносабатларини таминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш (“Қишлоқ хўжалигида кооперция тўғрисида”ги қонунга қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан, пиллачилик тармоғида кооперацияни ташкил этиш бўйича модда киритиш) |
| 3). Ҳозирги вақтда пиллачилик тармоғида амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, техник талаблар эскирганлиги ва уларни такомиллаштириш зарурати | Пиллачилик тармоғининг стратегик аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонун ҳужжатларини бозор коньюнктураси ва дунё стандартларига тўлқ мослаштириш (мисол учун, ҳозирда пилла махсулотларининг барча турларига халқаро стандарт нормаларини жорий этиш) |
| 4). Пилла хом ашёсига нарх ўрнатиш тартиби вертикал характерда эканлиги ва шу сабабли пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ушбу масалага кераклича эътибор бермаётганлиги | Пилла хом ашёсига нарх белгилаш жараёнларини эркинлаштириш. Бунда нархларни ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш тартибини жорий этиш зарур холатларда бу масалага “Туман пилла” МЧЖ ларини ҳам жалб қилиш лозим |
| 5). Пилла етиштирувчи хўжаликларнинг озуқа базаси етишмаслиги ёки улар худудлар бўйича нотекис жойлашагнлиги. Шунингдек, тутзорлар ва қаторлаб экилган тутларни парваришлаш ҳамда уларни ҳимоя қилиш бўйича меъёрий ҳужжат ва аниқ ташкилий ва иқтисодий механизмлар етарли эмаслиги | Пиллачилик тармоғи озуқа базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фермер ва деҳқон хўжаликларининг масъулиятини оширувчи, моддий жавобгарликларини таъминловчи махсус тартиб ишлаб чиқиш лозим |
| 6). Пиллачилик тармоғида шартномавий муносабатлар такомиллашмаганлиги ва шартномалар номукамаллаги натижасида ҳар йили уларда белгиланган кўплаб миқдордаги пилла хом ашёси қайта ишлаш учун етказиб берилмаслиги | Шартнома муносабатларини қатъий тартибга солиш, бунда аввало, контрактация шартномаларининг тармоқ хусусиятлари ва махсулот турларидан келиб чиққан ҳолда янги шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш лозим |
| 7). Пиллачилик ва тутчиликга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар яъни Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўлиқ бажарилмаётганлиги ва уларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш бўйича етарли даражада олиб борилматгандир | Республикамиздаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, яъни ипак қурти боқиш учун иқлим шароити, озуқа базаси мавжудлиги каби омилларни ҳисобга олган ҳолда пиллачиликни ривожлантириш бўйича махсус давлат ва худудий дастурлар ишлаб чиқиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилиш |
| 8). Пиллачиликга жалб этилаётган ички ва ташқи инестициялар нисбатан камлиги ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ҳуқуқий ва меъёрий асослар етарли эмаслиги | Республикада пиллачилик ва уни қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этишнинг имтёзли шартларини ишлаб чиқиш ва расмий тарзда эълон қилиш тармоққа киритилаётган инвестициялар ҳажми ошишига кенг имкониятлар яратади |

**1-расм. Пиллачилик тармоғининг ҳуқуқий ва меъёрий таъминотидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари**

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш шароитида касаначилик меҳнатини ташкил қилиш корхоналар ва

аҳоли орасида кооперация алоқаларини ўрнатишнинг, иш билан бандлик ва оилалар даромадлари даражасини оширишнинг истиқболли йўналишидир.

**А.Р.БАХРИДДИНОВ,**
ЎзБИИТИ, к.и.х.
**М.А.ҚУРОЛОВ,**
ЎзБИИТИ, илмий ходим

## Тутзорлар барпо этишда тут кўчатларини жойлаштириш схемалари ва иқтисодий самарадорлиги

Республика ипакчилик соҳасини ривожлантириш дастури асосида халқаро бозор талабларини тўлиқ қониқтира оладиган юқори сифатли пилла етиштириш, ҳар бир қути ҳосилдорлигини ошириш йўли билан тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш пиллачилик тармоғи олдидаги муҳим ва энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Пилла ҳосили ва сифати ипак қуртларига берилаётган тут баргининг тўйимлилиги ва миқдори билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда соҳанинг озуқа базаси ҳолатига катта эътибор берилмоқда. Ҳосилдорлиги ва ҳосилининг тўйимлилиги юқори бўлган тут навлари ва дурагайларидан иборат тутзорлар ташкил этиш ҳозирги замон талаби бўлиб қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд тут дарахтлари ҳамда улардан олинадиган барг миқдорининг чатиштириладиган ипак қуртига нисбатан мувозанати бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда республика бўйича қаторлаб экилган тутлар сони 77382 минг тупи, шундан ҳосил берадиганлари 62770 минг тупни ташкил этади.

Жами тутзорлар майдони эса 55032,9 гектарни, шундан ҳосил берадиган қисми эса 43992,3 гектарни ташкил этмоқда. Ушбу тутзорлардан олинган барг ҳосили 497440 тонна бўлиб, буни юқоридаги жадвалда кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки парваришланадиган ипак қурти ўртача 450000 қутини ташкил этади. Белгиланган меъёрларга асосан бир қути ипак қурти учун ўртача 1140 кг барг зарурлигини ҳисобга олсак, парваришланадиган жами ипак қуртига 513 минг тонна барг талаб этилади. Демак, 2012 йилда талаб этиладиган барг миқдори 15,5 тоннага кам бўлмоқда. Қайд этилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, ипакчилик тармоғини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган барг етиштириш масаласига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Бунда қаторлаб экилган тутлар ва тутзорлар ҳосилдорлигини ошириш, тутзорларни ташкил этишнинг самарали схемаларини жорий этиш яхши натижалар беради.

Ҳозирги кунга қадар республикада ипакчилик билан шуғулланувчи турли шаклдаги фермер хўжаликларида ипак қурти озуқаси учун ташкил қилинадиган, бута шаклида экиладиган тут дарахтидан ташкил топган тутзорлар бундан бир неча ўн йиллар муқаддам тавсия этилган усулда ташкил этилган бўлиб, унга биноан бир йиллик ниҳоллардан фойдаланиб келинган. Бу усулда ташкил қилинадиган барги озуқабоп тутлар ҳозирги кун талабига жавоб бермайди: бундай тутзорларга экилган ниҳолларнинг кўкариш фоизи жуда паст.

**1-жадвал**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд тут дарахтлари ҳамда улардан олинадиган барг миқдорини парваришланадиган ипак қуртига нисбатан мувозанати***

| Ҳудудлар номи | Тут қаторлари, минг туп | | | Тутзорлар, га | | | Умумий олинадиган барг миқдори, тонна | Парваришланадиган ипак қурти миқдори, минг қути | Пилла етиштириш ҳажми, тонна | Ҳосилдорлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | ш..ж. ҳосил берадигани | Жами олинадиган барг миқдори, тонна | Жами | ш.ж; ҳосил берадиганлари | Жами олинадиган барг миқдори, тонна | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3134,0 | 2907,0 | 11628,0 | 2714,0 | 2189,0 | 12258,4 | 23886,4 | 14500 | 810 | 55,9 |
| Андижон | 6419,0 | 5304,0 | 21216,0 | 4791,0 | 3662,5 | 20510,0 | 41726,0 | 59000 | 3295 | 55,8 |
| Бухоро | 13582,0 | 10933,0 | 43732,0 | 5222,0 | 4677,0 | 26191,2 | 59923,2 | 53000 | 3090 | 58,3 |
| Жиззах | 1363,5 | 1209,3 | 4837,2 | 1669,8 | 1230,4 | 6890,2 | 11727,4 | 11000 | 605 | 55,0 |
| Қашқадарё | 4024,4 | 3273,5 | 13094,0 | 8871,1 | 7814,2 | 43759,5 | 56853,5 | 50000 | 2795 | 55,9 |
| Навоий | 2561,4 | 2097,2 | 8388,8 | 1686,6 | 1308,0 | 7324,8 | 15713,6 | 16500 | 955 | 57,9 |
| Наманган | 6067,8 | 5273,1 | 21092,4 | 5222,4 | 4632,5 | 25942,0 | 47034,4 | 49000 | 2645 | 54,0 |
| Самарқанд | 8109,2 | 6918,2 | 27672,8 | 8143,2 | 6466,4 | 36211,8 | 63884,6 | 50000 | 2645 | 52,9 |
| Сурхондарё | 6607,1 | 4315,2 | 17260,8 | 3434,1 | 2367,8 | 13259,7 | 30520,5 | 27000 | 1470 | 54,4 |
| Сирдаё | 1060,3 | 927,5 | 3710,0 | 1516,1 | 1018,4 | 5703,0 | 9413,0 | 11000 | 585 | 53,2 |
| Тошкент | 6335,3 | 5992,0 | 23968,0 | 3585,0 | 2636,5 | 14764,4 | 38732,4 | 28000 | 1545 | 55,2 |
| Фарғона | 13069,0 | 9391,1 | 37564,4 | 3667,0 | 2618,6 | 14664,2 | 52228,6 | 43000 | 2500 | 58,1 |
| Хоразм | 5049,7 | 4229,6 | 16918,4 | 4510,6 | 3371,0 | 18877,6 | 35796,0 | 38000 | 2060 | 54,2 |
| Жами | 77382,7 | 62770,7 | 251082,8 | 55032,9 | 43992,3 | 246356,9 | 497439,7 | 450000 | 25000 | 55,6 |

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Изоҳ: Ҳосилга якка қатор тутларнинг бир тупидан 4,0 кг, бир гектар тутзордан 5,6 тонна барг олиниши назарда тутилган.

Тажриба бута тутзорларини ташкил этиш учун 4х0,5 м схема қўлланилиб, бунда тут ниҳолларининг бир йиллик кўчатлар ва пайвандланган бир йиллик навли кўчатларидан фойдаланилган ҳамда улар бир хил шароитда агротехника қоидаларига биноан парвариш қилинган. Олимлар томонидан олиб борилган кузатувлар натижасида ниҳол ва кўчатларнинг кўкариш фоизи, бир йиллик новдасининг ўсиши, барг ҳосили, илдиз бўғзининг йўғонлиги, барг сатҳи ва вазни аниқланган.

Ипак куртини ягона озуқаси бўлган барг берувчи тут нави ёки другайнинг асосий хўжалик қиймати белгиларидан бири барг ҳосилдорлиги ҳисобланади. Пиллачиликни тобора ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда сифатли навдор тутларни кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Тутзорларни бевосита навдор тутларнинг қаламчаларидан ўстирилган кўчатлар асосида ташкил этиш тадбирлари ҳам пиллачиликнинг озуқа базасини кенгайтиришда камхаражат усуллардан ҳисобланади.

Озуқа тут дарахтларининг хиллари, тутзор ташкил этиш учун ер танлаш, уни экишга тайёрлаш, кўчатларни экиш техникаси, тутларга шакл бериш ва уларни парвариш қилиш агротехникаси қуйидагилардан иборат:

Биринчи турга қаторлаб экилган тут дарахтлари кириб, улар йўл ёқалари, доимий ариқ ва зовурлар бўйлари ҳамда алмашлаб экиш далаларининг чегараларига бир қатор ёки бир неча қатор қилиб жойлаштирилади. Бу хилда экилган тутлар мамлакатимизда пиллачилик озуқа базасининг 75 фоизини ташкил этади.

Қаторлаб экилган тутларнинг афзаллиги шундаки, уларни ўстириш учун алоҳида ер майдонлари талаб этилмайди. Шох-шаббали дарахтлар майдон ичидаги экинларни совуқ шамол ва гармселнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиб, пахтазор иқлими яхшиланишига имкон яратади, тутнинг ҳар томонга таралиб ўсган илдизлари ариқ ва зовурлар ёнбағрини емирилишдан (эрозиядан) сақлайди, суғориш каналларига соя ташлаши туфайли сувнинг буғланишини камайтиради, сизот сувлар сатҳини камайтиради.

Бундан ташқари, қаторлаб экилган тутлар пахта майдонининг атрофида сув оқиб турадиган доимий ариқ ёки каналлар бўйлари ўтқазилгани учун сувга муҳтож бўлмайди. Бундай дарахтларнинг барги ҳосили ҳамиша мўл ва тўйимли бўлади.

Қаторлаб экиладиган дарахтларнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор. Жумладан, тут кўчатлари экиладиган полосаларни тайёрлаш, кўчатларни экиш, парвариш қилиш ишларида механизациядан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди, ўсаётган тутларнинг мол-ҳоллардан шикастланиши рўй беради ва баргини қуртхонага ташиш учун кўп қўл меҳнати ҳамда транспорт харажатлари сарфланади. Йўл ёқаларида жойлашганлиги туфайли тут барглари чанг билан, транспорт воситалари тутунлари билан ифлосланиши натижасида барги сифатининг ёмонлашуви бевосита пилла ҳосилдорлиги пасайишига ва ундан олинадиган ипак сифатига ҳам салбий таъсир ўтказади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда етиштирилаётган пилла ва ипак маҳсулотларининг сифати бошқа давлатлардагига нисбатан паст бўлаётганлигига асосий сабаблардан бир ҳам шу. Шунга қарамай, қаторлаб экилган тутлар ҳозирги вақтда ва яқин келажакда пиллачиликнинг асосий озиқ базасини ташкил этади.

Иккинчи турга махсус тутзор (плантация)лар кириб, улар алоҳида ажратилган ер майдонларида ташкил қилинади. Булар, ўз навбатида баланд танали ва бута шаклидаги тут дарахтларидан ташкил топган тутзорларга бўлинади. Бу тутзорлар Хитой, Япония ва бошқа давлатлар тажрибасига асосланиб, Ўзбекистонда 1930 йиллардан кейин кенг қўлланила бошланган. Бундай тутзорларда тутларни экишдан тортиб, парвариш қилиш, тут баргини тайёрлаш ва бошқа агротехник тадбирларни бажаришгача бўлган ишлар механизмлар зиммасида бўлиши меҳнат унумдорлигини ошириб, ишчи кучи сарфини камайтиради.

Учинчи турга тут дарахтини бошқа хилдаги дарахтлар билан аралаштириб экилган иҳота дарахтлари киради. Бундай тутлардан уруғ тайёрлаш ва қисман баргидан қурт боқишда фойдаланиш мумкин.

Тут дарахти танасининг паст-баландлигига қараб, уч гуруҳга ажратилади:

Биринчи гуруҳга илдиз бўғизидан шох-шаббасигача бўлган оралиғи 1,0-1,2 метргача келадиган баланд танали дарахтлар ;

Иккинчи гуруҳга илдиз бўғизи билан шох-шабба ўртасидаги оралиғи 0,5-1,0 м гача келадиган пакана ёки бута тутлар ;

Учинчи гуруҳга танаси 0,3 м дан паст бўлган ва ер бағирлаб кесиладиган (масалан, кенг қаторлаб экиладиган) бута тутлар киради.

Тут дарахтларини қаторлаб экиш учун йўл ёқалари, доимий ариқ ва зовур бўйлари ҳамда алмашлаб экиш майдонларининг томонлари бульдозер ёки скрепер ёрдамида экиш полосаси 1,2-1,5 метр кенгликда текисланади ва 28-30 см чуқурликда ҳайдалади. Айни вақтда мўлжалланган органик ўғитларнинг жами ва фосфорнинг 50 фоизи ҳайдаш олдидан солинади. Кўчатни экиш олдидан полоса бороналаб текисланади.

Қаторлаб экилган тутларни парвариш қилиш. Тут кўчати кузда ёки эрта кўкламда экилишидан қатъий назар, экиш тугалланиши билан тут қаторидан 60-70 см қочириб ариқ очилади ва дарҳол суғорилади. Шундай қилинганда илдизлар атрофида тупроқ яхши зичланиб, совуқ урмайди ва қуриб қолмайди. Янги экилган кўчат илдизлари ўсув даврида қайта тикланиши ва ўсиши суст бўлиб, тупроқнинг пастки қатламы ёки ён атрофига кенгроқ тарала олади. Шуни ҳисобга олиб, кўчатлар сув оқиб турадиган ариқ, канал ён бағри ёки экин майдонлари атрофига экилган бўлишига қарамай, улар биринчи йили алоҳида 6-7

марта, кейинчалик 2-3 йилгача, мавсумда 15-20 кунда, ундан кейинги йилларда эса 4-5 марта суғорилади. Қаторлаб экилган дарахтлардан мўл барг ҳосил олиш учун улар мунтазам равишда ўғитлар билан озиқлантириб турилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, шох-шаббасига кўп каллакли шакл бериладиган дарахтлар бир каллакли дарахтларга нисбатан икки баробар узоқ яшаб, барг ҳосили 1,3-1,5 марта кўп ва анча тўйимли бўлади.

Тутзорга экилган кўчатларнинг яхши кўкариши, тез ҳосилга кириши ва кўп йиллар мўл барг олиниши учун ер майдонини танлаш ва уни экишга тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Қалин қаватли батқоқланмаган, сизот сувлар сатҳи 1 м дан паст жойлашган, шағалсиз ёки шағали кам бўлган, шўрланмаган ёки кам шўрланган ва сув билан етарли таъминланган ерлар тутзорлар учун яроқли ҳисобланади. Бедапоя ва юқори агротехника асосида ишлов берилган экинзорлардан бўшаган ерлар унумдор тупроқли бўлиб, бундай майдонда ташкил қилинган тутзорларда тут тез ривожланади, мўл ва тўйимли барг ҳосили беради.

Баланд танали тутлардан иборат кўчат экиш муддати ва техникаси қаторлаб экиладиган баланд танали тутларникига ўхшаш. Тутзорда қатор орасига ишлов бериш ва ўғитлаш ишларини амалга оширишда қаторлаб экиладиган бутасимон тутлардаги каби механизмлардан фойдаланилади. Фақат фарқи қаторлаб экиладиган бута тутларга бир томонлама – узунасига, баланд танали тут дарахтларидан иборат тутзорга эса икки томонлама – ҳам узунасига, ҳам кўндаланг ишлов бериш мумкин. Тутзор қатор ораларидан унумли фойдаланиш учун улар бўш қолмаслиги ва тутларни яхши парвариш қилиб туриш мақсадида, 2-3 йилгача қатор ораларига тут дарахти парваришига мос келадиган қишлоқ хўжалиги экинлари экилади.

**2-жадвал**

**Кўчатларни экиш схемаси ва экиладиган кўчатлар сони, га**

| Тут танасининг баланд-пастлигига қараб тутзор хили | Экиш схемаси, Метр | Кўчатлар сони, дона |
|---|---|---|
| Баланд танали | 4x4 | 625 |
| Баланд танали | 4x3 | 833 |
| Баланд танали | 3x3 | 1111 |
| Ўрта танали (0,8-1,0м) | 3x1 | 3333 |
| Ўрта танали | 2,5x1 | 4000 |

Ўзбекистонда тутзор қатор ораларига ғўза, эртаги картошка ва карам, қанд лавлаги ҳамда дуккакли ўсимликлар, унумдорлиги паст ва қисман шўрланган тупроқли районларда беда ва оқ жўхори экиш мумкин. Лекин бунда тут қаторлари бўйлаб камида 1 м кенгликда экилмаган полоса қолдирилиши шарт, шунда тутларнинг теварак атрофига ишлов бериб туриш мумкин бўлади.

Тутзорларга кечки экинлар экиш мумкин эмас, чунки уларни суғориш натижасида тутнинг ўсиш даври жуда чўзилиб кетади, бу эса новдаларнинг пишмай қолишига ва уларни совуқ уришига сабаб бўлади. Бута тутзорлар тут дарахтларидан барг етиштиришнинг тезкор усули ҳисобланиб, пиллачилик озиқ базасининг қисқа муддат ичида барпо қилишда катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда бута тутзорларга 98 фоиз другай ниҳол ва кўчат экилмоқда. Бута тутзорларни тез ҳосилга кириши ва барг етиштириш учун районлаштирилган навлар билан пайвандланган кўчатлардан ҳамда бевосита ҳалқаланган қаламчалардан ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Тор қаторли бута тутзорнинг учала схемаси (4x0,5, 3x0,5, 2,5x0,5м) да ҳам қатор орасига кенглиги 60 см қилиб, 8 қатор оралиқ экинлари экиш мумкин. Кейинги усулда тут кўчатларининг қатор ораси 6 ёки 9 метр, туп ораси эса 0,5 м бўлади. Тупи билан қатор оралиқ экинлари ўртасида тегишлича 0,6-0,9 м масофа қолдирилиб, улар 8 қатор экилади (1-расм).

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |
| Т | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** | 0 | 0 | Т |

9х0,5 м

**1-расм. Бута тутзор барпо қилишда, тут кўчати ва оралиқ экинларнинг жойланиш схемаси**

Бута тутлардан кенг ташкил топган кенг қаторли тутзорларнинг қатор орасига йил сайин оралиқ экинлари экиш ва уни парвариш қилишда қўлланган агротехник тадбирлар натижасида тутдан ҳам, оралиқ экинлардан ҳам мўл ҳосил олиш имкониятлари катта бўлади. Баланд танали ҳамда бута тутлардан иборат тутзорларда ўсадиган тут дарахтлари афзалликлари ҳам камчиликлари ҳам бор. 2-расм. Баланд танали тутлардан иборат озиқ тутзорлар узоқ (60-70 йилгача) умр кўриши, қатор ораларига механизмлар ёрдамида икки томонлама ишлов бериш мумкинлиги, танаси баланд бўлганлиги учун хайвонлардан шикастланмаслиги, совуққа ва касалликларга чидамли эканлиги билан бута тутлардан ташкил топган тутзорлардан ажралиб туради. Лекин улар экилгандан кейин бешинчи ёки олтинчи йили ҳосилга киради, новдаларини кесишда, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларида анчагина қийинчилик туғдиради. Бута тутзорлар эса тез ҳосилга (2-3 йилда) киради. Дастлабки 5-6 йил баланд танали дарахтларга қараганда 2-3 баравар кўп барг ҳосил беради. Новдаларни кесишда ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда механизмлардан тўлиқ фойдаланишга имконият борлиги паст бўйли тут дарахтларидан иборат тутларнинг афзаллик томонларидир.

Тутзорлардаги тут ораси жуда қисқа (0,5 м) бўлиши туфайли қатор ораларига бир томонлама ишлов берилиши, нисбатан қисқа (15-20 йил) умр кўриши, касалликларга осон чалиниши, тупроққа яқин барглари ишлов бериш ва ёғингарчилик туфайли ифлосланиши уларнинг камчилигидир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган навли тутларнинг ҳосилдорлиги анча юқори, лекин шунга қарамай, маълумотлар кўсатишича, тутзор хилига қараб, унинг йиллар бўйича ҳосилдорлиги бўйича қонуният мавжуд. Масалан, бута тутли тутзорнинг барг ҳосили баланд бўйли тут дарахтлариникидан дастлабки йилга нисбатан қарийиб 3 баравар, иккинчи йили ўртача 2 баравар кўп бўлган ва 10 йилга бориб, ҳосилдорлик иккала хилдагисида ҳам деярли тенглашади, ундан кейинги йилларда эса баланд танали дарахтларнинг ҳосили кўпайиб борган.

Баланд танали, бута тутзорлар ва қаторлаб экилган тут дарахтларининг афзаллик ва камчиликлари қуйидаги расмда акс эттирилган (2-расм)

Бинобарин, ипак қурти озиқ базасини тобора мустаҳкамлашда бута тутзорларни кенгайтириш катта роль ўйнайди.

| Баланд танали тутзорлар | Бута тутзорлар | Қаторлаб экилган тут дарахтлари |
|---|---|---|
| **Афзалликлари:**<br>Баланд танали озиқ тутзорлар узоқ (60-70 йилгача) умр кўриши, қатор ораларига механизмлар ёрдамида икки томонлама ишлов бериш мумкинлиги, танасининг баланд бўлганлиги учун хайвонлардан шкастланмаслиги, совуққа ва касалликларга чидамли эканлиги билан бута тутзорлардан ажралиб туради.<br><br>**Камчиликлар:**<br>Бешинчи ёки олтинчи йили ҳосилга киради, новдаларини кесишда, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ишларида анчагина қийинчилик туғдиради. Барг сифатининг бута тутзорларга нисбатан ёмонлиги. | **Афзалликлари:**<br>Бута тутзорлар тез ҳосилга (2-3 йилда) киради. Дастлабки 5-6 йил баланд танали дарахтларга қараганда 2-3 баравар кўп барг ҳосил беради . Новдаларни кесишда ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда механизмлардан тўлиқ фойдаланишга имконият борлиги паст бўйли тутларнинг афзаллик томонларидир. Пиллачилик озуқа базасини қисқа муддат ичида кенгайтириш имконияти бор. Кенг қаторли бута тутзорларда қатор орасига мунтазам равишда оралиқ экинлар экиш орқали мўл ва арзон нархда барг етиштириш имконияти орқали пиллачиликнинг рентабеллик даражасини ошириш имконияти юқори бўлади..<br>**Камчиликлар:**<br>Қисқа умр кўриши (15-20 йил), икки томонлама ишлов бериш имконияти йўқлиги, тупроққа яқин (қуйи) баргларининг ёғингарчилик ва ишлов бериш жараёнида ифлосланишидир. | **Афзалликлари:**<br>Алохида ер майдонлари талаб этилмайди, майдон ичидаги экинларни совуқ шамол ва гаримселлардан химоя қилади, ҳар томонга таралиб ўсган илдизлари ариқ ва зовурлар ён бағрини (эрозия) емрилишидан асрайди, ариқ зовурлардаги сувларнинг буғланиш даражасини камайтириши, сизот сувлар сатхини пасайтиради.<br><br>**Камчиликлар:**<br>Тут кўчатларини экиш ва парвариш қилишда, механизмлардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, чорва моллардан шикастланиши, кўча ёқаларидаги тутлар баргининг чанг ва техникалардан чиқадиган газлар таъсирида ифлосланиши натижасида барг сифатининг ёмон бўлишидир. |

Бу хилдаги тутзорларни сербарг навдор тутларнинг пайванд кўчатидан ва айниқса, қаламчасидан барпо қилинганда баргини иккинчи ўсув йилидаёқ ипак куртига бериш мумкин. Озиқ тутзорлардаги тутларни бутасимон шаклда ўстириш кўпроқ афзалликларга эга бўлиб, пиллачилик озиқ базасини қисқа муддат ичида кўпайтириш ва айниқса, навдор тутлардан ташкил қилинадиган кенг қаторли бута тутзорларнинг қатор орасига мунтазам равишда оралиқ экин экиш туфайли мўл ва арзон нархда барг етиштириш мумкин. Бу эса, фермер хўжаликлари учун қулай бўлиб, пиллачилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга рентабеллик даражасини оширишига ҳам имкон яратади.

**О.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
Урганч ДУ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди
**Р. ЭШЧАНОВ,**
Хоразм Агромаслаҳат Маркази, мутахассис
**Н.ИБРАГИМОВ,**
ЎзПИТИ, катта илмий ходим
**А.АКРАМХАНОВ,**
Хоразм Агромаслаҳат Маркази, ИКАРДА,
**А.ВОЛКОВ,**
Ўзбекистон, ГЭФ, Кичик Грантлар Дастури

## Ерларни лазер нивелирида текислаш – кам сув, юқори ҳосил ва қўшимча даромад манбаи

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суғорма деҳқончиликка асосланган соҳа маҳсулотлари 90–95 фоизи шу майдонларда етиштирилади.

Экинларни парваришлаш ва ҳосил етиштириш бир неча агротехник тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилади. Шулардан бири–ерларни текислашдир. Қишлоқ хўжалигида ерларни текислашдан асосий мақсад дала майдони нишаблигини сақлаб қолган ҳолда суғориш ва механизациялашган агротехник тадбирларга тўсқинлик қиладиган *баъзи нотекисликлар*ни йўқотишдан иборат.

Ҳозирги кунда деҳқонларимиз жуда яхши билишадики, дала майдони юзаси текислиги суғориш сувларидан самарали фойдаланиш, майдонни бир текис намлаш, тупроқнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, экинларни бир текис ривожлантириш ва улардан юқори ҳосил олиш ҳамда иқтисодий самарадорлик ошишига кўмаклашувчи омиллардан биридир. Бу тадбир шунингдек, механизация ишларини енгиллаштириш, энергия сарфини камайтириш ва иш унумини оширишга ҳам ёрдам беради. Ерларни текислашда дала майдони рельефининг баланд жойлари тупроғи паст жойларга сурилади. Ерларни текислаш ишлари трактор ва махсус (узун ёки қисқа базали) текислаш механизмларида амалга оширилиб, даланинг баланд жойлари кесиб олиниб, паст жойларига ташланади. Қишлоқ хўжалигида анъанавий усулда тракторчининг кўзи ёки деҳқон- фермернинг топшириғи бўйича дала майдони юзаси текисланади.

Фермерлар билан суҳбат давомидаги маълумотларга кўра, анъанавий усулда ерларни текислаганда, ҳар бир гектар дала майдони рельефи энг камида 10–15 см.га фарқ қилиши мумкин экан. Албатта, анъанавий усулда бундан ҳам аниқроқ қилиб ерларни текислаш усули бўлмаса керак.

Бир қарашда ушбу текислашдаги дала релъефи жуда кам фарқ қиладиган, ёки бўлмаса, ўта аниқ қилиб текисланган бўлиб кўринсада, аслида ҳар бир гектарга ортиқча сув сарфи 1000–1500 $м^3$ни ташкил қилади. Чунки, даланинг ўша 10–15 см бўлган баланд жойини ҳам суғориш керакда! Агар 100 гектар дала суғориладиган бўлса, дала майдон релъефи нотекислигдан 100.000–150.000 $м^3$ортиқча сув сарф қилишга тўғри келади. Бунга қўшимча равишда, агар дала майдон насос билан суғориладиган бўлса ҳар бир куб сув учун 1сўмдан ҳисобланганда ортиқча сув учун керагидан ортиқ 100.000–150.000 сўм пул тўлаш керак бўлади. Қолаверса, дала нотекислигидан суғоришга кетадиган ортиқча вақт ва қўшимча ишчи кучлари ҳам ҳисобга олинса, кўрсаткичлар янада ортиши мумкин.

Энг асосийси, ортиқча сув тупроқнинг мелиоратив ҳолатига ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Мисол учун, агар суғориш сувининг минерализация даражаси *жуда кам ёки 0.5 г/л* бўлганда, ортиқча сув орқали ҳар бир гектар дала майдонига келадиган *туз миқдори 500–750 кг.*ни ташкил қилади. Бундан ташқари, ортиқча сув ер ости сувлар сатҳини кўтариб, тупроқ шўрланишини янада кучайишига олиб келади. Бу эса қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини кескин камайтиради.

Айниқча, ҳозирги глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ кейинги йиллардаги *сув танқислиги*, қолаверса *аҳолининг кескин ўсиши* ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган кундалик эҳтиёжнинг янада ортиб бориши, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ер майдонларидан янада унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Шунинг учун бугунги кун, суғорма деҳқончилиги олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири қишлоқ хўжалигида ерларни ўта аниқ қилиб текислайдиган янги инновацион технологияларни тадбиқ қилишдан иборат. Шундай технологиялардан бири суғорма деҳқончиликда *ерларни лазер нивелирида текислашдир*.

Ерларни лазер нивелирида текислаш деганда, дала майдон юзасидаги энг паст ва баланд жойлар фарқи 1-3 см.дан ошмайдиган даражадаги, *махсус жиҳозли лазер нивелирли қурилмалар ёрдамида текислаш* (Расмлар) усули тушунилади.




***Расм. Лазер нивелири қурилмаларининг ишлаш принциплари***

*Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш технологиясидан* ривожланган давлатларда уй-жой қурилиши, магистрал трасса йўлларини ётқизишда, қишлоқ хўжалигида ерларни текислаш, суғориш каналлари, дренаж ва коллекторларни ётқизишда кенг кўламда фойдаланилади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ушбу янги технологиялар эндигина кириб келмоқда ва бу технологияларни тадбиқ қилиш бўйича, Глобал Экологик фонднинг Ўзбекистондаги Кичик грантлар дастури етакчилик қилмоқда. Ушбу дастур орқали мазкур технология мамлакатимизнинг Қораколпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган вилоятлари фермер хўжаликлари далалари майдонларида бевосита амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Ерларни лазер нивелирида текислаш бўйича олинган амалий тадқиқот натижаларга кўра, ушбу технологиянинг бир неча афзал томонлари мавжуд. Унда б*иринчидан,* суғориш суви ўртача 20-25 фоизга тежалади; *иккинчидан,* сувдан фойдаланиш самарадорлиги ортади; у*чинчидан,* суғориш суви орқали ортиқча туз келишининг олди олинади; т*ўртинчидан,* суғоришга кетадиган вақт, ишчи кучи ва энергия тежалади; б*ешинчидан* экинлар бир текис унувчанликка эга бўлади; о*лтинчидан,* экинлар бир хил меъёрда озиқа моддалар ва намлик билан таъминланади; *еттинчидан,* далага суғориш сувлари орқали келадиган бегона ўтлар миқдори камаяди; с*аккизинчидан,* 1 гектар майдондан қўшимча 5–7 ц. ҳосил олишга эришилади; т*ўққизинчидан*, қўшимча олинган ҳосил ҳисобига иқтисодий даромад15-20 фоизга ортади; *ўнинчидан,* агар ерга ишлов бериш ишлари тўғри олиб борилса, дала майдон 3– 5 йилда лазер нивелирида қайта текисланиши мумкин.

Ерларни лазер нивелирида текислаш ўзи асосланадиган зарур қоидаларга амал қилишни талаб этади. Бу борадаги қўшимча маълумотларни қуйидаги интернет сайтидан олиш мумкин: www.sgp.uz;www.krass.uz. Лазер нивелирида текисланган майдонларда нафақат асосий экинларни, балки қўшимча равишда полиз ва сабзавот экинларини ҳам етиштириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ерларни лазер нивелирида текислаш кам сув, юқори ҳосил ва қўшимча даромад манъбаи ҳисобланади.

**Д.Д.БУРАНОВА,**
УзНПЦСХ, зав.кафедры, к.п.н., доцент

## Внедрение инновационных технологий в сельское хозяйство как важнейшая задача обеспечения продовольственной безопасности страны

За годы независимости в Узбекистане осуществлены кардинальные организационно-правовые меры по глубокому реформированию аграрного сектора экономики страны, направленные на диверсификацию сельского хозяйства, отход от ориентации на монокультуру хлопчатника, обеспечение зерновой независимости и продовольственной безопасности страны. При этом важнейшими приоритетами являются развитие, повышение эффективности производства и переработки плодоовощной продукции и винограда, увеличение экспортного потенциала отрасли за счет внедрения в сферу инновационных технологий.

При этом обеспечение зерновой и продовольственной независимости страны было ключевым направлением государственной политики, рассматривался как важнейший фактор обеспечения независимости страны, стабильности в обществе.

В данном направлении принят комплекс организационно-правовых мер. Прежде всего, сформирована развитая законодательная база, включающая сегодня свыше 100 актов законодательства, регулирующих вопросы внедрения рыночных отношений и развития частной формы собственности, становления новых форм хозяйствования на селе, передачу земель фермерам и дехканам, рационального и эффективного использования земельных и водных ресурсов, дальнейшего развития производства и глубокой переработки плодоовощной продукции.

Только за последние 10 лет приняты свыше 50 законодательных актов, в частности, Указ Президента Республики Узбекистан от 9 января 2006 года №УП-3709 «О мерах по углублению экономических реформ в плодоовощеводстве и виноградарстве» и Постановление Президента Республики Узбекистан от 11 января 2006 года №ПП-255 «Об организационных мерах по реформированию плодоовощеводства и виноградарства». Эти акты законодательства подняли на качественно новый уровень всю проводимую в стране работу по повышению конкурентоспособности отрасли на внешнем и внутреннем рынках.

Следует особо отметить, что важнейшим фактором успешной реализации реформ в сельском хозяйстве стали меры по развитию фермерского движения, укреплению дехканских и личных приусадебных хозяйств, развитие чувства собственника у дехкан и фермеров. Становлению и развитию специализированных плодоовощеводческихфермерских хозяйств и агрофирм в значительной мере способствовала осуществляемая налоговая и таможенная политика, направленная на улучшение их финансово-экономического состояния, внедрение инновационных технологий в сферу, укрепление их материально-технической базы, и, путем этого, насыщение рынков высококачественными товарами, поддержку экспортоориентированных отраслей экономики. В частности, фермерские хозяйства, созданные на базе специализированных ширкатных хозяйств, были освобождены от уплаты единого земельного налога сроком на 5 лет с момента создания. А вновь организованные агрофирмы освобождены от уплаты налога на доходы (прибыль), земельного налога, налога на имущество, налога на добавленную стоимость, единого налогового платежа сроком на 3 года. Это позволило фермерским хозяйствам и агрофирмам сэкономить 20 млрд. сум на поддержку и развитие их деятельности.

При этом важнейшим фактором значительного увеличения объемов производства овощных культур, насаждений плодов, ягод и виноградников стали комплексные меры, направленные на повышение урожайности культур, широкое внедрение современных методов селекции и семеноводства, эффективных технологий и агротехнических

мероприятий. Только за последние годы учеными-селекционерами создано и районировано более 60 новых высокоурожайных сортов овощных культур, 11 сортов бахчевых культур и картофеля, 35 сортов плодовых культур и винограда.

По данным НИИ им. Р.Шредера, в настоящее время сорта плодовых деревьев и винограда, созданные в Институте, занимают около 65% садов и более 50% виноградников. Осуществленные научные изыскания расширили возможности по увеличению объемов производства продукции овощеводства, бахчеводства, картофелеводства, плодоводства и виноградарства, способствовали насыщению внутреннего потребительского рынка качественными продуктами. Наблюдается устойчивая тенденция роста объемов производства практически всех видов плодовоовощной продукции, что связано, главным образом, с ростом их урожайности. Так, урожайность овощных культур возросла с 202 ц/га в 2003 году до 266 ц/га в 2012 году, картофеля – с 170 ц/га до 204 ц/га, бахчи – с 142 ц/га до 200 ц/га, садов – с 53 ц/га до 105 ц/га, виноградников – с 41 ц/га до 103,4 ц/га, соответственно.

Также осуществляются системные меры по внедрению передовых агротехнологий возделывания сельскохозяйственных культур, современных ресурсосберегающих и водосберегающих технологий. По данным Минсельводхоза, только за последние 3 года водосберегающие технологии внедрены на площади более 8,5 тыс. га, в том числе: на 5,5 тыс. га – капельное орошение; на 1,26 тыс. га – орошение с использованием полиэтиленовой пленки, устланной на бороздах; более 1,6 тыс. га – с применением эластичных полиэтиленовых труб. В частности, на сегодняшний день система капельного орошения внедрена на 3730 га садов. Наряду с этим начата работа по ускоренному внедрению современных технологий в области плодоовощеводства и виноградарства, созданию новых интенсивных садов и виноградников. Сегодня площадь садов во всех категориях хозяйств в республике превышает 244 тыс. га. Причем основная часть плантаций создана 40-50 лет тому назад, и основана на устаревших технологиях возделывания. Урожайность таких садов не превышает 100 ц/га. Поэтому Правительством осуществляются комплексные меры по поэтапной замене существующих и созданию новых интенсивных садов и виноградников с использованием карликовых и полукарликовых саженцев. Так, только за 2007 – 2013 годы создано 45,2 тыс. га новых садов и 22,5 тыс. га новых виноградников, реконструировано 80,9 тыс. га садов и 34,8 тыс. га виноградников, или около 40 процентов садов и 30 процентов виноградников обновлены. Кроме того, с учетом передового опыта зарубежных стран в республике создано 8,3 тыс. га высокоурожайных карликовых и полукарликовых интенсивных садов с применением современных технологий капельного орошения. Эффект от использования таких саженцев достигается за счет увеличения густоты посадок деревьев в 3-5 раза и соответственно увеличения урожайности минимум в 3-4 раза.

В целом, сегодня с уверенностью можно отметить, что принимаемые Правительством страны меры по кардинальному реформированию сельского хозяйства, внедрению в аграрный сектор инновационных технологий, позволяют обеспечить динамичный рост объемов производства продовольственных товаров, повышение производственного потенциала отрасли, а также удовлетворить растущие потребности населения в плодоовощной продукции. Только за последние десять лет в республике значительно возрос объем производства плодоовощной продукции и винограда. Если в 2003 году было произведено плодоовощной продукции всего 5,9 млн. тонн, то в 2012 году общий объем производства составил 14,5 млн. тонн. Производство плодоовощной продукции вырос на 2,5 раза, в т.ч. овощебахчевых и картофеля – 2,4 раза, плодов и винограда – 2,8 раз. В целом доля плодовоовощной отрасли в ВВП страны вросла с 5,2% в 2003 году, до 6,4% в 2012 году. Это позволяет не только повысить продовольственную обеспеченность населения и экспортный потенциала страны, но и обеспечить рост занятости на селе, в том числе за счет развития перерабатывающей промышленности, увеличение доходов сельского населения. Сегодня

только на производстве плодоовощной продукции занято около 900 тыс. человек или 30% от всех занятых в сельском хозяйстве.

**Ғ.А.САМАТОВ,**
ТДАЙИ, и.ф.д., проф
**И.Б.РУСТАМОВА,**
ТошДАУ, и.ф.н., доцент

## Техника ва технологиялар ривожланишининг генезиси

Замонавий илм-фанда техника техноген цивилизацияси учун, меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг кучли воситаси сифатида ва бутун жамоат ривожланишининг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади. Айнан у ривожланишнинг жабдуқдан техникагача бўлган узоқ йўлни босиб ўтган ашёвий шакли жамият ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Цивилизациялар алмашинуви асосида техника воситаларининг энг йирик ўзгаришлари ётади. Бу эса техниканинг замонавий маънодаги изоҳи тўғрисида олимлар ўртасидаги баҳсларга сабаб бўлади. Равшанки, техника ривожланиши муайян нисбатда илм-фан ривожланиши билан бирга боради. Адабиётларда "техника", "техник ресурслар", "техник салоҳият" каби атамаларнинг пайдо бўлиши ҳам айнан унга боғлиқ. Ушбу муносабат билан айрим тушунчаларга аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқ: “Техника” тушунчасининг моҳияти нимада, илм-фан ва техника ривожланишининг нисбати қандай?

Грек тилидан таржима қилганда "техника" атамаси "санъат", "ҳунар", "кўникма" маъноларини англатади. Бундай таъриф XX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган ва у ҳозирги кунга қадар асосий таъриф ҳисобланади. Техниканинг жисмоний ва конструктив шакллари фақатгина ташқи "қоплама" яъни ҳодиса, аммо "техника" тушунчасининг моҳияти эмас.

Технологиялар – ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш зарур бўлган биологик, агротехник, техник, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасини акс эттирадиган, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқ ва илмий-асосланган усуллари тизимидир.

Иқтисодиёт, фалсафа фанлари техник фанлар соҳасидаги адабий манбалар шарҳига асосаланган ҳолда, техника ва технология моҳиятига бўлган ёндашувларни учта асосий йўналиш бўйича таснифлаш мумкин: тарихий, фалсафий ва илмий-услубий (1-расм).




**1-расм. Техника ва технологияларнинг моҳияти ва аҳамиятини аниқлашга бўлган ёндашувлар таснифи**

Техника ва технология моҳиятининг айрим жиҳатлари унинг ривожланиши генезиси турли илмий соҳаларда фақатгина уларга хос контекстда кўриб чиқилади: техник, иқтисодий, жамоавий ва ҳ.к.лар.

Тарихий ва илмий-услубий ёндашувлар тадқиқотларда энг кўп учрайдиган ёндашувлардир.

Бизнингча, техника ва технологиянинг ривожланиши генезиси тўғрисидаги тадқиқотларда фалсафий ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: Фалсафа, илм-фан ривожланишига асос бўлган билимларни ўзида мужассамлаштиради, бу эса илм-фаннинг исталган тармоғидаги муаммони чуқуррок ўрганиш имкониятини беради. Айнан фалсафа соҳасида техника биринчи марта махсус таҳлил ва тадқиқот предмети бўлди: файласуфлар, асосан, техника ривожланиши қонунларини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Фалсафий ёндашувни қўллаш меҳнат қуроллари пайдо бўлиши сабаблари, техника ривожланиши назариялари, унинг жамият ва замонавий иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолаш натижалари тўғрисидаги гипотезаларни тизимлаштириш имконини берди. Техника ривожланишининг тарихий жараёнига олимлар қарашларининг амалга оширилган таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, унинг ривожланиш мантиқини тақдим этиш мумкин (2-расм).

Техника ва технологиялар таҳлилининг биринчи қадамлари XIX асрнинг иккинчи ярмида немис файласуфлари орасида, "техника фалсафаси" деб ном олган тадқиқотлар йўналиши кўринишида юзага келган. Техника фалсафаси бўйича замонавий адабиётларда илм-фан ва техника нисбатининг тўртта асосий модели ажратилади: чизиқли (О.Майер, Дж.Бернал), эволюциявий (С.Тулмин, Дерек де Солла Прайс), илм-фан техникаси (Г.Беме) ва техник фанлар (А.Койре). Уларнинг барчаси, у ёки бу маънода бир тарафлама, аммо техника ва технология ривожланишининг эволюциявий модели энг адекват ҳисобланади.




**2-расм. Техника ва технологиялар ривожланишининг тарихий жараёни**.

Бизнингча, техника ва технологиялар ривожланиши табиат, инсон фаолияти билан яқин алоқада бўлади, аммо, энг муҳими, техника илм-фан билан яқиндан боғланган. Илм-фан ва техника ривожланишининг манбаи бўлиб инсон меҳнати (ишлаб чиқариш жараёни) ва

унинг интеллектуал ривожланиши хизмат қилади. Меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши бирламчи, ундан кейин техника; ишлаб чиқариш эса иккита категория ўртасидаги боғловчи бўғин ва бир вақтнинг ўзида уларнинг ривожланишини рағбатлантирувчи сабаб бўлади.

**С.ЎРОҚОВ,**
"Агро-Парвоз", МЧЖ бошқаруви раиси

## Мотодельтапланлардан фойдаланишнинг афзалликлари

Иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ҳам авиация хизматидан фойдаланиш йил сайин кенг тарқалмоқда. Айни вақтда бу жараённи амалга кенг татбиқ этиш, унинг самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштириш йўлидаги саъйи ҳаракатлар янада ривожланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг бир йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигида ўта енгил авиациядан фойдаланишни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, авиациянинг бу тури бошқаларига ўзининг қатор техник ва иқтисодий афзалликлари билан ажралиб туради.

Бошқа мамлакатлар билан бир қаторда, Республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши курашда янги технологияларни жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш, қўлланилаетган химикатлардан имкон қадар унумли фойдаланиш ва бундай тадбирларнинг умумий самарадорлигини янада ошириш мақсадида муайян даражадаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда республикамизда илк бор 1999 йилда «AGRO-PARVOZ» Кўп тармоқли авиация ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат авиация назорати нозирлигининг сертификати ва тегишли хизмат кўрсатиш учун лицензияси олинган. Ушбу ташкилотнинг мутахассис ва ходимлари томонидан янги фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш учун қилган меҳнатлари натижасида муҳим ахамиятга эга қатор муваффақиятларга эришилди. Бу ўринда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш усуллари- мотодельтапландан инновацион фойдаланиш истиқболлари, ғалла майдонларига трактор ва мотодельтапланлар ёрдамида ишлов беришнинг иқтисодий таҳлилини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ўртача туман миқёсида 8000 га ғалла майдони бўлиб, ҳосилдорлик 40 ц ишлаб чикариш 32000 тонна бўлганда, 1 тоннаси 300 минг сўм, ҳар бир тадбир учун агротехник муддат 10 кун, 1 кунлик иш меъёри ОВХ трактори учун 20 га, мотодельтаплан учун 300 га режалаштирилса.

Ғалла майдонининг ўртача зарарланишини:

1. Бегона ўт трактор 8000 x 15% = 1200 га :20 га/кун =60 : 10 кун = 6 дона

– Мотодельтаплан 8000 x 15% = 1200 га : 300 га/кун = 4 кун = 1 дона, шунингдек,

2. Занг касаллиги трактор 8000 x 20% = 1600 га :20 га/кун =80 : 10 кун = 8 дона мотодельтаплан – 6 кун 1 дона.

3. Ҳасва ва бошқа ҳашаротлар- трактор 8000 x 30% = 2400 га : 20 га/кун =120 : 10 кун = 12 дона, мотодельтаплан – 1 дона.

4.Суспензия (баргидан озиқлантириш) трактор 8000 x 100 % = 8000га : 20 га/кун = 400 дона: 10 кун/муддат = 40 дона. Шу майдон 10 кунда мотодельтапланда ишлов бериш учун 3 дона мотодельтаплан керак бўлади, холос.

Суспензия (баргидан озиқлантириш) 2- маротаба амалга оширилиши мумкин.

Умумий ишлов бериш майдони (1200+1600+2400+8000=13200 га). Бунга 2-маротаба суспензия билан ишлови берилиши (8000 га) киритилмаган.

**Т р а к т о р (ОВХ) қўлланилганда п а й ҳ о н**

Экин майдонларида ҳаракатланаётган тракторнинг учала ғилдираклари умумий ҳисобда 1 м. дан зиёд кенгликда ғалла ниҳолларини пайҳон қилади. Тракторнинг ишлов бериш қамров кенглигини 20 м. деб олинганда, 1 га (100м x 100м) ўлчамдаги майдонда, қайрилишларни (разворот) ҳисобга олганда 7 м. кенгликдаги ғалла ниҳоллари пайҳон бўлади. Бу миқдорни 7 сотих деб олиб, пайҳон бўлган ниҳолларнинг ўртача 50% қисми ўзини тиклашини этиборга олиб, пайҳон натижасида йўқотиладиган ҳосил майдонини 50% ҳар гектар ҳисобига 3,5 сотих деб қабул қиламиз.

Ҳар гектаридан ғалла ҳосилдорлигидан ўртача 40 центнерлигидан келиб чиқиб, ҳисобласак, 3,5 сотих майдонда пайҳон натижасида йўқотиладиган ҳосил миқдорини гектарига 140 кг ташкил қилади.

1.Бегона ўт 15%=1200 га x 140 кг. ғалла = 168000 кг. = 168 т.

2.Занг касаллиги 20%=1600 га x 140 кг. ғалла = 224000 кг. = 224 т.

3.Ҳасва ва бошқа ҳашаротлар тушган майдон умумий майдоннинг 30%и 2400 га. x 140 кг. ғалла = 336000 кг. = 336 т.

4.Суспензия (баргидан озиқлантириш) жами 100% майдонда 2 марта ўтказилади, найчалаш давригача 1марта бўлса, 8000 га x10% пайхон = 800га x 140 кг =112000кг=112 т.

Бошоқ чиқаргандан кейин, озуқага энг мухтож бўлган даврда 2-марта ўтказилса 30% пайхон 8000 га. x30%=2400 x 140 кг. ғалла = 336000 кг. = 336 т.

Жами 168+224+336+112+336= 1176 т.

**<u>Т р а к т о р (ОВХ) қўлланилганда ёнилғи сарфи</u>**

1 га. майдонга ишлов беришдаги ёнилғи сарфи – 5 л.

1.Бегона ўтларга қарши кураш майдони 15%=1200 га. x 5 л = 6000 л.

2.Занг касаллиги майдони 20% = 1600 га. x 5 л = 8000 л

3. Ҳасва ва бошқа ҳашаротлар тушган умумий майдоннинг 30%=2400 га x 5 л =12000 л.

4.Суспензия (баргидан озиқлантириш) жами майдонда 2 марта x 8000=16000 x 5 л = 80000 л.

Жами талаб этиладиган ёнилғи миқдори 6000+8000+12000+80000=**106000 л.**

Жами сарфланадиган ёнилғи нархи –106000л x 1605 сўм = **170,1 млн.**

**ОВХ тракторининг ишлов баҳоси** (1 га. майдон учун – 18000 сўм.)

Ишлов бериладиган умумий майдон (бегона ўт 1200 га + занг 1600 га + ҳасва 2400 га+ суспензия 16000 га.) = 21200 x 18000 сўм/га = **381,6 млн. сўм.**

**Умумий харажат: ёкилги 170,1 млн. сўм + ишлов 381,6 млн. сўм =551,7 млн.сўм.**

ОВХ трактори билан ишлов беришда сув ташиш ва бошқа хизматлар учун жалб килинган қўшимча техника воситалари, уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ёнилғи харажатларининг ҳисоб-китоблари юқоридаги ОВХ тракторларига сарфланадиган умумий харажатларнинг **15 %** миқдорида олиниб **551,7 млн. сўм x 15% = 82,7 млн. сўм**ни ташкил қилади**.**

*** **Эслатма:** Ўқариқлар олиш, уларни кўмиш харажатлари ва пайҳон қилиниши натижасидаги йўқотишлар бу ҳисобга кирмаган.

**<u>Мотодельтапландан фойдаланиш самарадорлиги</u>**

**1. И ш у н у м д о р л и г и.** 1 соатда иш унумдорлиги 75 га. Бир кунда ўртача 4 соат (эрталаб, кечки пайт) ишлайди. Бир кунлик иш унумдорлиги 75 га x 4 соат = 300 га.

**2. Ё н и л ғ и с а р ф и.** 1 соат учишга 20 л А-91-93 маркадаги бензин сарфлайди. 1 л. бензин нархи – 1770 сўм. Кунлик сарфланадиган бензин нархи - 20 л. x 4 соат = 80 л. x 1770 сўм = 141600 сўм.

Тумандаги умумий ишлов бериладиган ғалла майдонлари учун ёнилғи сарфи. Ишлов бериладиган умумий майдон (бегона ўт 1200 га +занг 1600 га + ҳасва 2400 га + суспензия 8000 +8000 га.) =21200 га : 75 га. = 283 соат х 20 л = **5660 л.** Умумий сарфланадиган ёнилғи нархи – 5660 л. х 1770 сўм **= 10,0 млн. сўм.**

**Ишлов бериш харажати.** Мотодельтаплан калькуляцияси ёнилғи ва бошқа харажатларни ўз ичига олган бўлиб, ҳар гектарига 15000 сўмдан иборат. Жами харажат – 21200 га х 15000 сўм = **318 млн. сўм.**

Ўртача туман миқёсида 8000 га. ғалла майдони 40 ц. ҳосилдорликда 32000 тонна ғалла ҳосили етиштириши ва 1 тоннаси 300 минг сўмдан режалаштирилганда, (бегона ўт 1200 га + занг 1600 га + ҳасва 2400 га + суспензия 8000+8000 га) = 21200 га. майдонга мотодельтаплан билан ишлов берилса, трактор (OBX) билан ишлов берилганга нисбатан қуйидаги харажатлар камаяди ва йўқотишларнинг олди олинади:

1. **Пайҳон - 1176 тонна ғалла, 352,8 млн. сўм**.
2. **Ёнилғи сарфи - 106000 л. дизель ёнилғиси, 170,1 млн. сўм.**
3. **Трактор хизмат ҳақи – 381,6 млн. сўм.**
4. **Ёрдамчи техникалар ва хизматлар харажати – 82,7 млн**.

**Жами – 1157,3 млн. сўм.**

8000 га ғалла майдони, 40 ц ҳосилдорликда 32000 тонна бошоқли дон етиштирилганда ҳосили ва 1 тоннаси 300 минг сўм белгиланганда жами қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

Туман буйича 8000 гектар ғала майдонига, умумий 4 хил иш тури (21200 га) бўйича 1 га ер учун кетадиган харажатларни таққослаш жадвали

| **Трактор (OBX)** | **Мотодельтаплан** |
|---|---|
| **1157,3 млн. : 21200 га = 54600 сўм/га** | **318 млн. : 21200 га = 15000сўм/га** |
| **1157,3 млн : 8000 га = 144700 сўм/га** | **318 млн : 8000 га = 39700 сўм/га** |

***** Эслатма:** Трактор шиналари орқали занг касаллиги тарқалиши кучайиши мумкин бўлган ҳолда, мотодельтаплан билан ишланса, ушбу касаллик тарқалишининг олди олиниб, қисқа муддатларда ишлов бериш натижасида касаллик тарқалиши мумкин бўлган майдон кескин камаяди.

Ушбу тадбир чигит экишга ер тайёрлаш ва чигит экиш, униб чиққан ғўзани биринчи культивацияси мавсумида, яъни, техникага талаб юқори даражада бўлган даврда амалга оширилишини инобатга оладиган бўлсак, қўшимча равишда қатор орасида ишлайдиган **50 та** OBX трактори ва уларга хизмат кўрсатиш учун қўшимча жалб этиладиган техника воситалари чигит экиш ва ғўза парваришига бевосита сафарбар этилиши натижасида:

– оптимал муддатларда ерни экишга тайёрлаш;

– чигитни тупроқнинг ўз намига ундириб олиш;

– униб чиққан чигит ўз вақтида биринчи комплекс ишловдан ўтказилиши, бевосита ғўза ҳосилдорлигига ижобий таъсир ўтказиш имкониятини бериши хам мухим ахамиятга эга эканлиги алохида этиборга лойиқдир.

**Б.К.КАРИМОВ,**
Институт генофонда растительного и животного мира АН РУз., д.б.н., профессор.
**Б.Г. КАМИЛОВ,**
Институт генофонда растительного и животного мира АН РУз., к.б.н., с.н.с

## Внедрение интенсивного рыбоводства как основа инновационного развития рыбного сектора Узбекистана в XXI веке

Появление Государственной программы по развитию сектора рыбного хозяйства Узбекистана в 2009-2011гг., утвержденной Правительством Республики явилась мощным стимулом в развитии рыбного хозяйства. Учитывая злободневность проблемы, Комитеты Законодательной Палаты Олий Маджлиса Республики Узбекистан по «Аграрным и водохозяйственным вопросам» и «Экологии и вопросам охраны окружающей среды» на своем совместном с ведущими специалистами страны Заседании от 8 ноября 2011г. рекомендовал МСВХ РУз и НИУ страны усилить НИР в целях увеличения производства рыбы в стране и охране рыбных ресурсов естественных водоемов, включая вопросы подготовки кадров, организации новых НИ лабораторий, внедрение новых технологий. Кроме того, ГКНТ РУз было рекомендовано усилить финансирование научно-инновационных проектов по проблемам рыбохозяйственного освоения водоемов, включая вопросы интродукции высокопродуктивных видов рыб. В целях развития интенсивной аквакультуры в стране и учитывая нерешенность многих вопросов данной проблемы, Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан (МСВХ РУз) одобрил предложение АН РУз о совместных действиях по развитию сектора, что нашло отражение в подписанном двухстороннем «Протоколе намерений» от 27 июня 2011 г.

Как результат, в 2011-12 гг. общее производство рыбы в республике резко вырос и составил 15-25 тыс. т соответственно. А потребность страны сегодня - более 300 тыс.т/г. дополнительной рыбы, Только для покрытия естественного прироста численности населения мы должны производить около 5000 тонн рыбы ежегодно.

Сегодня основной фонд озер республики Узбекистан для рыболовства (озера в дельте Амударьи и Айдар-Арнасайская система озер) составляет 447000 га и их современная рыбопродуктивность (2011-2012 гг.) около 7-8 кг/га, что свидетельствует о малоэффективном использовании водоемов. Рыболовство не готово эффективно работать в условиях приватизации рыбной отрасли. Развилось примитивное рыболовство малыми сетными береговыми бригадами без квалифицированных кадров. Такое рыболовство не может сколько-нибудь заметно обеспечить рынок рыбной продукцией, но, оккупировав (арендовав) все водоемы, не позволяет развиваться другим методам использования рыбных ресурсов страны. При этом, этот неконтролируемый дикий лов негативно влияет на биоразнообразие рыб.

Теоретически можно предположить, что при такой рыбопродуктивности, из всех существующих в стране озерного фонда с общей площадью 870000 га можно получить не более 7000 т рыбы. Кроме того, общая площадь пригодных для пастбищной аквакультуры водохранилищ составляет 31045 га. Если считать, что в них будет достигнуто рыбопродуктивность как в водохранилище Тудакуль (50 кг/га), то можно получить еще дополнительно 1550 т рыбы. При такой наиболее вероятной сценарии развития рыбохозяйственного освоения ирригационной системы страны общая продукция рыболовства, включая пастбищную аквакультуру, будет составлять максимум 8550 т/год. Как практика показывает, улучшение структуры рыбных популяций озер путем искусственного зарыбления молодью промысловых рыб может повысить рыбопродуктивность с каждого га приблизительно до 25 кг. При такой сценарии-максимуме

на водоемах республики за счет рыболовства можно будет производить не более 25000 т рыбы/год.

Насчет современного потенциала существующих рыбоводческих предприятий можно судить следующим образом. На сегодняшний день в республике имеется всего 15900 га прудовых площадей. В 2011-2012гг. по данным УзНИЦРР рыбхозы производили всего 10200 – 15200 т рыбы соответственно. Следовательно, их продуктивность составляет 640-956 кг/га Если они доведут продуктивность до уровня исторического максимума (1,5-2 т/га), то республика получить от 24 до 32 тыс. т рыбы. Однако, еще неизвестно, когда этот показатель будет достигнуто.

Таким образом, при самых оптимистических сценариях развития рыбного сектора республики без интенсивной аквакультуры рыболовство и рыбоводства страны может дать рыбную продукцию от 32000 до 57000 т. А нам нужно 300000 т рыбы уже сегодня, т. е. около 250000 т рыбы дополнительно, чтобы поднять среднедушевое потребление по стране до 10 кг/год напротив 0,8 сегодня. Для сравнения скажем, что по данным ФАО соответствующий среднемировой показатель составляет 17 кг/год.

Как показывают наши исследования, практически во всех гидроэкосистемах республики качество водной среды благоприятное для культивирования рыб в условиях интенсивного разведения. Многообразие применяемых в мире систем и объектов разведения рыб делает целесообразным выбора стратегии развития рыбохозяйственного сектора. Для холодноводного рыбоводства пригодны все горные и, особенно, предгорные регионы республики, а в случае использования рек и каналов – вплоть до верхней части равнинных участков рек (до г. Ташкента на примере реки Чирчик).

Наиболее эффективным для современных условий Узбекистана развитие тепловодного рыбоводства может быть на базе лентических водоемов, например - прудов, что справедливо не только для экстенсивного, но и для интенсивного рыбоводства. В прудах вода прогревается, а в проточных водоемах (каналах, речках) вода не успевает прогреться. Однако пруды конкурируют с другими видами сельского хозяйства за воду и за земельные площади. Реалии таковы, что свободных площадей поливной земли и самой воды в республике для новых прудов практически нет. Значит надо максимально использовать имеющиеся рыбоводные пруды – огромные по площади, а также озер-накопителей дренажных вод и крупные дренажные каналы, в которых вода прогревается. Таким образом, вода в стоячих и медленно текучих водоемах ирригационной сети является самым большим резервом республики для развития рыбного хозяйства. И это – стратегически важный вывод. Создание мощнейшей ветви рыбного сектора страны – интенсивной аквакультуры в виде садкового рыбоводства – является великолепной альтернативой с огромным социально-экономическим и экспортным потенциалом.

Мы исследовали основы садкового и бассейнового разведения рыб и рекомендуем к развитию оба направления. Однако самой перспективным типом систем для республики все-таки являются садки, которые могут практически полностью базироваться на прудах. Можно строить простые по строительству садки с объемом 6-10 куб. м для выращивания товарной рыбы. Кроме этого огромное количество садков может быть установлено в равнинных озерах-накопителях дренажной воды (Айдаро-Арнасайская система озер и др.), где вода достаточно прогревается. Водохранилища вряд ли можно рекомендовать как основу развития, так как в них воду спускают летом, а спуск воды – это стресс для рыб. Хотя, некоторые водохранилища, имеющие достаточно большой мертвый объем могут быть успешно использованы для садковой технологии (Тудакульское, Талымарджанское, Ахангаранское и др.).

Для озер-накопителей дренажной воды можно рекомендовать несколько более крупные по размерам садки – до 30-40 кубометров, при этом объем увеличивать за счет глубины садков. Важным моментом будет место установки садков (особенности дна озера,

уровенного и ветрового режимов, особенно в штормовую погоду и т.д.), а также наличие инфраструктуры и электричества. Указанные вопросы показывают, что для каждого садкового хозяйства в озерах-накопителях необходимо будет разрабатывать собственное биологическое обоснование.

Ориентация прудов на садковую технологию имеет еще один очень большой потенциальный плюс для рационального водопользования. В настоящее время пруды заполняют весной водой. В среднем на 1 га пруда заливают 15000 м$^3$ воды. На компенсацию испарения воды добавляют еще 7000-9000 м$^3$, т.е. на весь вегетационный период из оборота воды в республике теряют в среднем 22000-24000 м$^3$ на каждый гектар. Весь год воду удобряют, чтобы повысить ее плодородие. А осенью воду спускают и ловят всего лишь 0,1 кг рыбы с кубометра воды. Ни о каком комплексном или устойчивом использовании воды не может быть и речи. Мы же предлагаем превратить пруд в озеро, наполнить его один раз и далее не спускать его. В прудах установить садки, с которых получать рыбу с продуктивностью 40-100 кг/м$^3$. Садки могут занимать до 3% от площади прудов. Сам пруд будет заселен рыбой также как и сегодня. Пруд при этом будет выполнять функцию механического и биологического фильтра, давая при этом дополнительной рыбной продукции 20 ц/га при значительной экономии кормов и удобрений. Корма будут вносить только в садки. В этом случае только имеющиеся 15900 гектаров прудов теоретически могут обеспечить рост производства рыбы до 450 -500 тысяч тонн рыбы в год. Резко сократятся затраты воды, так как будут использовать только 7-9 тысяч м$^3$ (вместо 22-24 тысяч) на 1 га только на компенсацию воды на испарение. Это будет реальная водосберегающая политика. Это особенно актуальна, если учитывать-то, что сегодня лишь 1,5% водных ресурсов страны используется рыбоводством (аквакультурой), однако, в будущем к 2025 году это доля возрастет как минимум в 3 раза (Обзоры результативности экологической деятельности. Узбекистан, 2-обзор. Нью-Йорк и Женева, 2010).

В тех же прудовых рыбхозах, а также на ирригационной и, особенно, дренажной системах на равнинной части республики (т.е. там, где вода прогревается) большую перспективу имеют проточные бассейны. Площадь таких рыбхозов будет ничтожна (до 0,5 га), но производство рыбы будет существенным. Продуктивность – не менее 40 кг/м$^3$ на первых порах с быстрым переходом на 100 кг/м$^3$.

Однако встает ряд важных, стратегических проблем: а) расширение ассортимента разводимых объектов, б) хранение, переработка, упаковка и маркетинг рыбопродуктов, в) внедрение методов аквакультуры в зарыбление естественных водоемов для охраны природы и рыбалки населения, г) решение вопроса обеспечения сбалансированными высокопротеиновыми кормами, включая их импорт в готовом виде или ингредиентов для их производства, д) разработка технологии приготовления сбалансированных рыбных кормов с использованием преимущественно местных кормовых ингредиентов.

Самым перспективным видом рыбы на сегодня является карп (сазан), который популярен на рынке, которого можно разводить в экстенсивных, полуинтенсивных и интенсивных условиях в прудах, садках, загонах, а в питомниках использовать бассейны и установки замкнутого водоснабжения (УЗВ). Это хорошо согласуется с мировым опытом. В 2000х годах в мире производят более 33 млн. тонн карпа ежегодно, что составляет около 14% от продукции пресноводной аквакультуры (Michielsens et al., 2002; De Silva, 2003). Но одним карпом нельзя ограничиваться.

Диверсификация разводимых видов, освоение выращивания новых видов, имеющих высокие показатели роста и вкусовые качества представляют большой потенциал для повышения привлекательности аквакультуры для инвесторов. В республике надо осваивать минимум 10-15 новых видов рыб и ракообразных. Их надо будет изучить, апробировать технологии разведения в местных условиях, освоить воспроизводство и завозить в республику. Список тепловодных видов в мировой фауне ограничен, но проблема в другом.

Тепловодные рыбы, ввезенные в республику, с очень высокой вероятностью выйдут в естественные водоемы и повлияют на локальное биоразнообразие. А Узбекистан подписал Конвенцию и биоразнообразии, значит такой ввоз почти недопустим. Выход – в разведении тропических видов рыб и беспозвоночных – тиляпий, белого атлантического рака и др., (которые элиминируются зимой), давно ставших традиционными в мире, а также в развитии решений, ставящих заслон выходу разводимого объекта в открытие водоемы.

Таким образом, в Узбекистане можно применить механизм развития высокопродуктивного интенсивного рыбоводства как основа инновационного развития рыбного сектора Узбекистана в XXI веке. Специализированные высокотехнологические рыбхозы должны являться основными производителями рыбы, а все водоемы (за исключением таких крупных как АСО, Сарыкамыш, Каракыр, Аякагитма, Тодаколь) целесообразно освободить от промышленного рыболовства. Их необходимо использовать для целей восстановления и сохранения биоразнообразия, отдыха населения и туристов с любительским и спортивным рыболовством.

**М.Х. ДОСМУХАМЕДОВА,**
ТошДАУ, катта илмий ходим-изланувчи

## Қора-ола зотли голштин генотипли сигирларни лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

Тошкент вилояти Қибрай тумани “Солиҳ”, “Азизжон” ва “Мурод” наслчилик фермер хўжаликларида сут етиштиришни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қора-ола зотли Исроил голштин генотипли сигирлар маҳсулдорлик генетик потенциалини намоён этишда лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологияси ишлаб чиқилди, молларни ташқи муҳит шароитига мослашиш биологик хусусиятлари аниқланди ҳамда ишнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилди. Унда маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатлар (меҳнат ҳаражати, озуқалар қиймати, амартизация ва ҳоказо ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари) аниқланди. Маҳсулотларни сотишдан олинган даромад, унинг таннархи, олинган соф фойда ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси ҳисобланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги**

| Кўрсаткичлар | 2007 йил нарҳида | | | 2013 йил нарҳида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тажриба гуруҳлари | | | тажриба гуруҳлари | | |
| | I | II | III | I | II | III |
| Сигирларнинг сут соғими (305 кун), кг | 4590,3 | 4313,0 | 3892,0 | 4590,3 | 4313,0 | 3892,0 |
| Сутнинг таркибидаги ёғ миқдори, % | 3,72 | 3,90 | 3,70 | 3,72 | 3,90 | 3,70 |
| 4 % ли ёғдорликдаги 1 кг сутга озуқалар харажати, озиқа бирлигида | 0,95 | 0,95 | 1,02 | 0,95 | 0,95 | 1,02 |
| Базис ёғликдаги (3,6 %) сут соғими, кг | 4743,3 | 4683,3 | 4000,1 | 4743,3 | 4683,3 | 4000,1 |
| Базис ёғликдаги 1 кг сутнинг таннархи, сўм | 224,5 | 224,6 | 230,5 | 805,2 | 806,3 | 827,5 |
| Базис ёғликдаги 1 кг сутни сотиш нарҳи, сўм | 306,1 | 306,1 | 306,1 | 1100 | 1100 | 1100 |
| Сут маҳсулотларини сотишдан олинган даромад, минг сўм | 1451,9 | 1433,5 | 1224,4 | 5217,6 | 5151,6 | 4400,1 |
| Сарфланган жамики харажатлар, минг сўм | 1064,8 | 1051,8 | 922,0 | 3819,3 | 3776,1 | 3310,1 |
| Олинган фойда, минг сўм | 387,1 | 381,7 | 302,4 | 1398,3 | 1375,5 | 1090,0 |
| Рентабеллик даражаси, % | 36,35 | 36,26 | 32,80 | 36,61 | 36,43 | 32,93 |

Турли Исроил голштин генотипли сигирлар (I-гуруҳ-3/4-7/8 қонли; II-гуруҳ-3/8-1/2 қонли ва III-гуруҳ-3/16-1/4) сут маҳсулдорлиги базис вариантига нисбатан (тегишлича соғим-2839 кг, 2892 ва 2170 кг) серсут қилиш технологиясида қўшимча -1751, 1427 ва 1727килограммга ошган бўлса, иқтисодий кўрсаткичларда ҳам самарадорликка эришилди. 2007 ва 2013 йиллардаги нархларида ҳисоблаганимизда сутнинг таннархи ва харид нархи кескин кўтарилганлиги кузатилади. Ушбу кўтарилиш 3,59 бараварга тенг. Шу боис харажатлар ва даромадлар миқдори кескин кўтарилган. Якуний натажада ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси гуруҳлар бўйича 36,6 ва 32,9 фоизга тенглашди.

Шундай қилиб қора-ола зотли турли Исроил голштин генотипли сигирларни лактация фазалари бўйича серсут қилишда сут маҳсулдорлиги билан бир қаторда иқтисодий самарадорлик кўтарилди. Бунда устуворлик кўрсаткичлари юқори голштин қонли сигирларга хос.

**М.Ш.ХОДЖИБОЕВ**
АндҚХИ, кафедра мудири, и.ф.н.
**А.КОМИЛОВ**
АндҚХИ, катта ўқитувчи

### Аграр тармоқ иқтисодиёти ривожланишида инновациянинг тутган ўрни ва аҳамияти

Республикамиз аграр тармоғида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши тармоқ барқарор ривожланиши учун янги техника, технология, янги нав ва зотлар, ресурслар самарадорлиги, етиштирилаётган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширишни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида маҳсулот етиштиришдан кейинги жараён билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида маҳсулот етиштириш кўламини ошириш билан бирга етиштирилган маҳсулотни сотиш ва ундан қўшимча қиймат яратилишигина қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий барқарор ва самарали ишлашига асос бўлиб, аграр тармоқ иқтисодиёти ривожланишига олиб келади.

Республика аграр тармоғида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам ушбу йўналишни ривожлантириб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга қаратилмоқда. Шунинг учун шароитга қараб истеъмол товарлари етиштиришга ихтисослашган, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқарадиган ва уларни ташқи бозорга йўналтирадиган янги ишлаб чиқаришни шакллантирган хўжалик субъектларига кредит тариқасида молиявий ёрдам берилади.

Агросаноат корхоналарининг тажрибаси уларда ҳар ҳил истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва самарадорликнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ошириш имкониятлари борлигини кўрсатади. Мисол учун, пахта-хом ашёсини, донни, мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш учун хўжаликда бу йўналишдаги фаолияти йўлга қўйилган, таъминотчилар билан маҳсулотлар бозорида тайёр маҳсулотни таклиф этадиган ва рақобатчилар билан муносабатда бўладиган инновацион ғоялар мавжуд бўлиши керак..

Тайёр маҳсулотни чиқаришда корхоналар олдида турган биринчи иш меҳнат ресурсларидан, моддий-техника воситалари ва молиявий воситалардан самарали фойдаланиш баҳонинг фойдадан устунлиги, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида асосий экин турларига нисбатан давлат томонидан белгиланган қатъий баҳо масаласи ва фермерларда истеъмолчиларни танлаш имкони йўқлиги рақобат муҳитини шакллантирмайди, яъни хом ашё ишлаб чиқариш сингари уни қайта ишлашга ҳам таъсир этади. Тайёр маҳсулот рақобатбардошлиги учун қайта ишлаш корхонаси унинг сифатини оширишга интилади, унда харажатларни пасайтиришга қизиқиши катта бўлмайди, сабаби бу харажатларнинг маълум қисми хом ашё етиштирувчиларга тегишли. Ҳақиқатда бу шароит корхонанинг инновация жараёнидаги қизиқишини пасайтиради. Шунинг учун экспортга маҳсулот чиқарувчи корхона ўзини инновацион оқимга йўналтириши лозим. Ушбу йўналиш бўйича республикада кўп ишлар қилинмоқда. Пахта хом ашёси ва буғдойни етиштириш технологияси янгиланди, уларни қайта ишловчи корхоналар янги ускуналар билан таъминланди.

Хом ашё етиштирувчилар инновацияда иштирок этиши уларнинг маҳсулот сифатини ва унинг рақобатбардошлигини оширишига имкон беради. Шу боис, инновацияда хом ашё етиштирувчиларнинг иштирок этиши бўйича механизм яратиш ва ишлаб чиқариш режасига, шунингдек, тадқиқот ишлари режасида, яъни инновациянинг илмий таъминотига ушбу масала киритилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда сиёсий, қонунчилик ва бюджет масалалари ижросини таъминлашда, илмий-техника тараққиёти ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш ва режалаштириш ҳамда давлатнинг узоқ муддатли йирик дастурларини ишлаб чиқиш ва молиялаш каби масалаларда инновацион ғоялардан кенг фойдаланилади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва хизматлар бўйича муаммоларни ҳал қилиш орқали эришилади. Салбий анъаналардан воз кечиш ва қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ўсиши тармоқни тўлиқ ривожлантириш учун ишлаб чиқариш инновациясини қўллашни талаб қилади.

Бунинг учун ер ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари қишлоқ хўжалиги экинларининг ишлаб чиқариш технологиясини янги сифат даражасига кўтариш, тармоқнинг моддий-техника базасини етарли даражага етказиш лозим. Бунда қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга, машина мажмуаси янгидан киритилишига аҳамият бериш лозим.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатини инновацион ривожлантириш масаласини кўриб чиқиш керак. Муаммолардан яна бири қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, бозор инновацияси бўйича, кўрилаётган чоралардан ташқари, йиғиб олинган маҳсулотдан самарали фойдаланиш, уларни самарали тарқатиш, қайта ишлаш саноатини кенгайтириш, ҳар хил истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдир. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқиш самарадорлигини шунингдек, ички бозордаги сингари ташқи бозорда ҳам уларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб, ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида аграр тармоқ иқтисодиётини ривожлантиришда асосий эътибор ва йўналиш маҳсулот етиштирилганидан кейинги жараён билан боғлиқ техника ва технологияларни такомиллаштириш, тармоқни инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилиши мақсадга мувофиқ.

**Ш.А.ТУРСУНОВ,**
ТошДАУ, катта ўқитувчи
**Ш.С.ДЕҲҚОНОВА,**
ТошДАУ, ассистент

**Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш агротехнологик тадбирларини ўз вақтида етарли, тизимли ва мақсадли молиялаштириш ҳамда кредитлаш тизимини амалга ошириш, иккинчи томондан, фермер хўжаликларида ҳисоб-китоблар тизими қонун асосида йўлга қўйилиши маҳсулот етиштириш миқдорини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Аграр соҳада ислоҳотларнинг барча босқичларида фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш тадбирларини молиялаштириш ва кредитлаш механизмлари, шунингдек, уларга моддий ресурслар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимидаги корхоналар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари доимо такомиллаштирилиб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида Ер кодекси ҳамда “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Микромолиялаш тўғрисида”, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, барча ҳуқуқий асослар яратилган. Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими бугунги кунда қуйидаги асосий йўналишлардан иборат: фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш билан боғлиқ асосий харажатлар, жумладан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника ва техника хизматларига, уруғлик, иш ҳақи ва бошқа харажатларни молиялаштириш. Фермер хўжаликларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан бир қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратиладиган 60 фоизли кредит маблағлари фермер хўжаликларининг ҳосил етиштиришга кетадиган харажатларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Демак, фермер хўжаликларига агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун зарур айланма маблағларга эга бўлишга амалий ёрдам бериш мақсадида бошланғич сармояни шакллантириш учун имтиёзли кредитлар беришнинг самарали механизми жорий этилган.

Республикамиз фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган ғалла ҳосили имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан қопланаётганлиги сабабли, бу ҳосилни етиштириш учун сарфланаётган харажатларнинг 60 фоизи имтиёзли кредит ҳисобидан қопланмоқда. Аммо, вегетация даврида табиий-иқлимнинг кескин ўзгариши, сурункали қурғоқчилик ва сув танқислиги шароитида, шунингдек, турли касалликлар ҳамда ҳашаротларга қарши кураш мақсадида ажратилаётган бу кредитлар миқдори етарли даражада эмаслиги, айниқса, доимий равишда ўз маблағларига эга бўлмаган фермер хўжаликларида мураккаб молиявий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Давлат буюртмаси бўлмаган маҳсулот турларини, жумладан, мева-узум, сабзавот-полиз, маҳсулотлари, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳам кредит ресурслари ажратиш тақозо қилинади.

Бугун фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжи учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш жараёнида олдиндан минерал ўғитларнинг ҳақи 100 фоиз, ёқилғи-мойлаш материаллариники эса 60 фоиз тўланган ҳолда етказиб берилмоқда. Фермер хўжалиги дастлабки (бошланғич) сармояни давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг 6 ой ичида олиши мумкин. Бошланғич сармоя учун кредит фермер хўжаликларига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача, фоиз тўлашни 12 ойгача кечиктириш

ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган техника базасини ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларига техника воситаларини лизинг асосида сотиб олиш механизми жорий этилди. Бу механизм бўйича техника воситаларини лизинг асосида харид қилиш учун дастлаб техника бошланғич нархининг 15 фоизи, қолган 85 фоизи эса 7 йил муддат ичида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжаликлари 10 йил муддатгача) тўланиши мумкин. Бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматига "Ўзагросуғурта" компанияси билан суғурта шартномасини тузади. Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тарифи (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга лизингга олинадиган техникалар сони ҳар йили давлат техника дастурига киритилмоқда. Келгусида молиявий лизингга қишлоқ хўжалиги техникаларини ажратишда биринчи навбатда молиявий жиҳатдан барқарор, шунингдек, техникалардан самарали фойдаланишини таъминлай оладиган, нафақат ўз хўжалигида, балки бошқа хўжаликларда ҳам механизация хизматини кўрсатишга қодир бўлган фермер хўжаликларига берилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ пахта тозалаш корхоналари 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан озод этилди, натижада фермерларга пахта учун тўланадиган ҳарид нархлари шу миқдорда кўтарилди. Шу орқали Республика ҳукумати томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, чорва маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғидан; фермерга тегишли лойиҳада ерни ўз ҳисобидан ўзлаштирган тақдирда кейинги 5 йил мобайнида мазкур ерлар ягона ер солиғидан; қишлоқ хўжалигига олиб киритиладиган минитехнологиялар қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан; 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги "*Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 3709-сонли фармони ҳамда 2006 йил 11 январдаги "*Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида*"ги 255-сонли қарорига мувофиқ агрофирмалар даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўловидан давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 3 йил муддатга озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли қарорига мувофиқ балл-бонитети паст ерларга 180 млрд сўм ажратилди. Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди. Республикамиз бўйича тупроқ унумдорлиги 60 балл-бонитетдан кам бўлган майдонларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларининг кўраётган зарарлари қоплаб берилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, республикамизда фермер хўжаликларини молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали, барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Республика Президенти ва ҳукумат томонидан тизимли ҳамда манзилли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Булар пировард натижада фермер хўжаликлари товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош тайёр маҳсулот сотишлари учун мустаҳкам пойдевор яратади.

**А.А.АБДУЛЛАЕВ**,
АндҚХИ, и.ф.н., доцент
**О.А.ШЕРМАТОВ,**
АндҚХИ, и.ф.н., доцент

## Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий омиллари ва улардан самарали фойдаланиш

Республикада қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жараёнига тармоқ тараққиётини белгиловчи асосий омил сифатида қаралмоқда. Модернизациялаш жараёни қишлоқ хўжалигига нафақат янги техника ва технологиялар жорий этилишини, балки соҳада ахборот ресурсларини қайта ишлаб, иновацияларга айлантира олишга қодир бўлган, сифат жиҳатдан янги кадрлар шаклланишини ҳам тақозо этади. Модернизациялаш инновацион жараён билан ўзаро узвий боғликликда амалга оширилиши зарур. Сабаби, модернизациялашнинг самарадорлиги улар амалга оширилиши жараёнида инновацион технологиялардан қай даражада фойдаланилишига бевосита боғлиқ.

Хулоса қилиб айтилганда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш маълум бир даврни талаб этадиган мураккаб ва кўпқиррали техник-технологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, у аниқ мақсадларга йўналтирилган махсус истиқболли дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита кўрсатмалари асосида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Андижон вилоятида ҳам қишлоқ хўжалигини, хусусан, деҳқончиликни модернизациялаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Деҳқончиликни модернизациялашда асосий эътибор янги техника ва самарали технологияларни жорий этиш, ходимларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш ҳамда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш омилларига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Чунки модернизациялашнинг якуний натижалари кўп жиҳатдан ушбу омиллардан узвий боғликликда самарали фойдаланилишига боғлик.

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида янги техника ва самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлидан борилмоқда. Жумладан, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги техникалар сони 2012 йил 1 январ холатига аниқланиб, хизмат муддатлари ва ишга яроқлилиги бўйича чуқур таҳлил қилинди. Натижада мавжуд 16531 та техника воситасининг катта қисми жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўла эскирганлиги аниқланди. Хусусан, хайдов тракторларининг 46 фоизи, транспорт тракторларининг 67 фоизи, ғалла ўриш комбайнларининг 50 фоизи, трактор тиркамаларнинг 69 фоизи ва бошқа русумдаги қишлоқ хўжалиги машиналарининг 60-70 фоиздан кўпроғи 15 йилдан ортиқ хизмат қилаётганлиги маълум бўлди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини янги техника ва самарали технологиялар билан таъминлашда кескин ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. 2012 йилда лизинг асосида 6 млрд 570 млн сўмлик 141 та қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олинган бўлса, 2013 йилда амалга

оширилаётган шартномалар бўйича бу кўрсаткичлар мос ҳолда 25 млрд 661 млн сўмни ва 542 тани ташкил этади. Яъни жорий йилда 2012 йилдагига нисбатан ушбу соҳага ажратилган молиявий маблағлар ҳажми 3,9 мартага, харид қилинаётган техникалар сони эса 3 мартага ошмоқда. Таққосланаётган йилларда олинаётган қишлоқ хўжалик техникалари таркибида деҳқончилик учун ҳозирги кунда ўта зарур бўлган ҳайдов ва чопиқ техникалари ҳамда дон ўриш комбайнлари сони 75 тадан 224 тага кўп.

Деҳқончиликни модернизациялаш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга бўлган навбатдаги йўналиш – ходимларнинг касбий тайёргарлигидир. Ҳозирги кунда деҳқончилик бўйича фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларининг янги техника ва технологияларни самарали қўллаш бўйича билим даражаси, малакаси ва амалий кўникмалари талаб даражасида эмас. Бу соҳада нисбатан яхши кўрсаткичларга эга бўлган пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларининг меҳнат жамоалари таркибида ҳам бевосита қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли ходимлар улуши ўртача 12-15 фоизни ташкил этади холос.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра, Президентимизнинг 2010 йил 18 октябрдаги ПФ-3512-сонли фармойиши асосида мақбуллаштиришдан ўтган 6175 нафар фермер хўжаликлари бошлиқларининг 2279 нафари ёки 36,9 фоизи олий, 2721 нафари ёки 44,1 фоизи ўрта-махсус ва қолган 1175 нафари ёки 19,0 фоизи ўрта маълумотлидир. Жами фермер хўжаликлари бошлиқларининг 21,1 фоизини иқтисодчилар, 28,5 фоизини агрономлар, 16,8 фоизини муҳандислар ташкил этади, колган 33,6 фоизининг эса мутахассислиги йўк.

Модернизациялаш жараёнида ходимларни касбий жиҳатдан янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга самарали жорий этаоладиган даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш лозим. Бунда уларнинг камида 6-8 та қўшимча касбга эга бўлишларини таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Ушбу масалани ҳал этишда ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнида умумий ходимлар сони қисқариши ва малакали ишчи кучига бўлган талаб кескин ошиши каби ўзгаришлар ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Модернизациялаш жараёнидаги асосий омиллардан бири суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши асосида тупроқ унумдорлигини оширишдир.Чунки, деҳқончиликни модернизациялашнинг якуний самарадорлиги охир-оқибатда ушбу омилга бевосита боғлиқ.

Бу соҳада Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли фармони асосида 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Андижон вилоятида жами экин майдонларининг 10,1 фоизи ёки 9447 гектари турли даражада шўрланган бўлиб, унинг 4584 гектари ёки 5,2 фоизи ўртача ва қолган 4 863 гектари ёки 4,9 фоизи кам шўрлангандир. Кейинги 5 йил давомида (2008-2012 йилларда) мелиорация тадбирларига 45 млрд сўмдан ортиқ маблағлар ажратилиб, унинг 17 млрд. 918 млн. сўми реконструкция ва қурилиш ишларига, қолган 27 млрд. сўми эса таъмирлаш-тиклаш ишларига сарфланди. Жумладан, 2012 йилда 8 млрд. 541 млн.сўмлик 21 та таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари асосида 1089 км узунликдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тармоқлари тозаланди. Ундан ташқари умумий қиймати 6 млрд. 943 млн.сўм бўлган 13 та қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари ҳам тўла амалга оширилди.

Юқорида таҳлил этилган асосий йўналишлар бўйича вилоятда амалга оширилаётган чора-тадбирлар маълум даражада ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, 2012 йилда деҳқончиликнинг асосий тармоқлари ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорлик мос ҳолда 37,1 ва 62,2 центнерга етказилди. Иқтисодий самарадорликнинг асосий якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик пахтачилик бўйича 12,0 фоизни, ғалла етиштириш бўйича

36,8 фоизни ташкил этди. Лекин экин турлари бўйича эришилган рентабеллик ҳали талаб даражасидан анча паст, уни оптимал даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш зарур. Акс ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган меъёрларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлмайди.

Хулоса килиб айтилганда, вилоятда деҳқончиликни модернизациялаш омилларидан самарали фойдаланиш асосида тармоқ маҳсулоти рақобатбардошлигини кескин ошириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш лозим.

**Я.Э.АЛИЕВ,**
ТошДАУ, и.ф.н., доцент

**Қишлоқ хўжалигида моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари**

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигига, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига эришилмоқда. Бунга иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллардан ўз вақтида самарали фойдаланиш натижасида эришилмоқда. Бу омиллардан самарали фойдаланишимизга мамлакатда амалга оширилаётган ривожланиш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг самарадорлиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш борасида тўпланган амалий тажриба, барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва бошқа омиллар замин бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 63 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Жами банд аҳолининг 26,7 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида етиштирилади.

Ўзбекистон жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош пахта хом ашёси етиштиришда дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда турибди. 2013 йилда мамлакатимиз аграр секторида ҳам ўзига хос ютуқларга эришилди. Пахтакорларимиз 3,350 миллион тонналик хирмон бунёд этдилар. Бошқа соҳаларда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Бундай натижалар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, табиийки, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсаётган, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш учун аграр соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларнинг самарали тизимини яратишни тақозо этмоқда. Бу борадаги энг устувор вазифа сифатли озиқ-овқат маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш, ерлардан унумли фойдаланиш, бунинг учун биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгаларини топиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш, уларни зарур маблағ билан таъминлаш каби комплекс масалаларни ҳал этишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилди. Масалан, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш бўйича асосий

харажатларини молиялаштиришни олиб кўрайлик. Бунда фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштириш харажатларини, хусусан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника хизматлари, уруғлик, иш ҳақи ва бошқа харажатларини молиялаштириш назарда тутилади. Фермер хўжаликларининг ҳосил етиштиришга кетадиган харажатларини молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 3 фоизли кредит маблағлари ажратилмоқда. Шунингдек, давлат эҳтиёжларидан ташқари маҳсулот турларини, жумладан, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳам етарли миқдорда кредит ресурслари ажратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, фермер хўжаликларини зарур айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг муваффақияти асосий шартларидан бири уларни барча зарур воситалар ва меҳнат қуроллари билан ўз вақтида таъминлашдир. Бу жараён хўжаликнинг ҳар томонлама асосланган маҳсулот етиштириш режаси ва молиявий имкониятлари билан боғлиқ бўлган, аниқ тузилган бизнес режа асосида амалга оширилади.

Бироқ, моддий-техник ресурслар жуда қимматлиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган баҳолар беқарорлиги, пул воситалари етишмаслиги туфайли фермерлар кўп ҳолларда зарур ишлаб чиқариш воситаларига эга бўла олмайдилар. Бундай ҳолат давлат томонидан тегишли тадбирлар амалга оширишни талаб этади. Масалан, мамлакатимизда фермерларни агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўладиган техника воситалари билан таъминлаш мақсадида техника воситаларини лизинг асосида сотиб олиш тизими яратилди. Бунда сотиб олинадиган техника бошланғич нархининг 15 фоизини аввалроқ, қолган 85 фоизи эса 7 йил муддат ичида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжаликлари 10 йил муддатда) тўланади. Бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматига “Ўзагросуғурта” компанияси билан суғурта шартномасини тузади. Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоизни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш мақсадида янги турдаги юқори унумли техника воситаларини ишлаб чиқариш, уларнинг таъминотини йўлга қўйиш, машина ва механизмларнинг чидамлилигини ошириш ва улардан самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, 1980 йилда бир гектар ғўза майдонига 8,7 от кучи миқдорида энергетик қувват тўғри келган бўлса, 2000 йилда 9,0 от кучи миқдорида, 2010 йилда эса 9,1 от кучи миқдорида энергетик қувват тўғри келган. Кейинги беш йил давомида жами 11772 та (8%) трактор, шу жумладан 1821 та (13%) ҳайдов, 6705 та (14%) чопиқ трактори, 3288 та (12%) культиватор, 1302 та (10%) чигит экиш сеялкаси, 831 та (17%) юқори унумли ғалла ўриш комбайни , 610 та (44%) ўт-ўргичлар, 188 та (37%) зичлаб-боғлагичлар сотиб олиниб, МТПлар ва фермер хўжаликларининг техникалари янгиланди. Натижада ҳозирги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги экинлари парвариши давомида бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси пахтачиликда 70-75 фоизни, ғаллачиликда 85-90 фоизни, боғ ва узумчиликда 50-55 фоизни , сабзавот-полизчиликда 70-75 фоизни ва ем-хашак тайёрлашда 80-85 фоизни ташкил этмоқда.

Техника воситаларидан унумли фойдаланиш, фермер хўжаликларининг механизациялашган ишларини буюртмалар асосида бажариб бериш учун туман таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналари негизида 184 та машина-трактор парки ва хўжаликлар машина-трактор саройлари таркибида 1757 та муқобил МТП ташкил этилган. Улар фермерларга шартномалар асосида хизмат кўрсатмоқда. Замонавий техникалардан самарали

фойдаланишнинг муҳим омили бўлган оператор (механизатор)ларни тайёрлашга эътибор ошди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларида 160 минг нафардан ортиқ малакали оператор ишламоқда. Уларнинг 115 минг нафари ёки 68 фоизи 1- ва 2-тоифали.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ва технологик жиҳатдан модернизация қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

– қишлоқ хўжалигида моддий-техник ресурсларнинг улгуржи савдо тизимини такомиллаштириш;

– моддий-техника ресурслари таъминоти соҳасида хизмат кўрсатиш бозорлари фаолиятини ривожлантириш;

– фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги техникалари паркини сифат ва миқдор жиҳатидан тўлиқ янгилаш;

– қишлоқ хўжалигида замонавий, ресурс тежовчи агротехнологияларни жорий этишни жадаллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини, инвестицион жозибадорлигини оширишга эришиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техник жиҳатдан яхшилашга қаратилган энг қулай чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан .

**М.Р. КАРИМОВ,**
ЎзМЭИ, катта илмий ходим-изланувчи

## Дон тозалаш самарадорлигини ошириш йўллари

Ғаллачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида деҳқончиликнинг асосий тармоғига айланди. Бугунги кунда ғалла фермер, деҳқон ва бошқа турдаги хўжаликларда етиштирилиб, ундан катта хирмон кўтарилаяпти ва республиканинг ички талаби тўлиқ қондирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда, республикада 2013 йилда 7,61 млн. тонна дон етиштирилгани ва ўртача ҳосилдорлик 55 центнерга етказилганлиги қишлоқ хўжалиги тарихидаги янги саҳифадир.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси хўжаликлар ихтиёрида қолдирилгани, деҳқонларнинг омборлари донга, рўзғорлари қут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганига ёрқин далилдир.

Ғаллачиликда ҳосил йиғиштириб олингандан кейинги асосий ишлардан бири уни бегона қўшилмалардан тозалаб олиш ҳисобланади. Сабаби, ғаллани комбайнлар билан 100 фоиз тоза ҳолатда йиғиштириб олиш имкони йўқ. Изланишлар шуни кўрсатяптики, ҳозирда йиғиштириб олинаётган дон таркибида бегона қўшилмалар миқдори ўртача 4-6 фоизни ташкил этаяпти. Бу эса уни сақлаш ва қайта ишлаш учун белгиланган меъёрларга жавоб бермаслигини кўрсатади. Чунки дон тайёрлашнинг базис меъёрларига кўра, дон таркибида бегона аралашмалар 1,0 фоиздан кўп бўлмаслиги керак.

Шу сабабли дон хўжаликларда қоладими ёки қабул қилиш пунктларига топшириладими, сақлаш ёки истеъмолга ишлатишдан олдин, албатта, тозалашни талаб этади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “Бошоқли дон экинларини йиғиштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарорда ҳам фермер хўжаликлари ва дон қабул қилиш пунктларида йиғиштирилган донни сақлаш ёки истеъмолга ишлатишдан олдин улар албатта дастлабки тозалашдан ўтказилиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Бу ишлар дон қабул қилиш корхоналарида дон тозалаш комплекслари ёрдамида амалга оширилмоқда. Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликлари, бу жараёнда, уларнинг талаби даражасидаги кичик ўлчамли дон тозалаш машиналари йўқлиги сабабли, асосан қўл меҳнати ёрдамида оддий усулга (табиий шамолдан фойдаланиб) таянилмоқда. Чунки, шу пайтгача мавжуд бўлган ОВС-25, ОВП-20А, “Петкус-вибрант” К-521, “Петкус-Гигант” К-531 дон тозалаш машиналаридан иш унуми, металл ва энергия сарфи катта бўлиб, йирик хўжаликларга мўлжалланганлиги учун улардан кичик хўжаликларда фойдаланиш ноқулайлиги ҳамда самара бермаслиги туфайли фойдаланилмаяпти.

Тўғри, юқорида келтириб ўтилган ва бошқа мавжуд машиналарнинг кўрсаткичлари белгиланган талабларга, жавоб беради, аммо, таҳлиллар давомида текис сиртли ғалвирларга эга дон тозалаш машиналарининг иш кўрсаткичларини янада ошириш имкони борлиги маълум бўлди. Хорижда дон тозалаш ишларини ўрганиш шуни кўрсатдики, Япония, Корея, Хитой каби давлатларда хўжаликлар кичик бўлганлиги сабабли, кичик ўлчамли дон тозалаш машиналаридан фойдаланиляпти.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, текис сиртли ғалвирлар юзида ҳаракатланаётган донли аралашманинг ҳаракатланишини ва шу ҳаракати давомида таъсир этувчи кучлар йўналишини ўзгартириб, донлар ғалвирда ажралишини янада жадаллаштириш мумкин. Бунга эса ғалвирга бир пайтнинг ўзида ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг тебраниш бериш орқали эришиш мумкин.

Ушбу техник ечимнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, юқори самарали, энергия-ресурс тежамкор, модернизациялашган дон тозалаш машиналарини ишлаб чиқиш ва муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, соҳа таркибига кирадиган барча тармоқ ва ишлаб чиқариш тармоқларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш вазифалари амалга ошириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, иш жараёни такомиллашган кичик ўлчамли дон тозалаш машинасини ишлаб чиқиш дон тозалаш жараёни техник ва технологик жиҳатдан янгиланишига олиб келади.

Бунинг учун эса:

– текис сиртли ғалвирларга эга ҳар хил русумдаги дон тозалаш машиналарига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва ғалвирларнинг иш жараёнини такомиллаштириш ҳамда белгиланган техник ечимни амалга ошириш имконини берадиган дон тозалаш машинаси конструкциясини ишлаб чиқиш;

– тозалашга мўлжалланган донлар ва уларнинг таркибидаги бегона қўшилмаларнинг ўлчам-масса ва физик-механик хоссаларини ўрганиш.

– такомиллашган иш жараёнига эга дон тозалаш машиналарига қўйиладиган бошланғич талабларни ишлаб чиқиш;

– такомиллашган иш жараёнига эга дон тозалаш машинаси иш органларининг параметрлари ва режимларини асослаш учун назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш;

– асосланган параметрлар бўйича такомиллашган иш жараёнига эга дон тозалаш машинасининг тажриба нусхасини тайёрлаш ва унинг синовларини ўтказиш;

– ишлаб чиқилган дон тозалаш машинасининг технологик ва энергетик кўрсаткичларини ҳамда техник–иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**О.Ш. ОЧИЛДИЕВ**,
ЎзМЭИ, катта илмий ходим

## Ўзбекистонда фойдаланишга кириб келган янги турдаги ғалла комбайнларини турли ўрим шароитларига мослаштириб ишлатиш самарадорлиги

Бугунги кунда аграр соҳада етиштирилган ғалла ҳосилини йиғиштириб олишда замонавий ва ишончли такомиллашган техника воситалари билан таъминлаш давр талаби ҳисобланмоқда. Бундай техника воситалари ўрим-йиғим мажмуасидаги машиналар комплексини модернизациялаш билан бирга ўрим-йиғим ишларини самарали ва тежамкор ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирда Ўзбекистонда ғаллани ўриб-йиғиштириб олиш учун тежамкор ва замонавий комбайнлар “Клаас” компаниясининг “Доминатор-130” ва “Нью Холланд” компаниясининг “ТС-5060” фойдаланишга кириб келмоқда. “ТТЗ” ОАЖда “Клаас” компанияси билан қўшма корхона ташкил қилиниб, “Доминатор-130” комбайнини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу комбайнлар хўжаликларимизда ғаллани йиғиштиришда бир қатор қулайликлар туғдирмоқда. Аммо, уларнинг Ўзбекистондаги турли ўрим шароитлари, яъни кам ёки юқори ҳосилли, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлардан (12-18 фоиз) паст бўлган шароитга мослашмаганлиги сабабли ўрим-йиғим даврида дон нобудгарчилиги ва ёқилғи сарфи белгиланган талаблардан катта бўлмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ғалла комбайнлари яхши иш шароитида ҳам кам ёки юқори ҳосилли, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлардан (12-18 фоиз) паст бўлган шароитда ҳам бир хил иш режимларида ишлатилмоқда. Натижада дон нобудгарчилиги айрим жойларда 15-20 фоизгача етаётган бўлса, ёқилғи сарфи гектарига 35-40 кг ни, айрим ҳолатларда эса ҳатто 45-50 кг ни ташкил этмоқда.

Юқоридаги муаммолар хўжаликларимизда фойдаланилаётган янги турдаги ғалла комбайнлари иш жараёнини чуқурроқ таҳлил этишни ва уларни турли ўрим шароитларига мослашни ҳамда ҳар бир далага индивудиал ёндашган ҳолда ғалланинг ҳолатига (ҳосили юқори ёки паст, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлар 12-18 фоиздан паст), хўжаликларнинг талаби (кўпроқ сомон олиш учун ғаллани пастроқ ўриш ёки аксинча, органик ўғит сифатида қолдириш учун баландроқ ўриш)га қараб уларнинг мақбул иш режимларини асослашни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

– юқори ёки паст ҳосилли, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлар (12-18 фоиздан) паст далаларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ғалла навлари бўйича ўримбоплик хоссаларини ўрганиш;

– фойдаланишга янги кириб келган “Доминатор-130” ва “ТС-5060” комбайнларининг ўзига хос конструктив ва технологик жиҳатларини аниқлаш;

– ушбу ғалла комбайнларини турли ўрим шароитларига мослаштириш ҳамда ғалланинг ҳолатига, яъни ҳосили юқори ёки паст, ўт босган ёки ётиб қолган, намлиги мақбул меъёрлар (12-18 фоиздан) паст бўлишига ҳамда хўжаликларнинг талаби, яъни кўпроқ сомон олиш учун ғаллани пастроқ ўриш ёки аксинча, органик ўғит сифатида қолдириш учун баландроқ ўришга қараб уларнинг мақбул иш режимларини асослаш зарур.

Маълумки, ғаллани бирор бир комбайн билан йиғиштириш бошқа комбайнлардан фойдаланишни инкор этмайди. Ҳар бир хўжалик шароитидан келиб чиққан ҳолда ўзига мақбул бўлган ғалла комбайнини танлаш ва ундан фойдаланиш имконига эга. Америка ва Европа давлатларидан фарқли равишда бизда фермер хўжаликлари дон билан бирга кўпроқ сомон йиғиштириб олишга ҳам катта эътибор қаратишади. Бунинг учун улар комбайнни мумкин қадар паст ўриш баландлигида ишлатишга ҳаракат қилишади. Бундай шароитда ғалла комбайнидаги янчувчи ва дон ажратувчи иш органларидан одатдагидан фарқли

технологик параметрлар аниқланмаса, янчигичига келаётган ғалла массаси ортиши ҳисобига унинг иш тезлиги пасаяди, дон тўлиқ янчилмай ёки ажратилмай қолиши ҳисобига нобудгарчилиги ортади.

Маълумки, комбайнлар ёрдамида ғаллани йиғиштириб олишда:

– комбайн орқасидаги ерга тўкилган дон миқдори кўпи билан 1,5 фоиз;

– бункердаги доннинг шикастланганлик даражаси кўпи билан 2 фоиз;

– бункердаги доннинг тозалиги энг камида 95 фоиз бўлиши талаб этилади.

Ўрим пайтида ерга тўкилиб нобуд бўлган ва шикастланган донни қайта тиклаб бўлмаслиги сабабли юқоридаги биринчи ва иккинчи талаблар қатъий, уларнинг кўрсаткичларини пасайтириб бўлмайди. Аммо, доннинг тозалиги белгиланган талабдан паст бўлсада, ғаллани йиғиштириш имкони бўлса, буни амалга оширишга рухсат этилади. Сабаби, ҳар қандай шароитда ҳам комбайнда йиғиштирилган дон, албатта, қайта тозаланади ва бу ишни амалга оширадиган дон тозалаш машиналари дон таркибидаги бегона аралашмалар миқдори 10-15 % бўлганда ҳам уларни тўлиқ тозалаб олишга мосланган. Шу сабабли ғаллани ўт босган бўлсада, комбайнни донни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун мослаштириш ҳам муҳим.

Сўнгги пайтларда хорижда ҳам донни ўриб-йиғиштириб олишда ҳар бир дала ҳолатига қараб комбайнларнинг иш режимларини танлаб, ҳатто уларни сунъий йўлдошлар орқали бошқариб ишлатишга катта эътибор қаратилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизда ҳам ғалла комбайнини ҳар бир даланинг ҳолатига қараб ростлаб ишлатиш дон нобудгарчилигини 15 фоизгача камайтириш, иш унумини 1,3 мартагача ошириш ҳамда сарф-харажатларни 1,2-1,3 мартага пасайтириш имконини беради. Бу ғаллани қисқа муддатларда кам нобудгарчилик билан йиғиштириб олиш, ёқилғи сарфи гектарига 20-25 кг атрофида бўлишини таъминлаш билан бирга, республика бўйича умумий миқдорда қўшимча 300-350 минг тонна дон олишни ҳам таъминлайди.

**Б.А. ХАТАМОВ,**
ЎзМЭИ, катта илмий ходим-изланувчи

## Янги маккажўхори йиғиш машинасининг иқтисодий самараси

Ҳалқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун чорва ва паррандачилик хўжаликлари ташкил этилиши натижасида ем-хашак ва озуқага бўлган талаб, хусусан, маккажўхори дони ва силосига бўлган эҳтиёж ҳам ошди. Шу сабабли, маккажўхори асосий ва такрорий экин сифатида республикамизда 500-600 минг гектар майдонда етиштирилмоқда. Уларнинг ҳосилини сарф-харажатларни камайтирган ҳолда сифатли йиғиштириб олиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавжуд технологиялар таҳлили асосида маккажўхорини кам сарф-харажатлар билан донни тезроқ йиғиштириш имконини берадиган ўрим усули аниқланди. Бу ўрим усули маккажўхорини қобиқли сўта кўринишида йиғиштириб олиш усулидир. Ушбу ўрим усулидан келиб чиқиб, уни амалга оширадиган машина ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган машинанинг иқтисодий самарасини аниқлаш мақсадида у ККП-3 “Херсонец-9” ва ККП-2 “Херсонец-10” машиналари билан таққосланди. Машиналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

**Маккажўхори йиғиш машиналарининг кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | Машина маркалари | | |
|---|---|---|---|---|
| | | мавжуд | | янги |
| | | ККП-3 | ККП-2 | МК1,8/1,4 |
| 1 | Маккажўхори йиғиш машинаси массаси, кг | 5350 | 5200 | 2850 |
| 2 | Иш унуми, га/соат:<br>– асосий вақтда<br>– смена вақтида<br>– эксплуатация вақтида | <br>0,54<br>0,27<br>0,2 | <br>0,48<br>0,33<br>0,32 | <br>0,54<br>0,38<br>0,37 |
| 3 | Хизмат кўрсатувчилар сони, киши | 1 | 1 | 1 |
| 4 | Трактор массаси, кг | 3670 | 3670 | 3380 |
| 5 | Машина баҳоси, сўм | 6500000 | 6500000 | - |
| 6 | Трактор баҳоси, сўм | 14548355 | 14548355 | - |
| 7 | Баланс баҳоси, сўм:<br>– машина<br>– трактор | <br>6600000<br>16003190 | <br>6600000<br>16003190 | - |
| 8 | Ёқилғи баҳоси, сўм/кг | 1580 | 1580 | 1580 |
| 9 | Машина юкланиши, соат | 120 | 120 | 120 |
| 10 | Машинанинг амортизация харажатлари<br>хизмат кўрсатиш харажатлари | 0,09<br>0,03 | 0,09<br>0,03 | 0,09<br>0,03 |
| 11 | Тракторнинг амортизация харажатлари<br>хизмат кўрсатиш харажатлари | 0,15<br>0,12 | 0,15<br>0,12 | 0,15<br>0,12 |
| 12 | Механизатор иш хақи, сўм/соат | 127 | 127 | 127 |
| 13 | Тракторнинг йиллик юкламаси, соат | 1750 | 1750 | 1750 |
| 14 | Машинанинг йиллик юкламаси, соат | 24,0 | 21,6 | - |
| 15 | Дон нобудгарчилиги сўта бўйича, % | 6,1 | 4,5 | 4,0 |
| 16 | Сўталарни тозалаш тўлиқлиги | 73,6 | 74,8 | - |
| 17 | Ҳосилдорлик, ц/га | 60,7 | 60,7 | 60,7 |
| 18 | Трактор қуввати о.к, (кВт) | 82 | 82 | 80 |
| 19 | Агрегат тезлиги, м/с | 0,6 | 0,6 | 0,9 |
| 20 | Агрегатнинг ёқилғи сарфи, кг/га | 27,4 | 27,4 | 23,8 |

Иқтисодий самарани ҳисоблашда ҳар бир машинага 1 гектар майдондаги маккажўхорини йиғиштиришга кетадиган эксплуатациявий, меҳнат ва бошқа моддий сарф-харажатлар ҳисобга олинди. Ҳисоблаш ишлари шуни кўрсатдики, янги машинадан фойдаланишдаги йиллик иқтисодий самара ККП-2 “Херсонец-10” комбайни билан таққослаганда 2658336,9 сўмни, ККП-3 “Херсонец-9” комбайни билан таққослаганда эса 2500836,6 сўмни ташкил этади.

**Б.Ю.МЕНГЛИКУЛОВ,**
ТошДАУ, и.ф.н., доцент

## Фермер хўжаликларида моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари

Фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини узлуксиз амалга оширишлари учун етарли миқдорда моддий ресурслар билан таъминланган бўлишлари лозим. Чорвачиликка

ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятида зарур бўлган асосий моддий ресурслар ем-хашак, ёқилғилар, ўғитлар ва бошқалар ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ошиши, ўз навбатида, моддий ресурслардан фойдаланиш кўлами ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнлари натижаси ҳамда самарадорлиги уларнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигига бевосита боғлиқ. Хўжаликнинг материал ресурсларга бўлган талабини аниқлашда меъёрий ҳужжат ва маълумотлардан фойдаланиш лозим. Хўжалик бизнес-режасида кўрсатилган маҳсулотлар миқдори, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ресурслар миқдори ва қиймати аниқланади.

Хўжаликнинг ўзида мавжуд бўлган моддий ресурсларнинг йил бошига бўлган миқдори инвентаризация натижасида аниқланади. Уларда мавжуд бўлган моддий ресурслар ишлаб чиқаришининг давомийлигини таъминлаш учун етарли бўлмаса, хўжалик томонидан зарур бўлган моддий ресурслар билан таъминлаш борасида янги шартномалар тузилади.

Фермер хўжаликларида моддий ресурслар билан таъминланганликни ва улардан самарали фойдаланилишини таҳлил қилиб бориш муҳим ҳисобланади. Таҳлил учун зарур ахборот моддий-техника таъминоти режаси, хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома ҳамда моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг статистик ҳисоботидан олинади. Хўжаликларда моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишда уларнинг сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги асосий омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибида моддий харажатлар ҳажми, таркиби ва структурасини узлуксиз равишда таҳлил этиб туриш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, таҳлил этиш жараёнида моддий харажатларни камайтириш имкониятлари топилади, натижада, улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи кўп жиҳатдан хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқ. Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини материал қайтими ва материал сиғими кўрсаткичлари ифодалайди. Материал қайтими кўрсаткичини аниқлаш учун хўжаликда йил давомида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қиймати материал харажатлари қийматига тақсимланади. Материаллар сиғими кўрсаткичи бунинг акси бўлиб, материал харажатлар қийматини хўжаликнинг йил давомида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Буни тавсифлайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич хўжаликда йил мобайнида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳар бир сўмига қанча материал харажатлари сарфланганлигини кўрсатади. Материаллар харажати коэффициенти ҳақиқий сарфланган материал харажатини бизнес-режадаги ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига корректировка қилинган кўрсаткичга нисбатини ифодалайди. Бу коэффициент 1 дан катта бўлса, материаллардан самарали фойдаланганлигини билиш мумкин.

Амалиётда фермер хўжаликлари томонидан моддий ресурслардан қандай фойдаланилаётганлиги ўрганилганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди: “Рамазон” фермер хўжалигида 2011 ва 2012 йилларда моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмаганлиги натижасида маҳсулот етиштириш харажатлари ошиб кетган. Бундан ташқари хўжаликда материаллардан фойдаланишда белгиланган меъёрларга ҳам амал қилинмаганлиги маълум бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, моддий ресурсларнинг ортиқча захирасини яратиш ҳам хўжаликнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишида салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, моддий ресурслар учун сарфланган пул маблағлари айланишдан четлашади. Материалнинг ортиқча қисми эса, омборда сақлаб

турилади. Моддий ресурслардан самарали фойдаланилаяптими ёки йўқми? Буни билиш учун уларни таҳлил қилиш лозим. Моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилган бўлса, маҳсулот ҳажми қанчага камлиги ёки материаллардан самарали фойдаланиш натижасида қанча қўшимча маҳсулот олинганлигини аниқлаш ҳисобланади. «Рамазон» фермер хўжалиги маълумотлари асосида материаллардан фойдаланишнинг ҳолати ўрганилганда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**“Рамазон” фермер хўжалигида материаллардан фойдаланишнинг таҳлили**

| Кўрсаткичлар | 2011 й. | 2012 й. | Фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|
| 1. Моддий харажатлар (минг сўм) | 69564 | 76524 | 6960 |
| 2. Товар маҳсулоти (минг сўм) | 133777 | 134252 | 475 |
| 3. Товар маҳсулоти материал сиғими (сўм) | 0,520 | 0,570 | 0,05 |
| 4. Материал сарфи ўзгаришининг таъсири (+,–)<br>– товар маҳсулоти таннархидаги материал харажатларининг қимматлашиши (+), пасайиши (–)<br>– товар маҳсулоти ҳажми, минг сўм | | | 6713<br>12910 |
| 5. Материал қайтими, сўм | 1,92 | 1,75 | -0,17 |

Хўжаликда материаллар 2012 йилда ўтган йилдагига нисбатан 6960 минг сўмга кўпроқ сарфланган бўлиб, бунга мос равишда товар маҳсулоти ҳам 2011 йилдагига нисбатан 475 минг сўмга кўпайган. Материал қайтимини кўрадиган бўлсак, 2011 йилдаги 1,92 сўм, 2012 йилда 1,75 сўм бўлган ёки 2011 йилдагидан 0,17 сўмга камайган. Бу эса корхонада материаллардан самарали фойдаланилмаганлигини билдиради. Буни ижобий баҳолаб бўлмайди. Барча материаллар турлари бўйича харажатлар 2012 йилда 2011 йилдагига нисбатан ошиб кетган, бу эса маҳсулотнинг таннархи ошишига олиб келган. Фойда эса камайган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Рамазон» фермер хўжалигида материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– хўжаликда бизнес-режа тузилиб, унинг моддий-техника таъминоти режасида материалларнинг ҳар бир тури бўйича илмий асосланган меъёрлар кўрсатилиши керак;

– хўжаликда ишлаб чиқариш фаолиятини моддий ресурслар билан етарли даражада таъминлаш чоралари кўрилиши зарур;

– хўжалик фаолиятида белгиланган меъёрлар асосида материаллар сарфланиши назорат қилиб борилиши, ортиқча харажатларга йўл қўйилмаслиги лозим;

– материаллар қайтимини ошириш имкониятларини излаб топиш керак;

– хўжаликда материал харажатларининг мониторинги олиб борилиши зарур;

– материалларни арзонроқ сотиб олиш каналларини излаб топиш керак.

**У.А.НАЗАРОВА,**

ЎзБИИТИ, катта илмий ходим-изланувчи

## Фермер хўжаликларини лизинг олишдаги имтиёзларининг ўрни

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, шу жумладан, фермер хўжаликларининг техникага бўлган эҳтиёжи юқорилиги, тўлов қобилияти эса етарли даражада эмаслиги ҳисобга олиниб хукумат томонидан махсус қарор асосида тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларини лизингга олишда хўжаликлар улар учун қатор имтиёзлар яратилди. Бунга лизинг муддатининг 7 йил эканлиги, техника қийматининг 15 фоизлик қисми олдиндан

тўланиши ва йиллик лизинг маржаси фоизи миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги каби имтиёзларни киритиш мумкин.

Лизингни қарз (ёки кредит) маблағлари билан молиялаштирувчи банк муассасаси (ёки махсус Жамғарма) қуйидаги самара ва қулайликларга эга бўлади:

– лизинг берувчига берилган қарз (ёки кредит) маблағига йиллик устама фоизи қўйиш орқали даромад олади;

– қарз (ёки кредит) маблағини доимий синалган мижозга бериш имкониятига эга бўлади;

– қарз (ёки кредит) маблағининг қайтарилиши риски минумим даражага туширилган бўлади, чунки, лизинг берувчининг мулки ҳисобланган лизинг объекти кредитнинг қайтарилиши кафолати сифатида гаровга қўйилган бўлади;

– қарз (ёки кредит) маблағини қишлок хўжалиги корхонасига ажратилганига нисбатан, лизинг компаниясига ажратилганлиги ишончлироқдир;

– қарз (ёки кредит) маблағига йиллик устама фоиз қўйиш орқали олинган даромад ҚҚС солиғидан озод қилинган.

Лизинг жараёни амалга оширилишида лизинг объектининг сотувчиси қуйидаги самара ва қулайликларга эга бўлади:

– маҳсулотни тўлиқ нархда сотади ва сотилган маҳсулотга пул тўланмаслиги риски деярли йўқолади;

– сотувдан тушган тушумни айланмага тезда киритиш, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкониятига эга бўлади;

– катта миқдордаги маҳсулотни тезда сотиш орқали ишлаб чиқариш циклини тезлаштириш имкониятига эга бўлади;

– маҳсулот сотиш ҳажмининг ошиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ошади;

– мижоз (лизинг олувчини) лизинг берувчи излаб топиши ҳисобига сотувчининг маркетинг фаолияти доираси кенгаяди, яъни мижозлари сони ошади;

– сотилган лизинг объекти учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи маҳсулотларга талаб ошади;

– маҳсулотни лизинг орқали харид қилиш имконияти пайдо бўлишининг ўзи уни реклама қилишнинг энг қудратли воситасидир;

– ўзидаги мавжуд технологик жиҳозни лизинг берувчига сотишдан тушган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлгани ҳолда ушбу технологик жиҳоздан фойдаланишни давом эттиради (қайтарма лизингда).

Лизинг жараёни амалга оширилишида лизинг берувчи қуйидаги самара ва қулайликларга эга бўлади:

– лизингга берилган лизинг объекти қийматига йиллик устама фоизи (лизинг маржаси) қўйиш орқали даромад олади;

– лизинг орқали олинган даромад ҚҚС ва даромад солиғидан озод қилинган;

– лизинг объекти мулк солиғидан озод қилинган;

– амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ лизинг объектининг суғуртаси учун лизинг олувчи жавобгар ҳисобланади.

Лизинг жараёнининг амалга оширилишида лизинг олувчи ҳисобланган қишлок хўжалиги корхонаси қуйидаги самара ва қулайликларга эга бўлади:

– лизинг тўловларининг аста-секинлик билан бир неча йил мобайнида амалга оширилиши натижасида лизинг объекти ўзи учун маблағ ишлаб топади, яъни техникадан фойдаланиш натижасида топилган фойданинг бир қисми лизинг тўловларини қоплаш учун йўналтирилади;

– лизинг олувчи ўз айланма маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади, яъни техникани сотиб олишга нисбатан уни лизингга олиш натижасида тежалган маблағни бошқа харажатлар (ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқаларни сотиб олиш)га ишлатади;

– лизинг шартномаси муддати мобайнида инфляция жараёни туфайли нарх ўзгариши техника қиймати ва лизинг шартномасининг умумий суммаси миқдорига таъсир этмайди;

– лизинг орқали машина-трактор паркини тезроқ янгилаш имконияти ортади;

– хўжаликда лизингга олинган техникадан фойдаланиш ҳисобига қўл меҳнати камаяди ва меҳнат унумдорлиги ортади;

– хўжаликда лизингга олинган техникадан фойдаланиш ҳисобига МТП томонидан кўрсатиладиган механизация хизматларига эҳтиёж камаяди ва ушбу хизмат тури учун бундан кейин МТПга пул тўланмаслиги ҳисобига харажатлар камаяди;

– харажат камайиши ҳисобига маҳсулот таннархи пасаяди;

– лизингга олинган техникадан ўз вақтида фойдаланиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ва етарли даражада ўтказиш имкониятига эга бўлиш ҳисобига ҳосилдорлик ортади;

– лизингга олинган техника билан ҳақ эвазига бошқа хўжаликларга механизация хизматини кўрсатиш орқали қўшимча даромад ишлаб топиш имконияти пайдо бўлади;

– харажатлар камайиши, маҳсулот таннархи пасайиши, ҳосилдорлик ортиши ва қўшимча маблағ ишлаб топилиши ҳисобига умумий даромад ортади ва хўжаликнинг молиявий ҳолати мустаҳкамланади;

– молиявий ҳолатнинг мустаҳкамланиши келгуси даврда ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришга замин яратади;

– лизинг муддати тугаганидан кейин мулкка эга бўлиш имконияти пайдо бўлади;

– лизинг тўловлари учун ҚҚС солиғи тўланмайди.

Лизинг жараёни амалга оширилишини рағбатлантириш, лизинг субъектлари фаолиятини солиқ имтиёзлари, ҳуқуқий ҳамда бошқа масалаларда қўллаб-қувватлаш орқали давлат ҳам қуйидаги бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлади:

– лизинг туфайли ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилади, яъни аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси ортади;

– меҳнат унумдорлиги ортиши ва харажатлар камайиши ҳисобига ишчилар (аҳоли)ни шахсий даромади ортади;

– мамлакатда ишлаб чиқариш ускуналари паркини лизинг асосида замонавий ускуналар билан янгилаш ҳисобига маҳсулотлар сифати яхшиланади;

– эски ишлаб чиқариш ускуналар паркини лизинг асосида замонавий тежамкор (энергия ва ресурсларни кам истеъмол қиладиган) ускуналар билан янгилаш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи (ва провардида сотув нархи) пасаяди;

– мамлакатда янги ускуналар ёрдамида ва янги технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган товарлар ўз сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотга айланади ва бу мамлакат экспорт салоҳиятининг ортишига олиб келади;

– лизингга техника олувчилар кўпаяди, яъни мамлакатда тадбиркорлик ривожланади;

– лизинг туфайли барча лизинг олувчилар ва лизинг объектини сотувчи (ишлаб чиқарувчи)ларида маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишига эришилиши, лизинг берувчи компанияларда лизинг хизматлари кўрсатилиши ва банк (ёки махсус жамғарма)ларда қарз (кредит) бериш хизматлари ҳажмининг ўсиши мамлакат бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми ўсишига, яъни мамлакатни иқтисодий ривожланиш даражаси кўтарилишига олиб келади.

Лизинг тўловлари лизинг берувчи лизинг объектини олиш учун қилган ҳамма харажатлари ёки уларнинг кўп қисмидан, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган

бошқа харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади.

**Ш.Ш.НИШОНОВ,**
УзНИИРР, старший научный сотрудник-исследователь

**Совершенствие экспортного потенциала агропродукции в условиях конкурентно способности**

Сельский товаропроизводитель должен уметь не только производить продукцию, но и реализовать ее в условиях жесточайшей конкуренции. Это обязывает его ко многому. Он должен уметь калькулировать свою продукцию и устанавливать цены, которые должны отвечать требованиям и покрывать издержки производства. Сельскохозяйственная продукция должна пользоваться спросом, т.е. товаропроизводитель обязан изучить конъюнктуру рынка и производить ту продукцию, которая пользуется спросом и способна выдерживать конкуренцию.

Кроме этого, продукция по качеству должна отвечать как внутренней, так и международной конкурентоспособности продукции.

Фермеры и другие сельские товаропроизводители могут успешно функционировать только при условии выполнения вышеперечисленных факторов.

Необходимо отметить, что без интенсивной конкуренции на внутреннем рынке, отечественные товаропроизводители никогда не смогут занять прочную позицию за рубежом. Этот фактор способствует развитию новаторства и повышению производительности труда.

Конкурентоспособность товара в конечном итоге определяет его коммерческий успех на рынке. Как было сказано выше, под конкурентоспособностью понимается, комплекс потребительских и стоимостных (ценовых) характеристик товара (продукции), определяющих его преимущество (успех) над другими, в условиях широкого предложения конкурирующих товаров (продукции) и аналогов. А так как за продукцией стоят её производительность то можно с полным основанием говорить о конкурентоспособности данного или иного предприятия. для оценки ее конкурентоспособности следует широко использовать показатели цены, спроса, рентабельности, предложения по спросу и объему производства. При этом некоторые ученые берут во внимание прямую зависимость уровня конкурентоспособности сельскохозяйственных культур от величины урожайности, цены, себестоимости и рентабельности. То есть бытует мнение, что понятие чем выше урожайность, тем выше конкурентоспособность продукции. Естественно, стремление получить рекордный урожай всегда похвально. Оно находит понимание у персонала, собственников, да и в обществе. Но повышение урожайности обычными способами (увеличение числа обработок, увеличение доз удобрений, профилактические мероприятия по недопущению болезней растений) как правило, сопровождаются снижением эффективности использования дополнительных ресурсов. Дело в том, что существует некий верхний предел потенциальной урожайности любой сельскохозяйственной культуры, по мере приближения к которому каждый дополнительный центнер повышения урожайности обходится все дороже. В этом аспекте простое увеличение затрат для получения рекордной урожайности, при характерной для узбекского аграрного рынка ограниченности финансовых ресурсов, не способствует повышению конкурентоспособности и устойчивости функционирования сельскохозяйственных предприятий.

Особое влияние на формирование конкуренции в сельском хозяйстве оказывают взаимоотношения между хозяйствами – производителями сельскохозяйственной продукции

и предприятиями переработки. Конкуренция между ними проявляется на рынке сбыта продукции в установлении цены на продукцию сельского хозяйства, которая для перерабатывающего предприятия является сырьем. Судить об этом можно по величине доли закупочной цены в розничной цене продукта

С позиции повышения конкурентоспособности сельского хозяйства в целом это является крупным шагом в сторону улучшения, так как эта форма интеграции одновременно способствуют решению следующих проблем конкурентоспособности: повышения конкурентоспособности продукции; создания конкурентной среды между производителями продукции (между фермерами, между дехканскими хозяйствами, и между фермерскими и дехканскими хозяйствами); создания конкурентной среды между перерабатывающими предприятиями; создания конкурентной среды между службами маркетинга и реализации сельхозпродукции как в свежем, так и в перерабатываемо виде; создания конкурентной среды между предприятиями, оказывающими сервисные услуги.

**Д.Ч.МУРОДОВА,**
Тошкент молия институти, ассистент

## Тижорат банкларида микромолиялаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда тижорат банклари микромолиявий хизматларни кўрсатувчи асосий молиявий ташкилот ҳисобланади. Лекин улар микромолиявий хизматларни асосан, ҳукумат дастурлари, қарорлари ва кўрсатмалари асосида амалга оширмоқдалар. Тижорат банклари, аввалambor микромолиявий хизматларни мижозларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишлари лозим.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, тижорат банкларининг микромолиялаш хизматларини амалга ошириш бўйича аниқ мезон ёки кўрсатмалар мавжуд эмас. Банклар ушбу тармоқда фаолият кўрсатишни бошлаганида турли хил ёндашувлардан фойдаланадилар. Бу борада банкларнинг икки хил йўналишини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар бевосита ва билвосита ёндашувлардир (1-расм).




**1-расм. Тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматларни амалга оширишдаги ёндашувлар**. Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

Шундай экан, тижорат банклари, нобюджет жамғармалари ҳамда бошқа микромолиявий институтларнинг КБХТ субъектларини ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва микромолиялаш тизимини ривожлантириш зарурияти туғилади (2-расм).

Баъзи банклар микромолиялаш хизматларини кўрсатишни бевосита ўзлари амалга оширадилар. Бунинг учун улар ўз тизимларида бўлим ёки алоҳида компания очадилар. Айрим банклар эса фаолият кўрсатаётган микромолиявий ташкилотларини молиялаштирадилар.

1. Бевосита:

– микромолиявий хизматларни кўрсатувчи ички бўлим;

– махсус молиявий ташкилот;

– микромолиявий хизматларни кўрсатувчи компания.




**2-расм. Ўзбекистонда микромолиялаш тизимини такомиллаштириш**

2. Фаолият юритаётган микромолиявий ташкилотлар билан ишлаш:

– чакана операцияларни молиялаш;

– микромолия ташкилотларига кредитлар бериш;

– инфратузилма ва хизматларни кўрсатиш.

Шунингдек, ҳозирда долзарб масалалардан бири чекка туманларда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардан узоқ жойлашган тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш усулларини такомиллаштириш зарур.

Айрим ҳолларда узоқда жойлашган тадбиркорлик субъектларига микрокредит беришда сумманинг кичиклиги операцион ва мониторинг харажатларнинг ортиб кетишига олиб келиши таъкидланади. Бу масалани ҳозирги замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда арзон ва тез амалга ошириш орқали ҳал этиш мумкин.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар эса қуйидаги технологияларни ҳар томонлама экспериментал текширувдан ўтказишлари ҳамда мақбул келадиганидан фойдаланишлари керак. Бунинг учун давлат қулай ҳуқуқий асосларни ва имтиёзларни яратиб бериши лозим (3-расм).




**3-расм. Микромолиялашда янги технологияларни қўллаш.**
Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

Фикримизча, кичик миқдордаги микрокредитларни, микроқарз суммасидан ошмайдиган суммада хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда гаров таъминотисиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида микрокредит дастурларнинг қамров даражасини кенгайтириш ва кам таъминланган аҳолини жалб этиш имкони ошади. Хусусан, қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини гаров таъминоти талаб қилмасдан гуруҳ кафолати асосида микрокредитларни ажратиш лозим. Фикримизча, Грамин банкнинг кам даромадли аҳоли қатламларига, улар камбағалликдан қутулгунларига қадар имтиёзли микрокредитлар бериш ва бунда гаров талаб қилмаслик хусусидаги фикри ўринли ва ижтимоий аҳамият касб этади.

Бу борада гуруҳ кафолати асосида микрокредитлар ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда гаров таъминоти етишмаётган деҳқон хўжаликлари ўртасида 3-5 кишидан иборат гуруҳ тузилади ҳамда уларга маҳсулот етиштириш учун гаров таъминотисиз қисқа муддатли микрокредит берилади. Микрокредитдан гуруҳнинг исталган аъзоси фойдаланиши мумкин, лекин уни қайтаришга бутун гуруҳ масъул бўлади. Бунда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларда мижознинг кредит тарихини юритиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Агар олинган микрокредит ўз вақтида қайтарилса, кейинги сафар кўпроқ миқдорда ва узоқроқ муддатга микрокредит берилиши мумкин. Гуруҳ кафолати асосида кредитлашни тижорат банкларида қўллаш деҳқон хўжаликларини тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади.

**М.МИРЗАХАНОВ,**
УзНИИРР, с.н.с.- соискатель,

## Эффективность обработки семян пшеницы препаратом УЗХИТАН

Для снижения влияния неблагоприятных условий в период всходов академиком Рашидовой С.Ш. с учениками (Институт химии и физики полимеров АН РУз) разработан способ капсулирования оголенных семян хлопчатника экологически безопасными полимерными препаративными формами химических средств защиты растений, образующими равномерное полимерное защитное покрытие. Авторы [1,2] подчеркивают, перспективность использования отечественного полимерного препарата УЗХИТАН, который включен в список протравителей со стимулирующем эффектом при капсулировании оголенных семян хлопчатника. Растения, обработанные этим препаратом, имеют тенденцию к раннему раскрытию коробочек и позволяют получить более качественный урожай.

Исходя, из этого нами проведены опыты по применению препарата УЗХИТАН на семенах пшеницы. Исследования проводились в лабораторных и полевых условиях на Республиканской станции первичного семеноводства и семеноведения сельскохозяйственных культуры НПЦСХ МСВХ РУз с 2007 г. по 2010 г.

Республиканская станция расположена в предгорьях юго-западных склонов Каржантау, входящих в систему Чаткальского хребта. Почва-типичные староорошаемые сероземы, маломощные, слабосмытые, тяжелосуглинистые на тяжело и суглинистых отложениях.

По механическому составу пылеватый тяжелый суглинок на глубине 30 см представлен фракциями 2,0-0,25 мм-1,8%; 0,25-0,02 мм-31,1%; 0,02-0,002мм-67,1%. Гумуса на этой же глубине 0,95%, азота общего 0,110, фосфора общего 0,143%. Глубина залегания грунтовых вод в пределах 5-6 м и глубже. Район относится к умеренно-жаркой зоне: начало периода с температурой +10° приходится на 26-28 марта. Сумма положительных температур за период с температурой выше +10° равна 4200-4415°, сумма эффективных температур 2100-2260°.

Источником водоснабжения являются постоянные оросительные арыки внутрихозяйственного пользования, берущие начало от канала Боз-Су. Метеорологические условия района типичны для резко континентального климата и характеризуются безоблачной погодой, обеспечивающие высокую интенсивность солнечного света и характеризующиеся незначительным количеством атмосферных осадков.

Для проверки эффективности использования химических средств защиты растений и регуляторов роста использован разработанный в Институте химии и физики полимеров АН РУз биологически активный препарат УЗХИТАН – протравитель со стимулирующим эффектом.

Препарат представляет полимерную смесь природных полисахаридов – хитозана и КМЦ. Он не токсичен, не загрязняет экосистему, легко утилизируется в почве и способствует подавлению возбудителей заболеваний, стимулирует всхожесть, рост, развитие растений. При этом повышается урожайность растений. Препарат УЗХИТАН используется при предпосевной обработке семян методом капсулирования. Одним из главных преимуществ является замена с помощью этого отечественного полимерного протравителя ввозимых из-за рубежа аналогичных препаратов и технологий.

Препарат УЗХИТАН испытывался в лабораторных и полевых условиях в качестве протравителя семян пшеницы со стимулирующим эффектом. В лабораторных условиях была определена всхожесть семян пшеницы. Всхожесть определялась согласно ГОСТ 12038-84 «Методы определения всхожести» при t +20°C.

Наибольшее увеличение всхожести по сравнению с контролем, показали варианты с применением эталон дивидента +8% и УЗХИТАН +7%, низкая лабораторная всхожесть

показала в вариантах с NaКМЦ+Е микроэлементы меньше контроля на 5% и NaКМЦ+2% КУ на 1%.

В полевых условиях заложен опыт в $3^x$ кратной повторности, на делянках площадью 1 $м^2$. Сорт озимой пшеницы Гайрат испытывался в вариантах: УЗХИТАН, NaКМЦ+микроэлементы, Витовакс+3л/т эталон, NaКМЦ +Витовакс 1,5 л/т КУ, NaКМЦ + 2% КУ, Эталон двидент, контроль без обработки. На опыте проведены наблюдения по динамике появления всходов, кущения, трубкования, цветения и созревания, определялась предуборочная высота стебля, количество стеблей на м кв, количество зёрен в колосе, масса 1000 семян, урожайность.

Препарат УЗХИТАН в лабораторно - полевых мелкоделяночных опытах способствовал увеличению энергии прорастания и лабораторной всхожести семян пшеницы, увеличению процента всхожих растений на протяжении всех учетов, а также полевой всхожести. УзХитАН способствовал более раннему вступлению растений в фенофазы развития и увеличивал урожайность пшеницы.

Исследования по испытанию протравителя семян пшеницы полимерной препаративной формой УЗХИТАН-2,01% в.р. показали, что эти семена имеют более высокую, по сравнению с контролем, лабораторную энергию прорастания и всхожесть. Семена, обработанные препаративной формой, опережали контроль в прохождение фаз развития на 1-6 дней, имели лучшую на 10% выравненность семян. Во всех повторениях урожайность была выше контроля. Проведенные исследования показывают перспективность применения препаративной формы УЗХИТАН-2,01% в качестве стимулятора при капсулировании семян пшеницы, ( рис.1).




**1-рис. 1.Контроль 2.Эталон двидент 3.Витовакс 3л/т 4.NaКМЦ+Витовакс 1,5 л/т КУ 5. NaКМЦ+2%КУ, 6. УЗХИТАН 7. NaКМЦ+микроэлементы.**

Таким образом, выявлена эффективность препарата УЗХИТАН при капсулировании семян пшеницы, что показывает необходимость их широкого внедрения в регионах республики. Опыта показали, что семена, обработанные препаратом УЗХИТАН, повышали урожайность пшеницы на 2,5-11 центнеров с гектара. При закупочной цене 39800 сум за центнер зерна экономическая эффективность с гектара достигает от 100 до 430 тысяч сум. В республике засевается более 1 200 тысяч гектаров пшеницы, расчет показывает, что за счет использования препарата УЗХИТАН можно получить более 100 млрд дополнительной прибыли. Опыты продолжаются.

**Н.Х.ХАЛИЛОВ,**
Самаркандский сельскохозяйственный институт, д.с-х.н., профессор,
**У.М.ХАЛИЛОВ,**
УзНИИРР, с.н.с.-соискатель

## 4-х польные интенсивные кормовые севообороты и резервы увеличения производства кормов

В настоящее время в республике Узбекистан для фермерских хозяйств, специализирующихся по животноводству, выделены из орошаемых земель 0,33 га в расчете на условную единицу скота. Самаркандская область в республике занимает одно из ведущих мест по поголовью крупного рогатого скота. В области поголовье скота стабильно увеличивается, однако площади под кормовые культуры не расширяются. В связи с этим остро стоит вопрос об интенсификации кормопроизводства и эффективном использовании орошаемых земель, выделенных для производства кормов.

В решении повышения продуктивности кормовых севооборотов, важное значение имеет применение научно-обоснованной схемы севооборотов, диверсификации кормовых культур, ресурсосберегающей технологии возделывания кормовых культур с использованием новой сельскохозяйственной техники, то есть сеялки прямого посева или ноу-тил.

Необходима широкая хозяйственная проверка эффективности новой схемы севооборота с применением почвозащитной, ресурсосберегающей технологии возделывания кормовых культур в различных почвенно-климатических условиях, особенно в условиях Самаркандской области. Фермеров все больше волнуют такие важные вопросы, как плодородие почвы, качество воды и энергосбережение, получение экологически чистой продукции.

Новый проект ПМГ ГЭФ даёт возможность более эффективно использовать земли для производства кормов с ***одновременным восстановлением плодородия почв*** и предотвращения дальнейшей деградации. Данная технология рекомендуется Самаркандским сельскохозяйственным институтом при тесном сотрудничестве с Пайарыкским районным Советом фермеров и фермерским хозяйством «Файзуллаев Азиз А.».

Целью данной инновационной технологии является, демонстрация интенсивных кормовых севооборотов за счет применения технологии лазерной планировки полей и почвозащитного земледелия. При внедрении технологии сокращаются выбросы парниковых газов и улучшается состояние земель. Новая технология способствует улучшению жизненного уровня сельского населения путем адаптации к изменению климата и повышения их потенциала в борьбе с деградацией земель.

При внедрении данной инновационной технологии поставлены три основные задачи:

– совершенствование производства кормовых культур и управление через ускоренное внедрение методов ПРСХ (почвозащитной ресурсосберегающий сельское хозяйства);

– **у**величение выхода кормовых единиц с 1 га площади при ПРСХ;

– повышение осведомленности фермеров и лиц, принимающих решения о новых возможностях в области улучшения мелиоративного состояния возделываемых земель.

Обычно фермерские хозяйства, специализирующихся по животноводству, применяют чередование культур, где используют 50% пшеницы и 50% кукурузы на зерно. В традиционно практикуемом севообороте (контроль) высевается озимая пшеница или ячмень; при урожайности озимой пшеницы или ячменя в 40 ц/га, выход кормовых единиц с 1 га составляет 40 ц/га х 120 к.е. = 4 800 к.е. При выращивании кукурузы на зерно обычно получают 40 ц/га х 134 к.е.= 5 360 к.е. и соответствующее количество листостебельной

массы 60 ц/га х 37 к.е. = 2 220 к.е., что в сумме составляет 7 580 к.е. Часто, после уборки озимой пшеницы, ячменя или кукурузы поле остается не засеянным. Таким образом, сравниваемая цифра (контрольная) – 7 580 к.е.

Мы изучали эффективность внедрения новой схемы 4-х полных кормовых севооборотов с применением почвозащитной, ресурсосберегающей технологии возделывания кормовых культур в условиях Самаркандской области. Внедрение новой инновационной технологии проводили в фермерском хозяйстве «Файзуллаев Азиз А.» Пайарыкского района. Почва фермерского хозяйства характеризуется как староорошаемая, типичный серозем. По механическому свойству, уровню плодородия он вполне типичен для Пайарыкского района Самаркандской области. Площадь севооборотного поля 10 га. В состав существующего севооборота (озимая пшеница, кукуруза) предлагается введение 4-х полного севооборота короткой ротации: 1) Озимая пшеница, кукуруза на зерно + промежуточные культуры (тритикале + вика); 2) Кормовая свекла + промежуточные культуры (рапс, перко, тритикале); 3) Сахарное сорго + соя на зерно + овёс, вика, кормовой горох на зеленый корм; 4) Кукуруза на зерно + промежуточный посев бобово-злаковой смеси (тритикале + кормовой горох ).

В 2013 году, на 1-м севооборотном поле урожайность озимой пшеницы с 1 га составила 53,0 ц/га х 21к.е.=6360 к.е. + соломы 79,5 х 21=1670 к.е. в итоге 8029 к.е. При возделывании кукурузы, после уборки озимой пшеницы, урожайность зерна пожнивной кукурузы гибрида Узбекистан-601 составила в среднем 62,5 ц/га или 8375 к.е. + листостебельная масса 3281 к.е. В итоге с 1 га пожнивного посева кукурузы было получено 11656 к.е., то есть в разы больше, чем практика фермера, где стерня остается без посева. Это говорит о целесообразности возделывания пожнивной кукурузы после уборки озимой пшеницы. В целом с 1-го поля севооборота было получено 19685 к.е. После уборки кукурузы на зерно поле готовится к посеву промежуточных культур.

Второе поле севооборота высеивали кормовую свеклу сорта Узбекская полусахарная. Урожайность кормовой свеклы составляла 1100 ц/га корнеплодов, выход кормовых единиц составляет 1100ц/га х 13=14300 к.е. После уборки урожая кормовой свеклы поле готовится к посеву тритикале + кормовой горох. Ожидаемый урожай тритикале + кормовой горох 300х20=6000 к.е. В итоге с 1 га севооборотного поля выход составило 20300 к.е.

На третьем поле севооборота была проведена оценка эффективности посева сои после сбора урожая сахарного сорго на силос с применением гребневого посева. Урожайность сахарного сорго на силос была равна 790 ц / га (750х23 к.е.=17250 к.е.), а урожайность пожнивной сои - 22,3 ц/га (22,3х138 к.е.=3077 к.е.). В итоге выход кормовых единиц с 1 га с 3-го поля составил 20327 к.е. Стоимость 1 к.е. равна 300 сум . Чистая прибыль составило 20327 к.е. х 300 сум =6098100 сумов. Эти данные показывают, что доходы фермеров могут быть удвоены даже при довольно низких рыночных ценах на альтернативные культуры.

В 2013 году весной на 4-ом поле севооборота был посеян на зерно гибрид кукурузы Узбекистан 601. Уборка урожая проводилась 25 сентября. Урожайность зерна составляло 85 ц/га (85х 134=11390 к.е.) и 127 ц/га листостебельной массы 35=4462 к.е., всего 15852 к.е. После кукурузы проводили посев промежуточных культур кормового гороха и тритикале. Ожидаемый урожай 280 ц/га х 20 к.е.=5600 к.е. В итоге выход кормовых единиц с 1 га составил 21452 к.е.

При новой схеме 4-х польного кормового прифермерского севооборота значительно улучшается мелиоративное состояние земель - зеленый покров создает затенение, ослабляет нагрев почвы, уменьшает восходящий ток минерализованных грунтовых вод и увеличивает нисходящий ток, вымывая поливной водой соли вглубь, что способствует опреснению почв от вредных солей и соответственно уменьшению расхода воды на полив. Лазерная планировка земли предотвращает ирригационную эрозию почвы.

Предлагаемый кормовой севооборот по своим целям и задачам не имеет аналогов. При интенсивном использовании орошаемых земель за счет корневых и пожнивных остатков кормовых и зерновых культур на корм увеличивается выход кормовых единиц, улучшается почвенное плодородие и более производительно используются земли.

Осуществляется ресурсосбережение (поливной воды, горючо-смазочных материалов), снижается себестоимость производимой кормовой единицы.

Вышеизложенный новый проект ПМГ ГЭФ (4-х польный интенсивный кормовой севооборот) за 1 год даёт:

1-е поле с 1 га: 19685 к.е.; 2-поле с 1 га: 20300 к.е. 3-поле с 1 га: 20327 к.е 4-поле с 1 га: 21452 к.е.;

Итого с 4 га выход к.е. составило = 81764 к.е. В среднем с 1 га 4-х полного севооборота 81 764 к.е./4 га = 20 441 к.е.

Результаты показывают что, фактически, с 1 га производится 20 441 к.е., что более чем в 2,8 раз больше в сравнении с существующим кормовым севооборотом (7 580 к.е.). Такая разница получается за счет повышения количества урожая, диверсификации культур и насыщения севооборота повторными, пожнивными посевами.

Кроме того, эта технология важна с точки зрения сокращения выбросов парниковых газов в атмосферу при обработке почвы (закись азота) и может служить хорошей технологией адаптации фермеров к грядущей засушливости климата, дефициту воды, за счет своих влагосберегающих свойств.

Таким образом, внедрение нового 4-х польного интенсивного кормового севооборота позволяет:

- сохранить, восстановить и повысить плодородие почв и защитить их от ветровой и водной эрозии в будущем;
- увеличить отдачу продуктивности с 1 орошаемого гектара, производя необходимые для животноводства корма и повышается коэффициент использования земли на 2,25 ;
- снизить себестоимость производства кормов за счет многих факторов (сбережения поливной воды, горючо-смазочных материалов, экономия на масштабе).

ПМГ ГЭФ готова помогать распространять эту технологию и в других областях Узбекистана.

**С.ЙУЛДАШЕВ,**
ЎзБИИТИ, к.э.н., с.н.с.

## Особенности устойчивого развития сферы услуг в сельских районах

Сфера услуг в сельской местности отличается относительно высоким уровнем размещения объектов в неприспособленных помещениях, отсталостью в технической оснащенности, дополнительными затратами на транспортные услуги, несбалансированностью спроса и предложения на услуги повседневного пользования, недостаточной квалификацией кадров сферы услуг и, соответственно, низким качеством обслуживания, а также нерациональным использованием преимуществ природно-климатического потенциала. Согласно результатам обследований в сельской местности наиболее популярными являются услуги мобильной связи, пассажирского транспорта, парикмахерские, медицинские, образовательные, ремонт обуви и пошив одежды, торговля и общественное питание.

Востребованными являются услуга по установке и ремонту бытовой техники, спортивно-оздоровительные, ветеринарные, ремонт и обслуживание автомобилей, ремонт и установка бытовой техники. Высоким остаётся спрос населения района на услуги по пошиву

одежды, спортивно-оздоровительные, ветеринарные, ремонту и установке бытовой техники, торговли и общественного питания, общественного транспорта, здравоохранения, образовательные.

Среди предпринимателей предпочтение отдаётся торговле и общественному питанию, услугам связи, образованию, здравоохранению, спортивно-оздоровительным, ремонту и техническому обслуживанию сельхозтехники.

В сельской местности использование при оказании услуг, представленных государством, льгот и преференций существенно ниже, чем в городской местности.

Развитие и размещение предприятий в сельской местности не соответствуют групповой системе расселения, доступ жителей отдаленных сельских населенных пунктов к услугам повседневного пользования ограничен, спектр оказываемых услуг не широк.

На селе не достаточно развиты, с одной стороны, такие современные виды услуг как услуги связи и информатизации, банковско-финансовые услуги, с другой стороны, наиболее востребованные с учетом особенностей села услуги ветеринарии, экотуризм, услуги санаториев, домов отдыха, оздоровительных лагерей на базе природно-ресурсных преимуществ, услуги торговли и общественного питания вдоль крупных автомобильных дорог, информационно-консультационные услуги по организации и созданию предприятий по переработке сельхозсырья и другие.

В целях устойчивого развития сферы услуг в сельской местности, рекомендуется:

I. Принципиальными направлениями развития и размещения объектов сферы услуг в сельской местности являются: сближение уровня и качества жизни городского и сельского населения; обеспечение равного доступа к услугам, независимо от места проживания, включая население труднодоступных и отдаленных сельских поселений; рациональное использование потенциала и преимуществ сельской местности в расширении и устойчивом развитии объектов сферы обслуживания.

II. Рациональное размещение и развитие сферы услуг в сельской местности требует учет расселенческого фактора и групповой системы расселения.

III. Модернизация, диверсификация и развитие современных видов и форм услуг на селе связанных с обновлением основных фондов и оборудования действующих предприятий сферы услуг на базе современных технологических и технических решений; разработкой типовых проектов, строительство новых объектов сферы обслуживания, в том числе небольших торгово-бытовых комплексов типа «Гузар» в махаллях и сельских сходах граждан, комплексных центров оказания услуг в крупных сельских населенных пунктах.

IV. Механизмы стимулирования и поддержки устойчивого развития услуг включает: повышение результативности и эффективности предоставленных льгот и преференций для развития сферы услуг путем повышения информированности населения и предпринимателей о налоговых льготах и благоприятных условий микрокредитования; усиление адресности и целевой направленности распределения и выделения микрокредитов для развития сферы услуг в сельской местности; расширение перечня микрофирм и малых предприятий, оказывающих услуги в сельской местности, в том числе по оказанию туристических услуг, по оказанию консультационно-информационных услуг по переработке сельхозпродукции, оздоровительных и рекреационных услуг, которым предоставляются преференции и льготы.

**К.БУСТОНОВ,**
ЎзБИИТИ, и.ф.н., катта илмий ходим

## Деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шаклларидан бири бўлган деҳқон хўжаликларини ривожлантириш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси бандлигини ва даромадларини оширишнинг муҳим омилидир. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришда деҳқон хўжаликлари салоҳиятидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу хўжаликлар ер участкалари кичик ҳажмда бўлишига қарамасдан, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини (63,5 фоиз), шу жумладан, чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғини етказиб бермоқда. Уларнинг етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши сўнгги 10 йил давомида 60 фоиздан юқори бўлмоқда.

Давлат томонидан деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида уларда фермер хўжаликларидагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 1,5-2,0 маротаба юқори бўлишига, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига экинлардан 1,5-2,5 маротаба кўп ҳосил олишга эришилмоқда.

Демак, республика қишлоқ хўжалигининг рақобатбардош бўлиши кўп жиҳатдан деҳқон хўжаликларининг рақобатбардошлигига боғлиқ. Лекин, таҳлиллар кўрсатишича, деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражаси унча юқори эмас. Шу боисдан ҳам, деҳқон хўжаликлари рақобатбардошлик даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган омилларни ўрганиш, бир тизимга келтириш ҳамда уларга ечим топиш қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини кўтариш борасидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, деҳқон хўжаликларида ердан унумли фойдаланиш фермер хўжаликларидагига нисбатан бир неча марта юқори, лекин, уларда қўшимча ер участкаси олишга имконияти йўқ. Кичик ер участкасидан олинаётган даромад ўртача 4,0 – 4,5 млн сўмни (бир гектарга ҳисоблаганда 11,5-12,5 млн.сўм) ташкил қилмоқда. Бу даромад деҳқон хўжалиги оиласининг йил давомидаги харажатларини тўлиқ қопламайди. Бунинг устига улар асосан натурал хўжалик мақомида бўлиб, етиштираётган маҳсулотининг бир қисмини оила истеъмолига қолдирадилар. Шунинг ҳисобига етиштираётган маҳсулотининг товарлилик даражаси паст. Бундан ташқари деҳқон хўжаликларида ҳар доим ҳам маҳсулот сифатли ва харидоргир бўлишига етарли эътибор берилмайди. Таҳлилларга қараганда, деҳқон хўжаликлари бозорларга чиқараётган маҳсулотлар сифати паст бўлганлиги сабабли ташқи бозорда рақобатбардош бўла олмайди. Қолаверса, уларнинг 70-75 фоизи сертификатланмаган ва давлат стандарти талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам улар аксарият ҳолларда ўзлари етиштирган маҳсулотларни ички бозорда нисбатан паст нархда сотмоқдалар, ички бозорда таклиф талабга нисбатан кўплиги сабабли кўпинча ўз харажатларини ҳам қоплай олмайдилар.

Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, деҳқон хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу масалани ҳал этиш учун биринчи навбатда, деҳқон хўжаликларига қўшимча ер участкалари ажратиш орқали маҳсулот хажми ва унинг товарлилик даражаси ортишига эришиш керак. Деҳқоннинг ўз маҳсулоти билан ички ва ташқи бозорга чиқиши қанча кўпайса, унда маҳсулот сифатини ошириш ва сертификатлашга бўлган интилиш ҳам ошиб боради.

Шунингдек, деҳқон хўжаликлари майда хўжалик шакли бўлганлиги учун ўз техникаларига эга эмаслар. Бунинг сабаблари кўп: биринчидан, уларда техника сотиб олиши учун маблағи етишмайди. Агар техникани кредитга ёки лизинг йўли билан оладиган бўлса,

тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имконияти ҳам чегараланган; иккинчидан, кичик майдонларда техникадан самарали фойдаланиш ҳам қийин; учинчидан, аксарияти малакали мутахасисларга (механизаторларга) эга эмас. Шу боисдан ҳам рақобатбардошлигини ошириш учун турли йўналишдаги сервис хизматлари турларини кўпайтириш уларнинг маҳсулоти таннархини пасайтириш ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам деҳқон хўжаликларининг тутган ўрни ниҳоятда катта. Бугунги кунда чорва молларининг асосий қисми (моллар турларига қараб 80-93 фоизи) деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, улар чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғини етиштирмоқдалар. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликларидаги чорва молларининг маҳсулдорлиги ниҳоятда паст даражада. Бунинг бир неча сабаблари бор: биринчидан, деҳқон хўжаликларига чорва молларини озуқа билан таъминлаш учун қўшимча ер участкаларига эга эмаслар; иккинчидан, чорвачилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжаликларида омухта ем сотиб олиш имконияти етарли эмас. Шу билан бирга, омухта ем сифати паст даражада ва унга белгиланаётган нарх назорат қилиб борилмаяпти; учинчидан, деҳқон хўжаликлари чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, молларнинг наслини яхшилаш, уларни сунъий қочириш, пуллик ветеринария хизмати кўрсатиш ишлари ҳам етарлича ташкил қилинмаган; тўртинчидан, деҳқон хўжаликлари етиштираётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш тизими етарлича шаклланмаган. Шунингдек, гўшт ва сутни қайта ишлайдиган йирик заводлар билан деҳқон хўжаликлари ўртасида ўзаро муносабатнинг самарали механизми яратилмаган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, деҳқон хўжаликларига қўшимча ер участкаларини (иккиламчи ижарага) бериш масаласи кўриб чиқилиши зарур. Деҳқон хўжаликларининг фермер хўжаликларига қараганда устунлигини ҳисобга олиб, уларга иккиламчи ижарага бериладиган ерларда ғалла ва пахта етиштириш квотасини ҳам бериш лозим. Бошқача қилиб айтганда, деҳқон хўжаликлари пахта ва ғалла бўйича давлат буюртмасини бажаришда ҳам иштирок этиши керак. Бу ресурслар самарадорлигини оширишдан ташқари, деҳқон хўжалиги маҳсулотининг товарлилик даражаси ортишига, қишлоқда бандлик муаммоси қисман ечилишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Иккинчи масала - маҳаллий ҳокимият деҳқон хўжаликларини қўллаб-кувватлаш учун ҳукумат томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг амалда ижросини таъминлаши; учинчидан эса, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда эркин сотиш учун деҳқонга зарур шароитларни яратиб бериши лозим.

Шу боис, Қорақалпоғистон Республикасининг турли минтақасида жойлашган қатор туманларида 2012 йил социологик тадқиқодлар ўтказилди. Бундан мақсад - деҳқон хўжаликларида даромад ва харажатлар шаклланишининг қишлоқ оилалари бюджетидаги аҳамияти ва оилалар даромадини кўпайтириш йўналишларини аниқлаш, даромад даражаларидаги тафовутлар сабабларини аниқлаш, аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш, истеъмолнинг оила бюджети ва даромади (оила иқтисодиёти) даражасига боғлиқлигини кўрсатиш, қишлоқ оиласи моддий фаровонлигини кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилаш, оила даромадини кўпайтириш ва оила иқтисодиёти маданиятини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Ўтказилган анкета-сўровномасининг характерли хусусияти шундан иборатки, унда иштирок этганларининг деярли барчаси қишлоқ хўжалиги соҳасида, асосан, қўл кучи ёрдамида бажариладиган меҳнат билан шуғулланадилар.

Сўровда иштирок этганлар асосан, деҳқончилик соҳасида ғалла, мева-сабзавот, боғ ва полиз маҳсулотлари етиштиришда ҳамда қисман маҳсулотни қайта ишлаш соҳасида меҳнат қилишган. Респондентларнинг тенг ярми шахсий томорқа хўжалигида банд бўлишиб, бу хўжалик уларнинг асосий даромад манбаи ҳисоблаган.

Таҳлиллар кўрсатишича, қишлоқ оиласи даромадининг шаклланиши, таркиби, тузилиши ва сарфланиши республика туманлари ҳамда ишлаб чиқариш ихтисослиги бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Шаҳар атрофида жойлашган ҳамда мева-сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган минтақалардаги деҳқон хўжаликларида оила даромади ва харажатларининг шаклланиши чорвачилик минтақасида жойлашган деҳқон хўжаликлари даромади ва харажатлари шаклланиши, тузилиши ва манбаидан фарқланади.

Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда республика қишлоқ аҳолисининг даромадларининг кўпайиш тенденцияси сақланиб қолиши, ҳукуматимиз томонидан тармоқ ва соҳа ишчи ходимлари даромадларини оширишга қаратилган мақсадли дастурлар амалга оширилиши натижасидир.

Ушбу сўровномадан кўзланган асосий мақсад, фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига баҳо беришдан иборат эди. Айникса, сўровномадаги саволларга 50 та деҳқон хўжалиги эгаси ер майдонлари ўлчами ва оила аъзоларининг сони ва бошқа кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда жавоб берди. Сўровномадан шу нарса аниқ бўлдики, деҳқон хўжаликларининг даромади бевосита уларнинг ер майдонлари ўлчами билан боғлиқ экан. Уларда олинган даромаднинг ўсиши ер майдонлари ўсиши билан бирга меҳнатни ташкил этиш даражаси билан ҳам боғлиқлиги аниқланди.

Сўровнома асосида деҳқон хўжаликларига бириктирилган ерларни гуруҳлаштириш орқали қуйидагилар аниқланди: ер майдонларига қараб деҳқон хўжаликларининг даромадлари ҳам ўсиб борган. Даромад жумладан, 0,12 гектаргача бўлган биринчи гуруҳда ялпи даромад 1,2 миллион сўмни, 0,13-0,20 гектаргачан бўлган иккинчи гуруҳда 1,5 миллион сўмни, 0,5 гектардан юқори бўлган деҳқон хўжаликларида эса 5,0 миллион сўмни ташкил этиб, оиладаги бир ишчига тўғри келган даромад 0,4 миллион сўмга етган.

Экин майдони 0,5 гектардан юқори бўлган гуруҳда 2 деҳқон хўжалиги бўлиб, уларга бириктирилган ер майдони ўртача 1,0 гектардан иборат бўлган. Уларнинг олган ялпи даромадлари хўжалик хисобига 5,8 миллион сўмни ташкил қилган, оиладаги бир ишчи хисобига 1,3 миллион сўмдан тўғри келган.

Бешинчи гуруҳ деҳқон хўжаликлари асосан, чўл зонасида жойлашган бўлиб, улар кўпроқ чорвачиликка ихтисослашган. Деҳқончилик маҳсулотларини ўзлари етиштиришади.

Деҳқон хўжаликларини уларга бириктирилган ер майдонларига кўра гуруҳлаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– деҳқон хўжаликларига ер участка майдонини ажратишни табиий-иқлим ва ерларнинг сув билан таъминланиш даражасига қараб ажратиш;

– деҳқон хўжаликлари ер участкаларининг даромадини кўпайтириш учун ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш эвазига ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш орқали эришиш мумкин;

– ишчи кучининг меҳнат унумдорлигини оширишга фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш орқали эришиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар кўрсатишича, оила иқтисодиёти ва деҳқон хўжаликлари етарли даражада даромад олиши, келажакда уларнинг фаолияти самарали бўлиши оила аъзолари ва деҳқон хўжаликлари субъектларининг ижтимоий-психологик ҳолатига, яъни улар ишлаб чиқаришнинг бу шакли самаралилиги ва келажаги порлоқлигига ишонишига боғлиқ.

Республикада суғориладиган ер майдонлари чекланганлиги сабабли, ушбу муаммони фақат тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (яъни, ёпиқ иссиқхона, пленка остида) асосда деҳқончиликда икки маротаба ҳосил олишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар қуриш, касаначиликни татбиқ қилиш орқали ижобий ҳал этиш мумкин.

**Д.А.МУҲАММАДИЕВА,**
ТИМИ, магистрант

## Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг айрим жиҳатлари

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз аграр тармоғида олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, бир бирлик ресурс ҳисобига максимал даражада маҳсулот етиштириб, бу борада иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган.

Бироқ, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш бир қанча мураккабликларга эга бўлиб, инсон хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланадиган ресурслар (ер, сув, иқлим ва ҳ.к) миқдори ва сифатига тўғри мутоносибликда ривожланади. Жумладан, сув ресурслари масаласи мамлакатимиз шароитида долзарблик касб этиб, уларнинг миқдори ва сифати кейинги йилларда объектив ва субъектив омиллар тасирида камайиб бораётганлиги, республикада анъанавий (эгатлаб) суғориш усулининг кенг қўлланилиши натижасида, бир гектар суғориладиган майдонга ўртача 12 минг $м^3$ сув сарф қилинаётганлиги фикримиз далилидир.

Сув ва сувдан фойдаланишда бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари асосида, бошқариладиган тизимнинг яратилганлиги ҳамда сув ресурларидан самарали фойдаланиш мақсадида сув тежамкор технологияларни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилаётганлиги олиб борилаётган ислоҳотлар асосини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар турли-туман бўлиб, улар орасида иқтисодий самарадорлиги юқори ва қўллаш амалиёти қулайлиги жиҳатидан томчилатиб суғориш тизими бир қанча устунликларга эга (1-расм).




**1-расм. Томчилатиб суғориш тизимининг ижобий жиҳатлари ва уни кенг жорий этишга таъсир этаётган салбий ҳолатлар**

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз шароитида ҳам томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш орқали табиий-иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини

юмшатиш, аграр иқтисодиётга ташқи омиллар (давлатлар) тасирини камайтириш, ҳосилдорликни кўтариш орқали аҳоли турмиш даражасини юксалтириш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча вилоятларда босқичма-босқич томчилатиб суғориш жорий этилмоқда.

Салбий омилларни бартараф этиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз минтақада нисбатан кўп суғориладиган ерларга эгалиги ва уларнинг барчасида, томчилатиб суғоришни жорий этиш заруратидан келиб чиққан ҳолда тизимни (ёки қисмларини) ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш натижасида, нисбатан арзон ва миллий валютадаги техника билан таъминлаш имконияти яратилса, истиқболда қўшни мамлакатларда жорий этиш жараёнига бевосита қатнашиш мумкин;
- томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга имтиёзли, кам фоизли, узоқ муддатли кредитлаш амалиётини қўллаш, техник, технологик янгилаш учун лизингни жорий этиш;
- ҳудудларда электр таъминотида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш орқали суғориш тизимининг самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш бўйича хўжаликларга солиқ имтиёзлари (*табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ назарда тутилмоқда*) берилиши зарур;
- фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш тизимининг ижобий жиҳатлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ҳақида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш, ўқув семинарларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аграр тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг ажралмас қисми ва унда махсулот етиштириш ер ва сув ресурслари миқдорига чамбарчас боғлиқ. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда томчилатиб суғоришнинг ўрни беқиёс ва уни жорий этишда юзага келаётган камчиликларни баратараф этишда, хўжаликларни қўллаб-кувватлашда давлат бош ислоҳотчи сифатида янада кенг кўламда кўмаклашиши ҳамда масалага эришилаётган ютуқларни танқидий баҳолаган ҳолда ёндашиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Ш.ТУРОПОВ,**
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, ўқитувчи

## Қишлоқ хўжалиги ривожланиши жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш йўллари

Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланмоқда. Бунда ер ҳақиқий эгасини топганлиги, соҳада изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига давлат томонидан зарур кўмак берилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда, ... қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда..."[1]

[1]Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.//"Халқ сўзи", 2013 йил 19 январь.

Республикада 2005-2012 йилларда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий эркинликларини кенгайтириш ва давлат буюртмасига нархларнинг шаклланишини такомиллаштириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари таркибий тузилмасини қайта ўзгартириш ҳамда уларнинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликлари учун бугунги кун талабига жавоб бера оладиган замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш, улар тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштиришга эришилди ва барқарор иқтисодий фаолият юритишларининг ташкилий ва иқтисодий асослари яратилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тамойилларига мос Республика фермерлар Кенгаши ва унинг ҳудудлардаги тузилмалари ташкил этилди.

Айни вақтда, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қарор топган қулай тенденцияларга қарамай, фикримизча, унинг ўсишига тўсқинлик қилувчи айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда:

– ғалла (38,7%) ва ғўза (36,0%)га ажратилган майдонлар умумий экин майдонларининг 74,7 фоизини ташкил қилса-да, юқори ҳосилдорликка эришиш учун зарур илмий-асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётир;

– қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, техника ва ҳ.к) нархларининг ўсиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи ошиб кетмоқда;

– ер-сув ресурсларининг сифати, агроиқлимий шароитлар ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олиб, экин майдонлари тузилмасини янада такомиллаштириш зарур;

– айрим суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда;

– ем-хашак экинлари учун умумий майдонлар улушининг пастлиги туфайли чорвачиликни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг камлиги ва етишмаслиги кузатилмоқда (8,6%). Оқибатда, чорвачилик маҳсулотини етиштириш ҳажмлари (тармоқнинг ўсиш суръатлари барқарорлигига қарамай) оқилона истеъмол нормаларига мувофиқ аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас;

– қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмларининг ялпи умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 фоиз атрофида бўлиб, бу ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ушбу номутаносибликларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

– қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш негизида маҳсулот етиштириш ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришларини амалга ошириш ва уни диверсификациялаш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

– тижорат банкларида ихтисослашган фермер хўжаликларига экиш материаллари ва бошқа махсус техникаларни сотиб олишлари учун махсус кредит линияларини очиш;

– бозор инфратузилмаси шахобчалари фаолиятини ривожлантириш;

– мелиорация ва ирригация объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш;

– республика ва вилоятлар даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ассортиментини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш.

Республикамизнинг умумжаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич, дадил кириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси оқилона белгилангани билан узвий боғлиқ. Шунингдек, аграр соҳанинг барқарорлиги, самарадорлиги ва янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши мамлакат келажагини белгилаш ва унинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим роль ўйнайди.

**Г.ШОДМОНОВА,**
ТИМИ, доцент
**У.Н.САЪДУЛЛАЕВ,**
ТИМИ, магистрант

## Ишлаб чиқариш функциялари орқали суғориладиган ерлардан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш

Иқтисодиёт тармоқларининг тез суръатларда ўсиши, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг ўзгариши ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётганислоҳотларнинг натижаси сифатида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланаётганини айтишимиз мумкин. Шу билан бирга, сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ҳам мос равишда ошаётганини хисобга олиш лозим. Бу эса сувдан ва суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишнинг аҳамияти нақадар муҳимлигидан далолатдир. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар жуда кўп бўлиб, уларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга бўлиш мумкин. Бошқарилмайдиган омилларга табиий омиллар кириб, уларнинг таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жумладан, ерлар унумдорлигининг пасайиши, фаслларнинг номутаносиб келиши, табиий офатлар, сув билан таъминланишнинг ёмонлашуви ва бошқалар ерлардан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун, мавжуд сув ресурсларини тўғри тақсимлаш, суғориладиган ерлардан фойдаланишга таъсир қилувчи омилларни математик усуллар (ишлаб чиқариш функциялари) орқали таҳлил қилиш долзарб масалалардан биридир.

Ишлаб чиқариш функциялари деганда, ишлаб чиқариш натижаларининг ишлаб чиқариш омилларига боғлиқлигининг математик ифодасига айтилади. Ишлаб чиқариш функцияларининг умумий кўринишдаги ифодаси қуйидагича:

$$y = f(x_1, x_2 .. x_n)$$

Бу ерда: у – натижавий кўрсаткич; $x_1, x_2 .. x_n$ лар – ишлаб чиқариш омилларини ифодалайди, $y$ кўрсаткич сифатида ялпи маҳсулот қиймати, хўжалик соф фойдаси ва ҳоказолар бўлиши мумкин; $x_1, x_2, ..., x_n$ лар сифатида эса ер сифатининг балл бонитети, хўжаликнинг фонд билан таъминланганлиги, ерга солинадиган ўғитлар нормаси, ишлатиладиган сув миқдори ва бошқалар бўлиши мумкин.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиш биринчи навбатда ечилаётган масаланинг мақсадини аниқлаш ва тушунтиришдан иборат бўлиб, шундай натижавий кўрсаткични танлашдан иборатки, у ўрганилаётган жараённинг хоссасини ўзида мужассамлантирсин ва унинг самарадорлигини акс эттирсин. Масалан, агар изланувчи қишлоқ хўжалик корхонасининг суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилаётган бўлса, у ҳолда натижавий кўрсаткич сифатида, хўжаликнинг 100 га ер майдони ҳисобида олинган ялпи маҳсулот нархи ва унинг тупроқ сифати, меҳнат таъминоти, фонд билан таъминланганлиги натижасида ўзгариши ва бошқалар олинади.

Эрксиз ўзгарувчи сифатида шундай кўрсаткич олинадики, бу кўрсаткич қўйилган изланиш мақсадидан келиб чиқиб, ўрганилаётган жараённи тўлиқ характерлайди. Бу бевосита кўрсаткичдан иборат бўлиб, у ишлаб чиқариш натижаси ёки ҳудуд майдони (экинлар ҳосилдорлиги, ерларнинг маҳсулдорлиги, фойдаланилган ер майдони) ёки билвосита (маҳсулот таннархи, рентабеллик, фойда) кўрсаткичидан иборат бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш функцияси иқтисодий маънога эга бўлиши, натижавий ва омил кўрсаткичлар орасидаги боғланиш мантиқан асосланган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш функцияларини тузиш ва уни таҳлил қилишда ишлатиш учун қуйидаги босқичлардан ўтилади:

– модель ўзгарувчиларини танлаш;

– ахборотларни динамик қаторлар ва ўзаро кесишувчи танламалардан иборат қилиб танлаш керак;

– математик статистика усуллари орқали энг муҳим омил-аргументларни танлаш;

– натижа ва омил аргументлар орасидаги математик боғланиш шаклини танлаш;

– математик статистика усулларидан фойдаланиб, мавжуд маълумотлар асосида параметрларни аниқлаш;

– моделнинг танланган объектга мос келиш-келмаслигини текшириш;

– моделни таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш функцияларини тузиш учун омил-аргументни танлаш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда, изланувчининг касбий билими асосида омиллари дастлаб танлаб олинади, иккинчи босқичда эса, танланган омиллар бирон бир усул орқали аниқлаштирилади, мисол учун, корреляция ёки дисперсия таҳлиллари асосида. Омил-аргументлар учун қуйидаги талаблар ўринли:

1. Ҳисоблашга киритиладиган эмперик маълумотлар сони қанча кўп бўлса, ишлаб чиқариш функциялари шунча аниқ бўлади.

2. Омил – аргументлар ўрганилаётган иқтисодий жараёнга муҳим таъсир ўтказиши, миқдорий ўлчанадиган бўлиши ва битта белги бўйича ифодаланган (мутлоқ ёки нисбий, натурал ёки қиймат жиҳатидан) бўлиши керак.

3. Танланган омиллар олдиндан аниқ ва миқдорий ифодаланган бўлса ҳам улар жуда катта бўлмаслиги керак, чунки, бундай ҳолат моделни мураккаблаштириб, ишлаб чиқариш шароитида ундан фойдаланишни қийинлаштиради, мисол учун, изланувчи тадқиқотни далада ўтказаётган бўлса.

4. Моделга киритилган омиллар ўзаро функционал боғланишга эга бўлмаслиги керак, бу ҳолда улар ўрганилаётган ҳодисанинг бир томонини характерлаган бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга таъсир этадиган омилларни чукур ўрганиш, уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқариш функциялари турли хилдаги ишлаб чиқариш омилларининг аҳамиятини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш натижалари даражасини прогнозлаш, ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, турли хилдаги ресурсларнинг мумкин бўлган бир-бирининг ўрнини босиш нормасини баҳолаш ва бошқаларда ишлатилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги қоидалар бўйича омил-аргументлар танлаб олиниб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлаб, моделни бирор бир усул билан ечилганда, қўйилган масаланинг энг яхши ечимини топиш мумкин бўлади.

**А.Қ. ТУРДИЕВ,**
ТошДАУ, в.ф.н.
**Д.А.АБДУМУРАДОВА,**
СамҚХИ, мустақил тадқиқотчи

### Фермер хўжалигида инновацион соҳа – қуёнчиликни ривожлантириш истиқболлари

Хозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири 30 миллионли республика аҳолисини тоза экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Чорвачиликда гўшт, тухум, балиқ маҳсулотлари билан қуён гўшти етиштириш ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини ҳал килишда катта ўрин тутади. Шу ўринда, қуёнчилик ҳам етти хазинани бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Қуённи танаси кичик бўлсада, у берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали эканлиги барчамизга маълум.

Қуён гўшти соғлиқ учун фойдали бўлиб, гўштлардан таъми ва парҳез хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги музлатилган қуён гўштидан барча мавсумларда фойдаланиш имконияти унинг парҳез хусусиятларини оширади.

Тиббиёт ва ветеринария ходимлари қуён гўштининг биологик киймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестирин моддасининг камлиги ҳисобига аллергия, гипертония, ошкозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касалликларига чалинганларга уни истеъмол қилишни тавсия этишади.

Қуён гўшти киши организмида меъда ширалари таьсирида тез ҳазм бўлади. У экстримал касблар билан шуғуланувчилар: учувчи, ғаввос, спортчи, зарарли ишлаб чиқаришда ишловчилар, ифлосланган худудларда яшовчи аҳоли учун хам жуда фойдалидир.

Куён гўшти, айниқса, тўла қонли оқсил моддасига эҳтиёжи бўлган шахслар мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кексалар учун фойдалидир. Таркибидаги ёғ, ажойиб биоактив модда, жароҳатларни даволайди, юмшатувчи, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз даволовчи дори-дармонлар тайёрланади.

Оқсил миқдори қўй, мол, чўчқа гўштларига қараганда юқоридир. Қуён гўшти рационда ёғ, айниқса тўйинган ёғларни камайтириш хусусиятига эга. Витамин ва минерал таркибига кўра қуён гўшти деярли барча гўшт турларидан устун туради. Ундаги С, В12, В6, РР витаминлари ва темир, фосфор, кобальт, марганец, фтор ва калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

Натрий тузлари қуён гўштида кам бўлади ва бу унинг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда, парҳез овқат сифатида яққол устунлигини белгилайди. Паст қувватли бу гўшт мунтазам истеъмол қилиш инсон учун меъёрий сақлаб туриш имкониятини беради. Шифокорларимиз, қуён гўштини парҳез маҳсулотлар қаторига киритадилар. Қуён гўшти консерва қилинганда ҳам, дудланганда ҳам ўз мазасини ва сифатини сақлаб қолади. Шунинг учун хорижий мамлакатларда қуён гўштига талаб юқоридир. Юмшоқлиги жиҳатидан қуён гўшти парранда гўштига ўхшаб кетади, каллориялиги жиҳатидан эса товуқ гўштидан қолишмайди. Қуён гўштидан хазм бўлиш даражаси қорамол, чўчқа ва қўй гўштидан юқори туради, чунки унинг таркибида енгил хазм бўлувчи тўла қийматли оқсиллар кўпдир. Қуён гўштидан 100г дан 90 г хазм бўлса, мол гўштидан шунча қисмидан 62г гина хазм бўлади. Қуён ёғи тез эрийди ва хазм бўлиши қўй ва мол ёғига нисбатан енгилдир. Демак, қуён гўшти енгил ва микдорий жиҳатидан кўп хазм бўлиб, организмга кўпроқ энергия бериш қобилиятига эгадир.

Холестерининг миқдори бузоқ гўштига нисбатан, қуён гўштида 2,7 маротаба камдир. Текширишлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қари молнинг гўштида холестериннинг миқдори бузоқ гўштига нисбатан анча юқоридир.

Айрим муаллифларнинг маълумотларида турли ҳайвонларнинг 100 г ёғи ва гўшти таркибидаги холестерин миқдори қуйидагича белгиланган: мол ёғида – 1,25 г, чўчқа ёғида – 0,33 г, бузоқ гўштида – 0,11 г, қўй ёғида – 1,40 г, қуён гўштида – 0,4 г.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, биз кўп истеъмол қиладиган мол ва қўй гўштининг таркибида холестериннинг миқдори кўп, қуён гўштида эса жуда кам.

Шифокорларимиз қуён гўштининг парҳезлигини ҳисобга олиб, унинг катта ёшдаги инсонларга, қон босими кўтарилган касалларга, жигар ва меъдаси касалланган беморларга, хомиладор аёлларга истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Ишлаб чиқариш йўналишига қараб қуёнчилик икки гуруҳга, яъни гўшт ва гўшт тери йўналишига бўлинади. Гўшт йўналишида қуён болалари 60-70 кунликда, гўшт ва гўшт тери йўналишида эса 3-5 ойлигида сўйилади. Ҳар бир она қуёндан йил давомида 5-6 марта бола олиш мумкин. Бу эса 70-80 кг гўшт ва 25-30 дона сифатли тери демакдир. Гўшт теридан ташқари момиқ олинади. Қуён момиғи ингичкалиги, пишиқлиги, иссиқликни ўтказиш бўйича майин юнгли қўйларнинг юнгидан қолишмайди. 1 кг қуён момиғидан аёлларни 25 та бош кийимини тайёрлаш мумкин.

Қуёнлар ёппасига сўйилганда қўшимча маҳсулот, яъни ошқозон йиғиб олиниб, ундан ошқозон шираси тайёрланади. Бу эса меда-ичак касаллигига йўлиққан беморларга дори сифатида ишлатилади. Қуён суякларидан тайёрланган ун, барча чорва моллари учун қўшимча витаминларга бой озуқа ҳисобланади ҳамда суякларидан олий навли елим тайёрланади. Куёнларни қони ҳам фойдали бўлиб, у барча насл учун бўрдоқига боқилаётган ҳайвонларни рационига қон уни сифатида қўшиб берилади.

Қуёнчилик билан шуғулланмоқчи бўлган ҳалқимиз, қуёндан 12 хил соф тоза экологик маҳсулот олиш билан бирга, 50 га яқин озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш имкониятига эгадир. Кичик безнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуёнчилик билан шуғулланиш, ундан соф тоза экологик озиқ-овқат маҳсулотларини олиш давр талабидир.

**Ф. ДЖАСИМОВ,**
ТашГАУ, к.с.-х.н., доц.
**Н.Т. ШАЙМУРОДОВ,**
ТашГАУ, к.с.-х.н., доц.
**З. САЙФУЛЛАЕВА,**
ТашГАУ, магистр
**Б.Б. ШАЮСУПОВ,**
ТашГАУ, магистр
**Х.С. БОБОНАЗАРОВ,**
ТашГАУ, магистр

## Влияние возраста маток джайдара на показатели продуктивности их ягнят

Основная задача экономического реформирования всего агропромышленного комплекса Республики Узбекистан – достижение такого уровня производства продуктов, который позволил бы полностью удовлетворить потребность населения в продовольствии, а промышленность в сырье.

Важная роль в создании такого изобилия продуктов питания и сырья для промышленности отводится овцеводству. Овцеводство в республике базируется на пустынно, полупустынной, горно, предгорной пастбищах и выгодно использует их в производстве мяса, молока, шерсти, овчино-шубного и кожевенного сырья, а также в обеспечении социально-экономической жизни населения этих регионов.

Намеченный рост производства продуктов овцеводства будет осуществляться за счёт увеличения численности поголовья, улучшения породности и повышения их продуктивности. Немаловажная роль в решении этой проблемы видится в использование возрастного фактора в племенной роботе.

Исследованиями Ю.Н Юдина, В.П Родина (1983), Ф.Джасимова, О.Мамадалиева, Р.Ходинова (2002), А.И.Сулаймоновой (2002), А.Н Николаева, А.Н Ерохина (1987), установлено, что жизнеспособность, рост, развитие и продуктивность потомства зависят от возраста родителей т.е возрастные изменения животных имеют известную видовую специфику, соответственно, биологическим особенностям вида и породы.

В республике в последние годы, особенно в курдючном, мясо-сальном овцеводстве в проведении племенной роботы видится некоторая упушенность, что привело к нежелательным результатам. Для восполнения этого пробела нами в фермерском хозяйстве «Бегон бобо» Кушрабадского тумана, Самаркандкого вилоята на овцах джайдара был проведен научно-хозяйственный опыт по изучению влияния возраста маток джайдара на показатели динамики живой массы и шерстности их ягнят.

В опыте находилось 5 групп маток джайдара и их ягнята, овцы в группы были отобраны по методу аналогов, где особое место было уделено возрасту маток.

1-группу составили матки первого окота и их ягнята, II-группу-матки второго окота и их ягнята, III-IV-V- группу соответственно составили матки –третьего , четвертого и пятого окота и их ягнята.

Показатель продуктивности ягнят от разновозрастных маток учитывался методом контрольного взвешивания на десятитысячных весах с точностью до 0,05 грамм. (табл.1)

Из таблицы видно, что динамика живой массы ягнят от маток джайдара разного возраста значительно колебались. Ягнята от первокоток и относительно старых маток (шестилеток) отставали в росте и развитии по сравнению с ягнятами от маток третьего и четвертого окота. Это следует отнести к тому, что молодые и старовозрастные матки не могли полностью обеспечивать питанием своего ягненка как в утробный, так и в подсосный период развития.

**Таблица 1.**

**Динамика живой массы и настрига шерсти ягнят от разновозрастных маток джайдара**

| Показатели | Возраст маток | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2 года | 3 года | 4 года | 5 лет | 6 лет |
| | Динамика живой массы, кг | | | | |
| При рождении | 5,1 | 5,6 | 5,6 | 5,4 | 4,9 |
| При отбивке | 29,6 | 30,9 | 33,4 | 31,4 | 30,7 |
| При стрижке поярка | 36,2 | 40,5 | 43,4 | 41,0 | 38,7 |
| В один год | 37,9 | 41,2 | 44,5 | 41,8 | 38,9 |
| В 1,5 года | 48,7 | 52,5 | 55,3 | 54,5 | 51,3 |
| Настриг шерсти, кг | | | | | |
| Поярковая | 0,4-0,9 | 0,5-1,0 | 0,5-1,5 | 0,7-1,4 | 0,7-1,3 |
| Весенняя | 0,7-1,2 | 0,8-1,2 | 0,9-1,7 | 0,8-1,3 | 0,7-1,2 |
| Осенняя | 0,5-1,0 | 0,7-1,4 | 0,8-1,8 | 0,8-1,7 | 0,8-1,5 |

Опираясь на данное положение следует отметить, что с повышением возраста у овцематок изменялись все клетки, ткани, органы и отмечается некоторая пониженая их функциональная деятельность в результате которого наблюдается пониженная резистентность организма, которая естественно отражается на потомстве.

Наряду с показателем динамики живой массы ягнят от маток джайдара разного возраста мы рекогносцировочно изучили и показатели настрига шерсти. Где установили, что относительно лучшим настригом шерсти отличались ягнята полученные от маток джайдара третьего и четвертого окота т.е. ягнята от средне возрастных маток по настригу поярка, весенней (годовалом) и осенней (1,5 года) шерсти значительно опережали потомство, полученных от молодых и старовозрастных маток.

**Г.Б.АМАНТУРДИЕВ,**
ТашГАУ, доцент

### Некоторые вопросы инновации кормления сельскохозяйственных животных

Одним из путей повышения роста производства животноводческой продукции и повышения его эффективности является внедрение инновационных технологий в процессе кормления сельскохозяйственных животных.

В процессе интенсификации животноводства, строительства индустриальных комплексов и освоения инновационных технологий производства возникает ряд вопросов по кормлению сельскохозяйственных животных.

При современной технологии содержания животных, изоляции их от природы, исключение контактов с почвой и растениями, интенсивное использование маток, потребление кормов, подвергавшихся сложному технологическому воздействию и стремление получить от животных максимальное количество продукции, обусловливают необходимость дальнейшего совершенствования норм кормления животных.

Нет более могучего рычага в подъеме животноводства, чем корма и кормление. Не зря в народе говорят: "Корма – всему голова". От нормы корма и уровня технологии кормления в прямой зависимости находится продуктивность животных.

Повышения продуктивности сельскохозяйственных животных можно достичь прежде всего благодаря правильной организации их содержания и полноценного сбалансированного кормления, удовлетворяющего потребности организма в протеине, минеральных веществах и витаминах.

Крупные резервы повышения продуктивности скота заложены также в широком использовании различных препаратов: фосфатов, известняков, микроэлементов, антибиотиков, тканевых препаратов и других биогенных стимуляторов. Проблема минерального, протеинового и витаминного питания в животноводстве следует считать самой злободневной. От правильного и своевременного ее решения в значительной степени будут зависеть и качество поголовья, уровень производства продукции, снижение ее себестоимости.

В повышении продуктивности сельскохозяйственных животных большое значение имеет правильное кормление их полноценными кормами, включающими важнейшие органические вещества – белки, жиры, углеводы, витамины необходимые организму минеральные вещества, в том числе "селен" и "фелуцен".

**Селен** обладает высокой биохимической активностью, способствует интенсификации обмена веществ. Установлено его влияние на белковый обмен, в частности, на обмен серосодержащих аминокислот.

Селен воздействует на процессы тканевого дыхания, регулируя скорость течения окислительных-восстановительных реакций, повышает иммунобиологическую реактивность организма. Интерес к селену биологически активному микроэлементу, сначала возник из-за его токсического действия.

Впервые заболевание лошадей вызванное избыточным содержанием селена в кормах,

было описано в 1856 году под названием “щелочная” болезнь.

Селен не только токсичен к животным, но и крайне необходим для роста, развития и существования млекопитающих и птиц. Суточная потребность в селене незначительна, но в тех случаях, когда животные получают этого элемента с кормом меньше, чем 0,1 мг/кг сухого вещества, у молодняка сельскохозяйственных животных нарушается обмен веществ.

Таким образом, селен привлекает внимание животноводов как биологический элемент, выполняющий в очень малых количествах важные биохимические функции, а также как высоко токсичный элемент неорганические соединения, которого более ядовиты, чем соединения молибдена, мышьяка и ванадия. Так, токсичен корм, содержаний 7 – 10 мг селена на 1 кг сухого вещества использовали оптимальный уровень селена (дафе – 5). В рационе бычков при откорме, полученное исследователями В.В.Семенов, С.А.Беленько, Н.В.Цибульский это 0,3- 0,4 мг/кг сухого вещества в рационе. Выше этого уровня уже приводит к снижению продуктивности подопытных бычков.

«**Фелуцен**» стимулирует работу молочных желез, повышает молокоотдачу на 0,5-2,5 литров в сутки, увеличивает жирность молока и содержание в нем белка на 0,05-0,4, улучшает другие качественные показатели. «Фелуцен» способствует быстрому росту молодняка, увеличивая прирост живой массы молодняка крупного рогатого скота на 90-250 грамм в сутки.

**Способ применения**. «Фелуцен»-Порошок от светло до темно-коричневого цвета в крафт – мешках по 25 кг. УМД «Фелуцен» не содержит антибиотиков, гормональных препаратов. Продукция, полученная от животных в рацион которых входит «Фелуцен», используется без ограничений.

В последние годы благодаря применению новых методов исследования значительно расширились представления о биологической роли, обмене и механизме многих химических жизненно важных элементов.

Данные многочисленных научных исследований и практика передовых хозяйств показывают, что возможности роста продуктивности скота и птицы используются еще не полностью и связано это прежде всего с недостаточным общим кормлением и низкой питательностью рационов.

Среди факторов, определяющих полноценность кормления сельскохозяйственных животных, большую роль играют минеральные вещества. Они являются основным материалом для построения костной и участвуют в образовании мягких тканей, в создании осмотического давлении, кислотной – щелочной равновесии, подержании необходимой концентрации водородных ионов в клеточных и внеклеточных жидкостях.

**Экономический эффективность.**

При интенсивном откорме и сдаче на убой бычков молодняков, как правило, можно получить мясной туши высокого качество.

Установлено также, что при обильном кормлении бычков в первые 17-18 месяцев возраста жизни и последующем до снятия с откорма умеренном их кормлении получаются туши с повышенным выходом мяса.

В настоящее время внедрение научных достижений и передовой техники из благого пожелания превращаются в крайнюю необходимость для каждого хозяйства в связи с переходом на самоокупаемость и самофинансирование.

Нашими исследованиями установлено, что при применении минеральных добавок в кормление бычков, т.е. молодняк на откорме в 18 месяцев достигает живой массы 420-450 кг.

При этом себестоимость 1 ц прироста составляет 150-160 тыс. сўмов, при затратах труда 10 чел.час и кормов 9,4 ц кормовых единиц.

**И.И.ҲАФИЗОВ,**
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, қ.х.ф.н.,
**С.Ш.ИСАМУХАМЕДОВ,**
ТошДАУ, б.ф.н., доцент
**А.И.ҲАФИЗОВ,**
ТошДАУ, магистр
**А.ЮЛДАШЕВ,**
ТошДАУ, магистр

## Чорва моллари наслчилигида уларни озиқлантириш, сақлаш ва парваришлаш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари

Наслли буқалар озиқлантирилишини тўғри ташкил этиш, улардан наслчилик ишларида фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Наслли буқа ўрта семизликда бўлиб, мускул тўқималар ривожланган ва бардам кўринишда бўлса, ундан сифатли уруғ олиш мумкин. Қочириш пайтида (ёки уруғ олишда) жуда кўп энергия сарфлайди. Шунинг учун етарли даражада озиқлантирилмаслик, уни асосий сафдан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Ниҳоятда семиртириб боқилган буқалардан ҳам сифатли уруғ олиб бўлмайди.

Сифатли уруғ олиш учун наслли буқаларни белгиланган озиқлантириш меъёрлари асосида боқиш керак.

Наслли буқаларни озиқлантириш меъёри уларни тирик вазнига, семизлигига, ҳафта давомида уруғ олишда фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Наслли буқалар рационида етарли миқдорда минерал моддалар, айниқса кальций ва фосфор талаб даражасида бўлиши керак.

Ўртача сутка давомида ҳар бир озуқа бирлигига кальций 7 г, фосфор 5-6 г, ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига 7-8 г ош тузи бериш мумкин. Бу тахминий меъёр бўлиб, ҳар бир наслли буқаларнинг семизлик даражасига ва хафта давомида уруғ олиш даража боғлиқ равишда ўзгарувчан бўлади. Агарда, рацион бўйича белгиланган уруғнинг миқдори ва сифати пасайиб кетса, бундай холларда берилаётган озуқалар меъёри 10-15 % кўпайтирилади. Аксинча, уларда семириб кетиш кузатилса, бундай ҳолларда сайр этиш муддати узайтирилади ва озуқалар миқдори камайтирилади.

Наслли буқалар учун тузилган рацион таркибига сифатли беда пичани, силос, илдизмевали озуқалар ва омухта емлар киритилади. Шунингдек, суткалик берилаётган озуқаларда хазмланувчи протеин. Минерал озуқалар ва витаминларнинг етарли бўлишини ҳисобга олиш шарт.

Наслли буқаларни ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига, қуйидаги миқдорда дағал ва ширали озуқалар бўлиши керак: беда пичани-1,0-1,5 кг; илдизмевалар 1,0-1,5 кг; силос -0,8-1,0 кг.

Минерал моддаларнинг етишмаган қисми суткасига 100 г дан 200 г гача омухта емлар қўшиб берилиб, қопланади. Омухта емлар таркиби сули, тариқ, кепак, шрот, дон дуккаклилардан иборат бўлади. Наслли буқадан, хафта давомида уруғ олишда фойдаланиш даражасига қараб, оқсилга бой озуқалар ҳисобидан омухта емлар тайёрланади.

Наслли буқалардан уруғ олинаётган даврда ҳар бир озиқ бирлигига 70-80 г ҳазмланувчи протеин, ўртача фойдаланилганда 80-90 г, юқори даражада фойдаланилганда 100-120 г ҳазмланувчи протеин бўлиши керак. Наслли буқалардан уруғ олиш даврида рационга творог, қаймоғи олинган сут (обрат), товуқ тухумини киритиш мумкин. Шунингдек, бошоқли донларни ўстирилган майсасини бериш тавсия этилади.

Ёз фаслида эса, яхши ўтлоқда боқишни ташкил этиб, концентрат озуқалар берилади ва тоза ичимлик суви билан суғорилади.

Наслли буқаларни боқиш учун яйлов (ўтлоқ) шароитлари ташкил этилганда, уларни молбоқар назорати остида яйловда боқиш мумкин. Бунинг учун наслли буқалар, сигирлардан узоқ сақланиши керак. Яйловда боқиш имконияти бўлмаган холларда, кўп йиллик ўтлар билан бир йиллик ўтлардан экиб, суъний яйловларда барпо этиш мумикин. Бундай яйловларни 10-12 та загонларга бўлиб уларда навбати билан буқалар боқиб борилади.

Буқалар боқиб ўтилган загондаги қолган баъзи дағал поялар ўриб ташланади ва суғорилади.

Наслли буқаларни яхши шароитда сақлаш ва парваришлаш уларни соғлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, насл учун фойдаланиш муддатини узайтиради.

Талаб даражасидан паст бўлмаган сақлаш шароитлари наслли буқаларни жинсий фаолиятини камайтиради, бундай буқалардан олинган уруғдан қочирилган сигирларнинг оталаниш даражаси паст бўлади.

Наслли буқаларни сигирлар билан бир жойда сақлаш мумкин эмас. Наслли буқаларни тоза биноларда, турли таъсир этувчи омиллардан холи жойда сақлаш керак.

Етук ёшдаги буқа турадиган жойнинг эни 1,5 м, узунлиги 2,5 м бўлиши шарт. Поли эса бир томонга бўлади. Боғлаб қўйилган наслли буқалар эркин харакатланадиган бўлиши керак. Наслли буқалар турадиган бино шамоллатиладиган, қуруқ, тоза ва ёруғ бўлиши шарт. Шунингдек, бинода елвизак бўлмаслиги зарур. Ойнадан тушадиган ёруғлик буқанинг кўзларига тик тушадиган бўлмаслиги керак, чунки бундай холат уларни безовталантиради ва кўзини кўришига салбий таъсир қилади. Буқалар турадиган жойда ўткир тиғли буюмлар бўлмаслиги керак, чунки уларга жароҳат етказиш мумкин.

Ёз даврида наслли буқалар тоза ҳавода бостирмалар остида сақланади. Буқалар остида гўнг тўпланиб қолиши мумкин эмас. Наслли буқалар турадиган жой, бегоналардан ва бошқа ҳайвонлардан ҳимояланган бўлиши шарт.

Наслли буқалар қимматли аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, уларни парвариш қилишни тажрибали молбоқарларга топшириш керак. Ҳар бир наслли буқанинг тагига 1,5-2,0 кг ҳисобидан суткасига юмшоқ тўшама ташлаб турилади. Тўпланиб қолган гўнг ва тўшамалар вақтида олиб ташланади.

Буқаларни гавдаси ҳар куни тозалаб турилади. Бу эса, уларда тери касалликлари келиб чиқишини олдини олиб, моддалар алмашиниши жараёнига ва соғлигига ижобий таъсир қилади.

Буқалар танасини тозалашда махсус чўткалардан фойдаланилади, бунда жун қопламга қарама-қарши томонга харакатлантирилади, кейин эса жун қоплами бўйича чўткалаб харакатлантирилади. Ниҳоятда ифлосланган тана қисмлари ва дум қисми илиқ сувда ивитилиб, кейин тозаланади. Наслли буқаларни танасини тозалашда ишлатилган чўткалардан бошқа ҳайвонлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Ёзда наслли буқаларни қон–паразитлар касалликларга қарши дезинфекцияловчи дорилар билан чўмилтириб турилади.

Чўмилтирилаётган сувнинг харорати $18^0$С дан паст бўлмаслиги керак. Наслли буқалар чўмилтирилгандан кейин елвизакда шамоллаб қолмаслиги чоралари кўрилади.

Наслли буқаларни яйратиш (моцион). Буқаларни узоқ вақт боғлаб қўйиш натижасида, кам ҳаракатланиши уларни жинсий фаолиятини пасайтиради. Шунинг учун, уларни ҳар куни сайр эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Наслли буқалар 2-3 километр масофага 1-2 соатдан сайр қилдирилади. Кимёвий дорилар ёки ўлган ҳайвонлар қўйилган жойларга, юқумли касалликлар чиқиш хавфи бўлган ҳудудларга сайр эттириш мумкин эмас.

**Кун тартиби.** Организм аниқ бир маромдаги тартибга кўникади. Шунинг учун, наслли буқаларни парвариш қилишда қатъий кун тартибига риоя қилиш керак. Уларни озиқлантириш, суғориш, тозалаш, яйратиш аниқ бир вақтда амалга оширилади. Наслли буқаларни боғлаб сақланадиган даврда қуйидаги кун тартиби тавсия этилади:

| | |
|---|---|
| 1. Озиқлантириш, суғориш | 5.00-6.00 гача |
| 2. Буқаларни тозалаш, тўшамаларни янгилаш | 6.00-6.30 гача |
| 3. Дам бериш | 6.30-9.00 гача |
| 4. Буқалардан фойдаланиш (уруғ олиш) | 9.00-11.30 гача |
| 5. Озиқлантириш, суғориш | 11.30-12.30 гача |
| 6. Дам бериш | 12.30-17.00 гача |
| 7. Буқалардан фойдаланиш (уруғ олиш) | 17.00-18.00 гача |
| 8. Тўшамаларни янгилаш, охурларини тозалаш, жиҳозларни йиғиштириш | 18.00-1900 гача |
| 9. Озиқлантириш, суғориш, кечкурунга беда пичани бериш | 19.00-20.00 гача |

Наслли буқалардан эрталаб ва кечкурун уруғ олиш мақсадга мувофиқдир. Озиқлантирилгандан ва суғорилгандан кейин 2-2,5 соат вақт ўтмасдан туриб, улардан уруғ олиш ёки қочириш учун фойдаланиш тавсия этилмайди. Уруғ олинган сўнг буқаларни 10 дақиқа сайр қилдириб, кейин жойига боғлаб қўйиш керак.

Қиш мавсумида 8-10$^{0}$С даги тоза ичимлик суви билан суғориш тавсия қилинади.

**Туёқларни парваришлаш.** Наслли буқалар туёқларнинг холати алоҳида аҳамият касб этади. Туёқлари ўсиб кетган, турли хил туёқ касалликларига чалинган буқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун уларни туёқларини мунтазам назорат қилиб бориш керак.

Ҳар куни туёқлар ва туёқлар ораси тозалаб турилади. Туёқлар шохи тез ўсади. Агарда ўз вақтида ўсган туёқ шохлари кесиб турилмаса, оёқларини таяниш нотўғри бўлади. Натижада пайларда харакат пайтида оғриқ пайдо бўлади. Туёқларнинг холатига қараб, йилига бир марта туёқлар шохини кесиш, парваришлаш тадбирлари амалга оширилади.

Буқалар турадиган жой қуруқ бўлиши керак, акс ҳолда туёқлар қийшайиб, ревматизм касаллиги келиб чиқади. Баъзи буқаларда туёқлар қуруқ бўлиб, уларни тез дарз кетиб, синиб кетишига сабаб бўлади. Бундай холларда туёқларни намлаб, кейин вазелин суриб қўйиш керак.

Наслли буқалар сақланадиган бинода, уруғ олинадиган ва қочириш амалга оширилаётган жойларда шиша синиқлари, мих қоқилган тахта бўлаклари ва бошқа предметларнинг бўлишини олдини олиш керак. Буқалар оқсоқланиб қолган ҳолларда, тезда ветеринария ходимларидан фойдаланиш зарур.

**Наслли буқалардан қочиришда ва уруғ олишда фойдаланиш**

Наслли буқалардан тўғри фойдаланиш, нафақат уларни наслчилик ишидаги хизмат муддатини узайишига боғлиқ, балки, сигирлар подасида қисир қолишни олдини олиш ва олинган бузоқларнинг ҳаётчанлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, қимматли насл тоифасидаги буқалардан кўпроқ авлод олиш муҳимдир.

Наслчилик ишида наслли буқалардан фойдаланиш муддати, уларни биринчи марта қочиришда ишлатилган ёшига, сақлаш ва парваришлаш шароитларига ҳамда қочиришдаги қўллиниладиган усулларга боғлиқ.

Ҳайвонлар маълум ёшга етганда жинсий жиҳатдан етилади. Бунда улар етук, оталантириш қобилиятига эга бўлган уруғлар бера олади.

Буқачаларда жинсий уйғониш даври 5-6 ойликда, 7-9 ойлик ёшга борганда эса жинсий етуклик даври бошланади. Лекин, жинсий етуклик давридаги ёшга борганда ундан уруғ олиш ёки қочиришда фойдаланиш мумкин, дегани эмас. Эрта қочиришга фойдаланилган буқалар сафдан тезроқ чиқади.

Эрта етиладиган зотларда, биринчи марта қочиришда буқачаларни 13-15 ойлигида, ўрта етиладиган зотларда (сут йўналишидаги зотларда) 15-18 ойлигида, кеч етиладиган зотларда эса 18-22 ойлигида фойдаланиш мумкин.

Насл учун ўстирилаётган буқалар яхши тана тузилишига, ривожланган жинсий органларга эга бўлиши керак.

Ривожланган, сифатли уруғ сигирларни оталантириш қобилиятига эга бўлади, шунинг учун ҳам вақти-вақти билан буқалар уруғини сифатини текшириб туриш керак.

Спермани баҳолаш. Сперма (уруғ)нинг сифати буқаларнинг фаоллигига, ёшига, озиқлантириш ва парваришлаш шароитларига, қочиришда фойдаланиш даражасига ҳамда сунъий қочиришда эса уруғ олиш техникасига боғлиқ. Агарда, наслли буқа паст сифатли уруғ берса, подада сигирларнинг кўпчилигини қисир қолиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун, сунъий қочиришда сперманинг сифати доимий назорат қилиб турилади. Сперма сифати микроскоп ёрдамида 180-400 мартагача катталаштирилиб, текширилади. Бунда асосан, сперманинг қуюқлиги ва ҳаракатчанлиги аниқланади. Сперма қуюқлик кўрсаткичлари бўйича 4- гуруҳга бўлинади.

**1-гуруҳ** – бу қуюқ сперма бўлиб, микроскопда кўриниш майдони сперматозидлар билан тўлиқ қамраб олинган бўлади. Улар ўртасида деярли оралиқ масофа бўлмайди. Бундай сперма «Г» харфи билан белгиланиб, 1 $см^3$ да 1 миллиард сперматозоид бўлади.

**2-гуруҳ** – бу ўрта қуюқликдаги сперма бўлиб, сперматозоидлар ўртасидаги масофа улар узунлигига тенг бўлади. Бундай сперма «с» харфи билан белгиланади ва 1 $см^3$ да 200 миллиондан 1 миллиардгача сперматозоид бўлади.

**3-гуруҳ** – бу суюқлик сперма бўлиб, сперматозоидлар орасида катта масофа бўлади ва «**Р» ҳарфи билан белгиланади.**

**4-гуруҳдаги** спермалар жуда кам ёки умуман бўлмайди, бу эса «А» харфи билан белгиланади (азоспермия).

Ишлаб чиқариш шароитида қочиришнинг 3 хил усули: қўлда қочириш, эркин қочириш, сунъий қочириш усуллари мавжуд.

Насл учун танланган буқачаларнинг генетик сифатини тўғри баҳолаш, сунъий урчитиш амалга оширилаётган шароитда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сунъий урчитиш усули билан наслли буқалардан йил давомида мингдан зиёд авлод қолиб, тарқатилади ва уларнинг пода сифатига таъсири сигирларникига нисбатан кўпроқ бўлади. Насл учун ўстирилган буқаларнинг наслини баҳолаш натижаларига кўра, уларни 3 тоифага ажратиш мумкин: зотни яхшиловчи хусусиятига эга буқалар; зотни яхшилашга таъсир этмайдиган (ўзгармайдиган), яъни консерватив хусусиятли буқалар; зотни ёмонлаштирувчи тоифадаги буқалар

Баҳолаш натижаларига кўра, зотни яхшиловчи буқалардан сигир ва таналарни уруғлантириш фойдаланиш зарур, зотни ёмонлаштирувчи буқаларни эса тезда бекор қилиш лозим.

Чорвачиликда наслли моллар олиш жараёнида чорва молларини юқорида баён қилинган тартибда озиқлантириш, сақлаш ва парваришлаш жараёнларини ташкил этиш чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорва моллари пода таркибини такомиллаштириш ва зотини яхшилашни таъминлайди.

**И.И.ҲАФИЗОВ,**
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, қ.-х.ф.н., доцент
**С.Ш.ИСАМУХАМЕДОВ,**
ТошДАУ, б.ф.н., доцент
**А.ЮЛДАШЕВ,**
ТошДАУ, магистр,
**А.МУХИДДИНОВ,**
ТошДАУ, талаба

## Насл учун ўстириладиган буқачаларни сут ичиш даврида озиқлантиришни ташкил этишда инновацион ёндашувнинг айрим жиҳатлари

Ёш буқачалар хаётининг дастлабки даврида, жадал ўсиш хусусиятига эга бўлади. Уларда бу даврда барча органлар, мускул тўқималари ва суяклар ривожланади, бунинг учун хазмланувчи оқсил, минерал моддаларга ҳамда витаминлар бўлган эҳтиёж янада ортади. Бу эҳтиёжни эса, бузоқлар туғилгандан кейин факат сут орқали олади.

Сигирлардан туққандан кейин, дастлабки 10 кунда соғиб олинган сут оғиз сути деб аталади. Бу ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у енгил ҳазмланадиган оқсил моддаларга бой бўлади. Бундай оқсил моддалар бузоқлар организмига деярли тўлиқ ҳазмланади. Шунингдек, оғиз сути таркибида жуда кўп витаминлар, бошқа қимматли озиқ моддалар мавжуд бўлиб, ёш организмни ўсиб ривожланишида, касалликлардан сақланишда ва чидамлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, наслли буқалар етиштириш оғиз сути билан уларни туғилгандан сўнг озиқлантириш муҳимдир.

Бузоқлар туғилгандан сўнг, 1,0-1,5 соат мобайнида уларга оғиз сутини ичиришни таъминлаш лозим. Шундан кейин сутка давомида оғиз сути белгиланган аниқ вақтларда 5-6 мартадан ичириб борилади.

Оғиз сути ичиришни кун тартибида амалга ошириш мумкин. Биринчи ичиришни эрталабки 4.00 да, иккинчисини соат 9.00 да, учинчи ичиришни соат 14.00 да, тўртинчисини соат 18.00 да, бешинчи марта ичиришни соат 22.00 да амалга ошириш мумкин.

Буқачаларда ич кетишини олдини олиш мақсадида сут ичадиган идишларни тозалигига эътибор бериш керак, авваламбор, янги соғилган оғиз сутини харорати 37-38 $^{0}$С дан кам бўлмаслиги лозим.

Насл учун ўстириладиган бузоқларни 10-15 кун давомида онаси билан биргаликда сақлаш тавсия этилади. Шундан сўнг буқачаларни умумий тартибда соғилган соғлом ва янги туққан сигирларни сутидан ичиришга ўтилади.

Наслли буқалар озиқлантириш учун танланган сигирларни турли хил сифатли озуқалар билан озиқлантириш мақсадга мувофиқдир, чунки, буқалар зарурий озиқ моддаларни ва витаминларни сут орқали қабул қилади. Бу эса уларни ўсиши, ривожланиш учун муҳимдир.

Наслли буқаларни дастлабки 2 ойлигида уч марта ва кейинчалик тўрт марта сутка давомида озиқлантириб бориш мумкин. Насл учун ўстирилаётган буқачаларни 6 ойликкача сут бериб бориш уларни ўсиш ривожланишга ижобий таъсир қилади (1- жадвал).

Ҳар бир наслли буқачаларга сут ичириш меъёри 6 ойлик давр мобайнидаги кунлик ўсиш вазнини ва мўлжалланган тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунинг учун сут ичириш схемаси тузилади ва қўшимча равишда бошқа озуқалар билан озиқлантириш ташкил этилади.

Наслли буқачаларни 3-4 ойлигида омухта емлар таркибида сули ёрмаси (ёки арпа ёрмаси) 80 фоизни, кепак 10 фоизни шрот 10 фоизни ташкил этиш керак.

Шунингдек, 5-6 ойлигида омухта ем таркибида сули ёрмаси (ёки арпа ёрмаси) 20 фоизни, кепак 40 фоизни ва шрот 40 фоизни ташкил этиши лозим.

Наслли буқачаларга 3 ойлигидан бошлаб бериладиган омухта емларга 5 граммдан ош тузи бериб бориш мумкин. Беда пичанини эса, 20 кунлигидан бошлаб рационга қиритиб, уларни ўргатиб бориш керак. Беда пичани сифатли, майин бўлиши лозим.

**1-жадвал**

**Насл учун ўстирилаётган буқачаларни 6 ойликкача сут ичириш тизими**

| Ёши (декада,ой) | тирик вазни, кг | Сут, л | | Кучли озуқалар, кг | | пичан, кг | силос, кг | илдиз мевалар, кг | Минерал қўшимчалар, г | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёғли сут | обрат | сули уни | омухта ем | | | | ош тузи | фосфат лар |
| 1- декада | | 8 | ўргатилади | | | | | | | |
| 2- декада | | 8 | ўргатилади | | | | | | 5 | 5 |
| 3- декада | | 8 | | 0,1 | | 0,1 | | | 5 | 10 |
| **1 ойда** | 62 | 240 | | 1 | | 1 | | | 100 | 150 |
| 4- декада | | 8 | | 0,2 | | 0,2 | | | 10 | 15 |
| 5- декада | | 8 | | 0,5 | | 0,3 | | | 10 | 15 |
| 6- декада | | 5 | 5 | 0,9 | | 0,5 | | | 10 | 15 |
| **2 ойда** | 90 | 210 | 50 | 16 | | 10 | | | 300 | 450 |
| 7- декада | | | 10 | | 1,2 | 0,6 | | 0,2 | 10 | 20 |
| 8- декада | | | 10 | | 1,5 | 0,8 | | 0,3 | 10 | 20 |
| 9- декада | | | 10 | | 1,8 | 1,0 | | 0,5 | 10 | 20 |
| **3 ойда** | 120 | | 300 | | 45 | 24 | | 10 | 300 | 600 |
| 10- декада | | | 10 | | 1,8 | 1,2 | | 1 | 15 | 20 |
| 11- декада | | | 10 | | 1,8 | 1,3 | 0,5 | 1 | 15 | 20 |
| 12- декада | | | 10 | | 1,8 | 1,5 | 1,0 | 1 | 15 | 20 |
| **4 ойда** | 150 | | 300 | | 54 | 40 | 15 | 30 | 450 | 600 |
| 13- декада | | | 8 | | 1,8 | 2 | 1,0 | 1 | 20 | 25 |
| 14- декада | | | 8 | | 1,8 | 2 | 1,5 | 1 | 20 | 25 |
| 15- декада | 180 | | 8 | | 1,8 | 2 | 2,0 | 1 | 20 | 25 |
| **5ойда** | | | 240 | | 54 | 60 | 45 | 30 | 600 | 750 |
| 16- декада | | | 6 | | 2 | 2 | 3 | 1 | 25 | 25 |
| 17- декада | | | 4 | | 2 | 3 | 3 | 1 | 25 | 25 |
| 18- декада | | | 1 | | 2 | 3 | 3 | 1 | 25 | 25 |
| **6 ойда** | 210 | | 110 | | 60 | 90 | 90 | 30 | 750 | 750 |
| **Жами 6 ойда** | | 450 | 1000 | 17 | 213 | 245 | 150 | 100 | 2500 | 3300 |

Тузилган озиқлантириш схемаси бўйича берилган озуқаларнинг буқачалар томонидан ейилиш даражаси ва уларнинг кунлик ўсиш вазнининг ортиб бориши назорат қилиб борилади. Баъзи буқачалар белгиланган меъёрдан кўпроқ омухта ем, ширали ва кўк озуқаларни истеъмол қилиши мумкин. Бундай холларда бу озуқаларни бериш миқдори кўпайтирилади.

Насл учун ўстирилаётган буқачалар сақланадиган хўжаликларда, етарли миқдорда сут ва озуқа таъминотини ташкил этиш зарур.

Наслли буқачаларни сут ичириш муддати қисқартириш мумкин эмас, уларни озиқлантиришда беда экинини гуллаш даврида пичан қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ширали озуқалардан лавлаги ва сабзи бериш мумкин, чунки, бу озуқалар витаминларга бой ҳисобланади. Буқачаларни ёз фаслида яйратиб боқиш муҳим аҳамият касб этади.

Насл учун ўстириладиган буқаларни сут ичиш давридан кейин озиқлантириш.

Ишлаб чиқариш шароитида, насл учун ўстирилаётган буқачаларни сут ичиш давридан кейин озиқлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Баъзи хўжаликларда бузоқлар сут ичиш даврида етарли даражада озиқлантирилсада, кейинчалик улар бир турдаги озуқа билан озиқлантирилади. Натижада, кунлик вазн ўсиши кескин камаяди ва тирик вазни меъёр

талабларидан кам бўлади. Шунинг учун юқори маҳсулдор, айниқса, буқачаларни парваришлаш ва насл учун етиштириш даврида тўла қийматли озиқлантиришни тўғри ташкил этиш талаб этилади.

Сут ичиш давридан сўнг, яъни наслли ёш молларни 6 ойликдан бошлаб, ўсиш ривожланишини ва тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда меъёр бўйича озиқлантирилади. Бунда, озиқлантириш меъёри буқачалар организмини озиқ моддаларга бўлган талабини қоплаши, кейинчалик ўсиш ривожланишини тўлиқ таъминлайдиган даражада бўлиши керак. Умуман, организм озиқ моддаларни шартли равишда ҳаёт фаолиятини ва маҳсулдорлигини таъминлайдиган озуқаларга бўлиш мумкин. Ҳайвонларни яшаши учун сарфланадиган озиқ моддалар, ҳаёт фаолиятини таъминловчи озуқалар деб аташ қабул қилинган, маҳсулот етиштириш (сут, гўшт ва ҳоказо) учун харажат бўладиган озиқ моддалар маҳсулдорликни таъминловчи озуқалар дейилади. Озиқ моддаларни бундай иккига бўлиш озиқ меъёрларни ва рацион тузишда, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқаларни ҳамда бошқа ҳисоб-китобларни қилиш имконини беради.

Илмий-амалий маълумотларга асосан, ҳаёт фаолиятини таъминловчи озиқ моддалар миқдори ҳайвонларнинг тирик вазнига боғлиқ.

Маҳсулдорликни таъминловчи озиқ моддалар миқдори ёш молларнинг режалаштирилган кунлик ўсиш вазни ва уларнинг ёшига боғлиқ. Ёш бузоқларга сарфланадиган ҳаёт фаолиятини ва маҳсулдорликни таъминловчи озиқ моддаларнинг хар бир озуқа бирлигига 100 г хазмланувчи протеин бўлиши лозим. Ёш бузоқлар организмини ўсиш ривожланиши учун зурурий озиқ моддалар билан етарли таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун наслли буқачаларга имконият борича турли хил озуқалар бериш керак. Уларнинг соғлом бўлиши суякларнинг ривожланиши учун минерал моддалар (ош тузи, бўр) бериб борилади. Жумладан, ош тузи 20-25 г, бўр 40-50 г бериш мумкин. Бу меъёр ўртача қилиб белгиланган бўлиб, уларнинг миқдори ҳар бир организмнинг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Хар бир организмнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, парвариш қилиш ва озиқлантириш шароитларини яратиш орқали қимматли наслли буқалар етиштириш мумкин.

**Н.ХУШМАТОВ,**
ЎзБИИТИ, и.ф.д., профессор
**С.АБДУЛЛАЕВА,**
ЎзБИИТИ, мустақил изланувчи

## Чорвачилик маҳсулотлари ва тармоқ учун зарур саноат махсулотларига талаб ва таклиф, баҳо шаклланишида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли

Чорвачилик тармоғи мамлакат қишлоқ аҳолисининг даромадини таъминлаётган муҳим манбалардан бири хисобланади. Аҳоли томонидан ўз даромадларининг бир қисмини чорва моллари кўринишида сақлаш одатий тусга кириб қолди. Шу ҳисобда чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг мамлакат ички имкониятлари ҳисобига қондирилиш масаласи ижобий ечимини топаётган масалалардан эканлиги таъкидлаб ўтиш зарур.

Бизга маълумки, деҳқон хўжаликлари сингари хусусий тармокда гўшт ва сут ишлаб чиқаришда, маҳсулотнинг дастлаки ва шунингдек бозордаги ўртача баҳолари ўзгаришига аввало маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар ҳамда фойдаланилган хизматлар баҳолари бевосита таъсир қилади. Лекин ресурслар ва хизматлар баҳоларини кузатиш орқали маҳсулот баҳосига ҳамда маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг ошиши ёки камайишини кузатиш янада мураккаб. Шу билан биргаликда таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликлари асосий маҳсулот етиштирувчи ҳисобланадиган шароитда сут ва гўшт

маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш ва бозорлар тўкинлиги биринчи навбатда чорвачилик тармоги учун хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва ресурслар билан таъмин этиш асосий ўринни эгаллайди.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби чорвачилик тармоғида ҳам давлатнинг тартибга солиш дастакларидан соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш талаб этилади. Чунки чорвачилик тармоғи учун зарур бўлган ресурслар билан таъмин этиш тизимини ривожлантиришда давлатнинг роли бозор шароитида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бизга маълумки иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг иқтисодий вазифалари кўп ва хилма-хилдир.

Биринчидан, давлатнинг аниқ бир тармоқни ривожлантиришдаги иқтисодий вазифалари бозор шароитида тармоқни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилади. Бу борада соҳага қуйидагй икки фаолиятини киритишимиз мумкин:

1. Бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва тенг иқтисодий муҳит шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

2. Маҳсулотлар ва хизматлар бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда ҳимоя қилиш йўналишида.

Бозор муносабатлари шароитида, хусусан чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмаси мавжуд бўлмаган, эркин бозор учун маҳсулот ишлаб чйқариш шароитда давлат томонидан иқтисодий дастаклар орқали таъсир кўрсатиш муҳим ўрин тутиши зарур.

Ўзбекистон шароитида Чорвачилик маҳсулотлари бозорини тартибга солишнинг асосий масаласи унинг энг заиф субъекти ҳисобланган ишлаб чиқариш бўгинини (деҳқон ва фермер хўжаликлари) ҳимоялашга йўналтириш лозим. Бунда масаланинг икки жиҳатини қараш мумкин:

- бозорда алоҳида маҳсулот турлари бўйича (гўшт, сут) талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, маҳсулот баҳолари кескин ўзгаришини ва ҳудудий тафовутлар олдини олиш;
- чорвачилик маҳсулотлари бозорининг барча иштирокчилари фаолиятининг иқтисодий тенг асосда амалга оширилиши учун ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиш (чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, маҳсулотларни қайта ишловчилар, сотувчилар).

Ушбу мақсадларга эришиш учун талабни рагбатлантириш, човачилик маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, миллий бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларни сотишдаги улушини ошириш, мавсумий тебранишларни бартараф этиш ва экспортни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиб бериш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратиш борасидаги давлатнинг муҳим вазифларидан бири сифатида тармоқлараро баҳо ўсиши суръатларини мувофиқлаштириб туриш ҳисобланади. Шунинг учун давлат томонидан доимий равишда тармоқлараро ўзаро боғлиқ бўлган асосий турдаги маҳсулот ва ресурслар баҳолари ўзгариши мониторингини амалга ошириш, энергия ресурслари нархини жиловлаш тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади.

Давлатнинг чорвачилик соҳасини иқтисодий рағбатлантириш мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда асосий мақсад чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва бунинг асосида аҳолининг озиқ овқат маҳсулотларга ва саноатнинг хомашёга бўлган талабини қондириш, қишлоқнинг ижтимоий ривожланишига ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таянадиган ҳудудларнинг комплекс ривожланишига шарт-шароит яратиб бериш (инновацион-инвестицион жараёналарни жадаллаштириш эвазига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даромадлилигини ошириш) ҳисобланади. Хусусан (1-расм):

- *Чорвачилик тармогини ривожлантиришнинг институционал асосларини шакллантириги:*
- *Чорвачилик тармогини ривожлантиришга хизмат қилувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришни рагбатлантириш:*

• *Чорвачилик тармогида кадрлар билан таъмин этиш соҳасини давлат йўли билан қуллаб қувватлаш*:

• *Чорвачилик тармогида етиштириладиган маҳсулотлар ва зарур ресурслар баҳоларини тартибга солиш йўналишида*:

• *Чорвачилик тармогига кредитлар жалб цилишни рагбатлантириш*:




**1-расм. Чорвачиликни иқтисодий тартиблаш механизмининг тамойиллари**

Бу шароитда нарх паритети муаммоси юзага чиқади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги барқарор ва самарали ривожланиши учун давлат томонидан мувофиқлаштирилиши керак. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини қуллаб-қуватлаш, протекционизм сиёсатини қўллаш талаб этилади.

**Б.О.МЎМИНОВ,**
ЎзҚХИИЧМ, лойиҳа раҳбари, и.ф.н.,
**И.А.ХОЛМИРЗАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, и.ф.н., к.и.х.

## Фермер хўжаликлари экин майдонларини диверсификациялаш – уларнинг капиталлашувини оширувчи омилдир

Фермер хўжаликларининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб боришини, фермер хўжаликларининг капиталлашувини ошириш имконини берадиган моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда фермер хўжаликларига барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий субъектига айланган фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонлари ўлчамларининг мақбуллашуви, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши диверсификациялаш жараёнининг ҳам такомиллаштириш заруратига олиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг аграр соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва фермер хўжаликларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида тармоқни модернизациялаш, инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва фермер хўжаликлари экин майдонларини диверсификация қилиш жараёнларининг тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда модернизация ва диверсификация атамаларининг мазмунига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Модернизация – ишлаб чиқаришнинг тайёрланаётган маҳсулотлар (иш ва хизматлар) рақобатдошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланиш жараёнидир. У корхоналарнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш воситаси бўлиб, меҳнат, моддий ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига кескин таъсир кўрсатади. Модернизация, техник ва технологик янгилаш натижалари юқори технологик, рақобатдош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради.

Ваҳоланки, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификация этишга олиб келади. Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминлайдиган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайиши жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган ҳодисасидир1.

---

[1]Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг техник модернизация ва диверсификация қилиш даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. Тавсия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (№2-1-7/49, 22.09.2010 й.) ва Давлат статистика қўмитаси (№04-8, 14.09.2010 й.) томонидан тасдиқланган.

Бизнингча, фермер хўжалигини диверсификациялашда хўжалик фаолиятида қўшилган қийматни яратиш ҳисобига капиталлашувини оширишда маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини кўпайтириш ва улар фаолиятини кенгайтириш жараёнлари билан изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига кўра, сабзавот, чорва ва боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида юқори иқтисодий самарадорликка эришилаётганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, сабзавотчиликка нисбатан пахта ва ғалла ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати фермер хўжаликлари даромадларини, экин майдонлари унумдорлигини ошириш имкони паст бўлмоқда. Буни асосий турдаги қишлоқ хўжалик экинлари (сабзавот, полиз, картошка) бўйича 1 гектар майдондан олинган даромадни пахтага нисбатан таққослаш йўли билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, 2012 йилда пахта экинига нисбатан 1 гектар майдон ҳисобига олинаётган даромад сабзавотда 10,2, полизда 7,3, картошкада 11,0 мартага, ғалла экинига нисбатан эса сабзавотда 13,7, полизда 9,8, картошкада 14,8 мартага юқори бўлмоқда.

Шунинг учун фермер хўжаликларининг ихтисослашувига қараб, иқтисодий самараси юқори бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини сабзавот, дуккакли, мойли ва озуқа экинларини мақбул ўлчамларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу турдаги маҳсулотларни ҳам қайта ишлаш, сақлаш ва ташқи бозорда сотиш ҳисобига юқори қўшилган қиймат олиш имкониятига эга бўлади, фермер эса тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга йўналтириш орқали капиталлашув даражасини ихтиёрий равишда ошириб боради.

Шунингдек, республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароити мазкур экинлардан икки марта ҳосил олиш имконини беради. Хусусан, сабзавотлар эртаки, ўртаки, кечки ва қиш ойларида ёпиқ майдонларда етиштирилади. Ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш сабзавот экинларини йил давомида етиштириш орқали республика ҳудудларининг қиёсий рақобат афзалликларини тўлиқ ишга солиш, бу маҳсулотлардаги экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга сабзавот, полиз, дуккакли, картошка ва озуқа экинларини экиш ҳисобига алмашлаб экишни шакллантириш ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ташқи бозорга (экспортга) чиқариш юзасидан чекловларни олиб ташлаш бир қатор масалаларни, биринчидан, фермерлар даромадини ҳисобига, уларнинг капиталлашувини ошириш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш; иккинчидан, қишлоқда бандликни таъминлаш; учинчидан, экспортдан келадиган валюта тушумини кўпайтириш; тўртинчидан, ички бозорни турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш имконини беради.

Бугунги кунда давлат буюртмасига эга пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда имтиёзлар бериш каби механизмларни ҳам сабзавот-полизчилик, боғдорчилик-узумчилик, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига кенг жорий этиш лозим. Чунки, пахта ва ғаллага ажратилаётган моддий ресурсларни тақсимлашда, фермер қайси экин туридан кўпроқ манфаат кўраётган бўлса, шу экин туридан юқори даромад олишга қаратади. Бу эса маҳсулот етиштириш меъёрларини бузилишига олиб келади.

Умуман олганда, бугунги кунда фермер хўжаликларининг юқори ва паст даромадли экинларини диверсификациялаш орқали, даромадини кўпайтириш ҳамда уларнинг капиталлашувини ошириш ҳисобига хўжалик миқёсида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш каби кенг қамровли фаолиятини шакллантиришга, олинадиган даромадларини бир неча маротабага ортишига эришилади. Пировардида фермер хўжалиги ва етиштирилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда фермер хўжалигининг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади.

**Н.АСҚАРОВ,**
ЎзБИИТИ, к.и.х., и.ф.н.

## Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш борасида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқилиши ва амалиётда жорий этилиши билан боғлиқ жараёнларга алоҳида эътибор беришларига иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан етарлича асос бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4478 сонли Фармони қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш орқали фермерларнинг ролини ошириш, фермер хўжаликларилда ўзини – ўзи бошқаришнинг таъсирчан ва такомиллашган механизмини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Фармонга асосан республикамизнинг барча ҳудудларида Фермерлар кенгашлари ташкил этилиб, уларнинг энг асосий вазифаларидан бири сифатида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш этиб белгилаб берилди.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги олдига қўйилган асосий мақсад – табиий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш, хўжалик аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда пировард натижада ўз даромадини барқарор ошириб боришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш билан бир вақтда фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сотиш ва турли хилдаги хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўз ҳудудида меҳнатга лаёқатли аҳоли учун қўшимча янги ишчи ўринларини ташкил қилиш яъни, фермер хўжаликларининг ўзида кўп тармоқли фаолиятни шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаштириш жараёнида объектив зарурият ҳисобланади.

Кўп тармоқли фаолият турлари билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан биргаликда уларни қишлоқ жойларининг ўзида ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш ҳамда қишлоқлардаги мавжуд ортиқча ишчи кучларини доимий иш жойлари билан таъминлаш, энг асосийси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшиланиши ва мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида асосий фаолиятдан ташқари қўшимча тармоқлардан олинган даромадни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга йўналтириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ва сифатини оширишга, пировард натижада, қишлоқ хўжалигини барқарор иқтисодий ўсишига эришилади.

Фермер хўжаликларида асосий соҳани ривожлантиришга туртки берадиган асосий омиллардан бири – бу уларнинг таркибида кўп тармоқли фаолият турларини ташкил этиш ҳисоблади.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, республикамиз фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилган, у мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши талабларидан келиб чиқиб доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ташкилий, ишлаб чиқариш, моддий-техник таъминот, товар-пул муносабатлари ҳамда молия-кредит каби бир қатор тизимларда муаммоларнинг мавжудлиги натижасида мамлакатда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг самарадорлиги ривожланган давлатлар даражасидан нисбатан пастлиги кузатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан олганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун унинг асосий мезонларига аниқлик киритиш, хусусан, географик ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бундай фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳамда уларнинг ташкилий-иқтисодий-ҳуқуқий шаклларини белгилаш, шунингдек, кўп тармоқли фаолиятни ривожлантиришни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш зарур.

Жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида республикамиз фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият турларини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, қўшимча фаолият турларидан солиқ ўндириш, қўшимча мулкни суғурталаш, импорт ва экспорт масалаларида бож тўлови, моддий-техника таъминотида лизинг тизимини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалалар бугунги кунда нафақат фермер хўжаликларининг, балки Республикамиз агросаноат мажмуи корхоналарининг иқтисодиёти олдида турган муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ўзининг қайси хусусиятлари, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари билан ажралиб туриши ва бу омиллар қишлоқ хўжалигига қанчалик мос келиши, қандай имтиёзлар бериш кераклиги, тадбиркор-фермер ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга бўлган интилиши ва бу ҳаракат тадбиркор ҳамда жамият учун қанчалик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамиятга эга бўлишини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

**Э.И.ТУРОПОВ,**
ТошДАУ
**А.ТУРГУНОВ,**
ТошДАУ
**У.БЕРДИМУРОДОВ,**
ТошДАУ
**М.САЛОМОВ,**
ТошДАУ

## Қишлоқ хўжалик машиналари юк кўтариш механизми кинематикасини аналитик усулда таҳлил қилиш ва номинал юк кўтариш баландлигини аниқлаш

Юк кўтариш механизми кинематикасини ўрганишда қуйи жуфтли механизмлар кинематикасига асосланамиз. Векторлар йиғиндиси ва уларнинг координата ўқларига проекциялари (1-расм)




**1- расм**

$$\bar{l}_1+\bar{l}_2+\bar{l}_3=\bar{l}_4$$

$$\begin{cases} -l_1-l_2\cos\beta+l_3\cos\gamma=l_4\cos\gamma \\ l_2\sin\beta+l_3\sin\gamma=l_4\sin\alpha \end{cases} \quad (1)$$

$$-a+l_3\cos\gamma=l_4\cos\alpha$$

$$b+l_3\sin\gamma=l_4\sin\alpha$$

Бу ерда, $l_1+l_2\cos\beta=a,\ l_2\sin\beta=b$ эканлиги маълум.

Системанинг иккала томонини квадратга кўтариб, қўшсак қуйидагини оламиз

$$a^2+b^2-2al_3\cos\gamma+2b\sin\gamma\cdot l_3=l_4^{\ 2}-l_3^{\ 2}\,(2)$$

$$-2al_3\cos\gamma+2bl_3\cdot Sin\gamma=l_4^{\ 2}-l_3^{\ 2}-a^2-b^2$$

Тенгликнинг иккала томонини $2al_3-$га бўлиб юбориб,

$$\frac{b}{a}\sin\gamma-\cos\gamma=\frac{l_4^{\ 2}-l_3^{\ 2}-a^2-b^2}{2al_3}=d \qquad (3)$$

белгилаш киритамиз.

$\frac{b}{a}=tg\varphi$ эканлигини инобатга олиб, тенгликнинг чап томонидан

$d=-\frac{\cos(\varphi+\gamma)}{\cos\varphi}$ эга бўламиз.

$\varphi+\gamma=60^0$ юк кўтариш механизмининг устуворлик шартидан фойдаланиб,

$d=\frac{-1}{2\cos\varphi}$ ифодани ёзамиз

(3) ифодадан $l_4^{\ 2}-l_3^{\ 2}-(l_1+l_2\cos\beta)^2-(l_2\sin\beta)^2=-\frac{1}{2\cos\varphi}$

ифодани соддалаштириб $(l_4^{\ 2}-l_3^{\ 2}-l_2^{\ 2}-l_1^{\ 2})2\cos\varphi=4l_1l_2\cos\beta\cos\varphi-1$

бундан

$$\beta = \arccos\left[\frac{(l_4^{\ 2} - l_3^{\ 2} - l_2^{\ 2} - l_1^{\ 2})2\text{ñîs}\ \varphi + 1}{4 l_1 l_2 \text{ñîs}\ \varphi}\right]$$ келиб чиқади.

Демак, бутун юк кўтариш механизмининг холати 2-чи кривошип ҳолатига, яъни β бурчакка боғлиқ эканлиги аниқланди.

$tg\varphi \cdot \sin\gamma - \cos\gamma = d$ белгилаш киритилган.

(1) ифодани дифференциаллаб,

$$\begin{cases} l_2\omega_\beta \cdot \sin\beta - l_3 \sin\gamma \cdot \omega_\gamma = -l_4 \sin\alpha \cdot \omega_\alpha \\ l_2\omega_\beta \cdot \cos\beta + l_3\omega_\gamma \cdot \cos\gamma = l_4\omega_\alpha \cdot \cos\alpha \end{cases} \quad (4)$$

(4) Тенгламалар системасини ҳадлаб квадратга кўтариб, қўшамиз.

$$\omega_\beta^{\ 2} \cdot l_2^{\ 2}\left(\cos^2\beta + \sin^2\beta\right) - 2l_2\omega_\beta \sin\beta l_3 \sin\gamma\omega_\gamma + l_3^{\ 2}\omega_\gamma^{\ 2}\left(\sin^2\gamma + \cos^2\gamma\right) + 2l_2\omega_\beta \cdot \cos^2\beta l_3\omega_\gamma \cos\gamma = l_4^{\ 2}\omega_\alpha^{\ 2}$$

$$l_2^{\ 2}\omega_\beta^{\ 2} + l_3\ \omega_\gamma^{\ 2} - 2l_2\omega_\beta l_3\omega_\gamma\left(\cos\gamma \cdot \cos\beta - \sin\beta\sin\gamma\right) = l_4^{\ 2}\omega_\alpha^{\ 2}$$

$$l_2^{\ 2}\omega_\beta^{\ 2} + l_3^{\ 2}\omega_\gamma^{\ 2} - 2l_2\omega_\beta l_3\omega_\gamma \cos(\gamma + \beta) = l_4^{\ 2}\omega_\alpha^{\ 2}$$

$$\gamma + \beta = 90^0$$

бўлганда юк кўтаргич мустаҳкам ва устувор ишлайди деб хисоблаб

$$l_2^{\ 2}\omega_\beta^{\ 2} + l_3^{\ 2}\omega_\gamma^{\ 2} = l_4^{\ 2}\omega_\alpha^{\ 2} \quad (5)$$

(5) ифодага оламиз.

Демак, кривошипнинг бурчак тезлиги

$$\omega_\beta = \frac{\sqrt{l_1^{\ 2}\omega_\alpha^{\ 2} - l_3^{\ 2}\omega_\gamma^{\ 2}}}{l_2} \quad (6)$$

Бурчак тезлиги(5) тенгликни дифференциаллаб,

$$2l_2^{\ 2}\omega_\beta\varepsilon_\beta + 2l_3^{\ 2}\omega_\gamma \cdot \varepsilon_\gamma = 2l_4^{\ 2}\omega_\alpha\varepsilon_\alpha$$

кривошип бурчак тезланишини ҳисоблаймиз:

$$\varepsilon_\beta = \frac{l_4^{\ 2}\omega_\alpha\varepsilon_\alpha - l_3^{\ 2}\omega_\gamma\varepsilon_\gamma}{l_2\omega_\beta} \quad (7)$$

Номинал юк кўтариш баландлиги шаклдан

$\ell_2 \sin\beta + \ell_3 \sin$ =h маълум

$$h = \ell_2 \sin\left\{arccos\left[\frac{(\ell_4^2 - \ell_3^2 - \ell_2^2 - \ell_1^2)2cos\varphi + 1}{4\ell_2\ell_1 cos\varphi}\right]\right\} + \ell_3 \sin \quad (8)$$

8-чи ифодадан кўринадики, номинал юк кўтариш баландлиги $\ell_4$ ва$\ell_3$- ларга тўғри, $\ell_1$ ва$\ell_2$– ларга тескари пропорционал, γ- бурчакка эса бевосита боғлиқ.

Устувор ишлашини таъминлаш учун масалада фақат битта $\varphi$+γ=60$^0$ вариантини қарадик, унинг турли қийматлардаги ҳолатларини ҳисоблаш мумкин. Илгак мустаҳкамлигини эса, ГОСТ ва ОСТлар бўйича турли ҳолатлардаги мустаҳкамлигини ҳисоблаб, мустаҳкамлик назарияларига асосланиб, мустаҳкамлик шартларидан фойдаланиб, илгак геометрик параметрларини асослаш ва ўрнатиш мумкин. Бу масалаларни ечиш учун кейинги илмий изланишларда динамик таҳлилни амалга ошириш керак.

**Н.А.АШУРМЕТОВА,**
ТашГАУ, к.э.н., доцент

**Взаимосвязь востребованности выпускников ВУЗов и качества образования**

Высшее образование на базе общего среднего, среднего специального, профессионального образования осуществляется в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальной программой по подготовке кадров, в основу которой была заложена концепция обеспечения непрерывного образования населения, увязка системы образования с проводимыми преобразованиями и потребностью экономики в высококвалифицированных кадрах.

За годы независимости в рамках Национальной программы по подготовке кадров пересмотрены и приведены в соответствии с современными международными требованиями учебные программы всех уровней образования; осуществлена огромная работа по подготовке и обеспечению свободного доступа обучающихся к современным учебникам и учебным пособиям; создана система подготовки, переподготовки и повышения квалификации преподавательского состава, стимулирования их высокопрофессионального труда.

Однако наряду с определенными успехами в системе образования имеется ряд проблем, среди которых хотелось бы особо выделить недостаточное качество образования, что приводит к негативным последствиям в сфере занятости.

Система образования является составной частью рынка труда, поэтому уровень качества подготовки будущих кадров зависит от взаимного сотрудничества вузов с производственными предприятиями, государственными и негосударственными организациями и учреждениями. В Узбекистане, в целях дальнейшего укрепления данного сотрудничества, эффективного использования трудового потенциала, обеспечения гарантированными рабочими местами выпускников вузов, в соответствии с пунктом 6 Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2005 года № ПП-92 «О приеме в высшие образовательные учреждения Республики Узбекистан в 2005/2006 учебном году» разработано «Положение о порядке целевой подготовки кадров на основе государственных грантов». Данное Положение определяет правила и порядок распределения на работу в образовательные учреждения, на предприятия, в организации кадров, подготовленных в высших образовательных учреждениях, с целевым назначением, на основе государственных грантов, с условием отработки не менее трех лет. Исходя из этого положения, бакалавры и магистры, обучавшиеся на основе государственных грантов, распределяются по предприятиям и организациям, с которыми составлены договора.

Но договорные отношения с предприятиями на сегодняшний день не всегда эффективны: вуз нуждается в долгосрочных договорах, а предприятию кадры нужны сегодня. Прогнозировать потребность в кадрах может лишь незначительное число предприятий, и чаще всего, те, которые не представляют большого интереса для будущих выпускников в силу низкой перспективности работы и низкой заработной платы. Заинтересованность же работодателей в сотрудничестве с вузами снижается в связи с тем, что они нуждаются в высококвалифицированных сотрудниках со стажем. Естественно, что

недавний выпускник вуза таким стажем не обладает. Но это не значит, что предприятия нуждаются только в опытных специалистах, интерес к молодым работникам в стране повышается из года в год. Это связано с тем, что именно они обладают высокой творческой и социальной активностью, умением быстро адаптироваться к происходящим в стране и мире изменениям.

Еще сложнее обстоит дело с выпускниками, обучающимися на контрактной основе. И здесь большую роль может сыграть создание в структуре учреждений профессионального образования центров содействия по трудоустройству выпускников. Основной целью деятельности таких центров должно стать расширение возможности информирования студентов и выпускников о вакансиях на рынке труда и осуществление мониторинга трудоустройства выпускников в целях гибкого реагирования на изменения на рынке труда и оперативного принятия управленческих решений при оказании образовательных услуг населению.

Однако, для решения проблемы трудоустройства кадров необходимо не только создание служб занятости при вузах, но, прежде всего, обеспечение качества образования. Необходимым атрибутом профессиональной пригодности в обществе сегодня является владение не только профессиональными знаниями, но и обладание креативным мышлением, творческим подходом, а также знаниями в области информатики и связанных с ней информационных технологий, позволяющих наиболее полно реализовывать профессиональные качества.

Новые запросы и потребности современной рыночной экономики, процесс глобализации в образовании и технологические информационные возможности повышают требования к учебным стандартам страны. Каждый преподаватель должен овладеть конкретно новым типом мышления, осваивать и применять в процессе преподавания новые педагогические технологии и добиваться глубокого и творческого изучения студентами своих дисциплин. В частности, это касается и вопросов создания современной организационно-технической базы обеспечения студентов компьютерами и информационно-коммуникативными средствами, учебно-методическими сборниками передовых образцов, электронными учебниками и сборниками практических занятий, которые позволили бы поднять уровень образования, объективно облегчить доступ студента к знаниям и ускорить процесс объективной проверки его знаний.

Формирование самостоятельного мышления у студентов – важная проблема, не нашедшая еще в достаточной степени адекватного решения. Анализ состояния уровня усвояемости знаний студентов показывает, что они легко пересказывают, воспроизводят полученные сведения, могут отвечать на теоретические вопросы, но в применении теории на практике возникают трудности. Следовательно, постановка преподавания должна способствовать формированию у студентов серьёзного и устойчивого интереса к изучаемым проблемам и, самое главное, готовность и умение их решать самостоятельно.

Многие негативные явления при подготовке специалистов происходят от того, что в вузах часто забывают о том, что знания – это не аморфное понятие, а ранжированные ступени, которые соответствуют различным уровням, а обучение на различных уровнях усвоения знаний требует разных принципов, методов и приемов. Методы, в свою очередь, должны быть органически связаны с содержанием обучения. Такие особенности, как динамизм содержания, его непрерывная обновляемость в силу научно-технического прогресса, целесообразность оптимального сочетания теории с практикой, реализации триады «теория – методика – практика», изучение передового опыта, и наконец, создание базы для самостоятельного развития знаний в основном предопределяют методы обучения.

В преподавании очень важно, чтобы на занятиях студенты могли решать практические задачи, которые открывают дополнительную возможность повышения научно-методического уровня преподавания, так как раскрывают количественные зависимости и

качественные различия между сторонами явлений и процессов и тем самым помогают лучше уяснить содержание лекции.

Непосредственное вовлечение обучаемых в активную учебную деятельность в ходе учебного процесса связано с применением существующих приемов и методов, получивших обобщенное название методов активного обучения. Современные методы преподавания включают такие формы активной работы, как решение проблемных ситуаций; кейсы (разбор конкретных случаев из хозяйственной практики); имитационные модели для обсуждения; дискуссии по актуальным вопросам; тесты с альтернативными ответами, из которых один является верным; блицопросы по теме, состоящие из бинарных тестов, на которые можно дать два ответа: верно/неверно и т.д.

Данные виды обучения стимулируют проявление активности, инициативы, самостоятельности и творчества у учащихся; развивают интуицию и дискурсивное (проникновение в суть), конвергенционное (открытие) и дивергенционное (создание) мышление; учат искусству решения различных научных и практических проблем, опыту творческого решения теоретических и практических задач.

Но возникают некоторые сложности в использовании проблемного обучения на занятиях в вузах. Трудность организации проблемного обучения, прежде всего, связана с большой затратой времени для постановки и решения проблем, создания проблемной ситуации и предоставления возможности самостоятельного решения последней каждым учащимся.

Проблему ограниченности времени может решить применение программированного обучения, в основе которой лежит кибернетический подход. Управление данной системой осуществляется посредством посылки команд со стороны преподавателя (компьютера и других технических средств и аудио-, видеотехники) учащемуся и получения обратной связи. На практике педагог может воспользоваться линейным или разветвленным построением образовательной программы. При выборе линейного построения программы учащиеся работают над всеми порциями учебной информации по мере их поступления. Разветвленная программа предполагает выбор учащимся своего индивидуального пути освоения целостной учебной информации. Усвоение информации зависит от уровня подготовленности. В обоих случаях прямая и обратная связь преподавателя со студентом осуществляется с использованием специальных средств (программированных учебных пособий разного вида, мультимедийных технологий).

Для студентов мультимедийные технологии являются способом, при помощи которого они расширяют свои представления об окружающем мире. Использование мультимедийных технологий обеспечивает более полную и точную информацию об изучаемых явлениях и объектах. Это повышает качество обучения, позволяет удовлетворять и развивать познавательные интересы студентов, повышает наглядность обучения, позволяя использовать тяжело доступный материал или тот, который нельзя использовать без компьютера. Работа студентов становится более интенсивной, что позволяет повысить темп изучения учебного материала и увеличить объем самостоятельной работы на занятиях и после них.

Как показывает практика, мультимедийные программы наилучшим образом соответствуют структуре учебного процесса. Они максимально приближают процесс обучения к реальным условиям, наиболее полно удовлетворяют дидактическим требованиям. В этих программах используются методические приемы, позволяющие производить ознакомление, тренировку и контроль.

Итак, достоинством данного вида обучения является получение полной и постоянной информации о степени и качестве усвоения всей учебной программы. Его широкое использование в нашей республике связано со сложностями материального характера: практически невозможно одновременно обеспечить процесс обучения во всех вузах

специальными программированными учебниками, сборниками упражнений и задач, контрольных заданий тестового типа. Это вопрос времени.

Таким образом, для подготовки востребованных высококвалифицированных выпускников вузов необходима эффективная система взаимодействия образовательных учреждений с рынком труда в целях реализации интересов всех его сторон. Качество же образовательного процесса можно улучшить, если создать соответствующую среду, позволяющую эффективно использовать современные методы, технологии обучения, обеспечивающие формирование социальной и познавательной активности студентов, а также способствующие развитию у студентов не только памяти, но и исследовательских, коммуникативных, организационных умений.

**Б.СУЛТАНОВ,**
ТИМИ, и.ф.н.
**С.УМАРОВ**
ТИМИ, и.ф.н.
**А.БАХРИДДИНОВ**
УзБИИТИ, к.и.х.

## Сув хўжалигида инновацияларни жорий этилиш ҳолати ва мавжуд муаммолар

Маълумки, аграр соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, тармоқнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган стратегик аҳамиятга молик бўлган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимиз қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида илм-фанни жадал ривожлантириш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, соҳадаги мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор тармоқ эканлиги ва унинг бевосита ҳамда тўлиқ сув хўжалигига боғлиқлиги сув хўжалигини инновацион асосда ривожлантириш, мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали уни замонавий ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда сифат жиҳатидан янги техник ва технологик асосда ривожлантиришни талаб этади. Худди шу сабабли ҳам кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини, шу жумладан сув хўжалиги тизими корхоналарини инновацион асосда ривожлантириш, тармоқни тубдан модернизациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, Президентимиз таъкидлаганларидек, "... биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, ... га катта эҳтиёж сезилмоқда"[1].

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли дастурида: илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, хусусан атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион

---

[1] Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш каби йўналишлар алоҳида урғу берилган.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги илмий ва олий таълим муассасалари томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион жараёнлар ва инновацион муҳитни такомиллаштириш, қишлоқ ва сув хўжалигида энергия ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими корхоналари фаолиятининг деярли барча фаолият йўналишларини қамраб олган ўнлаб амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, шу жумладан фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳар бир тармоқ ва тармоқ корхоналари бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган мониторинг натижаларига таянган ҳолда олиб борилмоқда, деб бўлмайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, сув хўжалиги тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари томонидан кейинги йилларда бажарилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ишлари сони ва йўналишларида кескин фарқланишларнинг мавжудлиги ҳамда бажарилган амалий лойиҳалар натижалари инновация сифатида амалиётга жорий этилмасдан қолаётганлиги кузатилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, институт олимлари томонидан 2008-2012 йиллар давомида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари билан 55 та илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ишлари амалга оширилган бўлиб, улар бевосита вазирлик ва унинг тегишли бўлинмалари орқали амалга оширилиши ҳамда тўғридан-тўғри истеъмолчи корхоналар билан ишлаш имкониятини бермоқда. Аммо, сув хўжалиги тизимидаги ирригация ва мелиорация хизмати кўрсатувчи ташкилотлар билан бевосита иш олиб борувчи вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва туман бўлимлари эса асосан ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти жараёнларига жалб этилган бўлиб, тизимда инновацияларни жорий этишга зарур даражада эътибор бермаяптилар.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ва сув хўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва мавжуд интеллектуал мулкдан самарали фойдаланишни таъминлаш учун юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш билан бирга биринчи навбатда илмий ва олий таълим муассасалалари имконияти ва улар томонидан таклиф этилаётган мавзулар доирасида эмас балки, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг реал талабларидан, яъни бозор талабларидан келиб чиқиш зарур. Шунингдек, ҳудудлар қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг илмий таъминотини ташкил қилишда ушбу соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Улар ўзлари жойлашган ҳудуд қишлоқ ва сув хўжалиги илмий таъминотини мувофиқлаштириш ишларида етакчи роль ўйнашлари керак.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги инновацион салоҳият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида тўпланган. Фан докторлари ва номзодларининг деярли 90-95 фоизи айнан шу шаҳарлардаги илмий ва олий таълим даргоҳларида фаолият юритмоқдалар. Бу ҳолат тадқиқот ишларининг марказлашуви ва истеъмолчилардан узоқлашувига сабаб бўлмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, илмий-тадқиқот ишларини бундай марказлаштирилган ҳолда олиб борилиши, бир томондан ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларини тўлароқ қамраб олиш имкониятини маълум даражада чекласа, иккинчидан улар томонидан тайёрланаётган илмий ишланма ва тавсиялар айрим ҳолатларда умумий

характерга эга бўлмоқда, учинчидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилишни молиялаштиришда ҳудудларнинг иштирокини қийинлаштирмоқда.

Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантириш, яъни илмий ва олий таълим муассасалари қошида инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, илмий муассаса ва олий таълим тизими қошида "Кичик инновацион корхоналар"ни ташкил этиш ва ушбу корхона фаолиятига инновацион фаолият билан шуғулланувчи интеллектуал мулк соҳибларини кенг жалб этиш, аграр соҳада интеллектуал мулк ва инновацион жараёнлар самарадорлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

Шунингдек, сув хўжалигини модернизациялаш ҳамда инновацион ривожлантириш зарурий даражада инфратузилмаларни ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтгача қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича инфратузилмалар тизими шакллантирилган. Лекин, айнан сув хўжалиги тизими ва корхоналарини модернизациялаш ҳамда инновацион ривожланиши учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар зарурий даражада ривожлантирилмаган. Шу сабабли бизнинг фикримизча республика сув хўжалиги тизимини инновацион ривожлантирувчи инфратузилмаларни асосан бешта йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда улар илмий таъминот, кадрлар таъминоти, технологик таъминот, ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш ва ушбу жараёнларни молиявий таъминоти билан шуғулланувчи инфратузилмалардан иборат бўлади.

Мазкур инфратузилмалар фаолиятини ҳамоҳанг равишда ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш тизимни инновацион асосда ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**МАМАТОВ А.А.,**
ГулДУ, и.ф.д.
**МАМАТОВ М.А.**
ГулДУ

## Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш имкониятлари ва устувор йўналишлари

Республикамиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш йўлларидан бири соҳани меъёрлар асосида техника воситалари билан таъминлашни жадаллаштириш ҳисобланади.

Бу қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқариш жараёни, ўз навбатида иқтисодий ва табиий-биологик жараёнлар таъсирида амалга ошиши билан характерланади. Шундан келиб чиққан ҳолда тармоқда инновациянинг: селекцион-генетик; техник-технологик ва ишлаб чиқариш; ташкилий-бошқарув ва иқтисодий; ижтимоий-экологик каби тўртта турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Инновациянинг ушбу турларини аграр соҳада амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш учун қишлоқ хўжалигида инвестицион шарт-шароитлар яратиш лозим.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, "Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига агротехник нормативлар бўйича техника воситалари билан тўлиқ таъминланиши учун ... агротехник нормативларга кўра Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йилига ўртача 15-20 минг барча турдаги

тракторлар, 200-300 та ғаллайиғувчи комбайнлар, 3-8 минг плуглар, 2-3 минг культуваторлар ва 1-3 минг пахта экиш сеялкалари керак”[1].

Бу вазифаларни амалга ошириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш қишлоқ хўжалигини инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида соҳага инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва унинг рентабеллик даражасини оширишга имкон яратади.

Кейинги иккинчи стратегик йўналиш – бу инновацион молиялаш, яъни давлат томонидан қишлоқ хўжалигида ИТКИ (илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлари)ни ривожлантиришга давлат инвестицияларини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг имкониятлари ва истиқболлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг барча имкониятлари, хусусан бебаҳо табиатимиз, серҳосил ер майдонларимиз, бепул таъминланадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва юқори салоҳиятли олий таълим тизимимиз мавжуд. Бизнинг катта молиявий ресурсларимиз ва давлатимиз томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Демак, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг барча омиллари мавжуд.

Иккинчидан, бизнинг миллий иқтисодиётимиз 1996 йилдан барқарор ривожланиб келмоқда ва 2007 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори даражани ташкил этиб келмоқда.

Учинчидан, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш Республикамизда фан, айниқса унда фундаментал тадқиқотларни ривожланиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Тўртинчидан, кичик инновацион бизнес ташаббускорлик ва новаторлик ғояларини генератори сифатида жамиятда бозор инфратузилмасини ривожланишини, хусусан бизнес инкубаторларни, илмий технопаркларни мавжуд бўлишини талаб этади.

Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи брокерлик идоралари, кичик улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, инжиниринг ва аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари, транспорт-экспедиция корхоналари, ахборот-реклама бюролари ва бошқа турли хил инфратузилмалар тизими фаолият кўрсатиб келмоқда[2].

Бешинчидан, инновацион иқтисодиётни шакллантиришда ва унда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришда катта молиявий маблағлар талаб этилади.

Хулоса қилганда, бугунги кунда фермер хўжаликларида техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хўжаликларни техника воситалари билан меъёр даражасида таъминлаш, мавжуд техника воситаларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан янгилаш қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг асосий имкониятлари ва устувор йўналишлари ҳисобланади.

---

[1] Журнал. “Бозор, Пул ва Кредит”. С.Воронин. “Финансирование механизации сельскохозяйственного производства”. .№3. 2008 й. 34-36 б.

[2] Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари. Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури “Матадор – 2000” лойиҳаси, 2004, -Б.98.

**А.Ж. АБДУЛЛАЕВ,**
Бухарский государственный университет, старший преподаватель

**А.С.МУСТАФАЕВ,**
ТошГАУ, ассистент

## Приоритеты в развитии сельскохозяйственной кооперации в Узбекистане

Сельскохозяйственная кооперация в широком смысле слова, как особая форма организации производства, является не только технико-технологической формой приложения труда, но и экономической и социальной формой организации фермерских хозяйств по производству и реализации готовой продукции, а также сервисного их обслуживания с целью ограничения рисков в конкурентной борьбе с более крупными финансово независимыми хозяйствами в условиях рынка.

В связи с чем, основная социально-экономическая задача сельскохозяйственной кооперации состоит в том, чтобы создать организационно-правовую систему защиты интересов сельскохозяйственных товаропроизводителей в условиях рыночных отношений на основе создания самоуправляемых форм хозяйствования.

Анализ современного состояния агропромышленного комплекса показывает, что ни одна из сфер АПК не в состоянии самостоятельно выйти из экономического кризиса. В связи с этим, важнейшим условием активизации деятельности предприятий АПК может стать объединение их усилий на основе кооперации и интеграции-как важнейшего фактора стабилизации экономики. Причем, особая роль в развитии сельскохозяйственной кооперации принадлежит целенаправленной государственной политики в формировании законодательной базы для устойчивого развития сельскохозяйственной кооперации в агропромышленном секторе, качественное управление развитием которой позволит ей сыграть важную роль в преодолении аграрного кризиса и дальнейшем подъеме сельского хозяйства страны.

Необходимо отметить, что в этом плане опыт некоторых зарубежных стран по созданию сельскохозяйственной кооперации заслуживает определенного внимания. Так, ещё во второй половине XIX в. министром сельского хозяйства Италии, выходцем из крестьян-кооператоров, был подготовлен «Закон о кооперации», в последствии одобренный правительством, который предусматривал ряд условий с целью сохранения кооперативов как объединение мелких крестьян. Закон, прежде всего, перекрыл путь в кооперативы капиталистам и банкирам и утвердил принцип "эгалитарности" ("уравнительного пая") для крестьянина-кооператора: каждый член кооператива вносил в уставной фонд стабильную, равную для всех сумму "пая" (долю); стоимость одной акции определялась в 100 денежных единиц, количество акций было равным для всех членов кооператива.

Доход был также равен для всех. Этот закон с некоторыми изменениями действует и сегодня. Он оберегает кооперативы от монопольной конкуренции, кредитов с высоким процентом, высоких налогов, высоких цен на машины, сельскохозяйственный инвентарь и удобрения, гарантирует кооператорам стабильные рынки сбыта по выгодным ценам. Все эти меры обеспечивают рост и развитие единоличного крестьянского хозяйства под патронажем кооператива. Причем, усилиями кооператива решаются не только экономические, но и социальные вопросы: льготное здравоохранение, образование и обеспечение жильем семей, а так же детей кооператоров.

Наиболее устойчивые кооперационные связи созданы и в США, где успешно функционируют и снабженческие кооперативы, охватывающие сферу обеспечения фермерских хозяйств средствами производства и производственными услугами. На долю

кооперативного снабжения приходится 23-27% всего объема индустриальных поставок фермерам. В функции крупных снабженческих кооперативов входят: оптовые закупки семян, химикатов, горючего и ветеринарных препаратов; изготовление комбикормов, контроль за качеством кормовых ингредиентов, доставка корма на ферму; ремонт техники и оборудования, доставка запасных частей. Их целью является: увеличение денежных доходов членов организации на основе роста объемов сбыта и производства, эффективного распределения доходов; развитие только самых подходящих для членов кооперативов видов деятельности; обеспечение кооператоров всеми необходимыми видами услуг. Крупные региональные снабженческие кооперативы имеют несколько комбикормовых заводов со складами. Они владеют парком трейлеров, тракторов и грузовиков для доставки товаров. Наиболее крупные объединения стали в последнее время производить удобрения и отдельные виды сельскохозяйственного оборудования.

На наш взгляд, наиболее приемлемый для Узбекистана, опыт функционирования сельскохозяйственных кооперативов имеет кооперативная система Японии, имеющая разветвленную структуру: от Все японской федерации сельскохозяйственных кооперативов, центрального кооперативного банка для сельского и лесного хозяйств до Всеяпонской федерации сельскохозяйственных кооперативов в области взаимопомощи и Всеяпонской федерации сельскохозяйственных кооперативов по здравоохранению, которые функционируют в 47 префектурах страны.

Все фермерские хозяйства Японии, за малым исключением, являются членами сельскохозяйственных кооперативов, организованных в каждом районе. Большое место в кооперативном строительстве отводится планированию, но в некоторых специфических формах. Сельскохозяйственный кооператив занимается составлением местного плана развития отрасли. В котором, с одной стороны, учитывается сельскохозяйственная политика правительства и губернаторств, а с другой - пожелания фермеров.

Планирование заключается в составлении конкретных как экономических, так и агротехнических планов с учетом агроэкологических условий окружающей среды по возделыванию сельскохозяйственных культур в данном районе. План носит рекомендательный характер, но он охватывает все экономические вопросы и все детали технологического характера и его выполнение находится под контролем государства.

Обобщая международный опыт можно сказать, что государство не только законодательно регулирует развитие кооперации, но и проводит политику, стимулирующую их развитие через налоговые льготы, субсидии, монопольное право на импорт некоторых продовольственных товаров. Сельскохозяйственные кооперативы и их члены выплачивают интегрированный налог, состоящий из налога с оборота, налогов на топливо, наемную рабочую силу, а также лицензионных отчислений. Причем, для кооперативов, осваивающих приоритетную продукцию или услуги, налоговые ставки снижаются на определенный период.

В связи с чем, для ускорения масштабов формирования и развития сельскохозяйственной кооперации в Узбекистане необходимо:

- ускорить процедуру формирования и принятия Закона Республики Узбекистан «О сельскохозяйственной кооперации»;

- разработать организационно-экономический механизм, стимулирующий создание кооперативных структур непосредственно в фермерских хозяйствах:

- разработать льготный пакет «преференций», содействующий росту как производства, переработки, сбыта сельскохозяйственной продукции в фермерских хозяйствах, так и для обслуживающего фермерского кооператива.

**Р.И.АСЛАНОВА,**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, 2-босқич магистр

**Аҳоли турмуш даражасини ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизими**

Ҳар қандай жамиятнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлади. Жамиятни ижтимоий барқарорлигини, иқтисодий ривожланишини, тинчлигини, инсон соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши зарур.

Аҳоли турмуш даражаси-бу ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эхтиёжининг қондирилиши ҳамда ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Аҳолининг моддий эҳтиёжларига озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи ва уй-рўзғор буюмларига бўлган талаблари киради. Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларига инсонларнинг билим, малакасини ошириш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш кабиларга бўлган эхтиёжлари киради.

Кенг маънода эса аҳоли турмуш даражаси-инсон ривожланиш даражасини таърифлаш (соғломлиги, истеъмолини қондирилиш имконияти) ҳаётийлик шароитини (истиқомат муҳити, аҳоли муҳофазаси) баҳолашни ифодалайди. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорлар қабул қилишда, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий - иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурларнинг амалга ошишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Турмуш даражасининг статистик тавсифлари унинг мажмуавий баҳоланишини таъминловчи ўзаро боғланган кўрсаткичларнинг кенг тизимига асосланади.

БМТ тавсиясига кўра аҳоли турмуш даражасини ҳар томонлама тўлиқ характерлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Ушбу кўрсаткичлар 12 гуруҳга ажратилган:

1. Мамлакатдаги демографик шароит: туғилиш, вафот этиш ва бошқалар.
2. Турмуш шароитида санитария-гигиеник ҳолат.
3. Озиқ-овқат товарлари истеъмоли.
4. Уй-жой билан таъминланиш даражаси.
5. Фан ва маданият.
6. Меҳнат шароити ва бандлилик.
7. Аҳоли даромадлари ва харажатлари.
8. Турмуш қиймати ва истеъмол баҳолари.
9. Транспорт воситаларининг мавжудлиги.
10. Дам олишни ташкил этиш.
11. Ижтимоий таъминот.
12. Инсон ҳуқуқи.

БМТ статистика комиссияси, аҳоли турмуш даражасини баҳолашни-аҳоли яшаш шароити, истеъмол даражаси, бандлиликни таъминлаш, инсон эркинлиги томонлама қарашга тавсия этади. Шунингдек, БМТ жорий турмуш даражани алоҳида ижтимоий-индикаторлар ёрдамида-инсон баркамоллиги индекси ёрдамида ёритишни тавсия этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепциясини яратишга зарурият туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган “турмуш сифати” концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Аҳолини турмуш даражасини асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторларини: аҳоли

пул даромадлари ва харажатлари, унинг таркиби ва фойдаланиш; даромад бўйича аҳолини тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар характерлайди.

Аҳоли пул даромадлари барча категориялардаги аҳолини меҳнати эвазига олган иш ҳақини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни даромадлари, нафақа тушум, стипендия, қуйилмалар бўйича фоиз кўринишида мулкдан олинган даромадлар, қимматбаҳо қоғозлар, дивидентлар, рента, кўчмас мулкни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини сотишдан тушумлар, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ва бошқалардан иборат.

Аҳоли пул харажатлари ва жамғариш аҳолини товарлар ва турли хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари, мажбурий тўловлар ва турли хил бадаллар (солиқ ва йиғимлар, суғуртага тўловлар, ижтимоий ташкилотларга бадаллар, товар кредитига фоизлар ва бошқалар) ҳамда шахсий жамғармаларидан иборат.

Ўртача аҳоли жон бошига пул даромадлари пул даромадлари умумий йиғиндисини мавжуд аҳоли сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

Пенсионерларга белгиланган ойлик нафақаларни ўртача миқдори. Ўзбекистон Республикасини “давлат нафақаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари ҳисобида турувчи пенсионерларни тайинланган ойлик нафақаларини пенсионерлар сонига нисбати билан аниқланади. Тайинланган нафақа хажми амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади. Тайинланган нафақани реал хажми белгиланган ойлик нафақаларнинг ўртача хажмини истеъмол нархлари индексига мослаштириш йўли билан ҳисобланади.

Оилаларнинг даромад ва харажатларини статистик ўрганиш уй хўжалиги бюджетларини статистик текшириш асосида ҳар ойда мунтазам равишда оилаларни (турли касбдаги) танлаб олиш асосида амалга оширилади.

Уй хўжалиги бюджетларини текшириш маълумотлари аҳоли даромад тузилмалари ва истеъмол харажатларини ва аҳоли турли қатламларидаги даромад ва харажатларини ўзгаришини характерлайди, уй хўжалиги ва унинг таркибидаги аъзоларнинг бандлиги билан боғланган ҳолда бу даражалардаги фарқларни очишда фойдаланилади, даромад даражасини истеъмол билан боғланган ҳолда шакллантиришда алоҳида манбаларни ролини кўрсатади; истеъмол талабларини ўзгаришларини босқичма-босқич ифодалашда фойдаланилади; даромадлар даражаси ва аҳоли турмуш даражасини характерловчи бошқа кўрсаткичларни дифференцациялашни ифодалайди.

**Т.Х.АХМЕДОВ**

ТГАУ, ст.преп.

## Анализ показателей эффективности фермерских хозяйств

Урожайность и продуктивность фермерских хозяйств нельзя назвать высокой, особенно в сравнении с дехканскими. Урожайность главных культур – хлопка и пшеницы – низка во всех обследованных регионах. По урожайности других культур практически по всем позициям фермерские хозяйства также уступают дехканским.

Корреляционный анализ полученных в ходе обследования данных выявил, что показатель урожайности пшеницы имеет прямую связь со следующими показателями:

1. Размеры фермерского хозяйства (количество занятых, объем текущих расходов, в том числе на удобрения и химикаты).
2. Оснащенность сельскохозяйственной техникой.
3. Наличие сельскохозяйственного образования у руководителя фермерского хозяйства.
4. Продолжительность существования фермерского хозяйства.

5. Размер птицеводческого хозяйства (ярко выраженная взаимозависимость у фермеров-животноводов).

Обнаружена также положительная связь показателей урожайности пшеницы с долей посевной земли под хлопок и отрицательная – с долей посевных площадей под пшеницу. По всей видимости, в данном случае наблюдается явление, необходимость выполнения плановых заданий заставляет местные органы власти расширять долю земель под низкоурожайные культуры в ущерб высокоурожайным. Иными словами, высокая урожайность пшеницы позволяет выделять под нее меньшие площади, освобождая таким образом остальные для хлопчатника. Очевидно, что при рыночном распределении ресурсов происходило бы прямо противоположное: хозяйства, имеющие высокую урожайность пшеницы, старались бы выделять под нее больше земли.

Показатели положительной связи для факторов урожайности хлопчатника и пшеницы практически совпадают:

1. Размеры фермерского хозяйства (количество занятых, объем текущих расходов, в том числе на удобрения и химикаты).

2. Оснащенность сельскохозяйственной техникой.

3. Наличие сельскохозяйственного образования у руководителя фермерского хозяйства.

4. Продолжительность существования фермерского хозяйства.

Продуктивность молочного скота в фермерских хозяйствах довольно низкая, хотя и выше, чем в дехканских домохозяйствах - в среднем около 1150 л в год от одной коровы.

Корреляционный анализ позволил выявить факторы, влияющие на эффективность выращивания крупного рогатого скота и молочного животноводства. Следует отметить, что эффективность мясного и молочного животноводства зависит, прежде всего от размеров используемых участков земли и стада, оснащенности сельскохозяйственной техникой, применения современных технологий. Это, по всей видимости, означает, что крупные животноводческие хозяйства имеют преимущества перед хозяйствами меньшего размера.

Существует значительная региональная дифференциация по производству растениеводческой продукции. При этом она обусловлена не столько разницей в объемах производства, сколько различиями в ценах на локальных рынках. Основная часть растениеводческой продукции фермеров предназначена для продажи – в среднем по обследованным регионам на личное потребление идет менее 10%.

**Ш.ҚАРШИЕВ,**
ТошДАУ, и.ф.н., доцент
**Ф.ЖУРАЕВ,**
ТошДАУ, ассистет
**О.КОБУЛОВ,**
ТошДАУ, магистр

## Қишлоқ хўжалигида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг аҳамияти

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг бош негизида аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадлари, аҳоли фаровонлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш ётади. Бугунги кунда республикада аҳолининг иш билан бандлигини салмоқ ва сифат жиҳатдан ошириш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Аҳолини иш билан бандлигининг таркибий тузулмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунарларга ўргатиш.

2. Саноатнинг барча жабҳаларини, хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш.

3. Иш билан бандликга кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда, аввало, ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни тақазо этади.

Ўзбекистонда янги иш ўринларин ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жумладан қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини яхшилилаш ва кенгайтириш аҳолининг бандлик даражасини ошириш имконини яратади.

2005-2012 йиллар мобайнида иш билан банд булган аҳоли сони 9136 минг кишидан 12223,8 минг кишига ёки 33,7 фоизга ортган. Бу кўрсатгичлар тармоқлар хисссаси бўйича таҳлил қилинганда:

- қишлоқ хўжалиги тармоқларида 272,4 минг кишига,
- саноатда 215,7 минг кишига,
- қурилишда 244,4 минг кишига
- ва бошқа тармоқларда 2368,3 минг кишига ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бу эса ўз навбатида 2005-2012 йиллар мобайнида республикада 3087,8 мингта янги иш уринлари яратилганлигидан далолат буради.

Республикада хусусий тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан бандлик таркибида айрим ўзгаришлар кузатилиб, булар ишчи кучининг тармоқлараро тақсимланиш, шу тармоқларга жалб этилган ишлаб чиқариш воситалари билан боғлиқ. Шунинг учун иқтисодиётнинг турли тармоқларига давлат томонидан ажратилувчи фонд миқдори мехнат ресурслари таркибида ўзига хос ўзгаришларни вужудга келтиради.

Таҳлиллар ўтган беш йил давомида қишлоқ хужалигида ишловчи ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори юқори суръатда ўсганлигини кўрсатади. Бироқ иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш ҳақи миқдорини таққослаш, унинг қишлоқ хўжалиги соҳасида энг кам эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ишчилари учун малака тоифаларини киритиш тавсия этилади. Бундай шароитларда ишчиларга меҳнатнинг мураккаблиги, унинг ижодий кўринишини акс эттирувчи маълум малака тоифаси берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таклиф этилаётган тизим маълум маънода меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофотли шакли билан мос келади. Бунда ҳар бир ходимга муайяниш иш турларини бажариш: ер ҳайдаш, экиш, йиғиш, сут соғиш ва бошқалар бўйича меъёрий топшириқлар белгиланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқган ҳолда аҳоли иш билан бандлиги таркибини яхшилаш йўллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- иш билан бандлик таркиби самарадорлигини оширишда аҳолининг жинс-ёш таркиби, касбий ва умумтаълим тайёргарлиги, корхоналар ўлчамларининг ўзгариши, мулксилик шакллари ва меҳнат унумдорлиги, иш хақининг ўсиши сингари муҳим омилларга эътиборни қаратиш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш масалаларини иш билан бандликни таркиблаштиришнинг муҳим бошқарувчиси сифатида тадқиқ қилиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналарини тубдан ислоҳ этиш, қишлоқ хўжалигида қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш, агросаноат мажмуасининг узлуксиш ишлашини таъминловчи механизм ишлаб чиқиш;

- ишчи кучлар ортиқча бўлган худудлардан ишчи кучи етишмайдиган худудларга меҳнат ресурслари тақсимланишини рағбатлантириш иқтисодиётда катта ижобий силжишлар юз беришига замин яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси сифат жиҳатдан қанчалик юқори бўлса, иқтисодиёт барқарорлиги ҳам, унинг тез суръатларда ўсиши ҳам таъминланади.

**ГУЛЯМОВ С.С.**
ТошДАУ, академик,
**АЗИЗКУЛОВ Б.Х.**
ТошДАУ, катта ўқитувчи

## Фермер хўжаликларида насослардан фойдаланиш сарф-харажатларини қоплашда қўшимча жиҳатларини шакллантириш механизми

Бугунги кунда ресурслар чекланган шароитда мамлакат иқтисодиёти тармоқларида иқтисодийислоҳотлар ўтказиш, ундаги муаммоларни бирданига ҳал этишга уриниш ижобий натижа бермайди. Шунинг учун, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон учун жуда зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш, уни уддалаш орқали иқтисодиётда барқарорликни таъминлашга эътибор қаратилди. Бу борада иқтисодиёт тармоқларида меҳнат муносабатларининг намоён бўлиши, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада такомиллаштириш асосида меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаоллигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини қарор топиши билан меҳнат муносабатларини ўзгартириш, шу асосда меҳнат унумдорлигини ва ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш имкониятлари вужудга келади.

Хўжалик юритишнинг истиқболли шакли ҳисобланган фермер хўжалик-лари эришаётган натижалар уларнинг аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклларидан бири эканини тасдиқламоқда. Аммо, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатдошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда моддий рағбатлантириш билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ҳал қилишни талаб этди:

- пахтачилик фермер хўжаликларида насослардан фойдаланиш сарф-харажатларини қоплашда қўшимча жиҳатларини шакллантириш механизмини жорий этиш;
- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;
- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялаш бўйича молиявий имкониятларини кенгайтириш;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасидаги суғориладиган 4,3 млн. га экин майдон-ларининг 53 %га 1620 дона насос станциялари ва қурилмалари сув кўтариб берадилар. Бундан ташқари Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатадиган қишлоқ хўжалик ерларининг яна 25 % га ҳам 8025 донадан ортиқ кичик насос станциялари ва қурилмалари ёрдамида сув етказиб берилади.

Қишлоқ хўжалигида йилига ўртача истеъмол қилинадиган 11,0 млрд. кВт/соатдан ортиқроқ электрэнергиянинг 8,2 млрд.кВт/соати насос станциялари томонидан истеъмол

қилинади ёки йилига сув хўжалиги комплексини эксплуа-тация қилиш учун ажратиладиган маблағнинг 75 % давлат насос станцияларини эксплуатация қилишга сарфланади.

Ҳозирги кунда насос станцияларида қуйидаги муаммолар мавжуд.

1. Насос станцияларининг асосий ва ёрдамчи гидромеханик ҳамда энергетик жиҳозлари реконструкция қилиниши ёки бутунлаш алмаштирилиши лозим.

2. Катта диаметрли қувурлари емирилишлар натижасида қалинлигини йўқотиб бўлган, баъзи қисмлари тешилиб ишдан чиққан.Уларнинг ишдан чиққан қисмлари алмаштирилиши, қолган қисмлари эса, капитал таъмирлашдан чиқарилиб тикланиши лозим.

3. Насос станциясининг барча ёрдамчи жиҳозлари эскириб, реконструк-ция қилинишга ёки бутунлай алмаштиришга тайёр ҳолатга елиб қолган.

4. Насос станциясининг асосий ва ёрдамчи биноларини капитал таъмирлашдан чиқариш лозим.

5. Насос станциясининг гидротехник иншоотлари капитал таъмирлашга муҳтож.

Юқоридаги ишларни бажариш жуда катта маблағ талаб қилади. Ҳукума-тимиз қарори билан ушбу маблағлар чет эл банклари ва халқаро ташкилотлар киритаётган инвестиция маблағлари ҳисобига қопланмоқда.

Ҳозирги кунда қуйидаги насос станциялари Осиё тараққиёт банки томони-дан киритилаётган инвестицион маблағлар ҳисобига реконструкция қилинмоқда:

1. «Аму-Занг» машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси – умумий қиймати 73,2 млн. АҚШ доллари;

2. Андижон сув омборидаги «2-ГЭС» учун ХХРдан жиҳозлар келтириш лойиҳаси – умумий қиймати 10,03 млн. АҚШ доллари;

3. Охангарон сув омборидаги кичик ГЭС учун ХХРдан жиҳозлар келтириш лойиҳаси –умумий қиймати 5.91 млн. АҚШ доллари;

4. Андижон вилоятидаги «Гулбахор-1К» насос станциясининг қайта таъмирлаш лойихаси - умумий қиймати 5.76 млн. АҚШ доллари;

5. Бухоро вилоятидаги «Куйи-Мозор» насос станциясини кайта тиклаш лойихаси - умумий қиймати 12.0 млн. АҚШ доллари;

Бундан ташқари Самарқанд вилоятидаги «Нарпай» ва Фарғона вилоятидаги «Бешариқ» насос станцияларини реконструкциялаш режалаштирилган.

Ўтган ўн йилликда хўжаликлараро суғориш шохобчаларидан фойдаланиш учун қилинган харажатлар икки бараварига ошган, хўжалик суғориш шохобчалари учун қилинган бу хилдаги харажатлар эса бор йўғи 15% ни ташкил этган. Ўзбекистонда минглаб гектар майдондаги хўжалик суғориш шохобчалари учун хизмат қилаётганлар сони 1-2 кишига тўғри келса, хўжаликлараро 4-5 кишига тўғри келади, лекин замонавий суғориш тизимида хўжалик шахобчалари фондларининг қиймати, хўжаликлараро шахобчалар-никига қараганда икки баравар юқори туради.

Шунингдек, пахтачилик фермер хўжаликларида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда айрим муаммолар ҳам мавжуд:

– суғориладиган майдонларни кўллатиб суғориш;

– экинларининг суғориш тартиби ва техникасига риоя қилмаслик;

– сувнинг қатъий ҳисоб-китобини жорий қилинмаганлиги;

– суғоришнинг замонавий илғор технологияларини қўлланмаслиги;

– сув истеъмолчилари томонидан сувни беҳудага коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйилиши;

– сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик каби бир қатор муаммолар ҳамон ечимини кутиб турибди.

Жумладан, СИУни нормал фаолият кўрсатиши учун ўртача 1 гектар майдонга 13-14 минг сўм маблағ тўлов талаб этилса, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 7-8 минг сўм ташкил этмоқда холос. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан

самарали фойдаланиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш турлари бўлиб, жумладан:

- эгатлаб оддий усулда суғориш;
- эгатларга плёнка тўшаб суғориш;
- шланглар ёрдамида суғориш;
- тупроқ остидан суғориш;
- томчилатиб суғориш;
- ёмғирлатиб суғориш.

Сув хўжалиги иншоотларини тиклаш билан бир қаторда суғоришда сув тежовчи илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳам республикамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Пахтачилик фермер хўжаликларида насослардан фойдаланиш самарадор-лигини ошириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди ва шу асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Фермер хўжаликларида насослар ёрдамида суғориладиган экин майдон-ларида суғоришнинг “томчилатиб суғориш” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда суғориладиган майдоннинг реал ҳолати, ўлчамлари ва содир бўлаётган ўзгаришлар тўлиқ ўз аксини топади. Пировардида эса сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.

Мисол учун, пахтани эгатлаб суғоришда 1 гектарига ўртача сув сарфи 6-8 метр кубни ташкил этиб, томчилатиб суғоришда эса ўртача 2,5-3,0 метр куб сарфланади. Демак, сув сарфи ўртача 50-60 фоизга камаяди. Республика бўйича **619579,6** гектар майдонларни насослар билан суғоришни ҳисобга олсак, тежаладиган сув миқдори 1 млрд 858 млн 738 минг 800 метр кубни ташкил этади, (619579,6*3000=1858738800) .

Худди шундай бошқа ресурслар харажатларини тежалишига эришилади, (электр энергияси, дизель ёқилғиси, эксплатацион сарф харажатлар ва ҳ.к.)

Албатта бунча катта миқдордаги ер майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ҳам кўп миқдордаги молиявий ресурсларни талаб этади. Бизнингча, бу жараён мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган узоқ муддатли махсус дастур асосида босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Чунки, кейинги йилларда кузатилаётган сув танқислиги ва бу масаланинг яънада кескинлашуви кутилаётган ҳозирги шароитда юқорида билдирилган таклифларни асосли деб ҳисоблаймиз.

2. Экин майдонларини насослар ёрдамида суғоришда янги технология-ларни жорий қилишнинг самарадорлик кўрсаткичларини нафақат иқтисодий (ҳосилдорлик, харажатларни тежаш, фойдалилик ва ҳ.к.) балки ижтимоий характердаги ижобий натижаларга эришишликни ҳам ҳисобга олиш лозим.

3. Ўртача ва кучли шўрланган ҳамда насослар ёрдамида суғориладиган ерларда маҳсулот етиштираётган пахтачилик фермер хўжаликлари учун ягона ер солиғи бўйича қуйидаги имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ:

1. 20-25 ц/га бўлса - ягона ер солиғи суммасидан 13-15% чегирма бериш;
2. 25-30 ц/га бўлса - ягона ер солиғи суммасидан 18-20 % чегирма бериш;

Шунингдек, тупроқ унумдорлиги яхши насослар ёрдамида суғориладган ерларда ҳам имтиёзлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

1. 30-35 ц/га бўлса - ягона ер солиғи суммасидан 15 % чегирма бериш;
2. 35-40 ц/га бўлса - ягона ер солиғи суммасидан 20 % чегирма бериш;
3. 40 центнерда юқори бўлса - ягона ер солиғи суммасидан 25 % чегирма бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган имтиёзларни амалга ошириш пахтачилик фермер хўжаликларида моддий рағбатлантириш механизмини жорий этишга асос сифатида хизмат қилади.

**ХУШМАТОВ Н.С.,**
ЎзБИИТИ директори, и.ф.д. ,
**АЗИЗКУЛОВ Б.Х.,**
ЎзБИИТИ мустақил тадқиқотчиси

## Пахтачиликда фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида жумладан, қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар асосида соҳада мавжуд бўлган техник-технологик салоҳиятидан фойдаланишнинг ташкилий шакллари ҳам унга мос ҳолда ислоҳ қилинди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнига ресурстежамкор агротехнологияларнинг жорий этилиши маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаштириш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2012 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1% ни, ғалла тайёрлашда эса 79,2% ни ташкил қилди”[1] деб баҳо беради Президент И.А.Каримов.

Республикамиз мустақилликка эришишгандан сўнг, қишлоқ хўжалигида экин майдонларини жумладан, 1991 йилда жами 1720,6 минг гектар пахта экин майдонларини 2012 йилга келиб 1315,6 минг гектарга[2], яъни 405,0 минг гектарга қисқартириш асосида жами суғориладиган экин майдони таркибидаги салмоғини 35-40 фоизгача тушириш фермер хўжаликларида мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланишни, ресурстежовчи технологиялар ҳисобига пахта хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришни тақозо этди. Ушбу ҳолат пахтачилик соҳасини ички ва жаҳон бозоридаги конъюнктура асосида ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Пахтачилик билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга эга стратегик мақсад бўлиб, бу ҳолат пахта етиштиришда миллий ифтихор даражасига кўтарилганлиги ушбу соҳада ўнлаб йиллар давомида моддий-техник, ижтимоий интеллектуал, касб профессионал салоҳиятлар ва йирик тажрибалар тўпланганлиги республикамизнинг халқаро меҳнат тақсимотида, дунё пахта бозорида йирик пахта ишлаб чиқарувчи ва толани экспорт қилувчи давлатлар орасида етакчи ўринларда туриши, валюта тушумининг салмоқли қисмини таъминлаши ва ниҳоят пахта етиштириш фермерларнинг турмуш тарзига, асосий даромад манбаларидан бирига айланганлиги билан изоҳланади.

Бизнингча, республикада пахтачилик соҳасини истиқболда худудларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ички ва жаҳон бозоридаги пахта маҳсулотларига бўлган талабдан келиб чиқиб, соҳа самарадорлигини таъминловчи омиллардан унумли фойдаланиш асосида ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бунинг учун аввало фермердан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш агротехнологиясини етарли ва мукаммал даражада ўзлаштиришни тақозо этади.

---

[1] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т. “Ўзбекистон” 2009 йил. 21-22 бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

Пахтачилик фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга ошириш бу фермерларнинг маҳсулот етиштиришда амалга оширадиган асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис Пахтачилик фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга ошириш умумий самарадорликка таъсир этувчи етакчи омиллардан деб баҳоланиши лозим.

Фермер хўжаликларида ҳар бир омилнинг таъсири ўзаро боғлиқликда эканлигини таъкидлаган ҳолда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш бозор шароитида бевосита ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган жараён эканлигини таъкидлаш зарур.

Демак, пахтачиликда агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадор-лигини ошириш ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилмалари ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни тақозо этар экан, фермер хўжаликларида мавсум мобайнида табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган агротехнологик жараён ҳисобланиб, ҳар бир босқичда махсус ёндашув, маълум даражада фермерларнинг касб ва билим малакасини талаб этади.

Шу жиҳатдан пахтачиликда агротехник тадбирларни амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлашда уларни ўзаро боғлиқликда ҳамда ғўза нави ва ўзига хос бўлган жиҳатлари, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити ва тупроқ шароити ҳамда ресурс таъминотини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади.

Маълум бир ҳудудда тупроқ шароити ва сизот сувлари жойлашуви ҳисобига суғориш меъёрларини режалаштириш, иккинчи бир ҳудудга мос келмаслиги ёки аксинча зарур қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва қўлланилиши бир хил бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан айрим агротехник тадбирлар бир маротаба амалга оширилиши билан ниҳояланса, айримлари бир неча босқичда даврлар бўйича давомли равишда амалга оширилиши мумкин.

Пахта хомашёсини етиштиришни даврлар бўйича (экишгача бўлган, экин экиш, парвариш ва йиғим-терим) амалга ошириш босқичларида талаб қилинадиган хизмат турларининг ўз вақтида бажарилмаслиги экин майдонидан олинадиган ҳосилдорликни кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида фермер хўжалигининг ишлаб чиқаришини зарар билан якунланишига олиб келади.

Пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологиялар фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш усулларини мунтазам такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошира бориш билан узвий боғлиқдир. Бунда ҳар бир минтақанинг тупроқ иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига фан ютуқлари ва илғор тажрибанинг янги, самарали усулларини жорий этиш йўли билан эришилади.

Агротехнологияни тўғри қўллашнинг зарурий шарти унинг бир-бирига боғлиқлиги ва тупроқ, иқлим шароитлари, экиннинг биологик хусусияти, навлари ва уларнинг қайси мақсадларда ишлатилишига эътибор бериш асосий шарт ҳисобланади.

Умуман олганда, фермер хўжаликларида ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш дейилганда фақат замонавий техника, кимёвий ўғитлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари таьминотини билдирибгина қолмай, ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш жараёнида агротехнологик тадбирларни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш тизими назарда тутилади.

Пахтачиликда агротехник тадбирларни амалга ошириш тизими ва улардан фойдаланишнинг таснифланишидан келиб чиққан ҳолда соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминловчи ушбу расмда келтирилган ва бажарилиши лозим бўлган амаллар ижобий таъсир кўрсатади.

Ресурстежовчи агротехнологиялар маҳсулот етиштиришда техника восита-ларининг далага кириши билан боғлиқ ортиқча амалларни қисқартирилишига, тупроқ унумдорлигини яхшиланишига, пахта ҳосилдорлигини ошишига, сувдан самарали фойдаланишни, минерал ўғитларнинг экологияга ва инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олинишини,

унинг нархи ошиб бораётган ҳозирги даврда маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланишга, қўшимча сарф-харажатларни тежалиши, ҳосилни тез ва ўз вақтида йиғиштириб олиш мавсумини муваффақиятли якунланишига ҳамда соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилишига хизмат қилади.

**ХУШМАТОВ Н.С.,**
ЎзБИИТИ директори, и.ф.д. ,
**АЗИЗКУЛОВ Б.Х.,**
ЎзБИИТИ мустақил тадқиқотчиси

## Пахтачилик фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш жараёни кўп мақсадга, йирик кўламга, яқин, қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан олганда, бу вазифаларни амалий ҳал қилиш бевосита фан-техника ютуқларини жорий қилиш, фаннинг ролини ошириш орқали маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаш, техника ва механизмлардан, маҳаллий органик ва минерал ўғитлардан, кимё воситаларидан, сув ва бошқа ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишни талаб қилади.

Бу борада фан-техника тараққиёти муҳим роль ўйнайди. Чунки, фан-техника тараққиётига суяниш ва уни амалиётга жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилидир. Жаҳон тажрибаларидан маълумки, фан-техника тараққиёти ёки қишлоқ хўжалигига ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Дунё бозоридаги ва шунингдек, ички бозордаги рақобат кучайиши, ҳар бир маҳсулот етиштирувчи субъектдан камроқ сарф харажатлар қилган ҳолда сифатли маҳсулот етиштиришни талаб қилади. Аммо, ҳар бир турдаги сифати талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ҳар бир агротехник тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминлаш учун маълум миқдордаги моддий ва меҳнат ресурслари сарфи талаб қилинади.

Демак, ресурсларни тежаш ҳамда сарф этилишининг чегараси бўлиши лозим. Талаб қилинганидан камроқ сарф қилинган ресурслар етиштириладиган маҳсулот сифати ёмонлашишига ёки экинлар ҳосилдорлиги пасайишига олиб келиб, ишлаб чиқарувчининг фойда олиши эмас балки маҳсулот етиштириб, оқибатда зарар кўришига замин яратади. Кўпинча фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун зарур ресурслар (сув, уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, меҳнат сарфи) қанча бўлиши кераклиги тўғрисида маълумотга чуқур эътибор қаратмайдилар ёки маълумотга эга эмаслар. Ресурслар қанча кўп сарф қилинса, шунча ҳосил яхши бўлади деган фикрлар ҳам йўқ эмас.

Демак, бу борада илмий асосланган амалий меҳнат ва моддий-техник ресурс-лар меъёрларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

- ҳозирда хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи субъектлар фаолияти кенгайиши ва асосий хўжалик юритувчи субъект сифатида фермер хўжаликлари ривожлантирилиши ресурсларни сарфлашга бўлган муносабатлар ўзгаришига ҳам олиб келди;

- фермер хўжаликларининг экин майдонлари ҳажмидаги ўзгаришлар, уларнинг қишлоқ хўжалик техникаларига талаби ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари ва режимида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди;

- янги замонавий, серунум ва айни пайтда қиммат қишлоқ хўжалиги техникаларининг пайдо бўлиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенг қамровда механизациялаш масаласидаги ёндашувларни ҳам ўзгартирди, мавжуд меъёрларнинг талабларга жавоб бермай қолишига олиб келмоқда ва меъёрларни ҳам янгилаш талаб қилинмоқда;

- табиий иқлим шароити ўзгариши ер ва сувдан оқилона фойдаланиш тизими бузилишига, ер ресурслари шўрланиш, тупроқ унумдорлиги пасайиши, механик таркиби бузилиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган бир пайтда, атроф муҳит экологик ҳолатини назорат қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, алоҳида омилларни такрорланиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, айрим холларда ушбу гурухлар таркиби бўйича келтирилган омиллар барча масалаларни тўлиқ қамраб олмайди. Бундай ёндашув мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичида айниқса бозор муносабатлари ривожланаётган иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ўзгаришлар ижтимоий йўналишлар устуворлигида юз бераётган вазиятда бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Пахтачилик фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга ошириш-нинг иқтисодий самарадорлигига ресурсларни таъминланганлик таъсирини аниқлаш ва таҳлил этишда, бир хил ишлаб чиқариш йўналишидаги хўжаликлар миқёсида тадқиқот ва таҳлилар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигига алоҳида омилларнинг таъсир даражаси, хўжаликнинг нафақатгина ишлаб чиқариш ихтисослашувига шу билан бирга бошқа бир  қатор  объектив ва субъектив омилларга боғлиқ.

Шунинг учун турли шароитларга қараб биринчи ўринга табиий ёки техник - иқтисодий омиллар чиқиши мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш ва унда инновацион технологияларни тадбиқ этиш шароитида, одатда агротехник ва ташкилий-хўжалик омиллари биринчи даражали ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини янги техника ва технологиялар билан таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш тизимида ҳақиқий рақобат муҳитини вужудга келиши лозим. Акс ҳолда тармоқда юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Шунингдек, пахтачиликда агротехник тадбирларни амалга ошириш ва ундан самарали фойдаланишни ўз муддатида олиб борилмаслигига уларнинг молиявий аҳволи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ҳолати ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Пахтачилик фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи яхши эмаслигига ва улар фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларни  шартли равишда 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ омилларига, табиий-иқлим шароити ҳамда  аксарият фермер хўжаликлари экин майдонларида олинадиган ҳосилдорлигининг пастлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва механизация даражасининг талаб даражасида эмаслиги билан бевосита боғлиқ.

Иккинчи гуруҳ омилларига пахтачилик фермер хўжаликларини молиялаш-тиришнинг амалдаги механизми билан боғлиқ.

Кейинги гуруҳ омилларига ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш ресурсларни ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ҳамда бозор инфратузилма-ларнинг талаб даражасида эмаслигини киритиш мумкин:

Бизга маълумки, иқтисодий қонуниятлардан, жумладан меҳнат унумдорлиги даражасига баҳо бериш нуқтаи назардан ёндашилса бу соҳада жонли меҳнат эвазига етиштирилаётган маълум миқдордаги ҳосил бирлиги камайишига олиб келаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ соҳада иш ҳақи даражаси ортиши кузатилиши керак бўлсада, амалиётда эса тескари жараён яъни, иш ҳақи даражасининг соҳа миқёсида нисбатан пастлиги сақланиб қолинмоқда. Натижада янги агротехнол-огияларни жорий этишнинг иқтисодий

самарадорлиги ўз-ўзидан пасаймоқда, Жумладан, техника ва бошқа ресурслар таъминотида илмий асосланган меъёрларга нисбатан ер майдонлари юкламасининг ортиши қуйидаги салбий оқибатларга олиб келади:

– пахтачилик фермер хўжаликларида агротехнологик жараёнларни ўз мудда-тида амалга оширилмаслиги ёки сифатсиз бажарилиши натижасида мавжуд экин майдони бирлигидан олинадиган ҳосилдорлик даражасининг пасайишига, ишлаб чиқариш харажатлари ортиши ва таннархи қимматлашувига;

– мавжуд техникалардан максимал даражада фойдаланиш учун ҳаракат қилиниши натижасида уларни жорий назорат ва капитал таъмирлашнинг ўз вақтида ўтказилмаслигига ва бунинг оқибатида техникаларнинг тезликда ишдан чиқишига, машина трактор паркининг тўлиқ таъминланмаганлиги ва экин майдони бирлиги юкламасининг юқорилиги, ишчи хизматчилар тўлиқ даражада таъминланмаганлиги ва моддий манфаатдорлик даражасининг пастлиги, молиявий, жумладан айланма маблағларнинг маълум миқдорда ва зарур даражада етишмаслигига.

Фермер хўжаликларида йиллар давомидаги майдон бирлигида ҳаражат ва ҳосилдорлик ўзгариши ўртасидаги тескари нисбат натижасига таъсир этувчи омиллар соҳани барқарор ривожланишига ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини маълум даражада чеклаб қўймоқда.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалигида, жумладан пахта экин майдонларидан олинадиган ҳосилдорликни ошиши, сарф-харажатларни тежалишини, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ва пахтачилик соҳасини барқарор ривожланишини таъминлашда аротехник тадбир-лардан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқлигини ва уларни амалда қўллаш ишларига янада жиддийроқ ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ж.З.ФАРМАНОВ,**
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, катта илмий ходим-изланувчи

## Бозор иқтисодиётини чуқурлаштиришда фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари

Аграр соҳани модернизациялаш шароитида иқтисодиётнинг бошқарилиши иқтисодий дастак (восита)лар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса баъзи муаммоларни ҳал қилишга давлат аралашувини талаб қилади. Бу аграр соҳага ҳам тегишлидир.

Бозор иқтисодиётини қарор топтириш биринчи навбатда иқтисодиётни эркинлаштиришни тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири бу иқтисодий фаолият эркинлигидир. Лекин эркинлаштириш дегани бутунлай назоратсизлик дегани эмас, балки давлат мувофиқлаштиришни маълум бир йўллар билан ўз қўлида ушлаб туриши керак.

Иқтисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида ўрин тутади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб тармоқлараро рақобатга бардош бераолмайди. Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермер хўжаликларини ҳам бозор шароитида ўз-ўзини бошқариш билан барқарорликка эришади, деб ўйлаш доимо тўғри бўлавермайди. Умуман, давлатнинг иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги вазифалари қишлоқ хўжалигига бевосита таллуқлидир. К.Макконел ва С.Брюлар давлатнинг аграр соҳадаги вазифаларини фермер хўжаликлари муаммолари билан боғлаган. Уларнинг фикрича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари, фермерларнинг моддий-техник ресурсларни сотиб олишда уларга ўтказиладиган тазйиқ «бозор ҳукмронлиги» давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлашни белгилаб беради.

П.Самуэльсон АҚШда давлатнинг қишлоқ хўжалигига ёрдами: биринчидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабни ўрганишдан ва ҳақиқий харажатларни камайтиришдан; иккинчидан баҳоларга ижобий таъсир қилувчи тадбирларни қўллашдан; учинчидан субсидиялар беришдан; тўртинчидан баҳоларни кўтариш мақсадида айрим экин майдонларини қисқартиришга қаратилган дастурларни қўллашдан; бешинчидан фермерларга тўғридан-тўғри ёрдам беришдан иборат бўлишини таъкидлайди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурлари фермерларга ривожланиш чора-тадбирлари белгилаш талаб қилинади. Ушбу тадбирлар қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

- тармоқдаги эркин рақобат муҳитини эътиборга олиб, фермерлар маҳсулоти кескин арзонлашиб кетиши ва улар хонавайрон бўлмаслиги учун мазкур маҳсулот нархининг энг қуйи баҳосини белгилаши лозим;
- Давлат ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиб олиб унинг захирасини яратиши керак. Натижада давлат харид этган миқдорда маҳсулот таклифи қисқаради, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини нисбий барқарор ушлаб туриш имконини беради.
- Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортини субсидия бериш орқали миллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ҳимоя қилиши лозим.
- Давлат қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фан-техника муаммолари сарфини ўз зиммасига олиб, фермер айни маълум тарафлардан ҳоли қилиши керак.
- Давлатнинг аграр сиёсати тармоқ маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф мувозанатини таъминлаш ва фермер харажатларини қисқартириш ҳамда тармоқ маҳсулотларини сотиб олиш ва унга хизмат кўрсатувчи соҳалардаги монопсон ва монопол бозор имкониятларини чеклашга қаратилиши лозим.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши уларга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратишдир. Фермер хўжаликларининг муаммоларидан бири ишлаб чиқариш харажатларининг кўплиги ва соф фойда кам бўлганлиги натижасида уларнинг даромадлари харажатидан пастлиги туфайли такрор ишлаб чиқариш имкониятлари доимо мавжуд эмаслигидир. Бу муаммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш билан ҳал қилинса, қишлоқда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, фермер хўжаликларида банд бўлганларнинг даромадини ва турмуш даражасини ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида юзага келган номутаносиблик фермер хўжаликлари ўз фаолиятини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тамойиллари асосида олиб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай номутаносибликнинг сабаблари:

- қишлоқ хўжалигида тартибга солинадиган, бошқа тармоқларда эса тўла эркин бозор иқтисодиётининг амал қилиши;
- аграр сиёсатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан устувор тамойилини амал қилаётганлиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларига боғланмаган ҳолда моддий-техник ресурслар, сервис хизматлари нархларининг кескин ортиб кетиши, қайта ишловчи, тайёрлов, харид корхоналарининг монопол ва монопсон ҳукмронлиги, аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиб кетиши ва бозорга нисбатан арзон импорт маҳсулотларининг кириб келишидир.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланган давлатларда фермер хўжаликлари манфаатлари давлат томонидан турли йўллар билан ҳимоя қилинади. Масалан:

- ерга бўлган ҳуқуқий кафолатни таъминлаш ва ундан эркин фойдаланиш механизмини яратиш;
- иқтисодий дастаклар (тарифлар, квоталар, солиқлар, товар баҳоларини ушлаб туриш ва бошқалар киради) орқали иқтисодиётни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш;

- бевосита тўловлар (табиий офатлар учун суғурталар ва бошқа ҳар хил тўловлар) тизимини яратиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид ва тайёрлов тизимини эркинлаштириб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар сонини кўпайтириб, улар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали фермер хўжаликлари олдида турган муаммоларни ечиш.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, аграр соҳани давлат томонидан иқтисодий воситалар ёрдамида қўллаб қувватлаш ўзини оқлаган. Шу билан биргаликда бунда бозор иштирокчилари ташаббус кўрсатиш ва тадбиркорликдан махрум бўлиб, улар фақат давлатнинг назоратида қолади, деб қараш нотўғри бўлади. Амалда бозор механизми асосий роль ўйнагани ҳолда, давлат бозор иқтисодиётининг қатъий талабларидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар хўжалигининг юксалишидан манфаатдор бўлган. Шундай қилиб, тартибга солинадиган бозорнинг турли хил кўринишлари шароитида давлатнинг роли шундан иборатки, у бозор механизмини тартибга солиб туради, ишлаб чиқариш якка хукмронликнинг олдини олиш, озиқ-овқат товарлари сифатини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради.

**Б.Т.ШОДИЕВ,**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти тадқиқотчиси

## Қоракўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда қоракўлчилик ширкат хўжаликлари, шунингдек яйлов-чўл ҳудудларида фаолият кўрсатаётган чорвачилик фермер хўжаликларини янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли қарорига асосан эса қоракўлчилик ширкат хўжаликларига ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ҳамда таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектларини, энг аввало зооветеринария хизмати кўрсатиш, сунъий қочириш пунктлари, кучли озуқали ем-хашак сотиш, зотли ва наслли қоракўл қўй ва қўчқорлар сотишга ихтисослашган аукцион ўтказиш савдо шахобчаларини ташкил этиш каби кенг кўламдаги тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Республика қоракўлчилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳот жараёнлари, тармоқ иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаштириш тадбирлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги каби устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий бойлик ҳисобланган ер майдонларини, чорва молларини, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгаларига бириктириш масалаларининг амалдаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмлари такомиллаштирилаётган бўлса, айрим меъёрий-ҳуқуқий механизмлар янгидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Бугунги кунда мамлакатимиз, эл-юртимиз ҳаётнинг барча соҳа ва йўналишларида янги ва улкан ўзгаришлар бўсағасида турибди. Бу юксак марраларга эришиш учун бизда пухта ишланган, тажрибада ўзини оқлаган стратегия ва ҳаракат дастури ҳам, имконият ва салоҳият ҳам, ирода ва азму шижоат ҳам етарли»[1] деб таъкидлаб ўтдилар.

---

[1] Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 41-б.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши аграр соҳада ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу соҳадаги сиёсат бозор муносабатларини такомиллаштириб, кенгайтириб бориш, ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва шу асосда иқтисодий самарадорликни имконият даражасида оширишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини шу жумладан, қоракўлчилик тармоғида самарали бошқарув тизимини шакллантириш, қоракўлчилик ширкат хўжаликлари фаолиятини бозор муносабатлари ва тамойилларига мос равишда мувофиқлаштириш ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ширкат хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларига бўлган мустақиллик кўламини кенгайтириш;
- қоракўлчилик маҳсулотларига бўлган нархларни эркинлаштириш;
- ширкат хўжаликларида маҳсулот етиштириш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) жараёнларида моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш тизимларини кенгайтириш;
- яйловларни тиклаш ва ривожлантириш, қоракўлчилик хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни юритилишида имтиёзларни қўллаш;
- қоракўлчилик тармоғини бошқариш тизимида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, чет эл инвестициясини жалб этишни ривожлантириш, тармоқда иқтисодий барқарор ўсишни таъминлашга қаратилган самарали хўжалик юритиш сиёсатини жорий қилиш ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар натижасида тармоқларда эркинлаштириш ва модернизациялаштириш жараёни туфайли товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиш томон бормоқда.

**Ш.Ю.ЭРНАЗАРОВ,**
ТошДАУ, и.ф.н. доцент
**Д.САИДАКБАРОВ,**
ТошДАУ,талаба

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий барқарорлик гарови

Ўзбекистон истиқлолнин гдастлабки кунларидан барча жабҳаларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган кенг кўламли мажмуавий ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича ўз йўлини танлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил ва изчил ислоҳотлар стратегиясига асосланган мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича «Ўзбек модели» бераётган юксак самаралар бугун бутун дунёда эътироф этилган. Давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг пухта ўйлангани, ислоҳотларни амалга оширишга тадрижий ёндашувлар ушбу ижобий жараёнларни ортга қайтариб бўлмаслигининг кафолатига айланди.

2013 йил 22 октябрда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида туққиз ойлик Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари – 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарари ишлаб чиқариш ҳажимлари – 15,9 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажимлари – 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажимлари - 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажимлари 12,4 фоизга ўсганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади — кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдан иборатдир.

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош ва сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инобатга олган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспорт таркибида жаҳон бозорларида харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, аввало, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим масалалардан бири бўлиб, 2013 йилнинг 3-чорагида 21,2 мингта янги кичик бизнис ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, кичик бизнис субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиариш ҳажимларини 15,2 фоизга ўстиришга ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини 51,2 фоизга кўпайишига олиб келди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тадбиркорлик фаолияти учун янада кенг имконият ва эркинликлар яратиш мақсадида қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йида қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тизими иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим йўналишлардан бири бўлиб, Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, микромолиялаш бу борадаги энг самарали механизмлардандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 май куни қабул қилинган Фармонига мувофиқ, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди ва у бугун Марказий Осиё ва Европа мамлакатларидаги энг яхши ўнта микромолия банклари қаторидан жой олди. Мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, айниқса, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган, дастлабки капитални шакллантириш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил қилишда кўмаклашмоқда, уларга фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш борасида самарали хизмат кўрсатмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида ушбу секторнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни тобора ошиб бормоқда, рақобатбардош маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда.

Республикамизда кичик ва хусусий корхоналар нафақат савдо, хизматлар кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият юритаётир, балки инновацион, нано ва биотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда саноатда, илмталаб юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам уларнинг улуши ортиб бораётир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш, ташқи бозорларга маҳсулот чиқариши учун яратилаётган имкониятлар ҳам кенгаймоқда.

# М У Н Д А Р И Ж А


| | | |
|---|---|---|
| 1. | ҚОСИМОВ М.Ч. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, мажмуа раҳбарининг ўринбосари, и.ф.н. КИРИШ СЎЗИ ...................................... | 3 |
| 2. | ХУШМАТОВ Н.С. Аграр ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини таъминлашда инновацион ғоялар аҳамияти ва агротехнологиялардан фойдаланишдаги иқтисодий масалалар ...................................................................... | 5 |
| 3. | ОЛИМЖОНОВ О. Аграр иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар..................................................................................... | 10 |
| 4. | ЧОРИЕВ Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг асосий механизм ва йўналишлари.................................... | 12 |
| 5. | БОЗОРОВ Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида Фермерлар Кенгашларининг роли ............................ | 18 |
| 6. | МЎМИНОВ Б.О. Аграр соҳа ривожланишида илмий-инновацион тадқиқотларнинг ўрни........................................................................................ | 22 |
| 7. | НАЗАРОВА Ф., АЗЛАРОВА С.А. Развитие экспорта сельского хозяйства в Республики Узбекистан.......................................................................................... | 24 |
| 8. | ГАЗИЯНЦ Э.И., РУСТАМБЕКОВА Ш.У. Повышение производительности труда – как фактор ускорения инновационных процессов в фермерских хозяйствах................................................................................................................ | 25 |
| 9. | ТАДЖИБАЕВА Д.А. Перспективы развития микрофинансирования аграрного сектора..................................................................................................................... | 27 |
| 10. | МУРОДОВ Ч. Приоритетные направления развития дехканских хозяйств........... | 30 |
| 11. | САИДЖАНОВ С.Ж. Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари.................................................................................... | 32 |
| 12. | РАФИҚОВ И.Э., МУХТОРОВ А.Х., НАВРУЗОВ Ю., Фермер хўжаликларида инновацион фаолликни оширишда ахборот-консалтинг хизмати кўрсатиш тизимини тутган ўрни ва аҳамияти....................................................................... | 34 |
| 13. | ИЛЬИНА Д.Н. Реформирование сельского хозяйства во Вьетнаме: рекомендации для Узбекистана ............................................................................. | 36 |
| 14. | РАХМОНОВ Д. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чорвачиликни барқарор ривожлантиришнинг асосий омиллари.................................................. | 38 |
| 15. | СААТОВА Х.Я., МУРОДОВА Д.Ч. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ...................................................................... | 40 |
| 16. | ГУЛЯМОВ У., ХАЛИЛОВ У. Инновациялар – корхона рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили.................................................... ........................... | 44 |
| 17. | АСТОНАҚУЛОВ К.Д. Кичик хўжаликларида ғаллани эрта муддатларда ўриб-йиғиштириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги.......................................... | 46 |
| 18. | ЭРГАШЕВ О.Р., ХОЛИҚУЛОВ Б. Саноат корхоналари қайта ишлаш чиқиндиларининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири ҳамда иқтисодий аҳамияти.................................................................................................. | 47 |
| 19. | ЮСУПОВА М.С. Рост и развитие саженцев яблони на вегетативно-размножаемых подвоях в условиях питомника................................................................................ | 48 |
| 20. | МУРОДОВА Д.Ч. Деҳқон хўжаликларида инновациядан фойдаланиш.................. | 49 |
| 21. | АЗИЗОВ Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қиймат яратишни иқтисодий рағбатлантириш йўналишлари............................................................................... | 51 |
| 22. | ЛИ М., ГОЦУЛЯК А.С. Пути экономического стимулирования эффективного использования водных ресурсов............................................................................ | 53 |

| | | |
|---|---|---|
| 23. | МАМАТҚУЛОВ А. Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш............ | 55 |
| 24. | ГУЛЯМОВ У., ХАЛИЛОВ У. Агроиқтисодиётда инновация фаолиятининг устувор йўналишлари............ | 57 |
| 25. | ЗАХИДОВ Ғ.Э. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш йўллари............. | 59 |
| 26. | ДИЛМУРОДОВ О.Г., АБСАМАТОВ А. Пахта хом ашёси етиштиришда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари............................ | 61 |
| 27. | МУРОДОВ Ч., ШОХИМАРДОНОВ Д.Р. Балиқчилик тармоғини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари............ | 64 |
| 28. | АБДУЛАЗИЗОВ Ш.А. Қишлоқ хўжалик ерларини шудгорлашда ёқилғи сарфини режалаштириш............ | 66 |
| 29. | АБСАМАТОВ А., ИМОМОВ Э. Жанубий ҳудудларда боғдорчиликни жойлаштириш самарадорлиги............ | 68 |
| 30. | БАЙИРОВ М.Т. Истиқболга мўлжалланган ресурстежамкор намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш............ | 70 |
| 31. | НАЙИМОВ Н.Қ. Мева-сабзавотчилик қуйи мажмуасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ва муҳим хулосалар............ | 72 |
| 32. | ОТАМУРОДОВ Ш.А. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизими самарадорлигини ошириш............ | 73 |
| 33. | ХОЛМАТОВА Г.Р. Ишлаб чиқаришни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузишнинг моҳияти............ | 75 |
| 34. | АБДУЛАЗИЗОВ Ш.А., ХУРРАМОВ Э. Ер ости сувлари сатҳи юқори ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларини самарали жойлаштириш............ | 77 |
| 35. | ФАЙЗУЛЛАЕВА Т.Р., САБУРОВА З. Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини таъминлашда кооперациянинг роли............ | 79 |
| 36. | ГУЛЯМОВ У. Инновациялар бозорини шакллантириш............ | 81 |
| 37. | САТТОРОВ Р. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши жараёнидаги муаммолар............ | 82 |
| 38. | МУРОДОВ Ж.Ч. Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини статистик ўрганишни такомиллаштириш............ | 85 |
| 39. | ДЖАЛИЛОВ Б.С. Тамакичиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари..... | 87 |
| 40. | МУРОДОВ Ч., ҲАСАНОВ Ш.Т. Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея Республикаси тажрибасидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари.......... | 89 |
| 41. | МАМАДИЕВ А.У. Чорвачилик тармоғини модернизация қилиш омиллари.......... | 93 |
| 42. | БЕКМИРЗАЕВ М.А. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришда молиявий омиллардан фойдаланиш............ | 97 |
| 43. | НОРАЛИЕВ Н.Х., ХАЙДАРАЛИЕВА Ш. Расчет экономической эффективности в скотоводстве............ | 98 |
| 44. | ТУРСУНОВ Ш. Экспорт в Республике Узбекистан............ | 100 |
| 45. | НОМОЗОВ З.А. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш технологиялари-фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш омили............ | 101 |
| 46. | ЮСУПОВ С.Ю., МАМАТОВ Б.С., БОЛТАЕВ А.Ж., ҲАКИМОВ У.Н., НАРЗУЛЛАЕВ Х.Қ., Ҳар хил катта-кичикликдаги совлиқларда қимматли қоракўл тери гулларининг намоён бўлиши............ | 103 |
| 47. | ЮНУСОВ Б.Ю., ИМИНЖАНОВ Б.М., НУРМАТОВ А.А. Чорва молларини озиқлантиришда инновацион усулларни жорий этишнинг айрим амалий жиҳатлари............ | 105 |
| 48. | ЮЛДАШЕВ А. Глобал иқлим ўзгаришининг мамлакат қишлоқ хўжалигига таъсири ва уни камайтириш йўллари............ | 107 |

| | | |
|---|---|---|
| 49. | НОСИРОВ У.Н. Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда маҳсулотлар таннархини камайтириш омиллари.................................................... | 109 |
| 50. | ХОЛМИРЗАЕВ И.А. Қишлоқ хўжалигини инновацион асосда ривожлантиришни такомиллаштириш масалалари................................................ | 111 |
| 51. | МЕНГЛИКУЛОВ Б., ХЎЖАНАПАСОВ Х., АСЛОНОВ Н. Чорвачилик фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлили........................................................ | 114 |
| 52. | ЯДГАРОВ А.А. Замонавий технологиялар асосида саноат тармоқларининг ривожланиш тенденцияси ва унинг иқтисодиётга таъсири .................................... | 117 |
| 53. | РАХИМОВ А.С., МАМАТҚУЛОВ А. Аграр тармоқда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг долзарб масалалари.............................. | 119 |
| 54. | БАХРЕТДИНОВА Х.А., РАШИДОВ Ж.Х. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.................................................................................................................... | 121 |
| 55. | РАИМЖАНОВА У.Н., МУХТОРОВА З. Инновации в универсуме образования... | 123 |
| 56. | ТАБАЕВ А.З. Сув истеъмолчилари уюшмалари молиявий фаолиятини бошқаришда бюджетлаштиришнинг аҳамияти ва истиқболлари............................ | 125 |
| 57. | БАХРИДДИНОВ А.Р. Пиллачилик тармоғини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари........................................................................................... | 128 |
| 58. | БАХРИДДИНОВ А.Р., ҚУРОЛОВ М.А. Тутзорлар барпо этишда тут кўчатларини жойлаштириш схемалари ва иқтисодий самарадорлиги..................... | 132 |
| 59. | ЭГАМБЕРДИЕВ О., ЭШЧАНОВ Р., ИБРАГИМОВ Н., АКРАМХАНОВ А., ВОЛКОВ А. Ерларни лазер нивелирида текислаш – кам сув, юқори ҳосил ва қўшимча даромад манбаи........................................................................................ | 137 |
| 60. | БУРАНОВА Д.Д. Внедрение инновационных технологий в сельское хозяйство как важнейшая задача обеспечения продовольственной безопасности страны......... | 140 |
| 61. | САМАТОВ Ғ.А., РУСТАМОВА И.Б. Техника ва технологиялар ривожланишининг генезиси..................................................................................................................... | 142 |
| 62. | ЎРОҚОВ С. Мотодельтапланлардан фойдаланишнинг афзалликлари..... | 144 |
| 63. | КАРИМОВ Б.К., КАМИЛОВ Б.Г. Внедрение интенсивного рыбоводства как основа инновационного развития рыбного сектора Узбекистана в XXI веке................................ | 147 |
| 64. | ДОСМУХАМЕДОВА М.Х. Қора-ола зотли голштин генотипли сигирларни лактация фазалари бўйича серсут қилиш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги........................................................................................................ | 150 |
| 65. | ХОДЖИБОЕВ М.Ш., КОМИЛОВ А. Аграр тармоқ иқтисодиёти ривожланишида инновациянинг тутган ўрни ва аҳамияти......................................................................... | 151 |
| 66. | ТУРСУНОВ Ш.А., ДЕҲҚОНОВА Ш.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизими................................................................................... | 153 |
| 67. | АБДУЛЛАЕВ А.А., ШЕРМАТОВ О.А. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий омиллари ва улардан самарали фойдаланиш.............. | 155 |
| 68. | АЛИЕВ Я.Э. Қишлоқ хўжалигида моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари..................................................................................... | 157 |
| 69. | КАРИМОВ М.Р. Дон тозалаш самарадорлигини ошириш йўллари......................... | 159 |
| 70. | ОЧИЛДИЕВ О.Ш. Ўзбекистонда фойдаланишга кириб келган янги турдаги ғалла комбайнларини турли ўрим шароитларига мослаштириб ишлатиш самарадорлиги............................................................................................... | 161 |
| 71. | ХАТАМОВ Б.А. Янги маккажўхори йиғиш машинасининг иқтисодий самараси............ | 162 |
| 72. | МЕНГЛИКУЛОВ Б.Ю. Фермер хўжаликларида моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари................................................. | 163 |

| | | |
|---|---|---|
| 73. | НАЗАРОВА У.А. Фермер хўжаликларини лизинг олишдаги имтиёзларининг ўрни........................................ | 165 |
| 74. | НИШОНОВ Ш.Ш. Совершенствие экспортного потенциала агропродукции в условиях конкурентно способности........................................ | 168 |
| 75. | МУРОДОВА Д.Ч. Тижорат банкларида микромолиялаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари........................................ | 169 |
| 76. | МИРЗАХАНОВ М. Эффективность обработки семян пшеницы препаратом УЗХИТАН........................................ | 172 |
| 77. | ХАЛИЛОВ Н.Х., ХАЛИЛОВ У.М. 4-х польные интенсивные кормовые севообороты и резервы увеличения производства кормов........................................ | 174 |
| 78. | ЙУЛДАШЕВ С. Особенности устойчивого развития сферы услуг в сельских районах........................................ | 176 |
| 79. | БУСТОНОВ К. Деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари........................................ | 178 |
| 80. | НИГМАДЖАНОВ У., ТИЛЛАЕВ А. Условия и причина необходимости возрождения сельскохозяйственных потребительских и других кооперативов в сельском хозяйстве........................................ | 180 |
| 81. | ФАРМАНОВ Т.Х. Неорошаемые засушливые земли: проблемы повышение их использования........................................ | 184 |
| 82. | МУХТОРОВ А.Х., РАФИҚОВ И.Э., САИДЖОНОВ С. Қишлоқ хўжалигида инновацион хизмат ва маҳсулотларга бўлган талабни аниқлаш усуллари ва уни такомиллаштириш йўллари........................................ | 187 |
| 83. | МАХАМБЕТОВА У.Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда деҳқон хўжаликларининг самарадорлиги........................................ | 192 |
| 84. | МУҲАММАДИЕВА Д.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг айрим жиҳатлари........................................ | 194 |
| 85. | ТУРОПОВ Ш. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш йўллари........................................ | 196 |
| 86. | ШОДМОНОВА Г., САЪДУЛЛАЕВ У.Н. Ишлаб чиқариш функциялари орқали суғориладиган ерлардан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш........................................ | 198 |
| 87. | ТУРДИЕВ А.Қ., АБДУМУРАДОВА Д.А. Фермер хўжалигида инновацион соҳа – қуёнчиликни ривожлантириш истиқболлари........................................ | 200 |
| 88. | ДЖАСИМОВ Ф., ШАЙМУРОДОВ Н.Т., САЙФУЛЛАЕВА З., ШАЮСУПОВ Б.Б., БОБОНАЗАРОВ Х.С. Влияние возраста маток джайдара на показатели продуктивности их ягнят........................................ | 201 |
| 89. | АМАНТУРДИЕВ Г.Б. Некоторые вопросы инновации кормления сельскохозяйственных животных........................................ | 203 |
| 90. | ҲАФИЗОВ И.И., Ш.ИСАМУХАМЕДОВ С., ҲАФИЗОВ А.И., ЮЛДАШЕВ А. Чорва моллари наслчилигида уларни озиқлантириш, сақлаш ва парваришлаш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари ........................................ | 205 |
| 91. | ҲАФИЗОВ И.И., Ш.ИСАМУХАМЕДОВ С., ЮЛДАШЕВ А., МУХИДДИНОВ А. Насл учун ўстириладиган буқачаларни сут ичиш даврида озиқлантиришни ташкил этишда инновацион ёндашувнинг айрим жиҳатлари........................................ | 209 |
| 92. | ХУШМАТОВ Н., АБДУЛЛАЕВА С. Чорвачилик маҳсулотлари ва тармоқ учун зарур саноат маҳсулотларига талаб ва таклиф, баҳо шаклланишида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли........................................ | 211 |
| 93. | МЎМИНОВ Б.О., ХОЛМИРЗАЕВ И.А. Фермер хўжаликлари экин майдонларини диверсификациялаш – уларнинг капиталлашувини оширувчи омилдир ................. | 214 |

| | | |
|---|---|---|
| 94. | АСҚАРОВ Н. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ........... | 216 |
| 95. | ТУРОПОВ Э.И., ТУРГУНОВ А., БЕРДИМУРОДОВ У., САЛОМОВ М. Қишлоқ хўжалик машиналари юк кўтариш механизми кинематикасини аналитик усулда таҳлил қилиш ва номинал юк кўтариш баландлигини аниқлаш.............................. | 217 |
| 96. | АШУРМЕТОВА Н.А. Взаимосвязь востребованности выпускников ВУЗов и качества образования ........................................................................................ | 220 |
| 97. | СУЛТАНОВ Б., УМАРОВ С., БАХРИДДИНОВ А. Сув хўжалигида инновацияларни жорий этилиш ҳолати ва мавжуд муаммолар ............................... | 223 |
| 98. | МАМАТОВ А.А., МАМАТОВ М.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш имкониятлари ва устувор йўналишлари ................... | 225 |
| 99. | АБДУЛЛАЕВ А.Ж., МУСТАФАЕВ А.С. Приоритеты в развитии сельскохозяйственной кооперации в Узбекистане | 227 |
| 100. | АСЛАНОВА Р.И. Аҳоли турмуш даражасини ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизими ......................................................................................... | 229 |
| 101. | АХМЕДОВ Т.Х. Анализ показателей эффективности фермерских хозяйств ......... | 230 |
| 102. | ҚАРШИЕВ Ш., ЖУРАЕВ Ф., КОБУЛОВ О. Қишлоқ хўжалигида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг аҳамияти ............................................................................................................ | 231 |
| 103. | ГУЛЯМОВ С.С. АЗИЗКУЛОВ Б.Х. Фермер хўжаликларида насослардан фойдаланиш сарф-харажатларини қоплашда қўшимча жиҳатларини шакллантириш механизми ........................................................................................ | 233 |
| 104. | ХУШМАТОВ Н.С., АЗИЗКУЛОВ Б.Х. Пахтачиликда фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари ............................................................................................................ | 236 |
| 105. | ХУШМАТОВ Н.С., АЗИЗКУЛОВ Б.Х. Пахтачилик фермер хўжаликларида агротехник тадбирларни амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ........................................................................................................ | 238 |
| 106. | ФАРМАНОВ Ж.З. Бозор иқтисодиётини чуқурлаштиришда фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари ......................................................... | 240 |
| 107. | ШОДИЕВ Б.Т. Қоракўлчиликда иқтисодийислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ....................................................................................................... | 242 |
| 108. | ЭРНАЗАРОВ Ш.Ю., САИДАКБАРОВ Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий барқарорлик гарови ....... | 243 |

# ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш
ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари.
– Тошкент. – ЎзБИИТИ, 2013. – 251-б.

Муҳаррир: З.Юлдашев, А.Х.Мухторов,

Макет тайёрловчилар:
Н.Асқаров, Ў.Э.Худайбердиев, З.Сабурова

Босишга рухсат этилган: 25.01.2014 йил.
Бичими 60х84 1/8. Шартли б.т. 14,4
Нашр ҳисоб табоғи 14,8 Буюртма № 1
Баҳоси шартнома асосида.
Нусхаси 500 дона.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида
компьютерда чоп этилди. 100140. Тошкент вилояти,
Қибрай тумани. Университет кўчаси, 2-уй.